

83.3/54

Д-33

Вахоб
РАХ,МОН

Мумтоз
СЎЗ СЕҲРИ




Ваҳ;об
РА^МОЫ

J/И *Сит о ?*

‘**ЎЗ СЕХРИ**

МАЦОЛАЛАР ТУПЛАМИ



Тошкент
«O'zbekiston»
2015

39/Рўó

УУК: 82.09(045)
КБК 83.3С5У)
Р 33

Туплаб нашрга тайёрловчилар: **Эркин Рахмонов,**
Тулцин Рахмонов

Таъризчи:
Музаффар Маматкулов,
филология фанлари иомзоди, доцент

Рашидов, Ваҳоб р о о **Мумтоз суз сеҳри:** мақолалар
туплами/В.Рахмонов;

туплаб нашрга тайёрловчилар: Э. Рахмонов, Т. Рахмонов.
- Тошкент: «О'ғбекМоп» НМИУ, 2015. -440 б.

ЎБВ 978-9943-28-390-9

Ушбу тупламга адабиётшунос олим Ваҳоб Рахмоновнинг навойшунослик, бобуршунослик, матншуносликка оид турли йилларда ёзган, айримлари республика газета ва журналла-ри саҳифаларида нашр этилган, баъзилари хонадон архивида сақланган мақолалари киритилган. Китоб мумтоз адабиёт мута-хассислари, филолог илмий ходимлар, магистрантлар, талабалар ҳамда узбек мумтоз адабиёти билан кизикувчи кенг китобхонлар оmmasига мулжалланган.

У#К: 82.09(045)
КБК 83.3(5#)

КВЫ 978-9943-28-390-9

© Ваҳоб Рахмонов, 2015
© «О'ғбекИйт» НМИУ, 2015.

УУК: 82.09(045) КБК
83.3(5Ў)
Р 33

*Туплаб нашрга тайёрловчилар: Эркин Рахмонов,
Тўғлқин Рахмонов*

Т аъризи:
Музаффар Маматқулоп,
филология фаилари иомзоди, доцент

Рах;монов, Вахоб

Мумтоз суз **сеҳри:** маколалар тўғлами/В. Рахмонов; Р 33 туплаб нашрга тайёрловчилар: Э.Рахмонов, Т.Рахмонов.
- Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. -440 б.

ISBN 978-9943-28-390-9

Ушбу тўпламга адабиётшунос олим Вахоб Рахмоновнинг навойшунослик, бобуршунослик, матншуносликка оид турли йилларда ёзган, айримлари республика газета ва журналлари саҳифаларида нашр этилган, баъзилари хонадон архивида сақланган маколалари киритилган. Китоб мумтоз адабиёт мутахассислари, филолог илмий ходимлар, магистрантлар, талабалар ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти билан кизикувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

**уўК: 82.09(045)
КБК 83.3(5ў)**

ISBN 978-9943-28-390-9

© Вахоб Рахмонов, 2015 ©
«O'zbekiston» НМИУ, 2015.

ПАВОИЙ КИТОБИ УЗРА МУК ТУШИБ..

Навоий Заноси

Хар бир миллатнинг бир ёки бир неча улут фарзандлари булади, улар Аллох ато этган буюк гайрат, мислсиз ирода, теран акл-идрок ва эзгу ахлоқ-одоблари билан шу халд байроклари каби мукаддас тимсолларга айланадилар. Улар андозалар- га сиБмайдиган улур хизматлари ту файл и эл томо- н ид а и бошга кутарилади, эъозланади, асрлар, хатто минг йилликлар давомида кадрланади.

Агар сиёсат ва давлатчилик сохасидаги бундай буюклар турли даврлар ва хар хил халкларда гох салбий, гох ижобий бахолаисалар, адабиёт хамда санъат вакиллари барча миллатлар, бутун башарият гомонидан факат севилади ва кадрланади.

Жахон адабиёти титанларини энг киска руйхатда куз унгимизда тизадиган булсак, булар - Хомер, Эврипид, Ли Бо, Рудакий, Фирдавсий, Данте Алигъери, Низомий Ганжавий, Хофиз Шерозий, Алишер Навоий, Вильям Шекспир, Йоханн Вольфганг Гёте, Александр Пушкин, Лев Толстой, Оноре де Бальзак, Александр Достоевский, Жек Лондонларнинг хамиша порлок сиймолари уз ижод оламлари билан гавдаланадилар. Чунки уларнинг хар бири уз халклари ва башарият учун адабий даходирлар.

Адабий дахоларнинг бошка сафдош ва даврадош булган мумтоз шоир хамда адиблардан фарклари йи- рик булади. Чунончи, биз учун Юсуф Хос Хожиб, Хофиз Хоразмий, Сайфи Сароий, Атоий, Саккокий,

Лутфий, Бобур, Нишотий, Мунис, Огахий, Нодира, Гулханий, Увайсий, Мукимий, Фуркат, Фитрат, Абдулла Кддирий, Чулпон, Усмон Носир, Ойбекларнинг ҳар бири мумтоз суз санъаткори сифатида улур ва миллатимиз фахри, ҳар бир китобхон учун азиздирлар.

Ўзбек мумтоз адабиётимиз шохсупасида уч икtidор: Навоий, Бобур ва Огахий сиймолари гавдаланади. Биринчи урин истисносиз Алишер Навоийгагина хосдир. Чунки Навоийгача ҳам, ундан кейин ҳам унинг истеъдоди даражасидаги инсон хали ёрур оламга келмади. Бу хақиқатни XV асрадаёқ замондошлари Абдурахмон Жомий «Хирадномаи Искандарий», Бобур «Бобурнома», Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» ва Муҳаммад Хайдар мирзо «Таърихи Рашидий» асарларида аниқ-равшан ёзганлар, таъкидлаганлар.

Хуш, Навоий даҳосининг қайси қирралари уни жаҳон суз санъаткорлари сафига олиб чиқди?

Биринчидан, унинг миллатимиз адабиётига хизматини қайд этайлик. Унгача ижод қилган мумтоз шоирларимиз сафлари сийрак ва адабий маҳсуллари озроқ, улар шурулланган адабий жанрлар мундарижаи қисқа эди. Алишер Навоийдан кейин ҳам бу манзара унчалик узғариб қетмади.

Агар илмда муболага қилиш мумкин бўлса, Навоий ўзбек мумтоз адабиётида ижобий маънода инқилоб ясади. Унинг бир узи юзга яқин истеъдодлар юқини елкасига олди. Унинг биргина даҳоси XV асрада туркий адабиётни дунёнинг жуда бой адабиёти бўлган форс адабиёти билан бўйлатиб қуйди.

Унинг бу соҳадаги хизматлари:

- туркий шеърятга турт девон - «Ҳазойин ул-маоний» билан қириб келди.
- туркий адабиётга мислсиз «Ҳамса»ни олиб қирди.

- тасаввуфнинг рамзий-адабий талкини - «Лисон ут-тайр»ни ёзди.

- ажам халклари тарихи ва маънавиятига дойр «Тарихи мулуки ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо»ни яратди.

- туркий адабиётга манокиб жанрини олиб кирди («Насойим ул-мухаббат», «Холоти Саййид Хасан Ардашер», «Ҳамсат ул-мутахаййирин», «Холоти Пахлавон Мухаммад»).

- туркий шеърият назарияси асосларини аруз ва муаммога дойр асарлари билан бунёд этди.

Хуллас, уз даври подшохи Султон Хусайн Бойқаро - Хусайний хулосасига кура, Алишер Навоий суз мулкининг сохибкирони эди...

Иккинчидан, агар унинг узбек тилига кушган хиссасини қайд этмокчи булсак, бунда уч нукта ино- батга олинади:

а) узбек тилига давлат макомини бериш хусусида жонбозлик курсатди.

б) узбек адабий тили бой ва мислсиз имкониятларини назарий жихатдан асослади («Мухокамат ул-луратайи») ва амалий жихатдан уз ижоди билан исботлади.

в) Алишер Навоийгача беш юз йил давомида яшаган туркий адабиёт намояндалари уз асарлари- да куллаган сузларни бирма-бир хисоблаб кушиб чикканимизда ҳам биргина Навоий асарларида иш- латилган сузлар микдори бир неча баробар куплик килади.

Энг нозик яна бир масала истеъдод даражаси булиб, Навоийгача ва хозиргача ҳам Алишер Навоий сиймосига насиб этган бу фазилат поронасига ҳеч ким юксала олмади. Унинг адабий маҳорати сирлари хали хозирча энди очила бошлаган курик булиб турибди.

Навоий дахосининг энг мухим пуктасини унинг узи кайл этган, яъни шоир асарларида «дард ва суз (куйиш)» тантанасига кенг урин берган ва бу билан уларнинг вокеликка жуда якинлигини таъмин- лаган. Унинг романтик кахрамонлари - Фарходи, Мажнуни, Ширину Лайлиси хам китобхон учун аф- сонавий эртақ кахрамони эмас, бугунги Отабегу Ку- муш сингари булиб, уларнинг фожиалари, кисмат ва хиссиётлари тугёни калбимизга шундоқкнна якнндан таъсир килиб туради.

Навоий ижоди абадиятининг бош сири - унинг асарларида куйланган умумбашарий улмас ва каримас гоюлар: инсонпарварлик, ахлоклилик, аклий ва хиссий комилликдир.

Инсонпарварлик - инсонни ирки, миллати, жин- си ва ёшидан катъи назар хурмат килиш: унинг бахт-саодатини таъминлашга кулдан келганча хара- кат килиш, узгаларни бахтиёр килишда уз бахтини куришдир.

Ахлоклилик деганда-чи: Навоий фикрича, шахе учун ахлоқ масаласи хаёт-мамот масаласидир: бахт ва бадбахтлик, солихлик ва фосиклик, олийжаноб- лик ва ёвузлик, вафо ва жафо, хак ва ботил, хамма-хамма нарса ахлоқка тегишли. Жахон ёки бирор мамлакатда ахлоклилик тантана килса шу жойнинг узи жаннатнинг бир гушасига айланади.

Комиллик - касбда мохирлик, табобатда хозик- лик, ахлоқда камтарлик ва иоклик, аклда - укиш ва укиш риёзати билан мислсиз юксалишга эри- шишдир. Бу даражадаги инсон булиш, яъни укиб маърифатли булишдан юксак бахт йуклигига амин булади.

Унинг шахеидаги мислсизликка келсак: Навоий узбек халкидан чиккан ва уз саховатли фаолияти билан араб Хотами Тойи саргузаштларини чупчакка

айлантирган куёшсифат сиймо эди. Унинг шиори куйидаги мисраларида аниқ; акс этган:

*Эй Навоий, олам ах,лида тамаъсиз йиц киши,
Х,ар кишида бу сифат йицтур ~ анга булгай шараф! Сен агар
тарки тамаъ цилсанг, у дуг ишдур буким: Олам ах,ли барча
булгай бир тараф, сен - бир тараф.*

Навоий уз шахсидаги тамаъ деган ахлокмй са- ратон касаллигидан кутулган ягона инсон *булиб* туюлади. Навоий ана шу фазилати билан жахон халклари эхтиромига абадий лойивдир.

Навоий ўз даромадларининг 98 фоизини элга эхсои этар, икки фоизини уз шахсий эхтиёжларига сарфларди.

Навоий замондошларининг энг улуглари ва синч-ковлари шоир сиймосидаги фазилатлар куёшидан нуксонлар излайверишган ва топишган: бу нозикми-жозлик, бироз жиззакилик булган. Уша заррабин-лар бунни хам тахлил этиб, ноилож бу камчиликни хам унинг фазилатлари каторига 1^шишган. Негаки, Навоий ихтироси эришилган бойликни элга сочиш бахти эди.

*Жох, ах,ли, фацр ичра Навоийга цтидо - Айланги, бу тарца анга
келди мухтараъ.*

(Эй амалдорлар, давлатмандлар! Фацтрликда сиз Навоийга эргашинг. Чунки бу йу-син унинг ихтиросидир.)

Бу ихтиро (мухтараъ) куйидаги газалнииг икки байтида айтилган:

*Иззат тамаъ ким айласа тарк этмайин тамаъ,
У л хорлицца мужиб эрур: «Азза ман цанаъ».
Тухми тамаъки хорлиц улмиш унинг бари,
Сен буйла хор тухмин экиб, цилма гул тамаъ.*

Мазмуни:

Иzzат исшаган одам тамаъдан воз кечмоги керак.

Тамаъ - хорлик боисидир. Азизлик - цаноангдадир.

Тамаъ уругининг х, осили хорликдир.

Сен хорлик уругини экиб гул унади деб хомхайл цилаяпсанми?

Алишер Навоий уз хдетида умрбод амалиётда си- наган ихтиросидан нега давлатмандлар фойдаланма- яптилар, деб куюнарди, ачинарди, виждони уларга нисбатан кийналарди... шу боис унда жиззакилик сезиларли эди...

Нега Навоий йигилаётган бойликни муттасил хайрия учун сарфлаган? Навоий суфий булгани учун унинг этикодича оламда Халлок - яратувчи Аллохдан бошка хеч нарса йук. Табиат - бор л икни Аллох яратган. Табиат гултожи инсон эса, Аллохнинг жилваси, нури зарраларидир. Навоий шеъриятида рамзан куёш тимсолида Аллох талкин этилади. Зар- ра тимсолида узи ва одамлар тушунилади. Унинг Аллохни ёд этиб йиглаб туккан куз ёшларининг хар томчисида Аллох куёш сифатида акс этади:

Гар Навоий гпукти ул ой фуруцатида бах,ри ашк,

Хар ҷачон боҷсат ҷуёш акси анинг ёшиндадур.

Навоийнинг бойликни халкка сочгани, эхсони - Аллох йулида чин дилдан килган хадясидир. Ана шуни била олсақ, тамаъсиз ва элга эхсон сочувчи киши Худони танийдиган; хасис, узи ва оиласи учунгина бойлик йираётгаилар маълум маънода ху- добехабар эканлигининг кескин фаркига борамиз.

Ва беихтиёр: «Мен кимман? Мен Навоий во- рисиманми, ё Худодан бехабар кимсаманми?» деган саволни узимизга бера оламиз.

Демак, Навоий биз учун адабий дахо, ахлокий намуна, комиллик тимсоли, эзгулик рамзигина эмас, бизни фаолиятимизнинг барча жабхаларида куз-кулок

булиб туришга чорлаган виждоннинг огохдантирувчи
кунБИрОВИДир.

Ўзбек миллатининг бахти борки, унинг Алишер Навоийси бор. Академик Конрад ана шу маънода, яъни Навоий келиб чиккан миллатнинг бахтиёрли- гини алохида кдйд этган эди...

Ўз шахсида адабий дахони етиштириш санъатини биз Алишер сиймосида кураимиз. 3-4 ёшлигидан суз санъатига, шеърийтга нисбатан уЙБОНгаи меҳр, мак- табга кддам куйгач (Хирот анъанасига кура бола 4 йилу туккиз ой туккиз кунликда мактабдорга олиб борилган) алангаланди. Тук/киз ёшдаёк юзлаб газал- ларгина эмас, «Мантик; ут-тайр» достонини ёд олди. Ун олти ёшидаёк у аллакачон 50000 байтни ёд би- ларди, бу 10 та шеърий туплам демакдир. Укиш ва ёдлаши умрбод давом этган. Ажойиби: «Мажолис ун-нафоис»даги байтларнинг асосий кнсмини Навоий уз хотирасига асосланиб келтирган.

У укиб, ёдлаб куяколмаган, узи кайд этганидек уша шеъру достонларнинг ютук ва камчиликларини шахсий мулохазаси чигиригидан утказган:

«Йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида купрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шу- аронинг ширин ва ратин абётидин эллик мингдин ортук, ёд тутубмен ва алар завцу хуш,оллигидин узумни овутубмен ва салону фасодларига фикр айтибмен ва махфий даҷойицига тааммул ва та- факкурлар била етибмен»...

(«Муҷокамот ул-луғатайн»).

Алишер Навоий уз давридаёк адабий мактаб яра- тишга эришган дах,о булиб, буни унинг узи хам биларди:

Эй Навоий, қилгали табъ ах,ли жинси шеър назм, Назминг улди борчапта цофия, балким радиф.

Бу мактаб хозирги кунгача туркийлар дунёси адабиётларида уз фаолиятини давом эттирмакда: Навоий газалларида пайрав татаббуълар яра- тиш; тазмин Базаллар ёзиш, мухаммас ва мусад- даслар боБлаш Мухаммад Шохибекхон Шайбоний, Захириддин Мухаммад Бобур, Нишотий, Машраб, Хувайдо, Мунис, Огахий, Комил, Нодира, Увай- сий, Ахмаджон Табибий, Мухаммад Рахимхон Фе- руз, Аваз Утар, Мукикий, Фуркат, Хабибий, Чар- хий, Эркин Вохидов, Омон Матжон, Жамол Камол иждоладларида яккол сезилади. Шу уринда адабиётшу- иослар эътиборидан четда колган бир тазмин ходи- сасини эслатиш макбул тонилди. Жахон Отин Увай- сий Равоийнинг:

*Чициб ишиц ути куксим чокидин бошимдан ошибдур, Курук,
шохеки гуё уз ичидин ут тутошибдур -*

байтини матлаъ (бош байт) килиб олиб, дилкашгина тазмин разал яратган.

Унинг «Хамса»си таъсирида Подшоҳхожа ибн Абдулвахобхожа «Максад ул-атвор» достонини ёзди. Мухаммадниёз Нишотий ҳам «Хусн ва Дил» достонини ёзиб, хамсачилар сафида эканлигини даъ- во килди. «Махбуб ул-кулуб» таъсирида Хожанинг «Гулзор» ва «Мифтох ул-адл» хикоятлар китоблари ёзилди.

Хоразмик Ризоий Пайвандий «Лисон ут-тайр»га татаббуъ килиб: «Мантик ут-тайр» достонини ярат- ди.

Хатто Навоийнинг лурз ҳамда чистонлари ҳам бу мактаб «дастури»дан урин олди. Уларнинг таъсирида Огахий ва Увайсийлар жозибали лубЗ ва чистонлар ёздилар. Айникса, Навоий ва Огахийнинг «танга» хакидаги лугзлари, Навоий ва Увайсий-

нинг анор хакидаги чистон ва лутзлари бир-бирига жуда якинлиги билан китобхон эътиборини торта- ди. Айиикса, Алишер Навоийнинг таъсири Туркияда кучли булди: подшохларидан бошлаб унлаб шоир- лари Навоий разалларига пайравлар ёздилар, унлаб «Хамса»лар татаббуъ тарзида битилди.

Навоий таъсири уйгур адабиётида: разалиёт ва дostonчиликда жуда сезиларли булди. Абдурахим Низорий Навоий «Хамса»сидаги дostonлар мазму- нидан фойдаланиб, дostonлар ёзди.

Хуллас, Хитой (УЙБуристон)дан Туркиятача булган худудларда Алишер Навоий дахоси таъсири- да асарлар яратилди ва яратилмовда.

Узбекистан, Афронистон ва Туркменистонда Алишер Навоий хакида халк томонидан юздан ортик хикоят ва ривоятлар тукилгани хам бу улуг инсон- нинг халк калбидан нақадар чуқур жой олганини курсатади. Туркман халк ривоятларида Навоий исми Мирали ва Султан Хусайн Султон Суюн тарзида талкин этилган.

Алишер Навоий умрбод эл-халк билан бирга булди. Хусайн Бойқаро салтанати сиёсатини белги- ловчи кучи, шохнинг дусту ва тахти устуни булиб халкка хизмат килди. Барча тоифалар ахволи, минг бир хил феъл-атворли кишиларга дуч келди. Уларнинг хаммаси унинг лирик ва эпик асарларида акс-садо берди. Биргина «Хазойин ул- маоний»да эллиқдан ортик касб-кор ва феъл-атворнинг тилга олингани (газалда-я!) бир жихатдан дахо шеърятининг воқеийлиги ва хаётлийгини, иккинчи томон- дан комусийлигини таъминлади.

Уттиз йиллик сиёсат ва хаёт қозонида жонбозлик курсатиб қайнаган Алишер Навоий уз халкигагина эмас, балки жахон халкига бош уғитини баралла айтди:

и

*О лам ах,ли! Билингизким, иш эмас душманлиг,
Ёр улунг бир-бирингизиким, эрур ёрлие - иш!*

Илк севгисига умрбод с ад о кати туфайли Навоий оиладорлик бахтисиз яшади. Унинг шеърларида танҳоликнинг энг фожиали азоб-укубат эканлиги таъкидлангани бежиз эмас. У замой дарди билан хам, замондошлар дарди билан хам уртанарди:

*Менга ишц дарди эмас мух,лику бас Замон дарди, ах,ли
замон дарди цамдур!*

«Мухлик» сўзн хал окат ли эканлигини билсак, бу байтдан шоир хаёти фожиалар ичида кечганини ид рок эта оламиз. Бу пўлат одам, бу халкимизнинг моддий ва маънавий куёши шахсий хаётдаги бахт- сизлигидан тамоман КўЗ юмиб, эл бахти учун умри- ни фидо килиш намунасини курсата олган башари- ятнинг балки ягона фарзанди эди.

Хар не элга ком эрур, кечти Навоий баридин.

Халқда канака орзу-тилақлар б;улса, Навоий эл учун уларнинг хаммасидан воз кечди.

Унинг умр бўғин бунёд этган биной хайрлари хақида замондоши Бобур мирзо ёзади: «Мунча биной хайрким, ул килди, кам киши мундоқка муваффақ бўлмиш бўлҒай».

Мухими шундаки, Алишер Навоий узининг кимлигини яхши биларди. Унинг хар куни, хар лахзаси, хар томчи кони онгли холатда ЭЛ учун сарфланди.

Навоий тушунчасидаги комил инсон (айникса, амалдор киши)да уч фазилат: тавозеъ (камтарлик), ато (миннатсиз эхсон-хадя) ва авф ^зганинг гуноҳини кечириш) бўлади. Унингча энг улуг фахр, энг юксак камолот Алл ох бандалиги даражасига етиш эди:

*Хар киши комил эрур, бас анга Хац бандалиги,
Мундин у зга тамаъи касби камол айламангиз.*

У бу мартабага етди. Шунинг учун очик изхор этишга ботинди: Менинг дар томчи копим жаннат гулларига - элик-зийнат булади:

*Итлари цут этсун ултургач Навоий цонини,
Барча гар х;ар цатра бир жаннат гулига гозадур.*

Навоий комил иисон эди. Унинг комиллик бел- гилари:

1. Мутафаккир сифатида умрбод уқдб-урганиш, ёд олиш билан шугулланди.

2. Мураббийлик сифати: адабиёт, илм, мусика, рассомчилик, хаттотчиликда мутахассисларни тарбиялашда жонкуярлик ва моддий-маънавий хомийлик килди.

3. Умрини давлат ишларига багишлашни Навоий халк хизмати деб тушунган.

4. Шахсий хусусиятлари:

а) улуг мартабасига кдрамай хаёли, камтар ва камсукум эди;

б) инсон фаолияти узагини бошкаларни бахтиёр этишда курди;

в) кариндош ва дустларига нисбатан ута жонкуярлик ва самимийлик намуналарини курсатди;

г) ёлгонга нисбатан катъий муросазлик к,илди:

*Сузда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво, нагмага тах,син дегил.*

«Илк девон»дан «Хазойин ул-маоний»гача

*Раразким, чу назм улди тух,мат манга,
Ёйилди жах;он ичра шух,рат манга.*

*Разал таврига аввал айлаб ситез,
Жах,он ичра солдим улуг рустахез.*

Алишер Навоий ижодий истикболининг ута юксаклиги муаррих Мухаммад Хондамирнинг «Макорим

ул-ахлоқ» асарида келтирилганидек ёш шоирнинг маликул калом Мавлоно Лутфийга:

*Оразин ёщоч кузумдин сочилур х, ар лах, за ёш,
Уйлаким пайдо булур юлдуз нишон улгоч цуёш.*

*Кут бир бодому ерим гушаи мех, роб эди,
Рорати дин этти ногах, бир б ало лиг кузу цош.*

байтлари билан бошланадиган Базалини укиб бергани ва улуБ устоздан олқиш эшитгани воқеасиданок бизга маълум эди. Бу ходиса пайтида Алишер 14-15 ёшдаги Мадраса талабаси эди. Адабиёт ахлини нега амирзода Алишер пойтахт Хиротда эмас-у, Машхад мадрасаларида тахсил олди? - деган масала хайрат- га солади, албатта. Бунга икки сабаб бор эди:

- биринчиси, хукмдор Абулкосим Бобурнинг пойтахтни Машхад га кучиргани:

- иккинчиси, Машхадга борган киши бунга амин буладики, Машхаддан 40-50 чакиримда Нишопур шаҳри (Навоий ёшлигида ёдлаган достой муаллифи Фаридиддин Атторнинг она шаҳри ва Умар Хайём ватани) ва 30 чакиримлар нари-берисида Абулкосим Фирдавсий - «Шохнома» муаллифи яшаган Туе шаҳри жойлашган.

Нима булганда ҳам Алишер Навоийнинг 8-9 йиллик умри — талабалик даври Машхадга кеч- ди. Агар Машхад шаҳрида туркий адабий мухит булмаганида, бизнингча, Навоийнинг «Илк девони» узбек тилида яратилмаган буларди...

Мадрасани хатм этиб, Хиротга кайтган Алишер Навоий янги хукмдор Абусаид мирзо кабулида булди. Бирор соатлик сухбатдан Хуросон ва Мовароуннахр хукмдори уз мамлакатида Алишер Навоийчалик за- бардаст калам эгаси йуклигига ва бунингчалик до- нишманд киши озлигига амин булади. Биз бу хуло- сага унинг иккита иши юзасидан келмокдамит:

еарой мусаввирлари ва хаттотларига Навоий девонини шохона кнлиб тайёрлаш хакида буйрук берилди;

- Алишер Навоийни угли Абобакр мирзога уқитувчи кдлиб тайинлади.

Хондамирнинг «Хабиб ус-сияр...» асаридаги маълумотларга кдраганда шоирнинг отаси Риёсиддин >^ам Абусаид мирзо эъзозида булган.

Илмда «Илк девон» номида танилган девон Абусаид мирзо топириги натижаси эди. Ана шун- дай килиб Алишер Навоийнинг талабалик йилларида ёзган шеърлари сарой рассомлари томонидан хар бир саҳифаси безатилиб, зархаллана бошла- гач, Султон Али Машхадийнинг хатида кучириб ниҳоясига етказилди. Бу ходиса 1465 йил содир булган эди... Йиллар утди. Аввал Султон Хусайн салтанати мухрдори, сунг вазири аъзам сифатида- ги фаолияти бошланди. 1465-80 йилларда Алишер Навоий бирин-кетин «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларини тузди...

Саксонинчи йиллар ижодининг гултожи «Хамса» булса-да, шу билан баб-баравар шеърлар ижод килиш давом этган ва «Хазойин ул-маоний» номли турт девонга етарли шеърый маҳсул яратилаётган эди.

Агар улуБЛИК меъёри девон л ар саноБИ билан хисобланса, форс шеърйати булбули Хофиз Шерозийда биргина, Саъдий Шерозийда учта, Абдурахмон Жомийда учта девон булган. Бу соҳада энг йирик санод - беШ девон Амир Хусрав Дехлавийга тегишли булса-да, Навоий даврига келиб унинг газалла- ридан намуналаргина колган эди, холос.

Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний»гача учта девон соҳиби эди...

Хиротда Алишер Навоийнинг туркий ва форсий тилдаги ижоди шу даражада гуркираб шухрат

к, озондики, замон хукмдори Султон Хусайн Бойкаро Навоий шахси ва шеърляти хусусида алохида ри- сола ёзди ва улуБ шоирни «Шеърлят мулкининг сохибкирони» дея шарафлади.

«Хазойин ул-маоний» дебочасида ёзилишича, Султон Хусайн Бойкаро бир куни Навоийни уз хузурига чорлаб:

- Илгари икки девон тузган эдингиз. Хозир янги шеърларингиз яна ушанча микдорга етиб колди. Энди жамини *йишиб* туртта девон тузинг,- деган таклифни куяди.

Шоир уз саломатлиги ночорлигини эслатгач, шох мухаррирлик хизматида мойиллигини билдиради. Хуллас, Навоий барча шеърларини келтириб, хукм- дор дустидига куяди. Навоий эътирофича, шоир- нинг шух кизларга ухшатишган шеърларини хукмдор бирма-бир тахрир назаридан утказади. Навоий энди тахрир этилган шеърларини гузаллик тимсоли - келинчақларга ухшатади. Муаллиф таъкидлаши- ча, тахрир давомида бу девондаги хар бир шеърга шохнинг гавхардан киммат маъноли фикрлари дахл этган...

Бундай Караганда девонга «Маънолар хазина- си» («Хазойин ул-маоний») деб ном куйиши но- жоиздай. Чунки Навоийдай камтар инсон бунчалик мактанчоклик килолмаслигини хамма бил ад и. Бу- нинг боиси муаллиф томонидан шундай изоҳланган: «Чун бу маъно гавхари барча ул хазратнинг (Хусайн Бойкаронинг - В.Р.) таъби бахридину зех- ни конидин хосил булди ва алфозу иборат хазойини хамул маънолар гавхаридин тулди, бу маънодин анинг отин «Хазойин ул-маоний» куюлди».

Рубойи:

*Бу бахрки ганжи маоний, дедилар,
Хар цатрасин оби зиндагоний, дедилар.*

*Шох; махзани таъйидин нишони, дедилар Ким,
ани «Хазойин ул-маоний» дедилар.*

Алишер Навоий ижодий йулида девон тузиш силсиласини кузатиш дам мароклидир: унинг илк девони хукмдор Абусаид мирзо фармони билан са- рои рассомлари ва хаттотлари томонидан тайёрлан- ди. Сунгра, узи «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ун~ нихоя» девонларини тузди. «Хазойин ул-маоний» хам олдинги икки девон каби Султон Хусайн Бойкаро тавсияси билан тузилди. Турт девондан иборат лирик комус таркибига аввалги учта девон шеърлари тахрир килиниб киритилгандир. Ва нихоят Навоий форсий адабиётдаги устозларга эргашиб, форсий тилда «Девони Фоний»ни яратди. Унинг бир кисми Хофиз, Саъдий, Жомий, Амир Хусрав...ларга тараб- буъ, бир кисми уз услуби ихтироларидир.

Биз Навоийнинг шеърий ижоди, «Хазойин ул- маоний» ва «Девони Фоний»да жамланган деб ай- тамиз. Агар Навоийнинг 1463 йилдан 1495 йилгача тузилган девонларини бирма-бир тизсак куз олди- мизда шоирнинг саккиз китоби саф тортади:

1. «Илк девон»
 2. «Бадоеъ ул-бидоя»
 3. «Наводир ун-нихоя»
- «Хазойин ул-маоний»:
4. «Раройиб ус-сигар»
 5. «Наводир уш-шабоб»
 6. «Бадоеъ ул-васат»
 7. «Фавойид ул-кибар»
 8. «Девони Фоний»

Бундай куп девонга сохиблик, шеърий сермах- суллик Шарк адабиётда хеч бир бошка шоирга насиб этмаган булса керак.

«Хазойин ул-маоний »ни олимларимиз: «XV аср- нинг лирик комуси» дейишган. Бу рост гап. Бирок



буни чинакам исботлаш, бизнингча, истиклол даври олимлари зиммасига тушади. «Хазойин ул-маоний» шеърларининг хакикий намунали тахлили энди бош-ланса керак.

Негаки, хозиргача бу девон - 3000 газал ва бошка жанрлардаги асарлар тадқиқига Ўзбекистонда 5-6 та салмоқли китоб ёзилди, холос. Холбуки, Хофизнинг ҳар бир Базали хақида биттадан китоб ёзилаётган экан, нега бу анъана Навоий ижоди тадқиқида ҳам қуринмайди? деб хавотирга тушамиз. Шурулар даври Навоийшунослиги мумтоз адабиёт-га нисбатан нописандлик натижасида улуг дахонинг адабий хизматларини - махоратини тегишлича кашф қилиб беролмагани илм ахлига маълум...

Шуниси кизикки, шоирлар Одам Атоси Абу Аб-дулло Рудакийдан бошлаб газал форс адабиётида Амир Хусрав Дехлавий, Жалолиддин Румий, Саъдий, Хофиз, Хожу Кирмоний, Камо л Хужандий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Соиб ижодларида асрма-аср усиб, гуллаб-яшнаб тобора юксалди.

Ўзбек адабиётида эса Навоийгача ва ундан кейин ҳам ҳеч кимнинг газали услуб бақувватлиги ва янгилиги жиҳатидан ундан узоқмади.

Гап шундаки, рубобий бу жанр ибтидоси газал-симон тагазуллар Рудакийдан бошланиб, асрма-аср, даврма-давр шаклланиб, усиб, янги услублар ихтироси (сабки Хофиз, сабки Хуросони, сабки Хинди...) билан узвий тараккий этган бўлса, бизнинг адабиётимизда бу соҳада ярқ этган янгилик бўлмади ёки адабиётшуносларимиз халқ хозирча буни найқай олганларича йук.

Шарқ адабиётшунослигида унлаб сабқ (услуб)-ларни кашф этган олимлар газал тараккиётида уч йирик ҳолатни инобатга оладилар:

- биринчиси: газалнинг шаклланиш тадрижи. Бу Саъдий ижодида шаклланиб, ниҳоясига етди.

Шунинг учун Алишер Навоий Саъдий Шерозийни «газал мухтари» (разал ихтирочиси) деган эди;

- иккинчиси: разални рубобий жанр сифатида :шг барк уриб гуллаган даври (Хофиз ижоди). Бу даврда разалда дунёвий ва диний-фалсафий, рамзий талкинлар хадди аълосига етди;

- учинчиси: разални интеллектуал - тафаккур мевалари даражасига етказиш булиб, бу сабки хинди услубидир. Бунинг кашшофи, туррирори, Саъдийдек шакллантирувчиси Мирзо Абдулқодир Бедил эди.

Бу услубнинг мохияти шундаки, шоир разалнинг хар бир байтида: биринчи мисрада бир фикрни айтади-да, иккинчи мисрада шу фикрга муштарак, муқобил кийматли мисол келтиради. Бу усул унсур- лари Саъдий, Хофиз, Камол Хужандий, Абдурахмон Жомийларда ҳам бор эди:

Камол Хужандий:

*То рух напуши кай шавад аз дида ашки мо равон?
Пинҳон нагашта офтоб ахтар намеояд бурун.*

(Сен юзингни ёпмасанг кузларимиздан ёш оқармиди?
Куёш ботмаса осмонга юлдузлар чикмай- ди-ку?)

Алишер Навоий:

*Кунгул! Лар ноласи зулфунг камандин иогах, он кургач,
Эрур андоцки, цушлар цичциришцайлар йилон кургач.*

Ёки:

*Кунгул чокин кузумда ашки ратин элга фош этти,
Балиг захмини фах, м айларлар эл дарёда цон кургач.*

Мумтоз адабиётимиз бадий санъатлари тараккийсида ташбихнинг нарсани нарсага ухшатишдан, воқеани воқеага ухшатишга юксалиши муҳим ходиса эди. Сабки хиндийда шу жараён янада тараккий

этди: энди ;ухшатиш айтилмайди-да, худди иккин- чи мисолимиздагидек ўхпiani муштарак, мукобил вокеа-ходисалар бир байтда остинма-устун мисра- ларда тизилаверади. Чунончи, киши л ар кадди бу- кик мўйсафидни курганда беихтиёр: «Унинг умри- дан санокли кунлар кол гай» деб ўйлашар. Бедил кексаларнинг букилган коматлари ўлим даракчиси эмас, деган фикрни - андишани биринчи мисрада айтади-ю, уни иккинчи мисрада: бир камон юзта ўКНН тупрокка санчади, деб, бир букри м;уйсафид улгуича юзта йигит оламдан утиши хам мумкин, дея огохлантиради.

*Крмати хамгаштаи пирон нишони марг нест,
Як камон сад тирро бар хок пицон мекунад.
Бир камон (кекса рамзи) сингунча, юзта у к (йигит
рамзи) тупроцца санчилади.*

Ёки:

*Хобнокон мераманд аз огах,и,
Соя аз хуршед худро мекашад.*

Мазмуни:

*Рафлат бандалари огох;ликдан чучийдилар,
Соя цуёшдан узини олиб цочаверади.*

Бедил бу байтда инсонга хос б)^лган маъри- фатсизлик - китоб ўКНМа^НК фожиасини рамзий талкинда ифодалайди.

«Хазойин ул-маоний»ни синчиклаб укиган тадқиқотчи, форс адабиётидаги ана шу усиш боскичларининг асосий белгилари - беш-олти сабк- ларга хос бўлган хусусиятлар Навоий девонида бор- лигига амин бўлади.

Навоийнинг бадиий ихтиро усуллари шу дара- жада тадқиқотчини лол колдирадики, у улар- ни изохлашда кийналади. Чунки бундай усуллар-

ми дуиёдаги бирор бир киши кулламаган. Чунончи куйидаги икки байтни куздан кечирайлик-да, айрим еузларни синов учуй кискартирайлик:

*Тутулса биров угридур деб кучун Ту ту
бон илик...*

Китобхон тухмат билан угри деб тутилган бечо- рага кумаклашгиси келади. Навоий жохл кимсалар рухияти тубаилиги, разолатии шундай фош этади:

*Тутулса бирав угридур деб кучун Тутубон
илик, лек кесмак учун (!)*

Одамлар у шурликни куткариш учун эмас, кулини кесиш учун югурадилар.

*У лум келса бир зори бедил сари
Мадад айлабон...*

Бир бечора ошик бошига котил килич кутариб келса одамлар нима киладилар? Ошикни куткариб, котилни жиловлайдиларми? Хайхот:

*Улум келса бир зори бедил сори Мадад
айлабон, лек цотил сари.*

Одамлар шурлик ошикни куткармайдилар, ак- синча котилга ёрдам берадилар...

Хозирги замон хикояларидаги кутилмаган вазият- лар яратишдек санъатсимон усуллар Навоий шеъ- риятида анъанавий талкинлар билан уйрунликда яшайди. Биз бу усулни бошка бирор шоир ижодида учратганимизча йук.

Бундай бадий ва маънавий кашфиётлар билан Навоийнинг шеърий ва насрий ижоди тулиб ётиб- ди. Факат биз олимларнинг уларни укнб, укнб, я I пиликни кашф этиб, курсата олмок каби улкан бурчимиз бор.

Навоий туркий тилда ижод килувчиларнинг тула маънодаги Сохибкирони, уларнинг бошкага алмаш-

тириб булмайдиган хони, шаханшохи, сардори булиб к,олди. Буни Алишер Навоийнинг узи яхши билар ва фахриясимои ушбу байтда бор хакикдтни айтиб куйган эди:

Цедим: назм ах,линг сархайли ким булгай? Деди х,отиф:

*- Навоий булгай, улким сен тилайдурсен агар булгай.
«Наводир ун-них,оя».*

Алишер Навоий санъатхонасига 60-йилларда Максуд Шайхзода «кириб чиккан»ларидан бери («Шарк юлдузи» журналидаги «Устоднинг санъат- хонасида» туркум маколаларини назарда тутамиз), Алибек Рустамов «Навоий бадий махорати», Ёкуб- жон Исхоков «Навоий иоэтикаси» номли китоблар- ни ёзишган, катор навоийшунослар шоир санъаткор- лигига юзлаб маколалар багишлаган булсалар-да, бу сохада йирик фуидамеитал тадкикотлар яратишга эхтиёж катта.

«Хамса»нинг панд-насшат достони

Алишер Навоий каламига мансуб «Хамса»нинг илк достони «Хайрат ул-аброр» (Яхши кишилар- нинг хайрати) замонамизнинг ижтимоий хаёти кому- си сифатида бахоланадиган асардир. Агар киши «Хамса»да куйилган умуминсоний муаммолар, ахло- кий-таълимий фикрлар мундарижаси, фалсафий мушоадалар дунёсини кузатмокчи булса, биргина «Хайрат ул-аброр»ни укиш билан кифояланса хам булади. Бирок Алишер Навоий ижодининг хар бир байти узига хос бир кашфиёт эканлиги, бу каш- фиёт гох тасвир усулида, гох характер киефасида, гох ахлокий-фалсафий маъноларда, гох хикматпа- растликда эканлигини билган одам шоирнинг бутун ижодига берилиб кетса - туяри килади.

Гап шундаки, «Хамса»нинг долган турт достони- даги асосий масалалар «Хайрат ул-аброр»да дастлаб- ки ифодасини топгандир. Шу маънода «Хамса»нинг илк дафтари колган барча дафтарлар учун мун- дарижалик вазифасини бажаради. Достон йигирма хайрат - мақолотдан иборат. Хар бир хайрат - мақолотда муаллиф бир ижтимоий ёки ахлокий ма- салани тегишлича уртага ташлаб, муҳокама қилиб олади ва бунинг исботини бир хикоя мисолида кел- тиради. «Хайрат ул-аброр»да мутафаккир Навоий суз, кунгил, инсон сурати ва сийрати, султонлар, шайхлар, адаб, каноат, хаё, вафо, ишк, рост лик, илм, калам ах л лари, нафли одамлар, улим, жаҳолат, баҳор, йигитлик ҳақида батафсил мулоҳазалар юри- тади. Шу маънода биз «Хайрат ул-аброр»ни та- факкурнома ёки одобнома десак, тугрирок булади. Бирок бу одобнома болалар учунгина эмас, етти ёшдан етмиш ёшгача булган ҳамма касб, амал, фан, санъат кишилари учун ҳаётий дастурдир.

Одатда адабиётшунослар мумтоз адабиёт асарлари покеалари ва образларини утмиш мулкига йуядилар. Йук, мумтоз суз бугунги мулк, бугунги авлод учун маънавий бойликдир. Алишер Навоий уз халқининг, бенаво улусининг навобахши эди.

Навосиз улуснинг навобахши бул, деб чорлаган фидойи инсон, аввало, бу гапига узи амал қилган эди. Алишер Навоий ижоди: фикрлари, ижтимоий па ахлокий- фалсафий кашфиётлари бугунимиз учун сув ва хаводай зарурдир.

Достондаги хайратта сазовор буюк фикрлардан бири ҳаммамизга маълум булган:

*Одами эрсанг, демагил одами,
Оники, йуц халц гамидин гами.*

байтидир. Бу байтни баъзилар хатто «Ўзбекистан адабиёти ва санъати» газетасида «достонда бу байт

хато ёзилган, у куйидагича булмаги керак» деб даъ- во х;ам к,илиб чикдилар:

*Одами эрсанг, демагил одами,
Оники, йуц халц гами-ю дин гами.*

Афсуски, аслиятга оид бу даъво мутлако хатодир. Чунки мен куплаб кулёмаларни укиб дoston нусха- си тугрилигига амин булдим. Бунинг яна бир асоси шундаки, бу фикр ифодасида Алишер Навоий Шайх Муслихиддин Саъдий Шерозийнинг улмас «Гулис- тон» асаридаги ушбу байтдан илхомлангандир:

*Ту к-аз мех,нати дигарон бегами,
Нашояд, ки номат ницанд одами!*

Демак, дoston буйлаб утадиган бу буюк фикр доирасида олийжаноб инсоний хислатлар тараннум этилиб, очку з лик, манфаатпарастлик, калл об лик, ёлБОнчилик, хунрезлик, бежаёлик, амалпарастлик, иккиюзламачилик аёвсиз танкид килинади.

ТурБунлик йилларининг амалдаги шиорлари: «Узинг учун ул етим», «Узингни бил, узгани куй» эди. Шунинг учун хам у йилларда Навоий тегишли- ча ташвик ва таргиб этилмасди. Чунки Навоий хаёти ва ижодининг асосида бошкалар учун яшаш, узга манфаати учун курашиш, узгани бахтиёр килишда уз бахтини куриш коидаси туради. Иктисодиёт ма- саласи шахсий манфаатпарастлик утига янада ёг куядими... деган хавфимиз йук эмас. Бирок халк узлигини, одам узини таниса, кишининг одамийлиги маълум булса, жамият ахлокан ва маънан согаяди.

Чунки узбек халкининг Алишер Навоийдай фар- занди булган...

Алишер Навоий кишининг сурат (ташки курини- ши) ва сийратини (ички дунёси) чизар экан, буюк

бир муъжиза тимсоли каршисида тургандай хайрат-ларга
чУмади. Энди яна шу муъжиза фаолиятига келганда:

Инсон нюх киёфасида минглаб кишиларни бах-тиёр
хам кила олади, минглаб кишиларни тигдан хам ўТКаЗа
олади. Инсон сиймосидаги хаёли инсонга фаришта-
малакларнинг хасади келади; инсон шакли-даги разилдан
шайтон хайратланади...

Муаллиф кишиларни шам ва найдай Туррп бўлишга
чорлайди. Дархакикат, тик шам ёниб ту-гагунига қадар
одамларга ёруглик сочади. Беихтиёр Алишер Навоий
ўЗбеК халкининг шами эди, дегинг келади!

Хушнаво чурри най-чи? Уз куйи билан элни хам
ингратади, хам яйратади. Навоий хам халкимиз учун
мангулик найи эмасми?..

«Хайрат ул-аброр»да кейинги икки дostonнинг бош
кахрамонлари Баҳром ва Искандар хакида икки хикоя
келтирилган. Навоий шохларнинг идеал образларини
яратишга нима учун уринади? Чунки шоир: шох хислати
халқда ифодаланади, деб ишонади. Дархакикат шундай:
бизнинг раҳбарларимиз ва халкимиз хаёти буни юз
марталаб исботлади!

Навоийнинг ёш замондоши Фахриддин Али Сафий
Искандар хакида шундай латифа келтиради:

Бир киши Искандарга қараб:

- Сиз ер юзининг деярли ярмидан к>шини эгаллаб,
шунча бойликларга эга булдингиз. Нега яна тинимсиз
фотихлик билан маину лсиз?

Искандар жавоб берибди:

- Мавжуд нарсага қаноат қилиб ётиш Турт оёкли
хайвонларнинг ишидир.

«Хайрат ул-аброр»да инсон умрининг муваққатлиги,
хаётнинг ўТКННгаингН хакида фикр юритилар экан,
қуйидаги хикоя келтирилади: Хам шох, хам вали бўлган
Искандар бутун ер юзини ўЗНга

каратиб олди. Етти кават осмон хукмронлиги унга муяссар, етти иклим унга буйсунган эди. У улим лахзаси мукаррарлигини сезиб, уз якинларига охир- ги васиятини изхор этди:

- Мени кумгани тобутга солиб кетаётганларингда тобутнинг бир томонини тешиб кулимни чикариб куйишлар. Токи тобутим йулда борар экан, кулим буш холда хавода тебрансин. Кишилар тобутга на- зар солганда буш кулимни куриб ибрат олсинлар. Билсинларким, етти улка подшоси, энди жисмида жон йук, бу макондан буш кул билан кетмоқда. Кимки жахон мамлакати ва бойлигини хавас килар экан, ушбу кул унга етарли тажрибадир.

Алишер Навоий «Хамса»нинг бешинчи, энг йирик достонини Искандар саргузаштларига баришлади. Искандар уз юртидан ташкари юзлаб мамлакатларни озод килиб, халк додига етди. Бирок у янги-янги улкаларни забт этгани сари унинг бу ишга хирси кучайди. Уз кудрати ва шон-шавкати унинг кузини иардалади. Хатто Навоий аёвсиз равишда Искан- дарнинг «димогога йул топти бими жунун» - унинг миясини хокимлик дагдагаси, телбалиги эгаллади дейди. Асар нихоясида «Хайрат ул-аброр»да келти- рилган воқеа муфассал хикоя килинади.

Илк достондаги бир хикоя «Садди Искандарий»да жуда кенг эпик планда узининг купкиррали талкинини топади.

Шох Бахром хакидаги хикоя хам худди шунга ухшайди. «Хамса »нинг биринчи достонидаги хикоя мазмуни: Яздижурд улиб, урнига тахтга чиккан Бахром маишатга берилиб, кунларни маст-аласт утказа бошлади. Кишилар кунглини овлаш урнига вақтини ов билан утказадиган булди. Кунларнинг бирида Бахром овга бориб, йулдошларидан айрилиб бир дехконникига ноилож мехмон булади. Мезбон

унинг олдига битта котган нон билан бир коса сув куяди...

Шох уй эгасидан: «Факирлик, мухтожлик, ожиз-лик ннмадан?» деб сураганида, мезбон айтди: «Бурун ахволимиз яхшн эдн. Зулм хароб килди. Шох халкннинг ахволндан беҳабар. Унга май ва куйдан бошка нарса керак эмас. Унинг одамлари тамаъ огзини очиб, мамлакатни ер билан тенг килишди. Мана бу куриб турган вайронангиз сарой эди ва унинг ёнида катта бог бор эди. Икки тегирмон ко-риз сувидан хамма ёк ободон эди. Кориз куриди...»

Шох бу гапларни эшитиб, гуё мастлигидан хушёр тортгандек булди. Бахром кунглида хозирги ахволига тавба кнлиб, энди эл гамини ейишга бел боглашни ният килди.

Шу захоти кориздан шариллаб сув келди. Унинг шохлигини билмаган мезбон кувониб мехмонга караб:

- Шохимиз адолатни ният килди шекилли, ко-ригга сув келди... - деди.

«Сабъаи сайёр» достонидаги бош ко л ни ловчи сюжет Бахром ва Дилором севгилари хакидаги Киссадир. Достонда Бахром саргузаштлари хар то-монлама баён этилади. Асар охирида шохлик ва Дилором висолидан маёт Бахром эл-халкни эсдан чикаради. Юзлаб навкарлари билан жуда катта бир жойни халка килиб ураб олиб, ов хайвонларини Кира бошлайдилар. Кон дарё-дарё булиб оқади. Бу чу л куриган боткоклик экан. Ёмгир бошланади. Кон ва ёмгир таъсирида боткоклик янгиланиб, Бахром бош лик барчани ер ютади...

Мутафаккир шоир адолатсиз, окибатсиз шохни ана шундай жазолайди...

«Хайрат ул-аброр»да илм, толиби илм ва олим-лар хакида хам атрофлича фикр юритилади. Илм фазилатлари хусусидаги хикоятда айтиладики, Имом Фахр Розий Хоразмга борганида шох уни куришга

келмайди. Олим дам илмни хурламайин деб шох даргохига куллукка бормайди. Бир куни Имом хам- момга борганида Мухаммад Хоразмшоҳ хам хам- момга киради. Улар куришиб, шох ундан киёмат хакида, ундаги одамларнинг мартабаси хаки да савол суради. Олим жавоб беради:

- Киёмат пайтида бизу сиз худди хаммомдагидек буламиз. Сизнинг шохлигингизу, вазиру вузарою, лашкару аъёнларингиз булмайди. Аллох даргохига бир банда сифатида борасиз. Мен эсам бошимда илмимни олиб бораман... Сизга унда шохликдан фойда йук, аммо илмимдан мен учун эзгуликлар бордир.

Хикоядан сезилиб турибдики, Навоий илм ва олим мартабасини шохлик ва шохдан юк,ори куймокда...

Мазкур масала «Садди Искандарий»да жуда кенг микёсда ишланган: Искандарнинг барча ютуклари унинг атрофидаги олимларнинг илмлари, кашфиёт-лари туфайлидир.

Юкорида асар буйлаб утадиган бош фикр ки- шиларга наф етказиш эканлигини кайд этган эдик. Асарнинг ун учинчи боби булут сингари наф етка- зувчиларга баБишланган.

*Нафинг агар халцца бешак дурур,
Билки бу наф узунгга купрак дурур.*

Мазмуни: Сенинг элга еткизадиган фойданг куп булса, билгинки, сенга тегадиган наф бундан хам купрокдир.

Шуинг аксича:

*Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаки, узига жавр этар.*

Мазмуни: Кимки боищаларга зарар етказишни одат килса, бундан элга эмас, аввало узига жабр этган булади.

Алишер Навоий фикрича, кишилик орасида но- дир сиймо - элга фойда етказувчидир:

*Чун сени Х,ац нодирасон айлади,
Даир элга нафрасон айлади.*

Мазмуни: Худо сени шундай нодир килиб, дунё- даги одамларга наф келтирувчи килиб яратди.

«Хайрат»нинг адабга баришланган боби уз дол- зарблиги билан дикдатимизни тортади. Ота-она бурчи, тарбия такозоси, ота-она х,у рмати... одоб ко- декси юзасидан талкин этилади. Фарзандга ота-она тарбияси унинг ким булиб етилишида хал килувчи омил булади.

*К,атрага чун тарбият этти садаф,
Элга бошига чицуча топти шараф.*

Садаф томчини тарбиялагани учун, у гавхдрга айланиб шох, бошидати тождан урин олди...

Ота-она тарбияси болага ана шундай зарурдир. Тарбия эса гоҳ юмшоклик ва меҳр билан, гоҳ та- лабчанлик ва катъийлик билан амалга оширилади...

Фарзанд ҳам уз навбатида ота-она хурматини жойига куйиши лозим. Эй фарзанд, ота-онага хар канча у луг хизматлар кил сан г ҳам кам деб хисобла- гин! - деб уқтирган буюк ахлоқ; отаси давом этади:

*Бошни фидо айла ато цошига,
Жисми цил садца ано бошига.*

*Икки жах,онингга тиларсен физо
Х,осил эт ушбу иккисидин ризо.*

*Тун-кунунгга айлагали нурфош,
Бирисин ой англа, бирисин цуёш...*

«Хайрат ул-аброр» достони ана шундай бебахо фикрлар, хикматлар, фалсафий мушоҳадалар, панд- насихатлар мажмуасидир. Чинакам оқил кишилар

бу асарни укир эканлар, Алишер Навоий закоси- га, уgit-насихатларига кулок солиб хайратларга чумишлари аиикдир.

«Сирдарё хачик;ати», 1991 йил, 4 январь

Буюк ме^натнома

XX асрда Узбекистонда «Фарход ва Ширин» достони салкам саксон йил буюк мехнат достони, бунёдкорлик кахрамонномаси сифатида талкин этил- ди. Фар ход фавкулудда яратувчи тимсол сифатида хакли равишда улугланди.

*Заруратким, солиб бир узгача тарх;
Бу мех,натномани қилгумдурур шара; -*

деб бу дostonни аламнома, машаккат дostonи сифатида ёза бошлаган Алишер Навоий дилининг балки бир чеккасидан уша фикр хам утган булса не ажаб? Рост-да, китобхон асарга аввало зохиран, мазму- нига кура, ташки куринишга караб бахо беришга урганган, куниккан.

Мен ушбу дostonни нашрга тайёрлаган, бир неча дастлабки бобларини насрий баён килган, кайта- кайта нашрларида гоҳ махсус, гоҳ масъул мухаррир сифатида хизмат килган, кирк йил олийгоҳда Наво- ийдан талабаларга таълим берган бир мутахассис сифатида «Фарход ва Ширин» дostonини тор маънода одобнома, кенг маънода «Одамнома» деб номлагим келади. Кднийди, элимизнинг хар бир ёш вакили Фарход ва Ширинга хос булган одоб мактабида таълим олсалар эди. Асар бош кахрамонларидаги фавкулудда камтарлик, билим ва хунар урганишга булган мислсиз иштиёк, чин мухаббат, вафо ва садокатда устуворлик хакикий инсонийлик мактаби эмасми, ахир?

Одам дунёга келдими - Фарходдай тулаконли и пеон,
мехнаткаш, фидойи ошик, ва умрини эл хиз- матига
бахшида эта оладиган одам булсин...

* * *

Асарга бокий дунё саодати талаби билан ён-
дашганимизда ҳам Фарход уз хаётий саргузаштла- ри
давонида тасаввуфнинг етти боскичини босиб утганини
муаллиф баралла зикр этган. Фарход тар- жимаи холи ва
вокеалари гуё солики атворнинг талаб боскичидан бошлаб,
маърифат, хайрат, ииш, истирно, тавхид ва факру фано
боскичларида кеч- гандай таассурот колдиради.

* *

Фарход сиймосида ёшлиқдан барк, урган фази- латлар:

- Кучли хофиза, хотира:

*Агар бир қатла қурди %ар сабақни Яна
очмоқ йуқ эрди ул варақни.*

- У та тиришқоклик:

*Хам аввал кунда берди сарви гулхад,
Атога қадяйи таълими абжад.*

- Уқувлилик, идроклилик:

*Уқуб утмак, уқуб утмак шиори,
Қрлиб ёдида сафха-сафха бори.*

- Раҳм-шафқатлилик:

*Киши кунглин билиб афгор йиглаб,
Не кузда ашк кургач, зор йиглаб.*

- Барча илмларни ун ёшлигидаёқ эгаллаб булади:

*Жах, онда қолмади ул етмаган илм,
Билиб тахиққини қасб этмаган илм.*

Ун бир ёшдан харбий маишлар (камон отиш, киличбозлик, гурзи уриш, найза санчиш, от суриш, шашпар уриш, ханжарбозлик)ни бошлайди.

- Камтарлик:

*Хаму л илми баланд овоза бирла,
Бу янглиг зури беандоза бирла.
Узин абжад щур элдин тутуб кам,
Дема донишки, зури даст ила х,ам.*

- Тан, тил, дил поклиги:

*Демонким, кунгли пок-у х,ам кузи пок,
Тили пок-у сузи пок-у узи пок.*

- Бирок камолга ета бортани сари унинг вужу- дида чу кур хазинлик сезила бошлайди:

*Эшитгач ишк,-у ошицлик сурудин,
Тия олмай кузидин икки рудин.*

Хокон фарзандини хушвакт килиш учун хакимлар тавсиясига кура турт фаслга рангу накш-нигорлари уйБунлаштирилган турт каср ва турт бог куришга буйрук бериб, вазири Мулкоро (мамлакатни безов- чи)ни ишбоши килиб тайинлайди.

Кдерлар курилиши томошасига келган Фарход каср ва бог бунёдкорлари касб-корига кизикиб, астойдил тош кесиш ва тарашлаш сирларини устоз Кррандан, раем ва накш солишни Монийдан, меъ- морликни Бонийдан урганади.

Куплаб касб-хунарларга иштиёк билан кизикиш ва уларни мукамал урганиш Фарходга хос навбат- даги фазилатдир.

Унинг шунча ёшлик фазилатлари орасида му- аллиф алкайдигани: Фарходнинг бошкаларга Бамхурлиги, мехрибонлиги, узга гамига шериклиги- дир.

Билишга қизик,иш ва сирли нарсалар жумбоБини счишга саъй-харакат унда умрбод сакданиб колди. Отаси хазинасидаги биллур сандик, ичидаги нарса сирини билишга иштиёк хам шунинг натижасидир. Чунки унииг иорлок аклий мулохазасича: инсои кули билаи ясалган хар кандай нарсани одам та- факкур билаи била олади:

*Деди: Х,ар ишчки цилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.*

Илм ва кашфиёт хамда билиш учун инсон минг- лаб чакирим масофаи хам босиб угади. Бунинг учун у тахликали хавф-хатарларга хам юзма-юз бо- ради. Юнонистон сафари худди шундай йирок масо- фа ва хатарлар тула юриш эди. Сухайло кумаги ва Сукрот курсатмаларини мукамал бажариб, Фарход ва хокон Чин мамлакатига кайтиб келадилар.

Фарход хазинага кириб, сирли сандиадан ойнаи Искандарий - Искандар кузгусини олиб, унга назар ташлайди... ва тогда тош кесаётган йигит - узини ва мислсиз гузал Ширин тимсолини куриб... хуши- дан кетиб йикилади.

Хакикий мухаббат энди Фарходни узи билма- ган, аввалгисидан хам азоб-укубатли сафар сари чорлайди. Денгиз сафари, довул туфайли юз бер- ган халокат, Фарходни бир парча тахта юзида сув бетиди йирокларга кетиб колгани ва савдогарлар уни нажот кемасига чикарганлари... Фарходнинг карокчилар кемаларини ёндириб юборгани, Шопур- дай чин дуст топгани ва ниҳоят Арманистонга бортани вокеаларида Фарходнинг метин иродали, кам- тар, халоскорларининг халоскори булгани ва асл мақсад йулида устуворлиги кузатилади.

У тогда арик казиётганлар ахволини куриб кунглида рахм-шафкат жуш уради:

*Хунарни асрабон неткумдур охир?
Олиб туфроццаму кеткумдур охир?!*

дея Кррандан урганган усулда чукич ясаб, арик казишга киришиб кетади. Бир кунда юз кишининг уч йиллик ишига тенг арик казийди. Элга фидойилик даражасидаги меҳнатсеварлик Фарходнинг энг олий- жаноб фазилати булиб куринади. У бу машаккатли ишга бир неча ой сарфлаб арикни казиб булади, икки ховуз ва мухташам каср куради...

Меҳнбону ва Ширин уни бир неча маротаба саройга чорлаб зиёфат берадилар. Саройдаги киркин кизлар орасидаги ун мислсиз олима кизларни Фарход саволлари доводиратиб куяди.

Бирок Фарходни доимо уша камтар, оддий тошйунар кифёсида юрганига, китобхон хайрон қолади, албатта.

Фарход Ширинга булган севгисини яширишга канчалик уринмасин, Ширин сингари бунинг иложи- ни тоиолмайди: юзига кузи тушгани захоти хушидан кетиб йикилади.

Вокеалар майдонига Хусрав бошлик боскинчилар- нинг кириб келиши тасвири Фархрднинг бошка фа- зилатларини намойишга куйгандай булади. Арманис- тон кургони сокчиси сифатида иккита таҳдид тоши билан Фарход Хусрав дубулгаси учидаги милини ва байрори ойчасини уриб учиради.

Энди Фарходнинг кахрамонлик фазилати кузга ташланади.

Ёвуз Хусрав ва маккор вазири Бузург Уммид каллоб хийлагарни ёллаб, охири Фарходни хушсиз холда кулга туширишга эришадилар. У занжирбанд килиниб Салосил кальасига жунатилади.

Фарход ва Хусрав савол-жавобларида ҳам Фарход фикрларининг ёрур ва мантикийлиги хами- ша устун келаверади.

Мухими: Фарходда улим куркуви йук,

Хусрав ва Фарход диалогии камтар, идрок- ли, куркмас, адолатли, ошик Фарход сиймосини, муравой, хавойи ошик,, фикри мантиксиз, айёр, ин- софсиз, золим, боскинчи Хусрав киёфасини жуда бурттириб курсатади.

Фарход ва Шириининг бир-бирларига ёзган мак- тублари бу икки тулакони, баркамол кишилар маъ- павий ички дунёсини хар томонлама очиб бера- ди. Ширин хатидан унинг аёллик назокати, чексиз мухаббати, сунгги лахзагача севгисига содиклиги, аммаси Мехинбону ва халк олдида узини гунохкор сезиш туйБуларигача барча- барчаси кизлик латофати isa пок ишкда садокатининг ифодасидир.

Камтарлик ва хаё Ширин сиймосини нурланти- иб туради. Малика Ширин Фарходни Сулаймон деб узини каниз кадрида курсатади:

*Агар Билқисдек ёри азизинг - Була олмон,
х,ам улгаймен канизинг.*

*... Чу билсам гарддин кунглинда цайгу Ер
узра ашкдин сепсам эди сув.*

Ишк изтиробини хам изхор этади:

*Агарчи булголи ишқинг асири,
S'tар афлокдин бх,им ■ нафири.*

Ёвуз уз килмишидан тоиади: уз уБли Шеруя ота- си - Хусравни улдириб Ширинга ошиклик даъвоси билан майдонга чикади...

Чин мамлакатидан Мулкоронинг уБли Бахром лашкар тортиб келиб, Шеруянинг адабини беради, ундан Фарход хунини талаб килади...

«Фарход ва Ширин» достони эзгу тимсолларнинг олийжанобликлари туйфайли олти асрдирки китоб- хоилар меҳр-мухаббатини козониб келади.

Мажнунлик - ижтимоий фожиа

Биз, узбекларнинг «Тохир ва Зухра» ниший достонини эслатовчи «Лайли ва Мажнун» достони араб кабилаларидан бирида утган тарихий шахе - шоир К,айс таржимаи холи асосида яратилгандир. Бу сюжетда Шарада турли тилларда юздан ортик достонлар битилган.

Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавийнинг «Лайли ва Мажнун» мухаббатномаларига татаббуъ тарзида ёзилган Алишер Навоий достони мазму- нан жозибали ва дил уртовчи, куз ёшларини дарё килувчи ишки й-фожиавий асардир.

Ёш Кдйс куш ни кабилада Лайлилар хонадони- даги мактабга катнаб, Лайлини севиб қолади. Илк севгининг изтиробли тун ва кунлари хар иккала ёш калбларни не куйларга солмайди дейсиз: Лайли кизлик назокати туфайли ичдан ёниб, тутунини таншарига чикаролмайдди. Айникса, К,айсдаги улкан ишк туйгуси туБёни унинг бутун инон- ихтиёрини эгаллаб олади: туши ва унгида оБзидан Лайли исми тушмайди. Ёзгани Лайли номи, такрорлагани Лайли исми булиб қолади. Унинг намунали одоби ва икки кабила ахлларининг Кдйсни хурмат килишларига карамай, Лайлининг отаси эл орасида ихтиёри кулдан кетаёзган, Мажнун тарзида танилаётган йи- гитчага рахм-шафкат кнлмайд, отасига углини зан- жирбанд этиш талаби билан давдара кил ад и... Ки- шанбанд килинган Мажнун бир куни занжирни узиб чул-биёбонларга кочиб кетади.

Ота-она К,айсни халокатдан куткарувчи охирги умидларини - Каъба зиёратидан кутадилар. Кдйс Каъба эшиги занжирини тутиб, Аллохга «Мухаб- батимни кучайтир» дея илтижо килади:

*Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рагимда қои қил.*

*Дардини нажотин эт, Илохо!
Ёдини х,аётим эт, Илох,о!*

Ушбу ошиқ, ва маъшукларнинг гамли қисматидан ов пайтида воқиғ бўлган Навфал харбий куч иш- латиб бўлса хам (аввал таомилга Кўра совчилар КўНараб, ёшлар фожиасининг олдини оқилона олиш лозимлигини айтган ва рад этилган эди) Мажнунга Лайлини олиб бермокчи бўлади... Жанг Мажнун та- лаби билан тухтатилгач, Навфал унга ўз кизини бе- риб, Мажнунни бахтиёр этмокчи булади. Тўғи кечаси киз Мажнунга ўз севгилиси борлигини айтади...

Ибн Салом исмли бадавлат йигит Лайлига совчи **қуйиб, туй бўлади**. Йигит **Тўғи** кечаси каттик **ОБриб**, ўЗННН билмай қолади...

Мажнун чўлга чиқиб кетиб, Лайли билан учра- шади...

*Икки гух,ар урни булди бир дурж,
Икки цуёш авжи булди бир бурж.
Бир соғар аро тушуб ики мул,
Бир гунча аро буту б ики гул...*

Хал бўлмас фожеий қисмат зарбаларига чидаёл- май бирин-кетин Мажнуннинг ота-онаси, сўНг Лайли вафот этадилар. Мажнун хам халок бўлади. Лайли васиятига **Кўра** Мажнун ва Лайли бир тобут ва бир кабрга ^йиладилар...

Мен «Лайли ва Мажнун» достонини қисман нас- рий баён қилиб, уч-Тўрт маротаба достон нашри- га тахрир каламини уриб, талабаларга бу достонни хикоя ва тахлил қилиб Мажнунлик тушунчасининг икки хил мохиятини англаб етдим.

Биринчиси зохирий мажнунлик - чин мухаббатда шахсининг ўзлигини, эс-хушини фўКОТНУи даражасига етиши. Буни тасаввуф талқинида охирги камолот босқичларидан бири - тавҳид деб талқин қиламиз.

Бу сулукнинг шундай даражасики, дарвеш олам- ни бир олий бутунлик - Аллохдангина иборат де- ган хулосага келади. Оламда Аллохдан бошка ҳеч нарса йўқ- Куриниб, билиниб, ҳис этилиб турган жонли ва жонсиз барча мавжудотлар Аллохнинг зарралари, зухуротидир. Шунинг учун Мажнундан Лайли қани деб сўрасангиз ўзини эътибордан да- ражага етган:

*Ишк, ўртади ул сифат вужудум,
Ким булди нобуд барча будум.*

Бу ҳолатни зохирбинлар - таншаридан кузатувчи суратбинлар табиий жиннилик деб баҳолай/шлар.

Холбуки, бу «табиий жиннилик» камолотини бо- тинан тасаввур этган сийрат ахли Қўрқайнинг ишқда тадрижан Мажнунлик камолига етганига ҳавас қиладилар. Бу - улуғ ижобий ҳодиса. Ин- соннинг ошиқликда ошиқлар шоҳи олий даражасига етишидир.

Иккинчи бир мажнунлик ёки жиннилик ҳам бор- ки, бу жиннилик: мол-дунёпарастлик, сохта обрў-эътиборпарастлик, ўзини бошқалардан ҳар томонлама устун қўйиш учун ўлиб-тирилиш, бидъатда шакллан- ган зодагонпарастлик, улуғворлик, зўравонликдир. Буларнинг қаршисида ишқдай улуғвор, иқ ҳиссиёт, фарзанд меҳри, ўсгайлар фарзандлари қисмати - уч пулча қимматга эга эмас.

Бундай кишилар Лайлининг отаси тимсолида уз бидъат ва жохилликлари манбаини саклаб қолиш пайида қизлари қонига пичокларини бўғишга ҳам шай турадилар:

*Ким тонгла бу ойни ҳозир айлай,
Бир дамда ишини охир айлай.
Уч игнасини тикай либосини,
Ҳанжар суйидин эъай ҳиносин.*

Матндаги ой - Лайли, сузлаётган киши - унинг отасидир.

Менимча, мана шундай тимсолларни эл нафрати- га сазовор жинни деса булади. Чунки бу гурух ва- киллари ижтимоий фожиаларнииг асл сабабчилари, бош гунохкорларидирлар.

Бошкача айтсак, Лайли отасининг инсофли, Бамхур окиллар маелахатига кулок солмай кайсарларча буйни йугонлик килиши узи ва яна бир кабила бошлигини бутун оиласи билан фожиалар гирдобига йуллади: Кдйснинг ота- онаси фарзандлари кисмати догида адоий тамом булиб, оламдан армон билан утдилар. Лайли ва К,айс халок булишди... Фожиа устига фожиа тизилаверади. Лайлининг мустабид отаси хам бу кисмат куюнидан омон колмаянсак, албатта.

Мажнунликни ижтимоий фожиа деганда мен ана шу иккинчи - таомилпарастлик, ёлгондакам - сунъий обруб-эйтиборпарастлик, бидъат ва хурофотпарастлик мажнунлигини назарда тутмоқдаман.

Чунки ннсоният ибтидоий тузумдан кейинги бир неча тузумлар ва тамаддунга эришибдики, уз боши- дан кечирадиган фожиа, азоб-укубатларга купрок ана шу: одамларни бир-биридан паст-у баланд куйиб айирадиган бидъатлар боисдир.

Менимча, урга улуг ёшдаги - жамоат иклимини белгилайдиган кишиларнинг мол-дунёпарастлиги, да- ража ва амалпарастлиги, окилона булмаган таомил иа урфпарастлиги куплаб ёшларнмизнинг яхшн оила эгаси булишларига аввал туганок булади, сунгра тузилган оилани барбод этади.

Минг таассуфки, купинча ижтимоий муносабат- лар негизи булиб куринадиган ушбу жинниликлар- даи - мажнунликдан жамият хали яна унлаб асрлар кутулолмаса керак. Чунки улуг ёшдаги кишиларга хос булган консерватизм (эски тартибларга мук-

касидан кетиш) бу мажнунликни куллаб-кувватлаб турадиган рухий омилдир...

Ушбу мажнунликни даволаш учун маънавият ва маърифат жонбозларининг мунтазам машаққатли маърифий меҳнатлари ва диний арбобларимизнинг куллаб-кувватлашлари такозо этилади.

Жозибали ва фожиали саргузаштлар достони (ёки ого^ликка чорлов)

«Сабъаи сайёр» илмда саргузашт дoston исти- лоҳида машхурдир. Аслида бу асардаги Баҳром ва Дилором ишкий-фожей саргузаштлари ифодаланган колипловчи воқеанинг узини ҳам, ана шу сюжет чизирига тизилган етти саргузашт хикоянинг ҳар бирини ҳам биттадан дoston дейиш мумкин. Ана шу маънода саккиз ихчам дostonлар жозибали ва таҳликали саргузаштлардир.

Аслида жозоба уларнинг барчасига хос бадий фазилатдир. Фожиалилик ва таҳликалиликка кел- сак, энди буни чуқурроқ мулоҳаза қилиб, уни барча ярама саккиз қисмларга тақсимлаш мумкин, дейишга тугри келади. Бунга Баҳром ва Дилором қиссаси, Масъуд саргузаштлари, ростгуй Мукбил ва очкуз Мудбир хикоя- лари чинакам далиллардир.

«Хайрат ул-аброр» дostonида Баҳром подшоҳнинг овда юриб, адашиб, қорни очиб, бир борбон уйи- да меҳмон булгани; уй эгаси меҳмон олдига нон ва сувгина қуйиб олгани; бу кашшоклик боиси мез- бондан суралганда, унинг замон подшоҳи айш- ишратпарастлиги туфайли, эл аҳволдан Бофиллиги учун боғи қурнб, аҳволи хароблашганини эшитди. Баҳром хой-хаваслар, ишратпарастликлари туфайли эл хонавайрон булгани хусусидаги ҳақиқатни англади ва қунглида тавба фикрини кечиради... Боғбон қоризига тусатдан сув қелиб қолади.

«Сабъаи сайёр»нинг асосий хикояси - Баҳром ва Дилором саргузаштлари, воқеалари силсиласидан иборат. Мадойинни пойтахт қилган шох Яздигурд вафот этиб, угли Баҳром тахтга чиқади. Отаси зо- лимликлари оқибатини угли бартараф этишга кири- шади:

*Хар не ул бузди, бу барин тузди,
Бу барин тузди, хар не ул бузди.*

Бирок, қуп утмай ёшлиқ айш-ишратпарастлиги, чин гузали Дилоромга ошиқу шайдолик Баҳром шахси ва фаолиятини издан чиқаради: У эл гамини, шохлик сиёсати ва адолатини унутиб қуяди. Саройда - уззу- кун Дилоромнинг қуй ва қушиқларини тинглаб, айш- ишратга машрул; чулда, овда Дилором ёнида, қуш ва хайвонлар ови, қабобхурлик ва майхурлик...

Бадмастлик туфайли Дилоромнинг Баҳром мерганлиги хусусидаги жуяли фикри (бу ютуқлар - муттасил машқ натижасидир - дегани, яъни шохнинг чавандозлигини мактамагани) - Баҳромга ёмон таъ- сир қилади. Бирдан шохлик қудрати ва май бад- мастлиги қасри туфайли Баҳромнинг қанизига нис- батан меҳри - қах,р-газабга айланади ва Дилоромни қатлга ҳукм этади. Қ,изнинг қул-оёқларини қамбар- қас боғлаб, қу л га ташлаб қетадилар.

Эртаси хушёр тортган Баҳром уз қилмишидан пушаймон бўлиб, қуч ли севги ва иштиёқ таъсири- да уйқусизликка мубтало бўлади, телбанамо бўлиб қолади. Ниҳоят, орадан анча муддат утиб, еттинчи х,икоя қахрамонн - Қофур Дилоромнинг саргузашт- ларини Баҳромга сузлаб беради. Баҳром яна Дилоромни топиб, аввалги - саройдаги айш-ишрат ва чулдаги ов тақорланаверади.

«Хайрат ул-аброр»даги воқеа Баҳромнинг хушёр тортиши бу дostonда йук. Демак, у айш-ишрат ва

бадмастликдан ҳеч-ҳеч узига келолмади - хушёр тортмади.

«Сабъаи сайёр» ниҳоясидаги воқеа шундай кеча- ди: Баҳром бир куни мингга яқин одамлари билан чарга (ов майдонини халка қилиб қуршаб олиш) овига чиқ,ади. Бу чу л илгари ботқоклик булган экан. Отилган ҳисобсиз хайвонлар қони ва ноғаҳоний қуч- ли ёмгирдан ботқоклик янгилаиб, Баҳром, Дилором ва овчиларнинг барчаси бу ботқокликка чуқиб кетадилар.

Демак адолатсиз, яъни эл-юрт аҳволидан беҳабар - оғох булмагани шох узини ҳам, халқини ҳам ҳалокат қаърига ташлайди, дегани фожией ҳул оса ана шу воқеадаи келиб чиқади.

Уз вазифасидаи доимий гофиллик, ҳамиша оғох булмаслик тузатиб булмас ҳалокат тирдоби экаиқи, буйга мубталоликда шоху гадо баравардир.

Уз феъл-атворидан - ёмон ҳулқидан оғох булмаслик яққа шахсларни ҳам ана шундай оқибатларга олиб келади. Муқбил ва Муқбир ҳикоясида Муқбир йулдош сифатида ҳам ярқосиз: айтган гапи ши- қояту ношуқурликдан иборат; ёлнон ч илигидан - уз Бофиллиги туфайли йулда бир неча маротаба панд ёйди - яна сергак тортмайди, охири очқузлиги тантана қилиб сандал ёғочи тула эғасиз кемани эга- симан деб даъво қилади, содиқ йулдошини бошқа мамлакат шохига «қулим» дейди... ва ёлБОНчилиги туфайли қорни таре ёрилиб, вафот этади.

Ана бу Муқбир қисмати шахеий ярамас феъл-атворидан воқиф булмаслик фожиясидирки, бундай уз тубан ҳулқидан оғох булолмаслик башариятнинг анча катта қисмига хали ҳам ҳосдир.

Қ,исман ва тасодифий оғоҳеизлик - сергак булмаслик, эҳтиётқорликни салгина эсдан чиқаришлар ҳам фожиялидир, деган ҳулосани биз асардаги саккиз ҳикоянинг деярли ҳар бир қаҳрамони қисматида

кузатамиз. Мехр ва Сухайл хакидаги машхур хикоя персонажларидан бири - Бехиштсаро шахрининг подшоси - Мехрнинг отаси Навдар кизипи озод этиш учун курукдикдан лашкар тортади. Урмонда тасодифан йуликкан кийикни кувиб, лашкардан аж- ралиб, ёлриз холатда ёвга асир тушади...

Туртинчи икдимдан келган мусофир хикояси- даги жумард Масъуд озгина эхтиётсизлик, одамга ута ишонувчанлиги учун манфур Жайпур тузогига тушиб, дахшатли кийнокларга мубтало булади. Хар калай унинг эзгуликдаги шухратини эшитган ракибининг кизи Масъуд жонига ора киради...

Алишер Навоий яофил бандалар - уз ёмон феъл-атворидан огох булмаганлар кисмагининг фожеийли- гини намойиш этар экан, китобхонга сеҳрли кузгу тутади: огох бул, бундай қисмат Сенинг бошинга тушмасин! Икки жахон саодатини уйла, калтабин, ёвуз булма! - деяётгандек булади.

Хасад, очкузлик, рохатпарастлик, мол-дунёпараст- лик, ёлБончилик, зуравонлик, карокчилик, номард- лик, ношукурлик, каноатии билмаслик, эл гами- ни емаслик, шафкатсизлик, бировни кийнаб рохат қилиш, узганинг бахтсизлиги эвазига узига бахт ти- лаш, айш-ишратга бандалик, текинхурлик сингари барча-барча манфурликлардан мутафаккир шоири- миз китобхонни ошхликка чорлайди.

Ёмон феъл-атвор бандаларига қарама-қарши ту- рувчи ижобий кахрамонлар ҳам «Сабъаи сайёр» хикоятларида мавжуддир.

Саховат, кули очикликда машхур булган Масъуд ва Ахий шулар жумласидандир. Улар эл дуоси ва олдишига сазовор бой-бадавлат одамлар. Улар мухтожнинг кимлигидан катъи назар хизмат, мол- дунёларини аямай сарфлаб одамлар кунгилларини оладилар, коронги кисматларини нурафшон килади- лар. Шулар ҳам қалтис қисмат фожиаларига ги-

рифтор булсалар-да, шахсларидаги турма одамий-лик ва саховат туфайли асл бахтиёр кунларга ноил буладилар.

Мукбил - оддий художуй, яхши йулдош, сафар азобу рохатларига бир хил карайдиган, яхши-ёмон-дан уз яхши сузини аямайдиган, шукроналик билан яшайдигай одам - сафари сунгида Ховар диёри подшосининг азиз меҳмони, сунгра вазири ва куёви булди...

Китобхон «Сабъаи сайёр» достоиининг сюжет жихатдаи жозибалилик ва тимсоли масаласида мураккабликка румлик Зайд Заххоб кисматида дуч келади. Зайд Заххобии хозирги замон жахон адабиёти кахрамоиларига ҳам, хаётий кишиларига ҳам якии ухшашлиги, муштараклиги бор.

У уга истеъдодли мухандис ва хозик табиб, айни пайтда гоят тадбиркор, очкуз ва муттахам тимсол. Рум мамлакати подшохи уз сухбатдоши, хунарманд Зайд Заххобга олтидан тахт яшаш учуй икки минг ботмон олтин беради. Истеъдодли мухандис пилла-поялари узи харакатланувчи (эскалаторсимон) тахт ясайди. Иккита тутига табрик сузларини ургатиб, тахтнинг икки томонига кундиради. Тахтни кумуш-дан ясаб, олтин коплама билан безайди. Сири очилиб, зиндонга тушгач, ичмасдан сувни тежаб, зиндонда пичок билан тупрокдан зинапоялар килиб, кочиб кутулади. Кемада фаранг мамлакатига тушиб, бутхонага боради: тез орада уларнинг тиллари, динларини урганиб содик художуй сифатида кузга ташланади. Барча олтин бутларни эритиб, Рум подшохи тахтидек зархалли бутларни ясаб, олтинларни сохилдаги Борга ташийди... Ва кунларнинг бирида бутхона мутасаддиларининг совра-саломларини олиб, олтинларини кемага солиб уз юртига кайтиб келади. Зайд Заххоб касали хуруж килган Рум подшоҳини даволаб, заргар сирини очган мухолифларини жазо-лашга эришади.

Унинг фаолиятининг ҳар бир қадрадаги калл облик тантанасини китобхон кузата олади...

Бир тимсолда буюк истеъдод, юксак даражадаги хунармандлик, муҳандислик, қуп тил урганиш қобилияти, таъбатдаги моҳирлик ва айни пайтда мислсиз очқузлик, қаллоблик ва муттаҳамлик ҳис-латларининг намоён бўлиши аслида табиий ва ^{роят} ҳаётийдир.

Алишер Навоий Зайд Заххобни орзуқоп қаҳрамон демокчими? Йук-Китобхонга Аллоҳ яратгаи ҳислатлардан икки олам саодати учун қерақлисини танлагии, демокчи бўлади, ҳолос.

Зеро, муҳандислиги ва табиблиги учун Зайд Заххоб - подшоҳнинг азиз суҳбатдоши эди, қаллоблиги ва очқузлиги учун - зиндонга тушди. Мана танланг: Қндай бўлмоқ қерақ?

Демак, «Сабаи сайёр» достонидаги саккиз ҳикоя, улардаги қаҳрамонларнинг қисматлари яқуни қитобхонни ҳаётга идрокли назар ташлашни талаб қилувчи даъватлар, қорловлар экан...

Искандар ҳикматномаси

Китобхонлар икки ҳил бўладилар, деган фикрни «Садди Искандарий» достони укувчиларига нисбатан қуллаш мумкин. Негаки ёшлар бу қитобдан Искандарнинг ҳарбий юришлари, таҳликали жанглири, Хитойгача бўлган сарғузаштлари ва сеҳру жодуни маҳв этиш йулидаги саъй-ҳаракатлари, Меҳрноз ва Равшанак билан алоқадор муҳаббат улашқ изтироблари, иуртаналарга тула денгиз саёҳатлари лавҳаларини берилиб уқийдилар. Ҳа, бу ҳам узига ҳос бир мактаб.

Тажрибали қитобхонлар, олимлар эса сюжет ва композиция, воқелик ва бадиий туқима деб таҳлил этадиган достон матнидан қупрок ҳаётий ҳикмат:

умр ва умрий фаолият мохиятига оид фалсафий, ахлсжий кашфиётларни ҳам бирма-бир идрок этишга ҳаракат қиладилар.

Дарҳақиқат, Низомий Ганжавий ҳам «Искандар-нома» достонини бежиз «Икболнома» ва «Шараф-нома» таркибларида яратмаган; Абдурахмон Жомий уз достонини сабабсиз «Хирадномаи Искандарий» (Искандар ақлномаси) деб атамаган...

Алишер Навоий ҳам Искандар ҳақидаги достонини ҳажман дастлабки ТўрТ достондан жуда йириклаштиришга бежиз уринмаган. Чунки бу асар кайд этилган икки хил китобхонларни тўла-тўқис қониктирадиган достондир.

Бир қарасангиз, воқеа-ҳодисаларнинг композицион бурамалилигига асосланган саргузаштлар жозибаси кўзга ташна олади, оқилона мушоҳадалар билан ёндашсангиз ҳаётини янги-янги ҳикматлар ҳазинасига кириб мутафаккир даҳо билан юракдан сирлашасиз.

Ана шу кейинги маънода мен «Садди Искандарий» достонини Алишер Навоий Искандар ҳикматномаси - ҳикматлар шодалари тарзида яратган, деган бўлардим.

Македониялик Искандар бу асарнинг бош қаҳрамони учун номигагина прототипдир, ҳолос. Бу Шарк мутафаккирлари ақл-зақоси билан яратилган орзувон шох тимсоли, ҳалоскор, нажоткор одил ҳикматпараст ҳукмдор сиймосидир.

«Ҳамса»да бирмунча шаҳарларга Искандар асос қўйган Навоий кайд этади. Бу фикр балки тарихий ҳақиқатга қисмангина мос келар. Му ал лиф мақсади бадиий ҳақиқатга қаратилган ва замон шохларига бунёдкор Искандар тимсоли намуна сифатида қўйилгандир.

Искандарнинг ёшлиги ҳам намуна, Доро билан муносабатлари ҳам намуна (зурвон шохни зақо ва адолат билан енгиш), давлат ишларига ТўрТ юз

олими жалб этгани билан хам намуна, жангда хиёнаткорларга суйанмаслик, мардона жанг килиш билан хам намуна. Шунчалик улуБВОрлик ва тафак- кур эгаси булиб туриб, кабрстондан суяк кутариб келган киши аклига тан бериши ва уни мамлакат- ии бошкаришга так лиф килиши хам намуна; Чин хокони элчи киефасида келиб максadini изхор этга- пида Искандар уни таниб к,илмишига койил булгани на уни ота, узини уБил дегани хам намуна, Яъжуж- ,гар киррин солаётган К,ирвон мамлакати халкини ёвуз кучлардан саклай оладнган тусик - юксак де- нор курдиргани намуна; дунёнинг ярмини олган Ис- кандарнинг харами зийнати икки аёл - Доронинг кизи Равшанак ва гузал Мехроноз, яъни уша замон шохлари каби харам тутмагани билан хам намуна; ер юзини кадам- бакадам улчатмок, бёлгили жойлар- да карвонсаройлар ва сардобалар курдирмок, ден- гиз остига тушиб уни урганмок, куруклик ва сув юзасини улчатмок, - илм тараккиётига улкан хисса кушмок билан намуна, улими олдидан мулозимла- рига тобутдан бир кулини чикариб куйиш васияти билан намуна. Онасига мактуб битиб уз умрини бехудага совургани икрорлари - намуна...

Шунинг учун хам биз Искандарлар достони- да боскинчи Александрии, каттол Александрии курмаймиз. Йук, бу бошка одам, бу бошца - буюк тимсол! %

«Садди Искандарий» мавзулари ва роялари мисл- сиз- микёссиз даражада кенг асар. Буни ижтимоий- сиёсий, фалсафий, ахлокий дoston дейиш мумкин; Бунда куйилмаган масала, айтилмаган роя йукдай. Минг бир роя, минг бир мавзу... Асар маснавий булса-да, ора-сира, деярли хар бир боб ора хикоят- лар, Искандарнинг олимлар билан савол-жавоблари, хикмат ва тамсиллар куплиги кишини хайратга сола- ди. Асарга мутлако дахли булмагандай сув излаган

балидлар хикоятида тасаввуфнинг бош масаласи - Олам Аллохдан иборат, аклсиз ва кўрларгина уни таншаридан излайдилар деган фикр уқдирилган. Ка- бутар хикоясида эрк, шахсий эрк тараннум этилган ва хоказо... Хатто мухаббат мавзуси ҳам нафакат Искандар ва Равшанаку Мехронолар муносабатла- рида ифодаланиб куя қолинган. Биргина Мажнун ва Лайли хақида дostonда икки хикоят келтирил- ган. Адолат масаласида Султон Махмуд ва }ФЛИ Масъуд хусусидаги хикоят ҳам жозибали чиккан. Ростгўйлик ва ёлгончилик хақида ёлБончи 4ўноН фожиаси воқеаси берилган (бу масала «Хайратул- аброр»да ҳам кент мухокама қилинган ва бир ба- дий лавха - шер билан дуррож хикояти билан мухрланган эди...).

Нокис толиб йигит ва пири қомил хақидаги хико- ятда умрини беҳуда кечирган ёш йигит фожиаси ва ўрННСНЗ афсуси ифодалаб берилганидек, дostonда Хатто меҳмон ва меҳмоннавозлик расм-русумлари устида ҳам сўз боради. Хуросонлик икки дўст хико- ятида эса, биринчиси уй- жойдан ^нгил узолмай фақирона турмушга қ;уникади, иккинчиси жасо- рат билан сафар ихтиёр этади ва юртма- юрт кезиб, Юнонистонгача боради ва мохир табиб бўлиб ети- шади. Хинд шохининг кўр кўзнинг очиб, кизига уй- ланади ва қўн >нгмай шох ўлгач, у тахтга чиқади... Демак, бахту давлат оқилона химмат ва жасоратга боБлик экан...

Ардашер ва Ардавон муҳолафати хикояти ҳам харбий тадбиркорлик нуқтаи назаридан қизикарли хикоядир. Ардашер ва Ардавон жангга қиришишла- ри лозим. Ардавон қучли ва лашқари қўн. Тадбирли Ардашер ўз саройида сотқин борлигини билади-да, муҳим кенгаш чақириб, сир тарзида қуйидаги маъ- лумотларни айтади: «Менга Ардавон лашқаридан ишончли қишилар қелиб, эртага жанг майдонида

фалончи-фалончи бахдирлар Ардавон бошини келтиражақларини айтишди» дейди. Сотқш бу хабарни Ардавонга етказиши билан, у шоша-пиша Ардашер билан сулх тузади...

Бахром Гур хак,идаги хикоят хам мехмоннавозлик хақидаги кизикарли воқеа-бадиа булиб, оч мехмонни уйда булган тайёр таом билан тез таъминлаш одоби кайд этилган...

Машрикдан хазина топган кишининг магрибдаги хазина жойини хам билиб олиб, каноатсизлик килиб Магрибга жунагани ва халокатга йуликкани хикоя килинади. Демак, бахтиёр инсонга каноат ва кузитуклик хам керак. Жахонгирлик - асосан ижобий тарзда ифодаланган ушбу дostonларда боскинчилик оқибати ва мустабид шохлик нуксонлари хақида хам суз боради.

*Шоқим мулк очарни қилса насақ,
Юз туман қон туқар, бари ноҳ,ақ -*

деган фикрни «Сабъаи сайёр»да Навоий бекорга айтмаган эди. «Шох бошқа юртларни босиб олишни узига одат килиб олса, миллионлаб бегуноҳ одам-ларнинг қони туқилади» дейиш уша даврдаги улур фикрий кашфиёт, жангни рад этиш баённомаси эди.

Улур фотихлик шох феъл-атворини узгартириши хам мумкин. Искандардай шох хам бундай нуксондан холи эмас. У куп мамлакатларни забт этгач, бошқа - қадами етажак юртлар шохларига ёзган мактубларидан «тобуришга келиб оёримни уп» деган гапларни айтишдан ийманмайди. Шунинг учун Навоий Искандарнинг бундай холатини тасвирлар экан, «Диморига юзланди бийми жунун» - унинг қунглига телбалик васваса сола бошлади» дейишгача боради...

Мазкур маснавийнинг куп мавзулилиги ва куп роялчилиги «Хдйрат ул-аброр»ни эслатади. Хатто ай-рим воқеалар, хикоятларга такроран дуч келгандай

буламиз (чунончи биринчи дostonдаги икки вафодор дуст хикояти ва бешинчи дostonдаги айнан Чингиз- хон уруши давридаги улимга гирифтор икки киши- нинг бир-бирига фидойилиги туфайли жанг киргин- баротнинг тухтатилгани). Икки хикоятдаги фарк: биринчиси Амир Темурнинг Хиндистонга юришида руй бергани, иккинчиси Чингизхон юришида содир булгани, холос. Искандар дostonида бу икки буюк жахонгир юришлари бежиз эслатилаётгани йук. Чун- ки Навоий кайд этганидек, хар кандай узок харбий харакатлар юз минглаб бегунох одамларнинг кони тукилишига сабаб булажак.

Навоий назарида энг буюк ишлар, умумбаша- рий муаммолар факат шохлар томонидан амалга оширилади. Шунинг учун барча ижтимоий-сиёсий, ахлокий, фалсафий, маиший, дипломатик, маъри- фий-маънавий муаммолар ана шу дostonда бутун кенглиги билан куйилаверган ва хал килинаверган. Агар биз бу дoston мазмунини Искандар юриш- ларидан иборат, деб айтсак, тор фикр юритган ва дoston ёзишдан муаллифларнинг бош максоди нима эканлигини тегишлича инобатга олмаган булар эдик. Хуллас, Искандар хакидаги дoston мундарижасида шохнинг хизмат тасарруфига бе- восита ва бавосита дахлдор барча масалалар уз инъикосини топгандир.

«Садди Искандарий»ни хнкматнома деб бежиз уктирмадик. Агар Навоий хнкматларини бу дoston- дан йигмокчи булсак, бир туплам яратиш хеч гап эмас. Чунончи:

*Киши х,анзал экса, аччиг бар топар,
Ва гар найшакар экса - шақкар топар.
Ки \ар ким аён этса яхиш цилиг,
Етар яхшилицдин анга яхшилиг.
Ва гар кимсадин зох,ир улса ямон,
Курар х,ар неким зох,ир этти - х,амон.*

*Навоий, висол одами комидур,
Х,аёти абад - васл айёмидур.
Не хуш дебдур ул дардманди фироқ Ки: «Оз
бахт - куп х;усндин яхшироқ»>>.
Кддах, йчмади шох;и х;икматпараст,
Ки мазмум эрур булмоги шох, маест.
Агар шах;га иш лутфу гар кин эрур,
Элига х,амул шева оийн эрур.
Керак оғзи поку сузи доғи пок,
Яна кунгли пок-у кузи доғи пок.
Хавас тундбоди чу бедод этар.
Хирад хоңумонини барбод этар.
Узунгизни мех,нат куни овутунг,
Не гам келса даврондин - осон тутунг.
Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи гурбат х,авас айлама.
Бировким эрур ростлицдин йироқ Анингдек
киши булмагон яхшироқ...
Аёлу ватан узра то жони бор,
Киши х,арб этар токи имкони бор.*

Алишер Навоий мииг хил яхши-ёмонларни курган,
синаган, билган мутафаккир сифатида барибир Аллох
махлуки (яратгани) - одамни хар калай илондан ёмон эмас
дейди:

*Нечаким хирад ичра булса ками,
Йилондин ёмонроқ эмас одами.*

Биз бу гапларни кучирар, ёзар, айтар эканмиз, I Тавоий
Искандарини намунали тимсол сифатида курсатар
эканмиз, майли Скандарпараст булмайлик, бироқ Искандар
сингари хикматпараст булайлик, де- гим келади.

Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий

Хофиз Шерозийнинг Алишер Навоий ижодига таъсири
хакида суз борганда, Шероз булбулининг Х,ирот андалиби
наволарига мусикийлик ва куп маъ- иолилик бахш этгани;
Саъдий Шерозийнинг Навоий

ижодидаги изларини унинг машх,ур одамийлик хаки- даги фикридан тортиб ахлокий ва дидактик тамо- йилларда кузатамиз; Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий масаласига келсак, тасаввуф фалсафасининг хар икки мутафаккир дostonларидаги муштарак рамзий ифодалар хусусида суз юритамиз.

Мана, эллик йилдирки, Вохид Зохидовнинг фал- сафа фанлари доктори даражаси учун ёклаган дис- сертациясидаи бошлаб, биз Алишер Навоий пантеиз- мини Фаридиддин Аттор тасаввуфига карама-карши куйиб келганмиз. Профессор Натан Маллаевнинг олий мактаблар учун ёзган «Узбек адабиёти тарихи» дарслигида хам бу масала В. Зохидов нуктаи наза- рига мувофик талкин этилди.

Рус, Еарбий Европа ва форс олимлари Фаридиддин Атторни пантеист шоир сифатида урганадилар. Жумладан, профессор Е.Э. Бертельс узининг «Аттор ва Навоий» маколasiда Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоийни пантеистик фалсафий концепция вакиллари сифатида курсатади. Факат Узбекистондагина Аттор - мистик, унинг фалсафа- си Навоий пантеизмига карама-карши деб талкин килинади.

Академик В. Зохидов Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» ва Алишер Навоийнинг «Лисон ут- тайр» асарларини киёслаб, «Лисон ут-тайр» тарки- дунёчилик ва мистицизмни таряиб килувчи «Мантик ут-тайр»га уз фалсафий мохияти жихатидан буткул карама-карши рухда ёзилгап асар», деган фикрни олга суради ва «форс шоири «Мантик ут-тайр» тасаввуфи- нинг энг асосий максaди беxуда афсона» деб ёзади.

В. Зохидов Атторни мистик ва таркидунёчилик гаргиботчиси деб курсатар экан, олим мулохазасича, Фаридиддин Аттор борликни илохиётнинг арзимас сояси сифатида билaди. Мана, сузни олимдан эши- тайлик: «Утгиз куш Худхуддан: улар билан Си-

мур^р уртасидаги муносабатни тушунтириб беришни сурайдилар. Аттор Худхуд тилидан кушларга жавоб бериб айтадики,

*Сурати мургони олам сар-басар,
Сояси уст ин бидон, эй беҳабар.*

Бу билан Симурр энг асосий, олий борлиқдир, ордаги кушлар (одамлар ва х.к.) эса - ана уша Симуррнинг аянч соясидилар, асосий борлик була олмайдилар, энг асосий, комил борлик, (вокелик) кимматиға, ахамиятиға эға була олмайдилар, зеро, асосий тана (борлик) билан унинг сояси орасида кандай муносабат булиши мумкин, уларни кандай тенглашти- риш мумкин, - демокчи булади Аттор» (В.Зоҳидов, У луг шоир ижодининг калби, 1970, 385-бет).

Атторнинг издоши Алишер Навоий уша байтни гаржима килади:

*Борча олам қушларининг сурати,
Билгил, онинг сояси пурх,икмати.*

Илмий талқинга келганда, бу байт В. Зоҳидов фикрича, Аттор фикриға тесқари булиб чиқади: «Уз «Лисон ут-тайр»ини «Мантик ут-тайр»нинг таржима- си, деган Навоий шу уринда Атторнинг юқоридаги фикриға мохият эътибори ила зид фикрни уртаға гашлайди. Навоий айтадики:

*Борча олам қушларининг сурати,
Билгил, онинг сояси пурх,икмати.*

Бу билан, бутун кушлар ахамиятсиз, маъно- сиз борлик - буш соя эмаслар, аксинча, уларда худ онинг х,икматлари, комиллиги зухур этгандир, демокчи булади Навоий» (уша асар, 386-бет).

Шундай қилиб, икки томчи сувдек бир-бириға мос бир хил маъноли байтлар бир-бириға қарама-

карши куйилади. Илмда фактдан фикр чикариш конунияти бор. В. Зоҳидов Кўра-била туриб ўЗННН ва ў«;увчини чалгитган. К,уйидаги байтлар киёсидан к,арама-к,арши фикр чикариш х,еч бир мантикка турри келмайди:

*Сурати мургони олам сар-басар,
Сояси уст ин бидон, эй беҳабар.*

*Борча олам цушларининг сурати,
Билгил, онинг сояи пурх,икмати.*

Хар кандай таржимашунос ушбу байтларни так-кослаб, таржиманинг айнан ва баркамоллилига ка- фолат бера олади ва бунда ҳеч кандай фикрий карама-каршилиқ тоиолмайди.

«Мантик ут-тайр» ва «Лисон ут-тайр» фал- сафий хулосаларини ҳам В. Зоҳидов икки хил, яъни бир-бирига карама-каршидир, деб талкин эта- ди: «К,ушлар Худхуднинг йўлбошчилигида юкорида курсатилган етти водийдан ўтадилар ва «Мантик ут- тайр »ча, уттиз кушнинг хаётида, ўзлигида гўё улур ўсирицији бу^лади, яъни улар ўЗ мақсадларига эриша- дилар, Симуррта етишадилар, унинг васлига восил б;уладилар, шахсий уз лик л армия йўкотадилар, фазо- вий «Мен» билан бирлашадилар, фоний бўладилар - Симурр буладилар.

Навоийда эса тамомила аксинча, Уттиз куш (симурр) Симуррнинг хавасини килган эдилар, унинг йўлида кимматли ўзликларидан воз кечиб, гу^зал та- биатга, ундаги хаётга иафрат билан караб, шунча азобу укубатларни, шунча беҳад алам водийларини }тгадилар ва ниҳоят келиб ^рсалар, ўта ахтарган, хавас килганлари Симурр уларнинг ўзлари эканлар. Навоий ўЗНННiiг бу ўТаКеТраН даражада чуқур маъ- ноли хулосасини шу сатрларда беради:

*Ким, цилиб Сатург уттиз цуги х, авас,
Узларин курдилар у л Сатургу бас.*

Бу билан «Мантик ут-тайр» тасаввуфининг асо- сий максади бехуда афсона эканлиги кўрсатилади. Навоийнинг «Лисон ут-тайр»ни ёзишдан кўзлаган энг асосий максади хам шу эди» (ўта асар, 383 - 384-бетлар).

Демак, В. Зоҳидов фикрича, Навоийнинг асосий максади: «Мантик ут-тайр» тасаввуфининг максади бехуда афсона эканлигини КўрсаТНУи экан. Ана шу фикр Алишер Навоий маънавий дунёсига нисба- тан хатодир. В. Зоҳидов Навоийнинг энг муқаддас деб қараган тасаввуф оламига, даҳоларча маҳлиё бўлган, ўз умрининг мазмун-моҳияти деб билган с>^физмига шоирнинг ўзННН карама-қарши ^ймоқда. Навоий идеаллаштираётган фикрни олимимиз: «Навоий қоралапти», деб изохламоқда.

В. Зоҳидов «}^такетган даражада чуқур маъноли хулоса» деб КўрсаТгаН байтнинг асли Аттор досто- нидаги қуйидаги байтлар эди:

*Чун нигоҳ, қарданд он си мург зуд,
Бешак ин си мург он Сатург буд.*

*Хегиро диданд Сатурги тамом,
Буд чун сатург Сатурги мудом.*

*Чун суи Сатург қарданди нигоҳ;
Буд он Сатург ин си мурги роҳ,.*

*В-ар ба суи ҳеш қарданди назар,
Хар ду як Сатург буди даргузар.*

(Мазмуни: Уттиз қуш боксалар, ҳеч шубҳасиз бу ўТТНЗ қуш ўниа СатурБ экан. Қушлар ўзларини етук СатурБ холида ^рдилар. Чунки ўтгаа қуш ҳами- шаги Сатург эдилар. Сатург томонга уттиз қуш қарасалар: ўниа Сатург бу й;уловчи ўТТНЗ қушнинг

узи экан. Кушлар узларига бокканларида дам дар иккилари бирдай даракатдаги Симурир эдилар.)

Изод сифатида кайд этайлик: Атор ва Навоий Симурир ва си мурир (утгиз куш) сузлари билан суз уйини киладилар.

Демак, Атор: «Кушлар Симуриринг соясидир» деса, Навоий дам уша гапни айтади. Атор: «Си- мурир уинг узи» деса, унинг издоши дам шуни такрорлайди. Таржима имкониятлари ва оригинал ижод такососига кура, байтлар таржимасида бир- икки суз узгарган, бироқ бу сузлар асл ва таржима фикрлар бирлигига халакит бермаган.

Тадкикотчи сифатида Аторнинг Навоийга таъси- рини яхши урганмай туриб, хусусан, «Тарихи анбиё ва дукамо»дати мудим маълумотлардан хабар дор булмай туриб, тасаввуф дакида ишончли мулодаза юритиш кийин.

Шунинг учун, куйида биз Фаридиддин Атор дакида Алишер Навоий фикрларидан кисман келти- ришни лозим топамиз. Бу нукталарда Навоийнинг устод Атор рояларига муносабати яккол ифодалан- гандир.

Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва дукамо» аса- рида «Шайх Фаридиддин Атор Нишопурий» дакида талай маълумотлар келтиради. Навоий Атор Мансур Халложнинг издоши эканлигини махсус кайд этади. Чунки, Мансур Халлож «анал дак» (мен дам худоман, яъни худонинг бир заррасиман) дегани учун кат л этилгандир. Бор лик ~~ худо зудуротидир, деган тушунча Мансур Халлож айтган гаи (анал дак)нинг узидир.

Навоий ёзади: «Мавлоно Жалолиддин Румий сузларида мазкурдурки, Шайх Мансур Халлож нури юз эллик йилдан сунгра Шайх Фаридиддин Атор рудига тажаллий килди ва анинг мураббийси булутур».

К,ани, «Лисон ут-тайр» ижодкори уз асари хакида нима дер экан:

*Ким бу дафтарга бериб тавфиц я;ац,
Таржума расми била ёзсам варац.*

*Олтмигица умр цуйгонда цадам,
К,уш тилин шарх, эткали йундум цалам.*

Демак, Навойнинг узи асарни таржима килгани хакида суз юритмоқда. Мухими, Навоий бу китоб- ни укиган кишиларни икки муаллифни бир-биридан айри курмасликка махсус чорлайди:

*Будур умидимки, жарким солса куз,
Ким х,арорат солса кунглига бу суз -*

*Шайх анфосига они х,амл этиб,
Файз тощой комига яъни етиб.*

Тафовут ва икки хиллик орада йуклигини махсус уктиради:

*Бизни доги онда кургай бир туфайл,
Килмагай кунгли иккилик сори майл.*

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр»нинг махсус бир бобини Атторга багишлайди. «Кудват ул- ахрор ва киблат ул-аброр Шайх Фаридиддин Ат- тор кадасаллоху рухахуга мадху сано обози ва уз арзи ниёзи» сарлавхали бобда Аттор ижодининг асо- сий махсуллариани санар экан, навбат «Мантик ут- тайр»га келганида ёзади-ки:

*Х,ар бирининг ру^идин юз тийра зот,
Жон топиб, ичган каби оби х,аёт.*

*Бир тараф борта ойину шараф,
«Мантик; ут-тайр»ига ойин бир тараф.*

*Ондаким дарж этти цушлардин мақол,
Узга тилдур, узга сүздур, узга х,о,л.*

*Лек цац тавфиц берса, мен — гадо,
Шайхнинг рух,ига айлаб ицтидо.*

*Уйла цушлар нутцини изхюр этай,
Булбулу тути киби гуфтор этай;*

*...Ким бу тути туъмаси булгой шакар,
У л шакар фикр айласанг булгай магар.*

*Тенгрининг лутфу иноят хонидин,
Яъни ул Атторнинг дуконидин.*

К,изик;, В. Зохддов дам, Н. Маллаев х;ам, улар кдрашларини айнан такрорлаётган божкд олимлар хам Аттор шаънига айтилган Навоий фикрлари- га кулок, солмай, издошни устозга к,арама-к;арши куяверадилар.

Филология фанлари номзоди Олимжон Жураев узининг «Мажозий-дидактик талкинлар» номли тадк;ик;отида (Рафу]) Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989) В. Зодидов ва Н. Малла- евдаи бир бетлаб кучирмалар келтириб, Аттор ва Навоий муиосабатлариини аввалгидан хам кескин- лаштиришга уринади.

Куйида Олимжон Жураев текширишларидан бир-икки парча келтирамиз: «Навоийинг объектив борлик ва илохиёт тугрисидаги карашлари Атторнинг суфиёна карашларига тамомила зид эка- нини курсатувчи далилларни «Лисои ут-тайр»нинг мукаддима ва хотимасидангина эмас, балки, асарга киритилган барча хикоятлардан хам гопиш мумкин» (374-бет); «Алишер Навоий узини умр буйи кийнаб келган «Мантик ут-тайр» достонидаги мистицизмга карши уз пантеизмини «Лисон ут-тайр»да тула ифо- да этади. Буюк шоир умрининг сунгги йилларида бу дostonни яратганига боис шуки, у инсонларни

хароб килувчи Аттор рояларининг ашаддий душмани эди» (405-бет)...

Хуш, шунчалик антиатторчилик кдердан пайдо булди? Нега бу қараш халигача яшаб келмоада ва янада кучаймокда?

Мулоҳазамча, фалсафий ҳдккатпи кашф этишда иккита жиддий хатоликка йул куйилди:

биринчидан, фалсафий истилохлар мохиятини иотурри идрок этиш (мистицизм (маърифат) ва пан- теизмни бир- бирига карама-карши тушунчалар деб билиш) окибатида Аттор ва Навоий иккига ажра- тилди. Мистицизми бизда умидсизлик, таркидунё- чилик, деб тал хин килишди, Холбуки, **мистика** ёки **мистицизм** юнон тилида ирфон, маърифат деган маънога моликдир;

иккинчидан, Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий дostonларини бир-бирига киёслайдиган киши- лар бир фалсафий кдрашпинг узидан икки бир- бирига карама- карши йуналишни топишга уринди- лар. Маитикда сув утга, ут сувга карама-карши Куйилади. Атторнинг мистицизмини Навоий панте- измига карши куйиш ва буни икки хил фалсафий карашга йуйиш билан олимларимиз сувни сувга, утни утга карам а-карши куйишга уриндилар.

ХУЛОСА: Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут- тайр» ва Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дос- тонлари бир фалсафий карашни - ваҳдати вужудни олга сурган, Мансур Халлож карашларини рамзий усулда ифодалаган фалсафий асарлардир. Асарлар- даги бош колипловчи хикоя (кушларнинг Симуррни излаб йулга тушишлари ва охирида уни тополмай узларининг Симург эканликларини билганларигача) хар иккала асарда бирдайдир.

Демокчимизки, Аттор кушларни Аллохнинг сояси ва Аллохнинг узи, дейди. Навоий хам айна шуни тақорлайди; Аттор хам, Навоий хам пантеистдир.

Суфизм фалсафасининг ишланмагани туфайли ярим аср давомида Аттор кдрашлари Навоийга иоҳак карама-карши куйиб келииди. Энди хаки катни тан олайлик:

Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий уз дostonларида тасаввуф фалсафасини рамзий усулда ифодалаган буюк Шарк мутафаккирларидирлар.

Уз АС, 1990 йил, 9 февраль, № 6 (3058)

Буюк ижоднинг жон томирлари

Инсон табиати роса кизик: адолатсиз киши адо- латдан лоф уради, инсоният кушандаси инсонпар- варлик байрори остида гердаяди... Хуллас, кишида нима булмаса, у узини ва узгаларни алдаб, бор деб даъво килади. Бундай кишини Алишер Навоий «муддаий» деган. Шеърятдаги бу тимсол, одатда, ошиклик даъвосидаги булхавасдир... Демак, муд- даий — ноҳак даъвогардир.

Мен, «Навоий ва унинг ижоди хакида суз юри- тишга маънавий хакки булган одам орамизда бор- микан?» деб куп уйладим. ТуБрис, Навоий ижо- дини тахлил кнлувчилар куп. Бирок бунга маънавий хакким бор, дегувчи инсон хаёлида, виждонида «рост гапира олсам, хакни айта олсам, элга мендан эслагулик бирор эзгулик колса», дея олса...

Мен хар бир узбекда, унинг конида зиБирча Навоий булишини истайман.

Бу демак:

- инсон узи учуй эмас, узгалар учун хам яшаши;
- уз бахтини узгаларни бахтиёр этишда кура олиши;
- моддий ва маънавий бойлигини элга сочишни олий бахт деб билиши;
- хузуридаги хар бир кишини узига нисбатан Аллохга якин ва азиз одам деб уйлаши, унинг хур- матини урнига куйиши;

- билишни (илмни) олий бахт деб ишониши керак.

Эмишки, Бахоуддин Нащибанд (бу ривоятнинг бир қисми «Лисон ут-тайр»да бор) борлидаги Хамма нарсани узларига нисбатан қийинлаб қуришни ёқтирар эканлар. Бир куни қуддаги қора бу- лутларга боқиб, қунгил лари дан: «Аллох, наздида шу қора булутлар афзалмикин ё менми?» деган ҳаёлни кечирибдилар. Шунда захоти тавба- тазарру Қилиб узларига таъна тошларини ота бошлабди- лар: «Хой, Бахоуддин, сенга нима булди? Булутлар бутун о лам набототи, ҳайвоноти ва одамзотга жон баришловчи обиҳаёт манбаи-ку! Сен дан ким, нима баҳра топмова?»

Суфий Алишер Навоийнинг ақл-идрок эгаси ва моддий бойлик сарватдори булган кундан эътибо- ран ҳар кеч узига айтадиган гапи шу булган шекил- ли. Негаки, бу бадавлат инсон халқ учун юзга яқин бинои ҳайр бунёд этдики, буларнинг ҳар бирига миллионлаб пули кетган; юзлаб олим, шоир, оддий одамларга моддий қумак берди: пул берди, қийин- тирди, ҳовли-жой совға қилди... Чунки устозлари- дан «халойиқ севганни Холиқ севар» деб эшитган, ақлан-фикран бунга амин булган эди...

*Қимса юз йил қомронлик қилса, билқим, арзимас,
Бир замоқ бир лақза бўлмоқлик биров қоми била...*

Подшоҳнинг тахтида юз йил айш-ишрат сур- гани унинг бировни бир лаҳза бахтиёр этганига арзимайди. Яъни, шоир мулоҳазасича, узгани бир лаҳза бахтиёр этиш савоби юз йиллик шоҳона айш- ишратдан афзалдир. Мана буни инсонпарварлик, инсонпарастлик тушунчаси дейдилар!

*Ваққи, умрим барча зоеъ булди эл қоми била,
Бодаи ноб урниша ҳуноба ошоми била.*

Мана, Навоий нима билан фахрланмоқда: мен бутун умримни ;узгаларни бахтиёр этиш учун сарф- ладим. Кизил май ичиш врп и га кон ютдим.

Ажрсиз, эвасиз нарса булмайти: шунинг учун, бугун Алишер Навоий инсониятнинг энг азиз киши- си сиймосида яшамокда...

Хусайн Бойкдродай замон подшохи Навоий хаки да: хак, гапни айтишга далер (ботир), дейди. Менимча, хак; гапни айтмайдиган одам, олим, Аллох- ни писанд этмайдиган кимсадир.

*Кимки шиор айлади ёлеон демак,
Булмас ани эру мусулмон демак.*

Навоийнинг бу ахлокий талабига кай биримиз дош бера оламиз? Холбуки, хдр биримиз эрлик ва мусулмонлик даъвосидамиз. Инсонмиз, табиатимиз шунака...

Бахоуддип Накшбанд уйда угириб, кУзлари кучадаги итга тушибди. Ва одатларича фикран киёс бошлабдилар: «Аллох; қошида шу ит афзал- микин ёки мен?» Ва шу захоти тавба-тазарруга Утгбднлар: «Ие, Бахоуддин, сенга нима булди? Сен Узингни ит билан киёсладинг-ми? Ит эгасига вафодорлик билан донг чикарган. Сен Эгангга ит- чалик вафодормисан?.. Йук!»

Суфий шоир Навоий назарида энг *туз&л* фазилат вафодир...

*Кимга цилдим бир вафоқим, юз жафосин курладим?
Кургузуб юз мех:р минг дарду балосин курмадим?*

Кимга мен бир вафо килган б}лсам ундан юз жафо курмадим-ми?! Юз мехр-мухаббат изхор килган кишимдан минг дарду бало курмадимми?...

Навоий шундай дахшатли хулосага келдики:

Эй, Навоий, олам ах,лида мутлац йук, вафо!

Бундай хулосаларга кайта-кайта келса ҳам На- вой - Навоийлигича, уша узи истаган орзубоплик тимсолида кола олди... Ажр, эваз бор, бор, бор...

Хдзрати Бахоуддин кучага чициб, ит изларига кузлари тушибди ва одатдаги циёсни бошлабди- лар: «Аллох; наздида шу из цадрлими ёки мен?» Дархол тавба-газарру килибдилар ва дебдилар: «Эй Бахоуддин, сен узингни итнинг изи билан циёслагани уялмадинг! Уят сенга! Бу — вафодор- нинг изи-я!»

*Юз туман нопок эрдин яхшироц Пок
хотунлар аёгининг изи,*

деган экан, Алишер Навоий поклик байроқдори си- фатида. Орзубои тимсоли - Фарход тимсолида ҳам махсус таъкидлайдики:

*Демонким, кунгли пок-у х, ам кузи пок,
Тили пок-у, сузи пок-у, узи пок.*

Бу поклик - ахлокий поклик, виждоний поклик демакдир.

Алишер Навоий хозирги замон узбек кишисининг юзига бокиб айтаётгандай:

*Навосиз улуснинг навобахши бул,
Навоий ёмон булса, сен яхши бул!*

Биринчи мисраинг мазмун талкинлари: Бахтсиз элга бахт бар и ш ловчи бул. Бечоранинг додига ет...

Одамлараро ва халқлараро муносабатлар ё то- тувлик — одамийлик асосига, ё зиддият - ке- лишмовчилик ва душманлик асосига курилган буладики, биринчиси кишилар умрини узайтира- ди, кайфиятини яхшилайти, хаётни жаннатга ай- лаитиради; иккинчиси кайфиятни бузади, умрни кискартиради, хаётни дузахга айлаитиради. Бу му-

аммо хар лахзалик, хар кунлик ва мангуликдир. Алишер Навоий бу масалада бани башарга муру- жаат этишни лозим куради:

*Олам ах,ли! Билингизким, иш эмас душманлт!
Ёр улунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг — иш!*

Кишилик икки гурухга булинади: камтар, камсукумлар ва магруру кибру хаволилар! Юмшоқтабиат, камтар, ширинсуз одамлар - жаннатийлар. Улар Алишер Навоийнинг «Мен демоклик не беҳаёликдур!» деб огохлантирганини бирор лахза эсдан чиқармайдилар, бандада - Аллох бандасида «мен»лик йуклигини билладилар. Уларнинг бундай табиати туфайли жахон узгаларга кенгдир, доруламондир.

Магрур ва кибру хаволилар эса узларича манмансираб, узларини одамларнинг аълоси хисоблайдилар. Аслида, бу сифат ва хусусият кишини шайтонга яқинлаштиради, холос.

Куси шавкат етти дузахқа эшик цоцмоцдурур,

дейдилар хазрати Алишер Навоий. Бу мисранинг таржимаси: «Манманлик норорасини чалиш етти дузахнинг хаммаси факат меники» демокликдир! Киборлар кишиликка жахонни торайтирадилар, уни зимистонга айлантирадилар...

Бундан узок йиллар мукаддам мен қадимий шаҳар Самарқандда Қ,ахрамон шоиримиз Абдулла Ориповдан: «Абдуллажон, шоирлик вазифаси нима?» деб сурагандим. У киши жавоб берди: «Хар бир шоир бу саволга хар хил жавоб бериши муқаррар. Мен китоб уқийётган укувчимнинг ёқасидан тутиб, кучим етганча силтай бошлайман ва: «Одамсан! Одамсан! Хой, одамсан!» дея юзига бақираман. Менинг ва- зифам - шу». Бу жавобдан мен жуда қониқдим. Алишер Навоий ижоди билан танишган киши ана

шундай ахволни бошидан кечиради. Балки шунинг учун хам Алишер Навоий асарларини аслиятда укувчи кишилар хийла оздир? Укиганлари хам мак- таб дарслигидаги беш- олтита шеър дostonларидан парчалардан боища бирор нарсани айта олмайдилар...

«Хуррият» газетаси, 2003 йил, 5 февраль,
№5 (311)

«Бадоеъ ул-бидоя» девони х;ақида

Алишер Навоий туртта девон тузган: «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ун-нихоя», «Хазойин ул-маоний», «Девони Фоний». Узбекистан Фанлар академияси-нинг икки йирик илмий даргохи: Хамид Су лаймонов номидаги Кулёмалар институти хамда Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари дахо шоиримизнинг йигирма жилдлик «Мукамал асарлар туплами» нашрини амалга ошира бошладилар. Нашр - ёймок демакдир. Нашр этилдими - ёйилди деб тушу ниш керак. Тупламнинг биринчи жилди «Бадоеъ ул-бидоя» девони нашридир.

Мазкур девон кулёмасини филология фанлари номзоди, мархум истеъдодли олим Шарафиддин Шарипов нашрга тайёрлаб улгурган эди. Китобдаги яна куйидаги маълумотлар диккатимизни тортилади: «Текстни бевосита нашрга тайёрлаш ишини Кулёмалар институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Марям Рахматуллаева бажарди. Текстни кулёмалар билан кайта киёслаб текширувчи Марям Рахматуллаева ва Кулёмалар институтининг илмий ходими Мухлиса Зиёвиддинова амалга оширдилар».

Хуллас, уч илм захматкаши меҳнатлари туфайли «Бадоеъ ул-бидоя» нашр этилди. Биз бу жилд наш-рининг матн савияси хақида нисбатан ижобий фикр-дамиз: яъни хозиргача босилган беш жилд орасида бу китоб матн курсурлари нисбатан сийрақрок булган

жилддир. Таассуфки, сифат ва савияни факдтгина киёс белгиламас экан...

Алишер Навоий тузган дастлабки икки девон учинчи девонга асос булган. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг илмий-маърифий кнммати бор: олимлар шоир наз-мининг таржимаи х,оли ва тахрир тажрибаларини кейинги девонга солиштириб урганишга муяссар буладилар.

Дастлабки кузатишлар шуни курсатдики, Алишер Навоий, биринчидан, тераи маъноли фикрлар ифодаланган газалларни яхлит, иухта яратган; кейинги девонларга утган шеърларда тах;рир оз; иккинчидан, айрим сузларни учуриш ва бошка суз куйиш билан фикрни ёркинлаштирган, кучайтирган; учинчидан, муаллиф шу даражада каттиккулки, илк девонлар- даги айрим газаллардан «Хазойин ул-маоний»ни ту-зишда тамоман воз кечган, девонга киритмаган.

Навоий газалларининг биринчи даражали фази-латлари: тасвирдаги вокеликнинг дилкаш ва таъсирчанлиги; нуктапардозлик - фикрий кашфиётларга бойлик; бадиий ва ифодали воситалар билан ранг-баранг товланишлар; маъно ва мазмун юксаклиги, хи кмаатпарастл и к, кискаси, х,нсда х,ам, фикрда х,ам тадкик, тадкик ва тадкнк йулинигина тутиш синга-риллардир. Менимча, дах,о шоиримизни, аввало, маъ-нолар хазинабони сифатида шарафлашга бурчлимиз.

Алишер Навоийнинг йигитлик йилларида ёзилган разалларидан бири билан танишайлик. Разалнинг биринчи байтидаги тасвир фожеий, айна пайтда вокеий тимсол чизгиларидир:

*Кукрагимдур субцининг тирох,анидин чокрок Кирпигим
шабнам тукулган сабзадин намнокрок*

¹ Мухаммад Хайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий номли аса-рида Алишер Навоий бу байтни Сохиб Дордан сотиб олгани кайд этилган, Тошкент, «Шарх» нашр., 2010, 295-бет.

Инсон куксининг абгорлиги ва к;узининг жиккд ёшлиги, шу билан баробаринда унинг биринчи шахе эканлиги шеър идрокини кучайтиради.

*Бу кунгул гамнокидин то шодмон курдум сени,
Истарам х,ар дамки булгай хотирим еамнокрок.*

Бу байтда ёр ^нгли учун фидойилик, ўз рохатидан воз кечиш оханги янграмокда...

Учинчи байтда шоир талмих санъатидан фойдаланади. Пок ошиқлик намунасини курсатиш учун тасвир давомида бирдан Лайли ва Мажнун севгила-ри киссасини эсга олади. Бу усул муаллифга ўс эзгу карашлари: мухаббатдаги фидойилик, маъсумлик ва покликни мужассамлаштиришга имкон беради:

*Лайли андин цуйди Мажнун кунгида рахти гамин,
Ким йуц эрди манзил ул водийда андин покрок.*

*Ўйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк,
Ким магар ондин ятиме йцтурур бебокрок.*

(Мазмуни: Киприк ханжарига Кўз ёшлари ин-жулари шу даражада Кўн ёпишганки, бундан)ахмсизрок бебошни топиш мушкулдир.)

Навбатда келтириладиган байт «Хазойин ул-маоний»га киритилганда сезилар-сезилмас тахрирга учраган. Чунончи, «Бадоеъ ул-бидоя»даги холати:

*Жон олурда лабларингдин барча эл цулдур санга,
Жон беруурда бир цулунг йук, бандаднн чолокрок.*

Байтнинг биринчи мисраси «Хазойин ул-маоний» да куйидагичадир:

Лабларингдин жон олурда барча эл цулдур санга

Тахрирда бирор сўз у^згармаган, факат «лабла-рммгдин» сўзННННг ўрНН алмашган, холос.

(Байт мазмуни: Сенинг хаётбахш лабларингдан жон топиш учун барча халк, сенга кул булишга тай- ёрдир. Бирок сен учун жонини фидо килишга навбат келганда, мен кулиигдан чечани-чаккони йувдир.)

*Одамийлиг туфротн берса фано елига чарх,
Ох;ким, йуцтур киши ах;ли вафодин хокрок.*

(Чин одамийлик хокини фалак йуклик елига совурмокчи булса, охким, вафо ахлидан кура туп- рокка мойилрок киши йукдир. Яъни, фалак одамий- ларнинг хокини купрок сокуради. Чунки улар бунга шай ва айни замонда камтарликда узларини тупрок билан тенг тутадилар.)

Хотима байтда матлаъда тасвирланган кишининг кунгли кузга ташланади:

*Неча щласанг Навоий кунгли захмироц булур,
Курмадук захмеки, тиккан сойи булгай чокрок.*

(Яъни, Навоий кунглига хар канча ук отсанг, шунчалик куп яраланади: тиккан сайн сукилиб ке- таверадиган жародатни курмаган эдик...)

Таассуф билан кайд этамизки, «Бадоеъ ул- бидоя»ни нашрга тайёрлаган олимларимиз матнда- ги «тиккан» сузини китобда «теккан» холида бе- ришган. Натижада муаллиф назарда тутган фикр бархам тоиган:

Курмадук захмеки, теккан сойи булгай чокрок.

Кизиби шундаки, «Хазойин ул-маоний» матнини тайёрлаган хурматли олим Хамид Сулаймонов хам бу мисрани шундай хато укиган эди. Гаи шундаки, укувчи бу мисрани тушуниб укиса, энсаси котади: Ук теккан сайн жарохати купаядиган жарох,атни курмадик», дейишда мантик йук-ку?

Демак, Навоий фикрини чала ёки саёз тушуниш - даҳо шоир фикрининг бузилишига сабаб булар экан...

Алишер Навоий маҳорати шундай кучлики, у чизган манзарани яққол идрок этасиз: агар табиат манзараси бўлса, ҳам курамуз, ҳам узимизни уша жойда тасаввур эта оламиз... Баҳорда дарахтлар гарк гуллагаи пал лани куз олдингизга келтиринг. Сал шабада эсса, урик, олма, олча гуллари дув-дув тукилиб, ел канотида ерга охиста кунади ёки шамол таъсирида чирпирак уриб уйнайди:

Гул сочар ел бое аро, сарви равоним келдиму?

Шундай бокка севгилиси кириб келгандай ошик бесаранжомланади... Нега? Чунки гуллардан жон иси келмокда. Дарвоқе, жонда канака ис булади? Гулнинг исидан ҳам яхшироқ не буладими? Шунинг учун гул исидан ошик жон исини, жонона исини туймокда:

Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму?

«Гул сочар ел боя аро», яъни манзара жонлантирилмокда. Богда сарв дарахти ҳам булади, бироқ «сарви равон» энди бу хунҷомат ям-яшил дарахт эмас, балки ошикнинг оромижони булган киздир. Зотан, «сарви равон» — ҳаракатдаги сарв, юраётган сарв дарахти - маъшуқа сиймоси.

Шоир кишиларга хос булган хатти-ҳаракатни табиатдаги бошка нарса ёки ходисаларга кучирса, ташхис санъати - шахслантириш усулини куллайди.

Навоийнинг санъаткорлик маҳорати шу даражада кучлики, бир байтда бир йула бир неча бадий тасвирий воситаларни куллайди. Байтни заргарона безаш билан машғул булади. Бироқ, муҳими шундаки, бу бадий тасвирлар ташки гузаллиқкина бўлиб

к,о л май, матн таъсирчанлигини юзага чикдрувчи омиллар хамдир!

*Йтламоц чун айлади даъво кузум бирла булут.
Барц гуё мунн фацм айлаб йицилди кулгудин.*

(Булут ким КўпроК йиглайди, деб кузим билан даъволашган эди. Гуё яшин буни билиб колди ше- килли, шунчалик каттик кулдики, к}ждан йикилиб тушди!)

Муаллиф булут ва яшинни шахслантирмоқда, жонлантириб тасвирламоқда: булут даъволашмоқда; яшин одамта ўхпиаб каттик кулиб юборган.

Мазкур ташхис санъатидан ташкари, байтда дусни таълил санъати хам катнашмовда. Хусни таъ- лил - асослаш КўрКН бўлиб, шоир бирор юз берган воқеани унта дахлсиз бўлган ходиса билан асослаш- га ҳаракат килади. К,изиби шундаки, ана шу дахлсиз асос жуда чиройлидир!

Булут Кўп йирлашда ошиқ КўзН билан бахслашган. Шоир яшиннинг Кўи-сдан ерта йикилиб тушишини ана шу бахслашишдан хабардорлик билан асосламоқда. Холбуки, яшин яшнашининг асоси мутлақо бошқадир. Китобхон эса санъаткор топган шоирона асослашдан жуда марокланади. Айни пайтда учинчи бир усул: муболата хам у 2 иштирокини сездирмоқда: гуё Кўз булутдан Кўра КўпроК ёш тЧ^кармиш...

Курдикки, байтдаги воқеа чиройли, ходиса чи- ройли ва жуда таъсирчаи: эсда мухрланиб коларли даражада. Ошиқнинг кўзн билан булут ким кўп Кўзённ тўкади, деб даъволашийти. Буни эшитган яшин шунчалик каттик кулибдики, ^қдан йикилиб тушипти: ахир, албатта, ошиқ кўпрок кўзённ тўқди-да!

Навоий муболабаларининг бир хусусияти унинг табиий халқоналигидир. У маъшука гўзаллигини

чизиб курсатиш ёки ташбихлар келтириш йулидан бормаи, гоҳ,о куйидагидек усул куллайди: одатда энг мумтоз рассом деганда Чин (Хитой) рассоми тушунилади. Чин мусаввири маъшука юзини мато- га кучириш учун келди ва иш бошламокчи булди. Маъшука юзидаги пардани кутариши билан Чин рассоми девордаги накшдек котиб колди:

Келди Чин наццоши ул юз наццини цилмоцца тарх., Чех,ра очиб, нацци девор айладинг наццошни.

Мазкур табиий муболара уз дилкашлиги, таъ-сирчанлиги билан окил китобхонни мах,лиё этмай куймайди.

Буюк дахолар халкнинг маънавий-аклий устодларидирлар. Улар яратган бебахо асарлар эса умумбашарийлиги билан мухимдир. Устод Алишер Навоий- нинг х,икматлари, хаёт ва кишилик муносабатлари, умр ва тирикчилик мохняти хакидаги кашфиётлари уз охорини мангулик кадар саклайдиган маънавий обидалардир.

«Бадоеъ ул-бидоя» девони - Алишер Навоийнинг ёшлик ва йигитлик давридаги хнссий ва рух,ий кечинмалари комусидир. Ундан шоир таржимаи холига тегишли разал ва рубоийларни хам, мухим ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърларни хам, фалсафий ва ахлокий-таълим и й рухдаги дилнавоз обидаларни хам ук,иш мумкин. .

Дахо шоир рухий-маънавий устоз экан, биз унинг фикрий ва хиссий кашфиётларини укиб билишимиз ва уз маънавий камолотимизни юхорирок, боскичга кутариш учун харакат к,илморимиз лозим. Бу сохада эса, мозийдаги шоирларимиз орасида Алишер Наво- ийдек буюк сиймони топиш кийин.

Алишер Навоий кутил цуйган санам...

Узок йиллар Алишер Навоий Гули исмли кизни севган, деган тасаввурда эдик. Негаки, узбек халк эртақларида, Уйяун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасида, Ойбекнинг «Навоий ва Гули» достони ва боишда куплаб бадий асарларда Гули тимсолига такрор-такрор дуч келардик.

Утган асрнинг 90-йилларида Шухрат Сирождидинов «Ёшлик» (5-сои, 1991 й.) журналида Алишер Навоий Хадичабегимни севган, деган янги фикр билан чиқди. Мен ҳам «Сохибқирон юлдузи» газетасида (24 февраль 1998 йили) «Навоий севгиси, Навоий фожиаси» номли мақола эълон қилиб, мухтарам Ш. Сирождидинов фикрларига қушилдим.

Алишер Навоий ва Хадичабегим севгилари тарихини қуйидагича тасаввур қиламан: 1457 йилда Самарқанд хукмдори Абусаид мирзо келиб Хиротни эгаллади. Уша йили унга олти яшар Хадичани тортди. 1463 йилда Алишер Навоий Машхаддан Хиротга қайтиб, сарой хизматида бўлди. Унинг Абусаид мирзонинг угли Абобакр мирзога сабоқ бергани маълум. Шунга Караганда шохнинг шоирга нисбатан меҳри ва ишончи булган. Уша пайтда Алишер ва Хадича бир-бирларини ёқтириб қолган булишлари мумкин.

1465 йилда шох Хадичага уйланади. Қуп утмай «Алишер Навоий Хиротдан чиқариб юборилсин!» деган буйруқ берилади.

Навоийнинг Хиротдан чиқариб юборилиши хақидаги олимларимизнинг мулохазалари: биринчиси, у Хусайн Бойқаро мактабдоши эди; иккинчиси: шоирнинг тоғалари Абусаид мирзога душман эдилар; учинчиси, шоир Абусаид мирзо сиёсатидан норози эди.

Мен Навоий ижодини урганиб бу мулохазаларга қушилолмадим. Сабаби: агар уша даъволар рост

булса, шоир бошданок саройга якинлаштирилмас эди; шох угли адабий тарбиясини шоирга ишониб топширмасди...

Навоий Саййид Хасан Ардашерга ёзиб колдирган шеърий мактубида куйидагича мисралар бор ва унда севгига мубталолик хам айтилган.

*Сафар тушти олдимга беихтиёр,
К,азо амрида элга не ихтиёр...
Аниким, қилиб ишқдин ёралиғ,
Насиб айлабон анга оворалиғ...*

Алишер Навоий Самар кандга жунар экан, сафар хисларимнинг утини сундирар, деган уй-хаёлда эди. Чунки у «Сафар шик утини камайтиради», «Сайр ишкни камайтиради» деган хикматларни эшитган эди. Бирок...

*Айладим азми сафар, булгай дебон шик; ути кам,
У л худ афзун булди х,ар манзил демайким, х;ар цадам. Сайрким,
дерлар, кам айлар ишқни, кур, эй рафиц,
Ким жах;он овораси булдим, галат чиқти бу х;ам!*

Ушбу шеърий иқрорлар шоир мухаббатининг хар кадамида орта борганини курсатмокда, холос...

Мавлоно Хондамир ва Захириддин Мухаммад Бо- бур «Макорим ул-ахлоқ» ва «Бобурнома»да Навоий Самаркандда асосан шахар хокими Ахмад Хожибек даврасида яшарди, деган маълумотларни берадилар. Агар Абусаид мирзо розилиги ва илтимоси булмаса, у Самаркандга хоким килиб юборган Ахмад Хожибек Навоийни уз даврасида олиб юра олармиди? Албатта, йук...

Хадичабегим Абусаид мирзодан Окбегим исмли киз курди.

1469 йилда Абусаид мирзо К,орабоҒ жангида асир тушиб, улдирилди. Харам Хиротга кайтди. Хирот- ни Хусайн Бойкаро эгаллади. Энди харам Хусайн

Бойкарога карашли. Хадича энди ун саккизга кирган жувон...

Шох Самарканд хукмдори Султон Ахмад мирзога мактуб йуллаб, Навоийни Хиротга чорлади. Шоир она шахрига келса... Хадича яна харамда... Шоирнинг лирик фарёди:

*14 ичра цани мен киви зеру забар улгон,
Х,ар кимки йуц ондин батар, ондин батар улгон?!*

Энди шоир ижодида «шох;» ва «мох;» сузлари учрайдиган шеърлар купаяди. Хусайн Бойкаро - шох, сафарда, Хадича — мох, унга кайрилиб бокмайди:

*Боргали шах; ойча бир май ичмадим мох,им била,
Кошки бир ойчилик боргай эдим шох,им била...*

Шох, Хусайн Бойкаро учун Алишер Навоий улуБ ва мукаррам зот. Хадича шоирга бефарк:

*Г ар цуёшдин цадрим ортицроцдурур шох; олдида,
Заррадин юз цатла уксукракмен ул мох; олдида...*

Хадичабегим бутун аёллик латофати ва заковатини ишга солиб Хусайн Бойкаронинг энг суюкли хотини даражасига етади. Давлат ишларига бавосита ва бевосита аралаша бошлайди...

Хадичабегимнинг Алишер Навоийга хам муносабати тубдан узгаради. Унга гул беради, гул юборди:

*Гулеким, ёр бергай мен киби урён гадоларга,
Магарким, сончцаймен ани бош узра ярларга.*

Навоийнинг шеърларини Хадичабегим мактайди, уни рухлантиради:

*Гар Навоийга Сулаймон мулкича бордур не тот,
Буки Билциси замон назмини тах;син айламиш.*

Шоир шох, хотини Хадичабегимни Сулаймон пайгамбарнинг пари хотини Билкис исми билан шарафламовда. Хадичаи замон Билкиси демокда.

Бирок, энди Навоий узини унга бефарк курсатади. Сабаби - аён. Хадича - шох хасми. Хусайн Бойкаро ва Алишер Навоийлар узаро жонфидо дуслардирлар. Шоир узига угит беради, узини тергайди:'

*Шах; х,аримида, Навоий, печа топсанг эътибор,
Билгил уз х,аддинг.ио бех,ад риоят цил адаб.*

Муқарраби султоннинг гаплари бу ахир...

Зайниддин Махмуд Восифий «Бадоеъ ул-вакоеъ» асарида бир воқеани хикоя қилади: Хадичабегим Давлатбахт исмли чурини кечкурун Алишер Навоий уйига атайлаб юборади ва тунаб қолиш кераклигини буюради. Бу буйруқни ҳеч қим икки қилолмайдди. Мақсад: Навоийнинг эътиқод-иродаси қобилиятини синаш эди... Савол турилади: бу масалани ҳал қилишнинг Хадичага не қизири бор эди?

Шоир қариди. Соч-соқоллари қордай олоқ. Азоб-уқубатлар юзини саррайтириб юборган. Хадичабегим шоирга сани-сарик, қатта беҳи совға қилади. Шоир унга жавобан қуйидаги шеърини ёзадики, синчков қитобхон беҳи тимсолида шоир ишқий ва умрий изтироб асоратларини идрок эта олади:

*Бех,и рангидек улмиш дарди х;ажрингдин мата сиймо,
Димогим ичра х,ар бир тухми янглт дони савдо.*

*Мазаллат туфрот сорт юзумда бордур андоққим, Бе^ида гард
ултургон масаллик тук булур пайдо.*

*Оқарғиб ишк, бошимни, нишон булди сариг чех,рам, Момуғ
ичра бех,ини чирмагои янглт киши амдо.*

*Юзумда тиги х;ажрит захми х;ар сори эрур беважх., Бех,ини
тиг план чун қатъ қилмок, раем эмас қатъо.*

Юзум туфроздадур х, ар дам цуругон жисм ранжидин, Бех, ига сарнигунлик шохи заъфидин булур гүё.

Бу гулиан ичра бех, буд истаган доим бех; и янглиг Кийиб пашмина, тоатпца цадии хам асрамоц авло.

Навоий, гар цуёиш норанжидин бех; рак кураp тот йуц, Великим, лутф этмиш мах, ди улё исматуд дунё.

Разалнинг биринчи мисраси мазмуни: «Сенинг айрилиБинг дардидан юзим бехидек сарБайиб кетди». Шеърнинг охирги байти мазмуни: Навоий дунёнинг энг пок аёли, шохнинг жуфти халоли унга совра килган бехини куёшдан хам афзал деб билади.

Бу мисраларда ошикнинг ушалмаган севгисига очик; ик, рори куришиб турипти...

Хар калай, шоир бадий мулкидан топган байтларимиз асосида шоир мухаббати тарихидан бир лавха яратдик. Вок, еа хакикатини Аллохгина билади...

«Ёшлик» 2-сон/2004 (194)

Разал сурури

*Топмадим ах, ли замон ичра бир андоц х; амдаме,
Ким замон осебидин бир-бирига айтишсоц гаме.*

*Кимки даврон согаридин дам-бадам хуноб ичар,
ҒаМ йуц ар х; ар дам гамин айтурга топеа х; дамдаме.*

*Чарх узукнинг х, алцасидур, лек х, ар кавкаб ата,
К, атл учун остида цилгон зах, р пицон хотаме.*

*Йуц фарогат дах, р ароким, шомдин сочин ёйиб,
Ёғдуриб ашкин тутар х; олинга х, ар тун мотаме.*

*. Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком!
Х, ац магарким, ком учун боштин ёротцой оламе.*

*Йуц вафо жинси бани одамда, бул навмедким,
Сен вафо курмак учун халц улгуси йуц одаме.*

*Нукта нозук булди асру, булгай эрди кошки,
Шаммае бу рамздин зох;ир цилурга макраме.*

*Дарду захм уллиш ичу тошим, цадах; к,уй оезима, Социё,
куксума лойидин доги ёц маршале.*

*Давр аро сух^бат бу янглигдур, Навоий, тот эмас, Нолаю
фарёди бирла гар тузар зеру бале.*

Мутафаккир шоир ва жамоат арбоби Алишер Навоий диккат марказида хамиша муҳим ижтимоий масалалар турган: олам ва одам муносабатлари мантики уни чуқур уйга толдирган. Олам яшаш- бопми? Одам унда бахтиёр була оладими? Оламда- ги одам, аввало, одамийми? Жяхондаги кишилик- да Навоий кузда тутган рисоладаги Одам борми? Олам шундай қолаверадими ёки одамни бахтиёр килувчи олам ҳам яратиладими? Одамлар вафо ни- малигини биладиларми? Улар бир-бирларига вафо киладиларми?

Адабий дахомизнинг «Тоимадим ахли замой ичра бир андок, хамдаме» мисраси билан бошлана- диган Базали ана шу ижтимоий муаммолар юзаси- дан фикр юритишга баришлаиған. Шоир жамиятни инсоф, адолат, вафо ва одамийлик ришталаридан тудилган галвирдаи утказишга ботинади. Ралвир бир силкигани хамоно... унда на олам, на одам қолади!

Алишер Навоий «Навосиз улуснинг навобахши бул!» шиорини уз дастури килиб олнб, жамоат арбоби ва дахо санъаткор сифатида элига бир умр хизмат к,илди: Хуросон жахонини ва одамларини узи истаганидек куриш учун сунгги лахзагача жон чекди...

Разалда эса, ана шундай фидойи инсон - элнинг маънавий рахбари кулидаги буш ралвирга бок,иб, гоҳ укириб дод сол ад и, гоҳ унсиз инграйди...

*Топмадим ах,ли замон ичра бир андоц х;амдаме,
Ким замон осебидин бир-бирига айтишсок, гаме.*

Замондошлар орасида замон кургиликларини айтишиб дардлашадиган бир хамдам топа олмадим. Ахир,

*Кимки даврон согаридин дам-бадам хуноб ичар,
Ғам йиц ар х;ар дам тмин айтурга топеа х;амдаме.*

Кимки даврон қадахидан лахза-лахза зардоб ича- диган булса, ҳеч булмаса гамини айта оладиган бир хамдам топа олса эди, гам емаса буларди.

У рта аерлардаги рисоладати одам фожиаси ҳам шу: замон фалокатларини айтишиб, эшитиб фикр- лашадиган улфаг йук! Ахир ҳеч булмаса, бирор хамдард топилганда ҳам озгина булса-да, кунгилни бушатиш имкони буларди. Зотан фалак дастидан кону зардоб ичиш бир азобу, бу азобингни бировга тукиб-солишинг иложи йуклиги яна бир азоб!

Фалак - осмон халкаси, юлдузлар инсоният учуй нималардирлар? Фалокатлар манбаини фалақдан излайдиган мутафаккир сиймосидаги лирик кдхрамон ухшатишлар асосида мулоҳазалар юрита бошлайди:

*Чарх узуқнинг х;алқасидур, лек х,ар кавкаб анга,
Катл учун остида қилгон зах;р ницон хотаме:*

Фалак узук халқасидир. Лекин ундаги юлдуз- ларнинг хар бири кишиларни улдириш учун ичига захар жойланган узук-мухрдир.

Шохона узукни тасаввур этайлик: узукнинг ол- тин гардишига бир неча инжу кадалган ва ёзувлар ёзилгаи кузлари бор. Узук шохга мухрлик вазифа- сини ҳам бажаради. Айни пайтда узукнинг хар бир кузи остига бончаларни улдириш учун захар жой- лаб қуйилган. Ахир утмишда канчадан-канча шох ва шахзодалар шу усулда бир-бирларини захарлашди.

Шоир фалак ва юлдузларни узук ва унинг кузлари даражасигача кичрайтирса х;ам, ундан келадиган фалокатларни кичрайтирмайди!

Ана шундай фалокатлар тимсоли булган фалак доираси остида инсон холи не кечади? Осойишталик ва фароғат деган нарсалар борми?

*Йуц фароғат да’ёр ароким, шомдин сочин ёйиб,
Ёғдуриб ашқин тутар цолингга х;ар гун мотаме. ,*

Жахонда осойишталик йукдир: фалак хар тун ту сдай сочини ёйиб, куз ёшларини тукиб сенинг холингга мотам тутади.

Фалакни аёл холида жонлантириб тасвирлаш фикр таъсирчанлигини янада ошириб юборган.

Олам хакида маълум бир тасаввур хосил булди. Хуш, энди шу олам яшашбопми? Бунда инсон учун бахт-саодат ва шодлик деган эзгу нарсалардан асар борми? Ижтимоий хаёт ақлга, инсоф мезонига мувофикми?

*Тар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком!
Хац магарким, ком учун боштин ёротцой оламе.*

Агар олам шу булса, бунда кишининг мақсадга етиши мумкин эмас. Балки тангри бахт-саодат учун кайта бошдан бирор олам яратар...

Алишер Навоийдек уз даврининг асл фарзанди, тасаввуф маъносида айтсак, худо жамоли фидоий- си булган инсон Аллох яратган оламни мақсадга номувофик топмокда ва Аллохнинг янги олам - инсон бахт-саодатга етадиган бир олам яратишига умид богламокда... Бундай мулохазалар ижтимоий- сиёсий мазмунда хам, дину ислом мазмунида хам нечоглик калтис эканлигнини бугунги онгли китобхон яхши тасаввур этади, деб уйлайман.

Олам инсонбоп, бахтбоп эмас экан, одамларчи? Одамларда меҳр-окибат, вафо борми?

*Йуц вафо жинси бани одамда, бул навмедким,
Сен вафо курмак учун халц улгуси йуц одаме.*

Одам фарзандида вафо йук. Сен умидингни уза- вер. Чунки Аллох биргина сенинг вафо куришинг учун алохида бир одамни яратмайди. Бундан умидингни уз.

Замон ва инсонни инкор этишнинг бу намунаси, Навоий орзусидаги олам ва одамнинг ноёблиги ма- саласи чинакам нозик эди, кдлтис эди:

*Нукта нозук булди асру, булгай эрди кошки,
Шаммае бу рамздин зох,ир цилурга махраме.*

Масала жуда нозиклашиб кетди. Кошкийди, ана шу рамз-сирлардан озгинаси билан уртоклашиш мумкин булган сирдош топилса эди...

Замон ва инсонни тахлил галвирида элаш у луг мутафаккирларга хос булган фикр юритиш усули- дир. Дархакикат, акли ва маънавий камолоти умум- инсоний бахтни идрок этадиган даражага етганида киши ана шу ишни килади. У шахсий фаровонлик ва бахтни уйламайди:

*Дарду захм улмиш ичу тошим, цадах; цуй огзима, Социё,
куксума лойидин доги ёц марх,аме.*

Ичим дардга, таним жарохатларга тулди. Эй сокий, оБзимга кадахни куйгин-да, куйкасида бада- нимга хам мал хам суриб куй.

Ха, олам ва одам кисматига узини масъул деб уйлайдиган мутафаккир адабий дахо ана шундай маънавий ва жисмоний изтиробда булади. Шунинг учун унинг сузлари, фикр лари жамият асосларига, арбобларига жуда калтис тегиб кетади:

*Давр аро сух,бат бу янглигдур, Навоий, тот эмас, Нолаю
фарёди бирла гар тузар зеру баме.*

Замон зайли мана шундай кечмоқда. Шунинг учун Навоий нолаю фарёдини паст ва баланд охангларда изх,ор этса не ажаб?

Мумтоз шоир шунинг учун дам мумтоз ва фикр-лари умумбашарийдирки, унинг кдрашлари уз за-монаси ва келажак учун хамиша долзарблигини саклаб к;ола олади. Мана, уша гаплар айтилганига беш асрдан ошяптики, илгор инсоният одам бахти-ёр була оладиган, купчилик саодат топадиган о лам орзусида яшайди ва курашади. Бугунги кунда хам мутафаккир Навоийнинг «бошдан янги олам яратиш» орзуси халкимизнинг асл фарзандларининг фикрини банд этмоада ва бу йулда курашга даъват этмоқда.

«Шарк; юлдузи», 1990, 10

«Лисон ут-тайр» беш юз ёшда!

Дахо шоиримизниинг 1999 йилги таваллуд кунига яна бир кутлуБ сана туф и келмоқда. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» - фалсафий достони яра-тилганига бу йил беш юз йил тулади. Мазкур мас-навий шоир ижодида ута мухим урин тутади. Чунки буюк мутасаввуф Фаридиддин Атторниинг олий ин-сонпарварлик, аникроги, Ал л охни севиш ва табиат-парварлик гоялариниинг рамзий тараннуми булган «Мантик ут-тайр» достонини Алишер 9-10 ёшларида бошдан-охиригача ёд олганди. Бундай буюк фалсафий обидани туркий адабиётда хам куриш орзусида бир умр ёнган Навоий бу хизматни узи, 1499 йилда «Лисон ут-тайр»ни яратиб, уринлатди.

Буюкларга хос камтарлик билан Навоий бу достой учун калам чархлар экан:

*Ким бу дафтарга бериб тавфиц а;ац,
Таржума расми била ёзсам варац, -*

дейди. Айни пайтда Аллох, мухаббати оташида уртанган устози Фаридиддин Атторни узи ёккан утда ёниб кул буладиган Кдқиус куш и га ухшатди ва узини унинг фарзанди деди:

*Мен демошим ул - атодур, мен - угул,
Ул - шах, и олийсифот, мен - банда, цул.*

Навоийнинг ёш калбини бунчалик ром этган асар хакида «Лисон ут-тайр»да Аттор асарлари хакидаги маълумотдан сунг ёзиладики:

*Бир тараф бориға ойину шараф,
«Мантиц ут-тайр»ига ойин бир тараф.*

*Ондаким дарж этти цушлардин мацол Узга
тилдур, узга суздур, узга х; ол.*

Бу асарни ёза бошлаганида хижрий йил хисоби- да Алишер Навоий олтмиш ёшда эди:

*Олтмишца умр цуйгонда цадам,
Куш тилин шарх; этгали йундум цалам.*

Савол турилади: нега шоир бу ишга эртарок киришмади? «Лисон ут-тайр»ни укисак бунга жа- воб топамиз. «Бу китоб назмида уз муносабатининг такриби» сарлавхасида шоир гапни узининг мак- табдаги машгулотидан бошлаб, ёзган асарларигача хикоя килади:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якцалам.*

Мазмуни: Мен туркий шеърят байрогини кутариб, шу тилда сузлашувчи юртларни бир адабий тил остига бирлаштирдим.

*Турт девон бирла назми панж ганж,
Даст берди чекмайин андух, у ранж.*

*Назму насрим котиби тахминишунос Ёзса:
юз минг байт этар эрди циёс*

*Мунчаким назм ичра цилдим иштигол
Хотиримдин чицмас эрди бу хаёл, —*

*Лек суз душвор эрди, мен нотавон,
Бормас эрди хомага илким равон.*

*Оцибат курдумки умр айлар иштоб Рлсаму
цолса дейилмай бу китоб.*

*У л жах, он сори бу армон элткум Буйла
утдип доги х, ирмон элткум.*

*Неча бу ишга кунгул машъуф эди,
Гуёким вацтига мавцуф эди...*

Демак, шоир бу асарни ёзиш истагини уз кунглида бир умр ардоклаган ва бу иш ута масъулиятли ва кийин булгани учун оркарок сураверган. Зотан, та- саввуф фалсафаси инсон аклий камолотининг олий даражасидан далолат беради.

Узбек навоийшунослари «Лисон ут-тайр»ни оммалаштириш, илмий талкин килишда талай ютуқларни кулга киритдилар. Мархум академик Вох,ид Зоҳидов «Навоийнинг фалсафий карашлари» мавзуида док- горлик диссертациясини Бокуда х;имоя килди (1948), «Шоир ижодининг калби» номли ажойиб тадқиқотини эълои килди. Натан Маллаев «Узбек адабиёти тарихи» китобида бу дostonни олий мактаб талабалари учун тахлил этди. Бу соҳада жиззах- лик профессор Олимжон Жураев ҳам яхши рисо- ла ёзди. Филология фанлари номзоди Шарафиддин Шарипов «Лисон ут-тайр» юзасидан номзодлик иши ёклади. Филология фанлари номзоди Шарафиддин Эшонхужаев «Лисон ут-тайр»нинг илмий-танкидий матнини яратиб, дostonнинг бир оммавий (Алишер Навоий «Асарлар», 15 жилдлик, 11-жилд. «Лисон

ут-тайр») ва икки илмий (Алишер Навоий «Мукам- мал асарлар туилами», 20 жилдлик, 12-жилд, «Лисон ут-тайр») нашрини амалга оширди. Шарафид- дин Шарипов «Лисон ут-тайр»нинг насрий баёнини яратди.

Шундай қилиб, хозиргача Ўзбекистонда бир рус- ча нашрини ҳам ҳисобга олтанда, «Лисон ут-тайр» беш маротаба нашр этилди. Бу дoston «Ўзбек ада- биёти бу стони» турку мид а ҳам насрий баёни билан биргаликда мукамал ҳолатда нашр этилган.

Навоий достонининг яратилишида яна бир диққатга сазовор ҳолат бор: туркий тилдаги бар- ча асарларини Навоий имзоси билан бунёд этган шоир узбек тилидаги бу достонини Фоний тахаллу- си билан зийнатлади. Ҳатто «Бу китобда тахаллус тарйирининг узри» сарлавхали боб ҳам бўлиб, унда шундай изоҳловчи байтлар тизилган:

*Чун «Лисон ут-тайр» оғоз айладим,
Турфа цугилар бирла парвоз айладим.*

*Мунда ансамб эрдиким тузгач наво,
Булса назмита Навоийдин адо —*

*Ким наво цушлар тили алх,ониодур,
Дилкаш афгани х,азин достонидур.*

*Туркий услуб эрди х,ам б у дoston,
Тоцудек эрди Навоийдин нишон.*

*Бу рацамда Фоний айларга лацаб Мустамаъ
булгонга айтурмен сабаб.*

*Ким бу дафтар назмидин кулли мурод,
Чуши маржаъ майли эрдию маод.*

*Мунда Фоний булмаи иш улмас тамом,
Фоний ондин топти назмим ихтитом.*

Шу уринда Фоний тахаллуси мазмунига тухталиш ҳам жоиздир: чунки купчилик бу сузнинг лугавий

маъноси билан чекланиб, бебако, уткинчи, муваккат деб уйлашади. Вахоланки, шоир талкинида бу сузнинг маъноси беҳад терандир: дostonда кушлар сиймосида назарда тутилган одамлар етти водий - Талаб, Ишк, Маърифат, Хайрат, Истибно, Тавхид ва Фано водийларини босиб утадилар ва фоний буладилар, яъни:

*Қилибон Симуриг уттуз цуи х, авас,
Взларин курдилар ул си мургу бас.*

Симуррни излаб чиккан кушлар, си мурБ (уттиз куш) узлари эканликларини билдилар. Одамлар Аллохни излаб, етти риёзат боскичини босиб утиб, Фанога етганда узларининг вужудлари Фано булиб, рухан Аллох билан ковушдилар: Фоний булдилар.

Фонийлик Навоий орзуси, фонийлик Аллох оширининг босиб утажак риёзат боскичида камолот чуққисидир.

Шуролар даврида «Лисон ут-тайр» нашр этилган ва урганилган булса-да, унинг фалсафий талкинидаги бирёкламалик ва айникса Фаридиддин Аттор карашларига адолатсизларча нотурри муноса- бат ҳукм сурди. Воҳид Зоҳидов, Натан Маллаев ва Олимжон Жураев тадқиқотларида Фаридиддин Аттор дostonининг фалсафаси мистицизм - таркидунё- чилик, Навоий дostonи фалсафаси эса, пантеизм деб кескин фарқ этирилди. Айни ана шу фикрда Алишер Навоий дostonига нисбатан адолатсизлик ҳукм сурди. Бу уларнинг айби эмас эди, албатта. Шуролар тузуми мафкурада ҳам, илмда ҳам услубга «ок-кора» тарзида карама-карши куйиш амал қилиб келди: Навоий макталиб, Хусайн Бойқаро шаъни топталди; Навоий макталиб, унинг устози Аттор фалсафасига беписанд муносабат билдирилди. Вахоланки, Навоий ва Хусайн Бойқаро бир- бирларига жон фидо қилишга шай булган тарихи-

мизнинг буюк сиймолари эдилар... Холбуки Навоий ва Аттор бир фалсафий караш - тасаввуф куйчи-лари эдиларки, шу боис уз асарида шоир Атторни отам дея эъозлаган эди.

Аттор дам, Навоий дам од амийи год Аллоднинг сояси, год Аллодиииг узи сифатида талкин этади-лар. Аммо шуру даврида олимлар дакикатни ай-тишдан чучидилар.

Тасаввуф, оламда Аллоддан бопща иарса йук, биз куриб тургаи иарсаларнинг даммаси Аллод жил-васи, дейди. Яъии, борлик Аллоддан иборат, жонли-жонсиз мавжудотлар Аллод номли буюк куёшнинг зарраларидир. Ахир Мавлавий Жалолиддин Румий очикчасига дар биримизга бокиб: «Илодий - Сиз! Илодий - Сиз! Илодий - Сиз!» деб бежиз айтмаган эдилар. Илодий зарралар шарафини англаган инсон боищага нисбатан - Аллод намунаси - зарраси-га нисбатан ёмонлик килолмайди; ёмон курулмайди; озор беролмайди; узгани Аллодни эъозлагандай эъозлаш заруратини англайди. Шундай булса эди, ер юзи инсонлар учун жаннатга айланган буларди. Бу тасаввуф тантанаси демакдир!

Биз Алишер Навоий олдида - бизнинг кимлиги-мизни рамзий маънода «Лисон ут-тайр»да танитган, «Хой, сен Аллод намунасан!» - деган инсонга таъзим этамиз.

«Ёзувчи» газетаси, 1999 йил 3 февраль

Дах;о абадияти

Миллат кадимийлиги ва адолининг купсонлигига караб адабий дадолар айрим халк адабиётларида бит-та, баъзиларида бир нечта булади. Масалан, Марказий Осиёда форс-тожик адабиёти адабий дахоларга бойлиги билан жадонга машдурдир. Абулкосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дедлавий,

Жалолиддин Румий, Хофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар бир-биридан машхур адабий зоти олийлардирлар.

Ўзбек ва немис адабиётида гарчи ўзбек адабиёти жуда қадимий ва немис адабиёти ёш бўлса-да, ушбу миллатларда биттадан, биттадан бўлганда ҳам жуда йирик адабий даҳолар борки, улардаги ухшашлик ҳам қайд этгулик; ҳар иккилари ҳам ўз давлатла-рининг етакчи устунлари бўлишган. Улар Алишер Навоий ва Йоханн Вольфганг Гётедирлар.

Бизнинг Алишер Навоийимизнинг салобати яна-да узгача. У биргина ўзбек адабиётининггина эмас, балки барча туркий халқларга мансуб адабиётлар-нинг яққо-ягона адабий даҳосидир.

Алишер Навоийгача ва ундан кейин, ҳозиргача бирор туркий адабиётда Навоийчалик адабий даҳо тугилмади, этилмади. В. Г. Белинский «Адабий даҳо л ар тарих сахнасига жуда сийрак ке ладил ар» деган ба-шоратида ҳақ экан.

Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиёти тари-ҳида теурийлар даврида етишган мислсиз адабий даҳодир. Унинг адабий даҳолигининг далилларига келсак:

- уттиздан ортик улмас бадиий, илмий, тарихий асарлар яратди. Унинг иждоий меросининг асосий қисми бизнинг кунларгача эсон-омон етиб келди. Алишер Навоий «Куллиёти» - «Муқаммал асарлар туплами»нинг йигирма жилди бутун туркийлар дунё-сида биринчи марта бизда яратилди, нашр этилди.

Алишер Навоий иждои гултожлари оламга машхур «Хамса»лардан бири (туркий тилдаги эл-ликка яқин ҳамсаларнинг энг сараси), «Ҳазойин ул-маоний» ~ маънолар ҳазинаси унвонли турт йирик девон, «Девони Фоний», «Лисон ут-тайр» достонидир:

*Турт девон бирла назми «Панж ганж»
Даст берди чекмайин андух,у ранж.*

- Алишер Навоий узи хаётлигидаёк Уйгуристондан то Табрэзгача булган хуудларни забт этганини кайд этган:

*Олибмен тах;ти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*

*Хуросон демаким, Шерозу Табрэз,
Ки цилмишдур найи килким шакаррэз.*

Ва барча туркий тилда сузлашувчилар унинг ижодидан бахраманд эканликлари даъвосини хакли равишда куйган эди:

*Агар бир к,авм, гар юз, йуцса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.*

Бугунги кунга келиб у Магрибу Машрик,ни тула эгаллади. Дунёнинг асосий тилларига таржима этил- ган Навоий асарлари бунинг бир далили булса, ик- кинчи бир далили Магриб - Москвада, Машрик - Токио да Алишер Навоий хайкалининг хашамат билан кад кутариб турганидир.

Дахоликни аввал устозлар эътирофи далиллайди. Саводли узбек кишиси борки, Алишер Навоийнинг болалигида яратилган:

*Оразин ёщоч кузумдин сочилур х,ар лах;за ёш,
Уйлаким, пайдо булур юлдуз ницон булгоч к,уёш*

байти билан бошланадиган газалига устоз Мавлоно Лутфийнинг берган мислсиз бахоларини эслайди. Бу мактов Навоий дахосига улуг устоз башорати эди. Шу уринда кайд этиш жоизки, Х1У-ХУ асрларда Навоийгача икки улкан ижодкорни туркийлар тан олишган. Булар: Имодиддин Насимий ва Мавлоно Лутфийдирлар.

Форс адабиётида Навоий замонининг дахоси Мавлоно Абдурахмон Жомий эдилар. Устод Жомий Навоий «Хамса»сини укиб, уз олқишларини «Хи- радномаи Искандарий» достонида шундай ифода эт- ганлар:

*Сенинг юксак табъинг билан, суз устоди,
К,аламингнинг калиди-ла суз кушоди...*

*Суз юзининг порлоқлиги учган эди,
Хазина х;ам юкин боглаб кучган эди.*

*Сузамоллик майдонига сен сурдинг от,
Кбайта бошдан сузнинг юзи порлади бот.*

*Сенинг ақ,лу фикринг билан сафо топди,
Эй Навоий, лутфинг билан наво топди.*

(Рафур Рулом таржимаси).

Навоий дахрлигини унинг замондошлари, издош- лари - салафлари мактовлари хам далиллайди. Шу уриида турт киши томонидан айтилган бир фикрни кайд этамиз. Форс тилида Абдурахмон Жомий, та- рихчи Хондамир, шох ва шоир Мухаммад Хайдар Мирзо хамда узбек тилида Захириддин Мухаммад Бобур:

«Алишербек иазирни (мисли) йук киши эди. Тур- кий (узбек) тил била то шеър айтибтурлар, хеч ким онча куп ва хуб айткон эмас».

Захириддин Мухаммад Бобур Навоийни бошка туркигуй шоирлар сафидаги фахрли урнига ишора килиб, бошка шоирларни - фукарога, Навоийни хонга ухшатган эди:

*Эйким, бори назм ақлига сен хон янглиг,
Шеъринг бори шеърларга султон янглиг.*

*Мазмуни ани хатти саводи ичра,
Зулмат орасида оби х,айвон янглиг.*

Навоий уз дахосиини узи хам идрок этган ва унинг даъвоси тугрилигитш тарих исботлади:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,
Бу тъл бирла то назм бунёдидур.*

*Жах;он курмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро цодире.*

Дахо уз дахолигини бонща дахоларга кнёсан исботламокчи булади. Машхур Низомий Ганжавий - хамсачиликка асос солган дахо. Яна бир дахо бор- ки, у хам булса «Шохнома» ижодкори - Абулкосим Фирдавсий.

Алишер Навоийнинг «Фирдавсийнинг уттиз йил- да ёзганини уттиз ойда ёзаман» деган даъвоси бе- жиз эмас. Чунки «Шохнома»нинг ярмидан купрок халсмдаги «Хамса»ни дахомиз икки ярим йилда ёз- гани унинг даъвосида хеч хам му бол ага йу:к лишни курсатади.

Алишер Навоий дахо сифатида узбек адабиёти- ни унга якин янги жанрлар билан бойитди: форс- тожик ва араб поэтикасидаги образлилик, таъсир- чанлик, купмаънолилик хамда хушжаранглилик яра- тувчи бадий санъатларни уз ижодига олиб кирди ва янги шеърий санъатлар ихтиро этди. Чунончи, форс-тожик адабиётида ута сийрак кулланиладиган санъатлар дан бири тафреъдир,

Шоир байтда айтилган, куриниб турган нарсани бу эмас, дея инкор этади-да, мана бу деб унинг ухшаганига укувчини ишонтиришга уринади. Ана шу усул тафреънинг мохиятидир. Чунончи:

*Лолазор эрмаски, ох;имдин жах,ота тушти ут,
Йуц шафақким, бир цироцдин осмота тушти ут.*

Биз лолазор ва алвон шафакни кураётган эдик. Алишер Навоий бизга: «Бу лолазор эмас, менинг

тортган охимдан жадонга ут кетган; анови алвон шафак эмас, угла охимдан осмонга хам олов ту- ташган, дейди. Адабиёт хох, у мумтоз булсин ёки хозирги замон адабиёти булсин, барибир: анъана ва ихтирокорлик (новаторлик) асосида яратилади, тараккий этади.

Биз юкоридаги фикр илдизини Саъдий Шерозий- нинг куйидаги байтидан топамиз:

*Нест он лолах;о, ки дар бодия^о жилвагаранд,
Куштагонанд, ки зй хок бароварда саранд.*

(Мазмуни: Биёбонлардаги жилваланаётган ло- лалар эмас, балки суйилган одамлар бошларини тупрокдан чиқариб турибдилар.)

Алишер Навоий адабий таъсир маъносида Саъдийдаги «Лолалар эмас» деган фикрдан озиклаиди. Энди устоз ва Навоий байтлари поэтик тузилишини киёслайлик: Саъдий Шерозий даштдаги лолаларни инкор йули билан суйилган одамлар бошларига ухшатмоқда. Нисбат - бирга бир. Навоийда эса нисбат бирга иккидир: лолазор эмас, дея инкор этиб, икки янги ухшатиш келтирмоқда: ёнаётган олов ва алвон шафак. Анъана - олиш ва давом эт- тириш; ихтирокорлик - янгилик киритиш. Навоий лолазорга бошка икки ташбихни келтириб, янгилик яратди.

Ийхом - энг нозик, энг кийин санъат: бу усул байтга хам куп маънолилик багишлайди, хам китоб- хонни койил колдиради. Узбек мумтоз адабиётида бу санъат Мавлоно Лутфий ижодида гуллади, дейиш мумкин. Бирок Навоий ижодида сархил мевалар берди. Мавлоно Лутфий байтларида бир ёки иккита сузда лутфкорлик - икки маънода фикр юритиш сезилади. Куйидаги Навоий байтида битта эмас, иккита эмас, учта хам эмас, туртта суз ийхом санъа- ти курсаткичи сифатида икки маънода кулланилган.

Демак, байтни саккиз маънода шархлаш имкони бордир.
Уша сузларга ахамият берайлик:

«К,уй, рангин, сурдум, ол».

*Бош цуяй дедим оёт туфрогига, деди: «К,уй»,
Буса истаб лаъли рангин сурдум эрса, деди: «Ол!».*

Биринчи мисрада йигит кизга: «Изингга юзимни куяй» дейди. К,из унга «К,уй» деди. «К,уй» сузи хам «куйгин», х;ам «куйма» маъноларида келмоқда. Бир сузда хам тасдик, хам инкор маъноларини ифо- далаш фавқулдда махорат хисобланади.

Иккинчи мисрада: йигит буса олмоқчи булиб лаблари рангини сураган; киз унга: «Ол», яъни кизил, деб жавоб берган; иккинчи маъноси буса бе- ришга розилиқдир.

Матндаги «рангин» сузининг биринчи маъноси лабга нисбатан алвон; иккинчи маъноси «тусини, рангини» тарзидадир; «сурдум» сузининг икки маъноси: «сурадим ва сурдим»...

Даҳоликнинг яна бир далили: тарихан йил- лар ута борган сари ижоди унутилмай, аксинча уз халқида куирок уқилиши ва жахоннинг бошка мам- лакатлари тилларига таржима қилинишидир. Нега? Чунки даҳоликнинг бу далили узагида шундай ту- шунча ётади: бир миллатда турилган даҳо бора-бора умумбашарият даҳосига айланиш жараёнини бошдан кечиради. Даҳо ижодига - унинг фикрларига баша- рият хамиша эҳтиёж сезади.

Айтайлик, хозирги кунда узбек миллати учун На- воийнинг қандай ахамияти бор? Китобхон Навоий асарларидан фикрий-хиссий лаззат олади; эстетик эҳтиёжини қондиради; ошиқлар Навоий сузлари би- лан уз севганларига мурожаат этадилар; кексалар ёшларга Навоийдан ахлоқ сабоқларини берадилар; ёшлар Навоийни уқиб, чин мухаббат нима, вафо ва садокат қандай булиши кераклигини урганадилар;

ота-онага меҳр ва хизмат савобини англайдилар. Гадодан шохгача Навоий таълимига миллат ахли эҳтиёжманддир.

Оддий ва энг муҳим бир савол берайлик:

- Эй Хазрат Навоий, баркамол одам ким?

У киши бир китъалари билан жавоб берадилар:

Тавозеъ - камтарлик хамма учуй яхши фазилат. Айникса улуглар - бойлар, амалдорлар, раҳбарларга яида купрок ярашади.

Авф - бировинг гуиохии кечириш - мусул- моилик белгиси, яхши фазилат. Бу хам, айникса, амал-мартаба эгаларига жуда ярашадиган хислат.

Хдья килиш (агар миннат килинмаса) яхши хислат. Бу хам купрок, бадавлат ва амал-мансаб эгаларига ярашади.

Ана шу уч хислатни эгаллаган одамни баркамол деса булади.

Инсон жаҳонда бахтиёр яшамори даркор. Бу - олий орзу. Навоий тушунчасидаги бахтиёрлик: узга- ларни бахтиёр килишдир.

Вацки, умрим барча зоеъ булди эл коми била.

Мазмуни: Мен умримии узгаларни бахтиёр этиш- га сарфладим...

Нихоят бир муаммо бор: Нега шунча асрлардан бери Алишер Навоийдай иккинчи бир даҳо дунёга келмаяпти?

Бунга шундай мушоҳада юритамиз: Биз адабий даҳо ва замонамиздаги бармок билан санарли шоир- лардан бош шоирона фазилатни изласак, хофиза бакуватлиги - минглаб шеърлари иёд олиш экан- лигига икром буламиз.

Алишер Навоий уч ярим ёшлигида К,осим Ан- ворнинг бир байтини ёдлаб, бошқаларга айтиб бер- ганини эслаиди, 8-9 ёшларида Фаридиддин Аттор- нинг икки юз бетдан ортикрок булган «Мантик ут-

тайр» достонини ёд олди. Ун беш-ун олти ёшларида узининг кайд этишича, эллик минг байт шеърни ёд билган. Бу хдям, деярли унта кнтоб деган гап. Унта китобни ун олти ёшли йигитча ёд билса, ун- дан адабий дахо чиқадида... Уттиз ёшида у уттизта китобни ёд билади... Биз шуни хнсобга оламизми?

Афтидан даҳоликка етишнинг бир ишончли йули шу булса керак...

Навоий ёшлигидан улуя орзу билан яшаган ва мут- тасил риёзат оркали фавкулудда акл, қобилият, ис- теъдод ва ахлоқ эгаси - қомил инсон бўлиб етишган.

Мен Алишер Навоий ижодининг бир мухлиси сифатида 7 ёшдан 90 ёшгача булган миллатдошлари- мизга Алишер Навоийдан бахраманд бўлиш бахтини тилайман.

«Сирдарё хақиқ<ати» газетаси,
2010 йил февраль

Суз жауонгири

Шермухаммад Мунис уз исми шарифининг Алишер Навоий исмига маънодошлиги юзасидан фахр- ланиб ёзган эди:

*Суз ичра Навоийки жах, онгирдурур:
Мунисга маони йулида пирдурур.*

*Йуц шйрият андин узгаким, айтурлар:
Бу - Шермухаммад, у - Алишердурур.*

Суз Алишер Навоийнинг жахонгирлиги хусуси- да боради. Зотан, дахомизнинг узи бу даъво билан чиккани сир эмас: «Лисон ут-тайр», «Фарход ва Ширин» достонларида бу хусусда хужжатли байт- лар сақланган:

*Турк назмида чу мен спортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яқчалам.*

(Мен туркий шеърият байробини кутариб, туркий тилда сузлашувчиларнинг хаммасини бир адабий тил остига бирлаштирдим.)

«Л исон ут-тайр»да бу фикрлар изхори би- лан чиккан шоир «Фар ход ва Ширин» достони- да Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий ва Абдурадмон Жомийнинг жахрнгирликларини кайд этиб, Низомий Ганжавий хакида:

*Низомий олса Барда бирла Ганжа,
К,адам Рум ах,лта х,ам ҷилса ранжа, —*

деб ёзади.

Амир Хусрав Дехлавий жахонгирлиги хусусида эса,

*Чекиб Хусрав доғи тти забонни,
Юруб фатх, айласа Хиндустонни, -*

дейди. Абдурахмон Жомий музаффарияти тутрисида

*Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда доғи чолса қуси шавкат, -*

дер экан, ниҳоят, уз жахонгирлигининг ижод кули остига қайси мамлакатлар киргани хакида ёзадики:

*Агар бир к,авм, гар юз, йуқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.*

*Олибмен тахти фармонимга осон,
Черт чекмай Хитодин то Хуросон.*

*Хуросон демаким, Шерозу Табрес Ки
ҷилмишдур найи қилқим шакаррез...*

Юдорида келтирилган байтлар жуфюфиясиини та- саввур этсак, Хито - ТПаркий Туркистондан Таб- резгача яшаган туркий элатлар юзтами, мингтами Алишер Навоий ижоди таъсирида булган экан...

XX асрда Навоий асарлари жахондаги цивилизациялашган мамлакатларнинг хдммасига бориб етди, десак муболаБа булмас. Бирок бу «бориб етиш» хабар тарикасида эди, ижодий забткорлик маъно- сида эмас. XIX асрдаёк Хофиз Европаиинг Франция, Германия, Англия каби мамлакатлари шоирлари калбига уз ижодий байрогини тиклаб улгурди. Йоханн Вольфганг Гёте форсий тилда шеър бит- ган жахоншумул етти шоирни санайди: Рудакий, Фирдавсий, Анварий, Низомий, Саъдий, Хофиз, Абдурахмон Жомий...

Алишер Навоий жахонгирлиги, хозирги адабий таъсир ва таржима маъносида фикр юритадиган булсак, энди чинакам булиши мумкин. Бунинг учун нима килмок керак?

Дарвоке, аввал гапни узимиздан бошлайлик. Узбекистан да Алишер Навоийни укийдиларми? Нега Эркин Вохидовдек Кдхрамон шоиримиз «Навоийни адабиётшунос олимлар тушунмайдилар» деб кайгуради ва шоирона жаранг билан:

*Узбек Навоийни уцимай цуйса,
Дод демоцца палла булгани шудир.
Маърифатдан айру уйнаса, кулса,
Аза чоги ялла булгани шудир.*

*Узбек Навоийни уцимай цуйса,
Алдангани, алла булгани шудир.
Юлгич азиз булиб, билгич хор булса,
Пайтаванинг салла булгани шудир, -*

дея фигон чекади?

Бундай юзаки Караганда, Алишер Навоий рухи Узбекистонни тула забт этгандек: мактаблар, музей- лар, жамоа хужаликлари, илмий институтлар дахо шоиримиз номида. Узбекистонда «Мен Навоийни укимаганман», деган узбек топилмайди. К,андай яхши! Аслида шундайми?

Узбекистонда ҳамма Навоийни укиган, деган тушунчанинг мазмуни шуки, узбек укувчиси мактаб- да уч- турт синфда Навоийнинг беш-унта шеърини урганган, дostonларидан икки-уч боб намуна курган, «Фарход ва Ширин»нинг мазмуни билан дарслик оркали танишган. Мана шу - узбек халкининг Навоийни билиши! Богчадан, олий мактабгача Алишер Навоийнинг ижод гулдастаси - йигса бир китоб буладиган мероси амал килади...

Ватанимизда Навоий ижоди билан нафас ола- диган юзга якин олим ва ёшлар топилади, десам муболага булмас. Мен уқнутувчилар малакасини ошириш институтларидаги уттиз йиллик тажри- бамдан, Узбекистоннинг барча туманларидаги ада- бнёт уқитувчилари билан ижодий суҳбатлардан чикарган хулосам шуки, уқнутувчилар ҳам Навоийни уқимайдилар (истисно юз фоиздан 0,01 фоиз булиши мумкин). Ана шу истисно фоизда Алишер Навоий Базалларидан уч-туртта ёд биладиган, унинг дostonларидан уч-турттасининг насрий баёни- ни укиган уқнутувчилар бор, холос.

Хамманинг узри битта: Навоий асарлари тили - эски, кийин. У ни урганиш учун ким энди хар бир сузга битталаб лугат вараклайди?

Яхшиямки, кейинги уттиз йилликда «Хамса» дostonлари, «Лисон ут-тайр» маснавийси ва «Махбуб ул- кулуб»нинг насрий баёнлари - хозирги тилдаги талқинлари яратилди. Бунда профессор Абдукодир Хайнметов, академик шоиримиз Рафур Рулом, Амин Умарий, Шарифжон Хусайнзода, Шарафндин Ша- рипов, Наим Норкулов, Иноятулла Махсумовларнинг адабий хизматлари бор. Алишер Навоий газалларининг бир катор олим ва шоирлар томонидан бажарилган шархлари ҳам газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинмоқда. Бирок булар Узбекистонда Навоий жаҳонгирлиги учун хали кам... Фикримча, агар

Алишер Навоийни маънавиятимиз маёги сифатида кадрлар эканми, **Навоий асарларининг хаммасини уз жанрида хозирги тилга табдил — таржимасимон талкинини яратмоғимиз шарт.**

Узбекистан Навоий билан яшамори, у билан на- фас олмоғи керак. Навоий Узбекистан хдвосини то-залайдиган, рухин и яшартирадиган, халқини барка- мол эта оладиган БУЮКЛИКДИР!

Навоийни элга таадим қилмоқдан мақсад: Навоийнинг эзгу фикрларидан узбекни бахраманд этиш, умумбашарий гоёларидан воқиф қилиш, узбек ёш- ларини барқамол авлод даражасига кутариш учун маънавий озик сифатида Навоийни тарғиб этишдир.

Навоий асарларини табдил қилиш - узбек тили- ни узбек тилига таржима этишдек эриш туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас. Масалан, уйғур тили- дан узбек тилига бадиий таржима қилиш Навоийни узбек тилига «таржима этиш»дан осонроқ...

Алишер Навоий асарларини тушуниш қийин. Биргина мисол келтирай. 9-синф учун янги ажойиб ва яхши «Адабиёт» даре лиги ёзилди. Навоийнинг:

*Най туз учун истар ани ах,ли х;ол,
Чун туз эмас, эгри кураб гушмол -*

байти қуйидагича талқин этилган: «Най тутри булгани учун уни суфийлар яхши курадилар. Эгри булганида танбех олар, қулори буралар эди».

Биринчи миера талқини - туяри. Иккинчи мис- ра талқини - шубхали. «**Тугри** булмагани учун эгрининг қулоғи буралади» десак, яна хато булади. Нега? Чунки «бу миера талқини турри!», деб туриб олсак, Хазрат Навоий: «Чангим йуқолди, санда- му?», деб атрофга аланглайдилар... Зотан, байтда- ги «чанг» мусликий асбоби йуқолиб қолган. Навоий «**эгри**» сузи билан суз уйини қилган. Чунки «**эгри**»

- «чанг»дир...

Демак, иккинчи мисра талкини бундай булади: «Чанг тугри булмагани учун унинг кулогини бурай- дилар». Таассуфки, биз - олимлар биргина тушун- ча билан яшаймиз: «Навоий асарларини уз холича нашр этиш лозим. Унга лугат китоби бериш керак. Укувчи узи лугат оркали укиб маза килсин! Наво- ийга дахл этиш - гунохи азим!» деймиз.

ТуБри, Навоий асарлари мумтоз оханглар каби инжа, иозик, асал каби тотли. Кдни энди уша ор- зумиз амалга ошса эди... Бирок уша имконият йук; буидаи ким зарар куради? Халк... Бор асалии еяол- масак (Навоийи тушуиолмасак), унинг кайта иш- лаигани - табдил - шакарни истеъмол килиб турай- лик ахир. Бусиз ширинликдан махрум коламиз-ку? Навоий ижоди мусикаси, майинлиги, маъноларининг хилма-хил товланиши, шеърий санъатларнинг олмос- дек минг турли жилоси шоир тилини тушуна ола- диган йирик олимгагина насиб этадиган кутлуг на- сибадир. Бу насибага анча- мунча олимлар хам даъво к;илишдан ийманадилар... Демак, Навоийнинг бошка иасибахурлари Навоий дастурхонидаги асал эмас, шакардан бахраманд булиб турсалар нимаси ёмон?

Низомий асарларини аслича тушунмайдиган озар- байжон халки хозирги тилдаги таржимада укиш билан коитщади-ку, ахир! Шунинг учун Навоийни тушуниш даражасига халкни етказишдек мукаддас орзуга етишиш хозирча имконсиз экан, демак, На- ноийни хозирги узбек тушуна оладиган даражага «куйилатмок» зарурати бор. Бу эса: шоир ва адиб 11авоийнинг барча асарларини хозирги узбек ада- 61 1Й тилида уз жанрида табдил килишдир. ТуБри, поирнинг юзлаб шеърларини лугат билан урганиш имконияти хамища сакланади.

Бу таклиф амалда исботланган: «Хамса» дoston- лари табдили - бунинг исботи. Бирок бу илк кадам эди. Энди, менингча, дoston жанрини тиклаб табдил

килиш боскичига келдик... Алишер Навоий фикрлари- ни хозирги шоирларимиз иктидорлари, хозирги узбек адабий тили хазинаси билан тула ифодалаш имкони- яти бор. «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин», «Хдйрат ул- аброр»ларни Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол ижодий талкинларида у кит бахти узбек халкига насиб этсин. Навоий газал- ларининг асосий кисмини хам ана шу йусинда - разал холида табдиллаштирмак керак, токи Навоий Узбекистонни чинакам эгалласин...

Навоий жахонни кандай эгаллайди? Буним олимларимиз, таржимон шоирларимиз киладилар. Олимлари- миз Навоийнинг хар бир Базали хақдца биттадан китоб ёза олсалар, нур устига нур буларди. «К,аро кузум» разали хакида бир китоб ёзса булмайдими? Чунончи, мен шу Базалнинг матлаъи устида бош котирдим-у, биргина бадиияти нуктаи назаридан кузатишларим бир дафтар булди. Яъни кискача килиб айтсам:

*К,аро кузум., келу мардумлиг эмди фан цилгил,
Кузум царосида мардум киви ватан цилгил -*

байтидан унта бадиий санъат топдим. Булар: нидо, сифатлаш, илтифот, тарди акс, тажнис, ийхом, иштикок, ташбих, амр, мураддаф...

Алишер Навоийни кашф этиш бошланган. Бу хол ривож топмоги даркор. Бунинг учун маблаБ сарфлаш керак, грантлар олиш керак...

Навоий асарларининг инглиз, немис, француз ва бошка тилларга бадиий юксак савиядаги таржима- ларини яратиш даркор. Бунга чет эл шоирлари, адибларини хам жалб килиш л озим. Бусиз Навоий жахонни забт этолмайди...

Алишер Навоийнинг жахонгирлиги узбек миллатининг маънавий жахонгирлигидир.

Жавоцирлар шодаси

Мумтоз адабиётда анъанавийлик жуда кучли ва таъжид (новаторлик) сезиларлидир. Бирор нюх байт ёки шох газал яратилгудек булса, жуда Кўп шоирлар ўйна мавзу, ўйна вазн, ўйна радиф ва кофияда унга назира (ухшатма) ёзишга ҳаракат қилганлар. Ма- салан, назира-газалларнинг фақат матлаъларини - бошбайтларини ёнма-ён тизганимизда ҳам ухшашлик яққолу, фикрий оҳорлар }[†]згача эканлигига гувоҳ буламиз.

Ўзбек мумтоз адабиётининг даҳо вакили Алишер Навоий ижоди ўз даври ва кейинги асрлар шоир- лари учун намуна мактаби бўлиб хизмат қилгани ҳаммага аён ҳол. Чунончи, Алишер Навоийнинг куйидаги Базали Хирот ва теварак-атрофда шунча- лик машхур бўлиб кетадики, унга ўйтап ортиқ шоир ва шоиралар назира - ухшатмалар ёзишган. Мана, ўта газал:

Эй кунгул, гар кимса аҳолим демас ёр оллида, Хотирим кимдин малул улсун, кимим бор оллида?!

*Ул куз оллида х;алоқим десалар, йиц бок х,еч,
Гарчи улмақдин демак йук, шарт бемор оллида.*

*Не жафоқашмен курунқим, бор анга қилмоқ жафо,
Суз вафодин зох,ир этсам ул жафокор оллида.*

*Оллига гулларки санчибдур, мушобиқдур анга Ким,
тушар гоҳе мулавван мух,р дастор оллида.*

*Кузларинг қоним гизо қилсун агар ёлгон десам,
Бир қошуқ қоним биқил ул икки хунҳор оллида.*

Май берур булсанг мата дайр ичра бер, эй мугбача, Ким қуяй бошимни кз/ўсам пири ҳаммор оллида.

*Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йули булма забун бу золи маккор оллида.*

К,изири шундаки, уша даврларда темурийлар ва шайбонийлар ихтилофлари, тукнашувлари бошланган ва кейинчалик бу зиддиятлар шайбонийлар томонидан темурийлар салтанатининг кулатилиши билан нихоясига етган бўлса-да, ушбу разалга темурийлар жонбозлари ҳам, шайбонийлар ҳукмдорлари ҳам баб-баравар меҳр курсатиб, назиралар бигиштан.

Алишер Навоий замондошларидан Амир Рустам Али ибни Крсимий Туркигуй, Амирбек Ямрурчининг убли Валибек, Мавлоно Шавдий Чечактуий, Хиротда ижоди шаклланиб отаси касосини олиш учун Шайбоний томонига утган амир Мухаммад Солих, Убайдуллохон, Шайбонийхоннинг хотини — Мурулхоним шулар жумласидандир.

Алишер Навоийнинг кенжа замондоши Фахри Хиравий (Хиротий) «Жавохир ул-ажойиб» номли тазкирасида Навоий разалига назиралар силсиласини куйидагича изохлайди:

«Убайдхон Амир Алишер (Навоий)га татаббуъ килган:

*Бир-бир айтинг, дустлар, дардимни дилдор оллида, Айтиб~
айтиб йиглангиз, зицор-зицор оллида.*

Убайдхоннинг ушбу матлаъига маҳди улё МуБулхоним (Мухаммад Шайбонийхоннинг харами, Мухаммад Рахим Султоннинг волидаси эди) жавоб айтган:

*Демаким, дардингни изх,ор айла дилдор оллида,
К.айси бир дардимни изх,ор айлайин ёр оллида.*

Бу аёлнинг таърифига шу фикр етарлидир: у уз замонида аёллар уртасида аклу фаросатда тенгсиз эди. Унинг гаъби шеърият жавохири билан зийнатланган эди ва гоҳо ундан шеър зоҳир буларди».

Фахри Хиравийнинг ушбу маълумотларини Мухаммад Хайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» ки-

тобидаги маълумотлар билан аниқлаштириш ва мукамаллаштириш мумкин. Тазкирадан Мурулхонимнинг аниқ; исм-шарифи маълум эмас эди. «Та-рихи Рашидий»да муаррих Мурулхонимнинг муБул хони Султон Махмудхоннинг кизи эканлиги, унинг исми Ойиша Султон хоним эканлигини кайд этган.

Шайбонийхоннинг шу даражада кучайишига им-кон ва мадад берган инсон - Тошкент хони Султон Махмудхон эди. Шайбонийни эш тортиб Муру-листондан келганида Шайбонийхон Хужандда хонни беш фарзанди билан катл эттирди (1509 йил). К,изи Ойиша Султон хонимга уйланди. Отаси ва укалари-нинг котили - Шайбонийхонга Мурулхоним номида шухрат қозонган Ойиша Султон хоним вафодор хотин булди.

Алишер Навоийнинг уша Базалига Мухаммад Солихнинг назирасидан ушбу икки байтни Фахри Хиравий узининг «Жавохир ул-ажойиб» тазкираси-да келтирган:

*Не кунгулким қилгомен дардимни иззор оллида,
Не кунгулсизлт гамин айтур кимим бор оллида.*

*Эй сабо, дардимни йиглаб-йтлаб айтурман санга, Айтиб-
айтиб йтлагайсен, сен тақи ёр оллида.*

Хозиргача Мухаммад Солих газалларидан узбек тилида ёзилганидан топилгани шу байтлардир. У ҳам булса, Навоий Базалига назирадир.

Навоий замондошларидан Амир Рустам Али ибни Қ,осим Туркигуй ҳам даҳо шоиримиз разалига шун-дай жуrowsозлик қилган:

*Жон берурда сажда қилдим ул жафокор оллида, Шукрки,
бошимни қуйдум оцибат ёр оллида.*

Навоий разалига назира боглаган навбатдаги шоир чечактулик Мавлоно Шавкийдир. «Мажолис

Иззат-х,урмат истаган киши тамагирикдан воз кечмаса, хор булади. Чунки «Азизлик - каноат- дадир», деган хадис бор.

*Тухли тамаъки хорлик, улмиш анинг бари,
Сен буйла хор тухмин экиб цилма гул тамаъ.*

Тамагирик уругининг хосили хорлик экан, сен бундай хорлик урурини экиб, гул ундираман деб умид килма.

*Нафсинг х,алокин истаю топсанг ани х;алок,
Зицор мотам ах,ли киби цилмагил жазаъ.*

Нафсингни халок килишни истагин. Бунга - эришсанг, яъни нафсингни улдиролсанг, азадорлар каби унинг учун доду фарёд килма.

*Невчунки, то тирикдурур ул золими лаин,
Куилунгадур х;алокату жонингеадур важаъ.*

Чунки, то нафс деган лаънати золим тирик экан, кунглинг халокатга мубтало, жонинг - алам-изтироб чекади.

*Рух;ингга сицх,ат улса малоийк булур сипох;,
Нафсингга цувват улса шайтин булур табаъ.*

Рухинг соғлом булса, фаришталар сенга лаш- кардир. Нафсинг бакувват булса, шайтонлар сенга хизматга келадилар.

*Тарк этма узру ажзга кунгулни солса фикс;,
Кутил рибъу ужбга гар бош чекар вараъ.*

(Шайтон измида экансан) бузукчилик кунглингга ожизлик ва узрни солса хам, унга кулок солма. Пок эътикодлилики бош кутарса, иккиюзламачилик ва кибрга мубтало кил.

Бу байтда шоир ахлокий ва рухий тубанлик таназ- зул боткоБининг дахшатли кудратини курсатмокда.

*Жох; ах,ли, фацр ичра Навойга ицтидо —
Айланги, бу тарца анга келди мухтаръ.*

Эй амалдор давлатмандлар, камсукумлик, кам- тарлик бобида Навойга эргашинг. Чунки бу соха унинг ихтиросидир.

Дахо шоиримиз бу газалда энг оммавий-ахлокий вабо - тамагирликка карши мардонавор килич кайраб майдонга чиккаи. Тамагир нафс занжири- даги йирткичдир. Тамагирликнинг табакд-даражаси йук,. У оддий фукдродан амалдоргача бир хил те- гишли иллат. Бирок; амал-даража юкорилагаи сари тамагирлик калтакесаги эчкиэмар ва аждахо каби катталашиб бораверади.

Ана шундай фалокатга мубтало киши энди элдан иззат-хурмат кутса - хато килади, чунки тамагирлик, албатта, кишини эл кУзида хор килади, тубанлашти- ради. К,изик-да, тамагир амалдор ёлгондакам иззат- хурмат билан хам ўз маънавий-ахлокий эхтиёжини бах,узур кондириб яшайверади...

Алишер Навой газалда уз йусини - факр мас- лагини кашф этганини айтади-ю, аслида буни яши- рин колдирган. Буни факат бир аник шарти бор - Навойга эргашиш. Унда нима булади? Навой нима килганки, унга амалдор-давлатмандларни эрга- шишга чорлайди?

а) Бобур арузга дойр фуНдаментал тадқиқот яратган. Аруз рисоласининг номланиши хусусида «Бобурнома»дан укыймиз: «... ва ул подшоҳ (Бобур - В.Р.) аруз ва кофияга хам рисолалари бор ва ул жумладин «Муфассал» деганким, ушбу фан шархи булгай, куидин-куп яхши тасниф килибтурлар». («Бобурнома». «Шарк» 2002 йил, 267-бет.)

Олимларга сир эмаски, бу «Муфассал» (тула, мукаммал) номли аруз рисоласи 1971 йили «Мух- тасар» (киска, ихчам) номида «Фан» нашриётида фото-факсимил нусха ва кириллда нашрга тайёр- ланиб, чоп этилган. Шунинг учун мактаб адабиёт дарсликларида ҳам, жумладан, профессорлар Бегали К,осимов ва Нусратулло Жумахужа муаллифлиги- даги «Узбек адабиёти» (10-синф дарслиги) кито- бида ёзилганки: «1523-1525 йилларда аруз вазни хакида рисола тузди. «Мухтасар» (К,иска кулланма) номи билан шухрат топган бу асар Алишер Наво- ийнинг «Мезон ул-авзон»идан кейин аруз илмига баришланган иккинчи асар эди» (Бегали Крсимов, Нусратулло Жумахужа. «Узбек адабиёти» учинчи нашр, Рафур Рулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-2001, 169-бет).

Хулоса, илмдаги нуксон дарсликка утди ва яна бир нуксон билан бойиди: дарслик муаллифлари Бобур арузини туркий тилдаги иккинчи асар деб талкин килганлар, вахоланки, бундан олдин Ахмад Худойдод Тарозийнинг «Фунун ал-балога» асари илмда маълум эди.

Бобур асари бежиз «Муфассал» деб номланмаган. Чунки «Фунун ал-балога» (адабиётшунослик фанла- ри) китобидаги турт фандан бири - аруз хакидаги биринчи туркий рисола булиб, унда аруз вазнлари- дан юзга якйн Хили тадкик этилган. Алишер Навоий Самаркандда турт йил яшаган булса-да, Улурбекка баришлаб ёзилган ва 1438 йили унга тортик килинган «Фунун ал-балора»дан хабардор булмай, «Мезон ул-авзон»да 144 вазни тадкик этган. Захириддин Муҳаммад Бобур ана шу икки китоб билан яхши та- ниш булган холда амалий ва назарий аруз илми билан коникмай, аруз юзасидан фундаментал тадкикот яратиб, 537 вазни урганган ва уз асарини шунинг учун ҳам «Муфассал» деб атаган.

Биздаги илмий нашр эса Бобур хизматларини номидаёк камситган. Буни зудлик билан тузатиш лозимдир.

б) Бобур шеърятининг русча таржимасида мум- тоз шоиримизнинг ушбу рубойиси:

*Бу олам аро ажаб аламлар курдум,
Олам элидин турфа ситамлар курдум.
Х,ар ким бу «Вацоеъ»ни ук,ур, билгайким,
Не ранжу не мех,нату гамлар курдум. -*

куйидагича нашр этилган:

*Каких страданий не терпел и тяжких бед Бабур?
Каких не знал измен, обид, каких клевет Бабур?
Но кто прочтет «Бабурнаме», увидит, сколько мук,
И сколько горя перенес царь и поэт Бабур!*

Бу матнни укигаи китобхон Бобур уз асари- ни «Бобурнома» деб атаган ва буни рубойисида мухрлаган экан, деган хато тасаввурга эга булади. Сир эмаски, Бобур «Бобурнома» деган асар тугул, бундай сузни умуман эшитмаган хам. Демак, таржи- мада «Вакоёе» (Вокеалар) сузини русча таржимада бериш ва тегишли изох билан таъминлаш л озим эди.

«Бобурнома» нинг жахон тиллари таржималари- даги жиддий нуксонларни тезрок бартараф этиш му- аммоси хам мухимдир. Чунончи, биз атокли таржи- мон, таржима ишининг мумтози, араб, форс ва тур- кий тиллардан энг нодир асарларни таржима килган Михаил Александрович Сальени «Бобурнома»нинг мохир рус таржимони сифатида таниймиз.

Эътироф этиш жоизки, Узбекистонда 1940-2000 йилларда «Бобурнома»ни русчага угириш учун М.А. Сальедан муносиброк номзод йук эди. У кому- сий асарни койилмаком кнлиб таржима килган. Бо- бурона услубни рус тилида яхши тиклаган. Рус тилида «Бобурнома »ни укиган киши аслиятни укигандай булади.

Бирок, китобнинг масъул мухаррири сузма-суз киёслаш жараёнида таржимон билан катнашмаган. Юзаки укишда сезган камчиликларини тузатиб, килган мехнатининг муфассал баёнини сузбошида берган. Таассуфки, бобуршуносликни уша пайтда- ги ҳолати ёки мутахассисларимизнинг лубатдаги оксашлари туфайли нашрда юзлаб жиддий хатолар содир этилган.

Ачинарлиси, узбек матнчиларимизнинг хатолари русча таржима нуксонларини янада бойитган. Салье асарнинг Хайдаробод нухасидан фойдаланганини кайд этган. Бирок унинг кайта-кайта кириллчада- ги узбекча «Бобурнома»га мурожаат этгани били- ниб қолаверади. Масалан, Порсо Шамсиев ва Содик Мирзаевлар нашрга тайёрлаган «Бобурнома»дан ми- сол олайлик: матнда суз Фаргона вилоятининг ҳукм- дори Умаршайх мирзо устида бормокда: «Адолати шу мартабада эдики, Хитой қарвони келадурганда Андижоннинг шаркий тарафидаш торларнинг туби- да минг ўйлук қарвонни андор қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, мухассиллар йибориб, қарвоннинг жамиъ жихотини забт қилди. Хар чан- дики вориси хозир йук; эрди, бовужуди эҳтиёж сахлаб, бир йил, икки йилдин сунгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, моллари- ни солим топшурди». («Бобурнома». 1960, 64-бет).

Энди шу матннинг русчасига - М.А.Салье таржимасига назар солайлик: «Справедливость его достигла высокой степени. Однажды, когда из Китая шел караван, то у подошвы гор к востоку от Андижана караван из тысячи людей так засыпало снегом, что спаслись только два человека. Омар Шейх Мирза послал сборщиков и задержал все товары каравана. Хотя наследников налицо не было, Омар Шейх Мирза сберег товары несмотря на то, что сам нуждался. Год или два спустя он

вызвал наследников из Самарканда и Хорасана и вручил им их товары в целости».

Ана шу парчанинг киёси биз тарлсимашуносларга учта жиддий хато содир этилганини курсатади. Тар- жимоннинг биринчи айби эски узбек тилидаги «уй» сузини тушунмаганидир. «Уй» корамол демакдир. «Тиши уй» - сигир булади.

Русча талкинда минг кишилик карвон Хитойдан йулга чикиб, Андижон якинидаги кор кучкисида колиб, 998 киши фожиали халок булган. Аслида эса, мутлако бошка гаи. Хитойдан мингта корамол олиб келаётган карвон одамларини (булар унтадир, ун беш кишидир эхтимол) кор босиб, икки киши омон колади. Кор бо- сиб колган корамоллар хисоби эса айтилмаган. Демак, бу фожида 8-10 киши курбон булган.

Зийрак таржимон «моллар» сузидан гаи корамол хдкида кетаётганини сезса буларди... Бу иккинчи хатодир.

Учинчи нуксон худди биринчисидай ута купол булиб, бунинг айбдори, аввало, узбек матнчилари- миз, колаверса, Сальенинг бу нухага ишонгани, «эхтиёж» сузини асарнинг Хайдаробод нухасига со- лиштириб курмагани окибатидир. «Бобурнома»нинг эски ёзувдаги барча иухсаларида, жумладан, Хайдаробод нухасида хам бу суз «эхтиёт» эди...

Биргина шу нуксон туфайли Фаргона вилояти- нинг хукмдори Умаршайх мирзо савдогарлар молига мухтож нотавон тарзида талкин килинган.

Бундай жиддий хатолар «Бобурнома»нинг русча матнида анчагина, десак муболага булмаиди.

Бобуршуносликдаги энг йирик муаммо матншу- нослик сохасига тегишлидир. Туяри, 60-70-йилларда Бобурнинг ижодий шахсига соя ташлайдиган хато укишлар, очикча айтсак, русумда эди. Агар русум- да булмаса, Бобурнинг «Фан» нашриётида босилган китобларида куйидагидек байтлар учрармиди:

*Тамаъ тпунда фалакдин колким ханжар цилар ошом
Янги ой шаклидин х, ар шом ул лули магар*

(«Мухтасар», 127-бет)

Эпакадагиси:

*Тамаъ титма фалакдин комким ханжар цилур ошом,
Янги ой шаклидин х; ар шом ул лули бозингар.*

Биз, олимлар матнчиликда купинча идрок ва шеърят мазмун-мантиБидан кура ту гр им и - н оту рр и м и нусха ёзувига ёпишиб оламиз. Бунинг натижаси шу буладики, «Харару Бобур» (Бобур мухаррир, Бобу р ёзган) деган нусхадан олингани рукач килиниб, эллик йилдан бери мазмун ва мантикдан махрум булган куйидаги байтни мумтоз шоир Бобурга нис- бат беришдан ийманмаймиз:

*Не ерда булсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Рарибингга тарах, х, ум айлагилким, анда жонидур.*

Бундай талкинни оммалаштириб, Бобурга хизмат килдим деб юрамиз. Холбуки, бу матн хакикати 1976 йил кашф этилган, «Укитувчи» нашриёти чоп этган Бобурнинг «Танланган асарлар»ида (1976, 1983 йилги босмалари) эълон килинган эди:

*Не ерда булсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Рарибингга тарах, х, ум айлагилким, анди жонийдур.*

Демак, Бобур бадий махорати куп кирралиligere хам алохида ахамият бериш лозим экан.

Биз бу ерда бобуршунослик муаммоларининг дарё- дан томчисига тухтаб утдик, холос. Бундай муам- моларни жахон бобуршунослари, биринчи навбат- да, узбек бобуршунослари, хар кадамда хал килиб боришга масъулдирлар. Чунки олимлар Шаханшоҳ Бобур, мумтоз шоир Бобур асарлари билан иш кураётганликлари масъулиятини зинхор унутмасли- клари лозим.

«Нигуна1» газетаси, 2008 йил, 20 август

Шох;, адиб ва шоир За^ириддин Мухаммад Бобур

Хар бир халкнинг тарихий, маданий-миллий кифасини аниқ, белгилувчи улур шохлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоир лари булади. Чунон- чи, Искандари Макдуний, Сукрот, Арасту, Букрот, Еврипид, Хомер номларини эслаганимизда, буюк эллин маданияти улурворлиги ва нафосати билан куз унгимизда намоён булади.

Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Захириддин Мухаммад Бобур, Мухаммад Шайбонийхон, Абулрози Баходирхон, Амир Умар- хон, Мухаммад Рахимхон Феруз сингари шох, хои ва амирлар; Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фо- робий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд Кошрарий, Абу Мансур ас-Саолибий, Махмуд Замахшарий сингари дунёвий, ижтимоий- гуманитар ва аниқ фанлар алломалари; Имом Ис- моил ал-Бухорий, Имом Мотурудий, Абу Зайд Да-бусий, Хожа Ахмад Яссавий, Бахоуддин Накшбанд, Бурхониддин Маррионий, Хожа Убайдуллох Ахрор каби хадис, калом, дин ва тасаввуф илми уламола- ри; Юсуф Хос Хожиб, Хофиз Хоразмий, Мавлоно Лутфий Шоший, Алишер Навоий, Мухаммад Ризо Огахий, Мохларойим Нодира, Жахонотин Увайсий, Зокиржон Фуркат ва уларнинг сафдошлари булган суз санъаткорлари эса Ватанимиз утмиши кифасини тасаввуримизда жонлантиради.

Президентимиз Ислом Каримов шунинг учуй хам миллий-маънавий кадриятларимиз вакилларининг та-валлуд тантаналарини нишонлаш хусусида шундай ёзган эдил ар: «Халкимиз республикаимиз ҳукумати- нинг Навоий, УлуБбек, Бобур, Машраб, Фуркат, Кдцирий ва юртимизнинг бошка буюк фарзандлари юбилейларини утказиш туБрисадаги карорини жуда

рухланиб кутиб олганлиги бежиз эмас, деб уйлаймиз. Уларнинг мероси Узбекистан халклари умуминсоний кадрятларининг равнаки ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало, ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз».²

Инсониятнинг абадиятга мансуб буюк фарзандлари сафида таваллудининг 525 йиллиги нишонланаётган Захириддин Мухаммад Бобур узурнига эга. Кишилиқ тарихида Бобурчалиқ шахсий имкон, иқтидор ва фазилатлари бекиёс кишилар жуда кам учрайди.

Бобур — буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назарий-чи адабийшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, хайвонот ва наботот оламининг билимдон сифатида қиррали фаолият ва ижод соҳибиди. Биргина «Бобурнома» унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигига яққол мисолдир.

Бобур, биринчи навбатда, шоҳ, бобурийлар сулоласининг асосчиси. Балки, бобурийлар жаҳон тарихида энг узок муддат (332 йил) ҳукмронлик қилган сулола бўлиб чиқар...

У подшоҳ сифатида лашқар тортиб шоҳларга ҳоснаблублиятларнинг аччиқ аламларини зафарларнинг улубвор наҳидаларини суришни қир маротаба уз бошидан қечирди.

Отаси сингари улуг ҳимматли ва олий мақсадли шахс бўлганлигидан Фарғона вилоятини қичиқ жой деб ҳисоблаб, Самарқандга интилди. У ерда Шайбонийхондан енгилиб, Қобулга қелди ва кейин Хиндистондек бепоён йирик мамлақат ҳукмдорига айланди.

Буюк шоҳ Бобур Хиндистонда теурийларга ҳос улуг бунёдқорлик анъаналарини давом эттирди:

² *Ислои Қаримов.* Дайта қуришнинг бориши ва асосий йуналишлари. Узбекистоннинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вақифалари. Тошкент, 1990., 70-бет.

мухташам касрлар тиклаш, арик,-каналлар казиш, бор-рорлар бунёд этиш, адабиёт, илм-фан ривожига хомийлик кишиш, элни адолат билан бопщариш син- гари фазилатлар кейинчалик Хиндистоннинг буюк фарзандлари томонидан чинакам ижобий бахоланди. Хиндистоннинг буюк донишманд фарзанди, давлат арбоби Жавохирлаъл Неру узининг «Хиндистоннинг кашф этилиши» ва «Жахон тарихига бир назар» асарларида Захириддин Мухаммад Бобур хакида самимиятга тулик ушбу фикрларни изхор этган: «Бобур - дилбар шахе. Уйғониш даври хукмдорининг хакикий намунаси дир. У мард ва тадбиркор одам булган. Бобур ута маданиятли ва жозибали инсонлар орасида энг егук инсонлардан бири эди. У мазхабпарастлик каби чекланишдан ва мутаас- сибликдан йирок эди... Бобур санъат ва айникса, адабиётни севарди».

Бугун Хиндистоннинг Панипат шахрига борган киши Захириддин Мухаммад Бобурнинг Султон Иброхим Лудий билан булган тарихий музаффарона жанги манзараларини шахарнинг очик осмони ости- даги музейда кураркан, у луг хинд халкининг Бо- бурга нисбатан хурмат-эхтироми кучлилигига амин булади. Ёки Бангладеш пойтахти Дакка шахрини кезган киши «Лаълбог-калъа» тарихий музейига ки- риб Бобур ва бобурийларга багишлангаи хоналар- ни кезаркан, Бобур ва унинг ворисларига тегиш- ли кийимлар, уй-рузБор буюмлари, харбий курол- аслахалар, Устод Аликули куйган тошотар туп л ар, милтиklar - туфаклар, совут, килич-калконлар, дубулга, от кезимларини (ук ва килич зарбасидан химоя килувчи ёпинчиклар), уша давр кишилари- ни уз замонлари либосларида томоша килган киши Хиндистон ва Бангладеш халklarининг Бобур ва бобурийларга булган хурматларини ёркин тасаввур эта олади.

Бу мозийгоада булган адиб К,амчибек Кен- жа «Андижондан Даккагача» номли сафарномаси- да хаяжонини яшира олмай ёзади: «Х,индистон ва Покистон шахарларида куп мозийгохдарда, жумла- дан, Хайдарободдаги машхур Соларжанг, Лохурдаги миллий музейларда булган эдик. Лекин Шарк ола- мининг олис бир четида факат ва факат бобурийлар хаёти, уларнинг подшолик фаолиятига оид ягона, махсус музейни курамиз, деб сира уйламовдик».

Хиндистон ва Бангладешда Бобур ва бобурийлар салтанати шунчалик кадрланишидан маълум буладики, Бобур ва ворисларининг подшоликлари бу юртларда хайрли чукур из колдирган экан.

«Бобурнома»нинг котиби Бобурнинг улур подшохларга хос саккиз шахсий фазилатини кайд этган:

«У кудратли подшохнинг яхшиликларини айтган билан ва ёзган билан тугатиш махолдир. Лекин кискаси буки, саккиз асл сифат унинг зотига хос эди: бири буким - икболи баланд эди; иккинчиси - химмати юксак эди; учинчиси - вилоят олмок; туртинчиси - вилоят сакламок; бешинчиси - маъ- мурлик; олтинчиси - Аллох бандаларига фаровон- лик нияти; еттинчиси - лашкар кунглини кулга олмок; саккизинчиси - адолат килмок».

Буюк тарихий сиймо сифатида Бобур шахси Европа ва АК.Ш шаркшунос-тарихчи олимлари диккат- эътиборини узита жалб этган. Инглиз тарихчиси Эдуард Холден, аввало, Бобурни машхур Юлий Цезарь билан киёслашни лозим топади: «Бобур феъл- атворига кура Цезарга Караганда севишга арзигулик- дир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб куйилган».

Захириддин Мухаммад Бобурнинг болалик ва усмирлик йиллари хакида роман ёзган «Бобурно- ма»нинг инглиз таржимони Уильям Эрскин Бобур-

ни Осиё подшоҳларига киёсан шундай баҳолайди: «Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъ- атга мухаббати ва улар билан муваффақиятли шурулланиши жихатидан Осиёдаги подшоҳлар ора- сида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топил- майди».

Бобур — соҳ;ибдевои, соҳ,ир шоир. Бобур шух- ратда даҳо Алишер Навоийнинг ёнида турадиган мумтоз суз санъаткори, шоир ва адибдир. Бадиий маҳорат бобида бирор узбек шох ва шоири Бобур билан беллаша олмайди. Шеърият учуй хос булган бир неча заруратлар: нуктапардозлик (янги фикрлар айта олиш маҳорати), жозибали бадиий санъатлардан меъёрида усталик билан фойдаланиш сеҳргарлиги ва эҳтирос жушиб турган рангин туйрулар талкини бо- бурона самимий шеърият фазилатларидир. Бунинг устига унинг мумтоз шеъриятга дадил киритган тар- жимаи ҳоллик хусусияти ҳам Бобур шеъриятини алоҳида нурлантириб туради. Ана шу кейинги ху- сусият шоирнинг ватанпарварлик туйруларига жон багишлайди. У она шахри, Ватани соғинчларини шеърда ифодалар экан, Хин д истон шаханшохи бе- ихтиёр узининг андижонлик рариблигига китобхон эътиборини тортади:

*Не ерда булсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Рарибинга тараххум айлагилким, андижонийдур.*

Шоирона юртсеварлик, ватанфидойилик Бобур шахсида шунчалик тантана киладики, буюк император Бобур энди Андижондан йирокликни, гарчи бу мартаба Хиндистон тахти булса ҳам, қисматдаги юз қаролир, деб ҳисоблайди:

*Толёй йици жонимга балолиг булди,
Хар ишники айладим хатолиг булди,
Уз ерни цўйиб, Хинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг булди?!*

Шеър таъсирчанлигини таъминлаган фикрий кашфиёт: толесизлик, жонга бало орттиришлик, хато килишлик, юзи каролик - буларнинг хаммаси уз юртидан бош олиб кетиб, гарибликни буйнига олишдадир.

Кечагина Бобур узининг Кобулга ташрифи вак~ тинчалик экани, хамишалик (муким) эмаслигига икром бўлган эди:

*Бецайдмену хароби сийм эрмасмен,
Х,ам мол йигиштируур лайм, эрмасмен.
«Кобулда ицомагн цилди Бобур» дерсиз,
Андок, демангизки, муцим эрмасмен.*

Хеч бир шоир Ватандан йироклик фожиасини Бобурчалик кун томонлама ва таъсирчан ифодалай олмаган булса керак.

Бобур газалларининг асосий мавзуси ошикона эхтирослар, муштокликлар, ёлворишлар, изтиробла- ру куйиб-ёнишлардир. Ошикнинг махбубага илти- жоси талкинида тазод усулида йигит юзининг кузги япровдек сарБишу, сулувнинг лола юзи кирмизи- лигига диккат тортилгани таъсирчан:

*Хазон япроги ятлиг гул юзунг х,ажрида саргардим,
Куруб рах,м айлагил, эй доларух, бу чех;раи зардим!*

Ошикона муносабатларнинг Бобур топган ажаб- товор зиддиятига койил колмасликнинг иложи йук: ошикнинг махбубасидан айрилишга сабр килиши жуда мушкул. Бирок учрашувда - висолда хам уларнинг чикишмокликлари бундан-да мушкулрок:

*Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдур,
Сенинг бирла чишимоцлик доги бисер мушкулдур.*

Чунки:

*Мизожинг нозикун сен — тунд, мен — бир беадаб телба,
Сета хрлимни цилмоц, эй пари, изх,ор мушкулдур!*

Шеърда нур ва соялар жилваси, яъни маъно жихатидан карама-карши сузларни куллаш таъсир-чанликни таъмиловчи омиллардан булиб, буни тазод (зидлов) санъати дейилади. Одатда, байтда бир-бирига зид маъноли икки суз ушбу санъатнинг мисралардаги курсаткичи булади.

Бобур тазод санъатидан фойдаланишда мадорат курсатиб, зид маъноли икки сузни эмас, турт сузни эмас, олти сузни бир байтда карама-карши маъно-ларда тиза олади:

*Нетгаймен ул рафик, билаким, цилур баче,
Мех.ру вафо - рақ,ибга, жавру жафо - мета.*

Байтдаги узаро зид маъноли тазод курсаткичларини тизиб курайлик:

рафик “ ракиб; мехр - жавр; вафо - жафо.

Ошикка жафокор, ракибга лутф-мархдматли офатижон махбубанинт феъл-атвори ана шундай зидлов усулида бир байтдаёк оидинлашади.

Алишер Навоий бадий тасвир воситаларидан ийдом санъатининг «хосса маъно» ифодаловчи унсур-литини қайд этган эди. Бобур шеърियाи байтда бир ёки икки сузни икки маънода куллаш санъати булган ийхомга жуда бойдир. Чунончи, унинг куйидаги байтида «сурорим бор» бирикмаси сурамоқчиман ва сурмоқчиман маъноларидан кулланган:

*Лабинг бағримни қон қилди, кузумдин қон равон қилди, Нега
х, олим ёмон қилди, мен ондин бир сурорим бор.*

Зеро, мумтоз адабиётнинг мумтозлиги ҳам суз, бирикма ва мисраларнинг турфа маъно товланишлари ва куп маънолилиги, укувчини фикр юритишга рабатлантириши билан изоҳланади.

Харфий бадий тасвир воситаларидан жозиба-лиси ва мураккаброги истихроҷ санъатидир. Буни

тасаввур этиш учун аввал оддий истихрожда Бобур
ижодидан мисол келтирайлик:

*К,аддинг алифу, цошинг эрур ё,
Десам не ажаб агар сени ой?*

Ошик; севгилисининг қоматини алифга, кошени ё
харфига ўҳшагад, уни «ой» деб даъво қилмоқда. Зотан,
алиф, ё харфларидан ой сузи ҳосил бўлади...

Энди харф айтилмайдиган мураккаб истихрожда
катнашган байт намунасини курайлик:

*К,адду озингдин айру тортармен - Ох.,
Султон У вайе бинни Махмуд.*

Адабий анъанага **Кўра** кад - «алиф» ва обиз «хо»
харфига ўхшатилади. Ана шуни назарда тутган ҳолда
харфларни тизсак, эски ёзувда матндаги «ох» сузи ҳосил
бўлади.

Кўра мутахассислар ҳам истихрождинг бу турини
ҳадеганда илрайвермайдилар. Чунки хозир- ги байтда
таҳлилчи диққатини аввало қ;ад (комат) адллиги ва ориз
латофати узига тортади. У байтда истихрожда санъати
қулланилганини пай^амаслиги ажабланарли эмас.

Разалларининг асосий қисми ўТа содда, мислсиз
махорат билан битилган сахли мумтанеъ махсулидир:

*Эй юзи насрин, цомати шамшод,
Неча цилурсен жонима бедод?*

*Сен киби пуркор, шеваси бисёр,
Билмади, эй ёр, х,еч киши ёд.*

*Жаврда нодир, зулмда мох,ир,
Ишвада цодир, гамзада устод.*

*Ёр гамидин, х,ажр аламидин,
Сабр камидин нолаю фарёд!*

*Бобури бедил, эй бути цотил,
Жаврунга мойил, зулмунга муътод.*

Сахли мумтанеъ - куринишидан осон, жунгина туюладиган, аслида эса, бундай ёза олиш жуда му- раккаб булган анти ка баён услубидир. Бу услубни биз Бобур ва Машраб ижодидагина кузатамиз, хо- лос. Юкоридаги газал бичими киши эгнида таранг турадиган нафис устки кийимни эслатади. Анъана- вий ташбех бичим таранглиги туфайли узгача таъ- сир кучига эга булади. Киска мисраларнинг ички кофиялар билан таъминлангани, уларнинг хдр бири- ии яна икки булакка булади. Натижада байт тинг- ловчида туртликдай таассурот колдиради. Бу эса жарангдорликни янада кучайтиради:

*Жаврда нодир,
Зулма мохир,
Ишвада қодир,
Рамзада устод.*

Шу биргина байтнинг поэтик фазилатларини бир дафтар килиб шархласа арзийди. Иккитагина мис- рада яратилган маъшука тимсоли феъл-атвориинг купкирралилигига эътибор берайлик. Янтича поэтик шакл муъжиза содир этиб, анъанавий фикрлар- ни янгидан жонлантирган, залвор берган, охорли килган. У л кай полотно миниатюрага нисбатан юз баравар таъсирчан эканлиги санъатшуносликда маъ- лум. Аммо Бобур шу таъсирчанликни тескари ама- лиётда юзага чикарган.

Улкан полотно - дostonлардаги тасвирни жаж- жи байт - миниатюра холатига келтириб муъжиза яратган. Шу биргина байтда шоир ишвада кудратли, рамза килиш (куз сузиш)да устоз даражасидаги, жабрийиг куз куриб кулок эшитмаган хилларини ошик бошига сола оладиган, зулмни мохирлик билан утказа оладиган махбуба сиймосини ярата олган.

Бобур жозибали мумтоз газаллар ижодкоригина эмас, у рубоий жанрида хам уз шахсий услубини

намойиш эта олган улкан санъаткордир. Узбек мум- тоз адабиётининг рубоий жанри ривожда Бобур- нинг урни алохидадир.

Фалсафий ва тасаввуфий рубоийчиликда Умар Хайём форс адабиётида пешво булганидек, Бобур узбек адабиёти рубоийчилигида икки жихддан: ру- боийларининг куилиги ва рубоийга таржимаи холга дойр деталларни сингдиргани билан боиша мумтоз шоирларимиздан устун туради.

Бобур бу кичик лирик жанр намуналарида уз исми, гоҳ вафодор хотинлари - Мохимбегим ва Гулрухбегим, гоҳ; угли Комрон, гоҳ; хушовоз хофизи Рухдамнинг исми шарифларини мухрлаган. Шуниси эътиборлики, Бобур рубоий л арининг мавзулари роят хилма-хил. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлокий- таълимий, диний-тасаввуфий, севги-мухаббат, дустлик- тотувлик, хаётга мухаббат, ёру диёр, нифок ва ноиттифоклик, жумардлик ва тантилик, хаётдан туйиб кетиш ва далли-девоналик сингари талкинлар маънавий теранлигию табиийлиги билан укувчини мутолаага мойил этади.

Таъбир жоиз булса, айтиш мумкинки, «Вакоеъ» («Бобурнома») Бобур саргузаштларининг вокейи та- рихий лавхаларидан иборат булса, унинг рубоий- лари ана шу комусий асарга узига хос иловадир. Зотан, «Бобурнома» вокеалар баёни булса, рубо- ийлар уша вокеалар иштирокчиси Бобурнинг хис- туйрулари Балаёни ифодасидир.

Таржимаи холнинг рубоий ёки газалга дахли ба- дий матнга хужжатлилик бахш этади; хужжатлилик эса умумийликдан кура таъсирчанликда устунлик кил ад и. Чунки, китобхон умуман лирик кахрамондан кура, Бобурнинг узини юракка якинрок олади.

Шуниси диккатга сазоворки, муайян рубоийда, юзаки Караганда, таржимаи холга дойр хеч кандай белги курунмайди. Агар биз унга адабиётшуноснинг

уткир кузи билан бокиб, тадкик эта бошласак, у рубоийнинг кимга аталгани ва унинг исботини хам манзур этишимиз мумкин. Чунончи, Бобурнинг:

*Атърингим, шеър оти то булгай,
Табъ ах,ли анга волау шайдо булгай.
Х,ар лафзи дуру бах;ри маони анда Ким курди
дуреки анда дарё булгай?! -*

рубоийсини укиганимизда гап ким хасида бораётганини анид билмаймиз. Хаёлан мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қиламиз:

Дунёда шеър номи бор экан, сенинг шеърларингга истеъдодлилар мафтуну шайдо буладилар. Шеърларингнинг ҳдр бир сузи — гавҳдр, лекин у гавҳарда маънолар денгизи жойлашган. Денгизни узига сирдира олган гавҳарни ким курипти?

Уйлаймиз: у қандай буюк шоир эканки, дунёда то шеър оти бор экан, истеъдодли шоиру адиблар унинг шеърларига мафтун ва шайдо буладилар?

Бобур - каттиқкул адабиётшунос. У кимни бундай улуБ мактовлар билан сийламовда? «Бобурнома»да келтирилган куйидаги сатрларни куз олдимизда гавҳар далантирамиз:

«Алишербек назари йук киши эди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча куб ва хуб айткон эмас...»;

«Бу иккинчи навбат Самарқанд ни ол Банд а, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати хам келиб эди. Мен хам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим».

Балки, Бобур ёзган мактуб варагининг «...орқасида туркий байт айтиб, битиб йибор»гани шу рубоийдир? Ишоти шуки, оламдаги бирор шоир «Мен гавҳарга денгизни жойлаганман» демаган. Алишер Навоий эса ана шу гапни айтган:

*Дур булур бах;р ичра пинх,он назмидин шах, маҳх;ида,
Бах,р ёшур.миш Навоий х,ар дури макнун аро.*

Бобур юкоридаги байтда дахо устознинг ушбу байтига ишора қилиб, талмех санъатининг риёзий намунасини қуллаган. Демак, рубоий Алишер Навоийга аталган бўлиши мумкин экан...

Бобур шоиргина эмас, **йирик адабиёт назарийт- чиси** ҳамдир. Шеършунослиқда аруз вазни масаласи ҳамиша асосий ва долзарб бўлган. Нега шох Бобур бу соҳага жуда кизикади? Гап шундаки, шеърятда қуп вазн қуллаш ходисаси муайян маънода шу адабиёт нуфузи ва савиясини белгилайди.

Хатто Хусайн Бойқаро девонидаги газаллар бир вазнда ёзилганини маҳсус қайд этар экан, бу ҳолни Бобур ижобий ҳодиса деб қарамаган.

Бобургача ўзбек тилида аруз илмига дойр икки рисола ёзилган. Биринчиси - Шайх Аҳмад бин Ху- дойдод Тарозийнинг «Фунун ул-балоба» (1436/37) асари бўлиб, бундати турт илмнинг бири аруздир.

Иккинчиси - Алишер Навоийнинг «Мезон ул- авзон» асаридир. Бу рисолада 140 вазн ҳақида ил- мий маълумот берилган. Навоийнинг «Фунун ул- балоба» асаридан хабари бўлмаган куринади. Бобур ўзбек тилидаги арузшунослиқнинг бу манзарасидан яхши хабардор бўлгани учун ундан қоникмаган ва бу соҳага ҳисса қушишга шайланган.

«Бобурнома»ни қучирган қотиб Бобурнинг аруз рисоласи номини «Муфассал» деб қурсатади. Дарҳақиқат, Бобур бу рисолаи шундай ёзган- ки, унда асл, фуруъ ва зихофлар юзасидан иш- лаб қикилган 537 вазн микдорига аҳамият берилса, таққикотнинг бежиз «Муфассал» деб аталмаганига амин бўламиз. Ушбу маълумот қелгусида Бобурнинг аруз рисоласи номини турли нашрларда ва мактаб адабиёт дарслиқларида «Муфассал» тарзида эълон қилинишини тақозо этади...

Бобур — фикх олими. Фикх - мусулмончилик фарз ва суннатлари хакидаги амалий низом илми- дир. Бобурнинг нега бу сохдга кнзикканини унинг исми шарифи маъно- мазмунидан мушохада килсак мақсадга мувофик булади. Зотан, исм ва унинг маъноси инсоннинг феъл-атвори ёки умрбод фаоли- ятининг мазмунини белгилайдиган мухрдир.

Биз «Захриддин Мухаммад» - унинг исми, «Бобур» адабий тахаллуси деб мулохаза юритамиз. Аслида эса, Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус- салотин фи таворихи хавоки н» («Султонлар насаб- лари ва хоконлар тарихи») номли тарихий асари ва Бобурнинг куйидаги рубойисига Караганда учала суз хам шох ва шоиримизнинг исми шарифидир:

*Туз ох, Замири дини Мух,аммад Бобир,
Юз ох, Зах,ири дини Мух,аммад Бобир.
Сарриштаи айшдин кунгули зиҷор Уз ох;
Зах;ири дини Мухаммад Бобир.*

Сабохат Азимжонова ва Азиз Кдюмов уч жилд- лик Бобур «Асарлар»ининг I жилдида ушбу рубо- ийни шу тарзда манзур этганлар. Нашрга тайёр- ловчилар китобхон исм маъносига ахамият берсин, дея шундай қилишган. Чунки рубойининг аслияти куйидагича кучирилмоги керак эди:

*Туз ох, Зах,иридини Мух;аммад Бобур,
Юз ох, Зах,иридини Мух,аммад Бобур...*

Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин фи таворихи хавокин» номли тарихий асари маълумотларига Караганда, Умаршайх мирзонинг тунгич унлига бу исми Хожа Убайдуллох Ахрор куйган. Исм сузларининг шарҳига келсак: Захири дини Мухаммад - Мухаммад динининг таянчи, посбони, демакдир. Бобур - бабр(шер)сифат, шердек деган маънога моликдир.

Шунинг учун ҳам Захириддин Мухаммад Бобур бир умр шариатпанох хукмдор булиб яшади; шари- атга амал килди; шаръий хукмлар берди ва фикхга оид «Мубаййин» (баён этилган) номли асар ёзди. Ушбу китобда муаллиф фарзандлари билиши зарур булган фарз асослари (имон, намоз, руза, закот, хаж)ни уташ масалаларини шеърӣ усулда бутун муфассаллиги билан баён этди.

Бобур ёзади:

*Билгасен, эй хужаста фарзанд,
Жигарим бирла жонима пайванд.*

*Масалаларки, ул зарур эрди,
Билмасанг дининга цусур эрди.*

*Етти куиглумгаким, йигиштурсам,
Назм тартибида сишиштурсам.*

*То ани забт қилгасен осон,
У л масойилни билгасен яқсон...*

*Дину донишда х, ар кун афзун бул,
Давлату бахт ила Х,умоюн бул...*

Матннинг охирги мисрасидаги ийхом суз уйини(хумоюн, Хумоюн)да исм келтирилган булса, демак, «Мубаййин» валиахд фарзанди Хумоюн мир- зога баришланган булиб чиқади. Агар ундан кейин- ги байтдаги суз уйини (Комрон, комрон)да атокли от инобатга олинса, балки бу рисола угли Комрон мирзога атаб ёзилгандир, деб тахмин қилиш ҳам мумкин:

*Комрон бул жаҳрида, давлат кур,
Юз туман обрӯю иззат кур.*

XX асрда «Мубаййин» таркибидаги «Китоб уз- закот», «Китоб ул-хаж», «Китоб ус-салот» қисмлари алоҳида китоблар холида бир неча маротаба нашр

этилган эди. Нихоят, «Мубаййин» тулалигича профессор Саидбек Хасанов томонидан 2000 йили нашр этилди.

XVI асргача фикхга оид асарларнинг асосан араб ва форс тилларида битилганини инобатга ол- сак, эл устида турган Бобурнинг уз миллатдошла- ри - узбеклар тушунадиган тилда бундай асарлар яратгани нақддар мухим ва долзарблигини аниқроқ, тасаввур этиш мумкин.

«Бобурнома» котиби бу ҳақда: маснавий китоби ҳам борким, оти «Мубаййин»дур деб маълумот бе- рар экан, хаяжонини яшира олмай мактовга утади: «Тил билур доно халк орасида анингдек латойиф (ажойиб китоб) йуктур».

Бобур - бадний таржимон. Захириддин Мухаммад Бобурнинг Хожа Убайдуллох Ахрор ва улар- нинг фарзанду невараларига хурмат-эътибори катта булган. Хожа невараларидан икки киши Бобур хиз- матида булган. Айникса, Хожа Калоннинг Бобур билан кадрдонлиги бир умрлик хизмати билан изоҳланади.

Бобур Хожа Убайдуллох Ахрорнинг форс тилида насрда ёзилган «Волидия» асариний шеърини усулда узбек тилига таржима килган. Хожа Убайдуллох бу асарни оталарининг гавсиялари билан ёзган:

*Отаси қилган учун таклифе,
Қилди оғит отта таълифе.*

Бобур ота сифатида бу асардаги ота тилидан фарзандга айтилган диний-тасаввуфий угитларни уз фарзандларига етказиш учун ушбу китобни назмда она тилига угирган.

Нега насрда эмас? Чунки назмни хотирада саклаш имкони каттадир. Қолаверса, назмнинг хурмат ва эътибори насрга нисбатан жуда юқори ҳисобланган.

Таржимон таржимани бошлаш ва охирига етка- зиш сабабини «Вак;оеъ»да шундай баён этади (матн табдили): «Жума куни, ойнинг йигирма учинчисида баданимда иситма зохир булди. Шундай булдики, жума намозини масжидда кийналиб ук,идим. Эрта- сига пешнн намозини эхтиёт юзасидан китобхонада бироз муддатдан сунг укидим. Индини, якшанба куни яна иситмам чикди, озрок титрадим.

Сешанба кечаси, сафар ойнинг йигирма еттин- чисида хазрат Хожа Убайдуллохнинг «Волидия» рисоласини назм кнлмок фикри кунглимга келди. Хазратнинг рухига илтижо кнлиб, кунглимдан ке- чирдимки: агар бу манзума хазратга маъкул булса, худди «Кдсидаи Бурда» нинг касидаси маъкул булиб, сохиби фалаж касалидан халос булгани син- гари, мен хам бу хасталикдан форда булеам, наз- мим кабул килинганига шу дал и л буларди. Ушбу ният билан... рисола ни назм этишга киришдим. Уша кечанинг узида ун уч байт ёздим. Худди атайин келишилгандек, хар куни ун байтдан кам битил- мас эди. Дарвоке, бир кунгина бу иш килинмади. Утган йили ва балки хар гал бу хасталикка чалин- ганимда, акал ли бир ой, кирк кун огрирдим. Танг- ри инояти билан, хазратнинг хнматидан, пайшан- ба куни, ойнинг йигирма туккизинчисида бирозгина иситмаладим, кейии мутлако тузалиб кетдим. Шайба куни, раби ул-аввал ойнинг саккизинчисида рисола сузларини шеърга солйш нихоясига етди...».

«Волидия» рисоласи инсон ихтиёри ва фаолия- тини Алл ох билан боглаш, унигина зикр этиш, сузи («К,УР'ёон»)ни ёдлаш ва айтишни тавсия этувчи, инсоннинг хаётий фаолияти, еб-ичиш, маишатда уртачаликка чор ловчи панд нома, насихатномадир. Шунинг учун хам гарчанд асар шеърга солинган булса-да, матнда асосий диккат шоирона сеҳрсозлик

эмас, балки Хожа насихатларини китобхонга аник етказишга каратилади.

Шундай булса-да, шеър сеҳрига кизикувчилар, бадий унсурларга ахамият берувчилар учун асар бошидаги бир байтдаги лафзий ва маънавий тасвир воситаларини кузатамиз. Алл ох хамдидан:

*Тил анинг х.амдида қосирдур, бил,
Бил, анинг х.амдида қосирдур тил.*

Ижодкор лафзий санъатлардан такрорнинг беш- олти хилидан фойдаланган. Чунки такрор санъатла- ри таъкид ва таъсирчанлик унсурларидан хисобла- нади. Аввало, байт бошидаги ва охиридаги остин ва устин икки сузга ахамият берайлик.

Биринчи мисрада катнашган «тил» ва «бил» сузлари иккинчи мисрада урин алмашиб такрорлан- гани туфайли тарди акс санъати кулланилган.

Байтни бошлаган суз («тил») байт охирида такрор келса («тил») тасдир санъати булади.

Биринчи мисра охиридаги суз («бил») такрори билан иккинчи мисра бошланса, тасбе санъатидан даракдир.

Байтнинг боши ва охиридаги сузлар уртага ол- ган сузларга ахамият берамиз: «анинг хамдида қосирдур» сузлари хар икки мисрада кофия олди- дан такрорланмокда. Бу усул хожиб санъати наму- насидир.

«Тил» ва «бил» сузларининг байт бошидаги охангдошлиги музораа санъати иштироки туфайли- дир. Байтдаги фикрни «бил» деб буюриш эса амр санъатидан даракдир.

Тилнинг Алл ох мактовида (хамдида) восита эканлиги ва айна пайтда қосирлиги - тегишлича мактовга яроксизлигига ахамият берилса: тил, хамд ва қосир сузларининг узаро дахлдорлиги туфайли таносиб санъати кулланганига амин буламиз.

Нихоят, биринчи ва иккинчи мисралардаги барча сузларнинг остин ва устин холатини назарда тутсак, улар охантдошлик вазиятидир. Байтдаги остин ва устин турган барча сузларнинг узаро охантдошлиги (музораа, такрор ва кофия) тарсеъ санъати иштиро-исини курсатмоқда.

Демак, Бобур бу байтда тарду акс, тасбе, тас-дир, тарсеъ, музораа лафзий санъатларини, амр ва таносиб маънавий санъатларини куллаган экан...

Бобур — янги ёзув кашфиётчиси. Маданият та-рихида ёзувларнинг ахамияти катта. Маънавий ме-росни, маданият ва санъатни кейинги авлодларга ет-казадиган мухим восита - ёзув (хат)дир. Туркийлар уз узок тарихларида куилаб ёзувлардан, чунончи, турк-руний ёзувидан, араб ёзувидан, уйгур ёзуви кабилардан фойдаланганлар. Бобур араб ёзувида са-вод чикарган ва умр буйи шу ёзувда икки-уч тил-да матн битган, бу ёзувнинг ифода имкониятлари, узлаштириш усуллари яхши билган. Шунинг учун у бу ёзувни янада мукаммаллаштириш, осонлашти-риш, сузни хар хил укиш нуксонларини бартараф :п'иш максатида янги ёзув - хатти Бобурийни кашф ;>тди. Унинг бу жасорати, биринчидан, маънавий ва саводхонликка куюнчаклигидан булса, иккинчидан, укиш ва ёзишни осонлаштириш, кулайлаштиришга имтилиши туфайли эди.

Бобур замонида ёзувни янгилаш ёки янги хатни жорий этишга уриниш осон булмаган, чунки араб ёзуви - «Куръон» ёзуви эди. Шунинг учун хатти Бобурийни амалиётга жорий қилиш ниятида Бобур бу хатда, аввало, Куръони каримдан икки нусха гайёрлаб: бирини Маккага, иккинчисини Техронга жунатади.

Хатти Бобурий хақидаги маълумотларга Бобур девонида бир маротаба ва «Бобурнома»да куплаб марогаба дуч келамиз. Шоир бир газалида ёзади:

Турклар хатти насибинг булмаса, Бобур, не тот, Бобурий хатти эмасдур, хатти ситоцидурур.

Мутахассисларнинг фикрларига Караганда, хатти Бобурийнинг амалдаги араб ёзувидан фарки (гарчанд шу ёзув асосида яратилган булса-да) ва афзаллик-лари имлода суз аниклиги (хар хил уклмаслиги), ёзиш ва удишнинг кулайлиги билан изохланади. Буни «Бобурнома»да келтирилган куйидаги парча мазмуидан ҳам билиб олиш мумкинки, хатти Бобурий алифбоси билан илк бор танишган киши шу урганиш жараёнидаёк бирмунча сузларни ёза олган (матн табдили): «Мурробда мирзолар билан му л окот КИЛБОнимда, К,ози Ихтиёр Мухаммад Мир Юсуф билан келиб мени курдилар. Бобурий хаттидан суз чикди, муфрадотини (уша ёзувдаги байт намунаси) суради, ёзиб бердим. Уша базмдаёк муфрадотни укиб, коидасига амал килиб, бир нималар ёзди».

Магадан икки нарсани: аввало, К,ози Ихтиёр-нинг ута зийраклигини, сунгра хатти Бобурийнинг укиш ва ёзишга кулайлигини билиб оламиз.

Таассуфки, биз билмаган сабабларга кура, бу ёзув хаётга жорий этилмасдан қолиб кетган.

«Бобурнома»нинг охирги варагидаги котиб иловаларига эътибор берилса, Бобурнинг яна бир неча китоблар ёзгани хакида маълумот олиш мумкин (матн табдили): «У подшоҳнинг мусика илмидан ҳам хабари бор эди». «У подшоҳнинг **аруз ва кофияга дойр х,ам рисоалари** бор».

Мусикага ойд айрим китобларда Бобурнинг «**Мусина сир лари**» номли рисоласи тилга олинади. Афсуски, бу асарни излаш хозирча ижобий натижа бермаяпти.

Бобурнинг кофия илмига оид рисоласининг номи ҳам номаълум, узи ҳам хануз топилган эмас.

Бобурнинг харбий саркарда сифатида бир умр катта-кичик жанг-жадалларда булгани маълум.

Унинг харбий санъат сирларига жуда кизикканини «Бобурнома»ни укиган киши билиб олади. Захириддин Мухаммад Бобурнинг «**Х,арб иши**» номли рисоласи хакида ҳам маълумотлар бор, ammo асарнинг узи хозирча топилмаган.

Бобур - «Бобурнома» ижодкори. Биз Захириддин Мухаммад Бобурнинг мумтоз шоир сифатидаги шухратидан вокифмиз. Биз узбеклар учун Бобур бошқа барча мумтоз шоирларимиз каби азиз ва муқаррам.

Бирок Бобурга жаҳоний шухрат келтирган асар унинг «Девон»и, «Мубаййин»и ёки «Аруз рисоласи» эмас, балки «Бобурнома», янада аниқроғи, унинг турли тилларга қилинган таржималаридир.

XV-XVI асрларда Хуросон ва Мовароуннахр, Хиндистон ва Афropистон, Эрон ва Туркияда форс тили ва адабийёти нуфузини кай даражада юксак эканлигини «Бобурнома» котиби ва таржимои сузлари билан изохлаш мумкин: асарнинг форс тилига угирилиши Хиндистондан Туркиягача булган жуда улкан худуд халқларига, зиёлиларига етиб борди, деган ишонч эди. Котиб «Бобурнома»ни назарда тутиб ёзмокда: «Ушбу китобким, «Бобурия»дур, айрамхонни угли Мирзохонга буюрдиларким, туркийдин форсийга келтургилким, туркий билмогон халойикка осон булгай».

«Бобурнома»ни яна урду тилига угирган Рашид Ахтар Надвий Байрамхоннинг угли Абдурахим Хопихоннинг илк форсий таржимаси хусусида тухталиб ёзади: «**Шундан кейин жазон ахли билан ипчи марта буюк тождор (Бобур)нинг суз мулкининг хам шаханшохи эканидан хабар топди.**»

Шох, адиб, шоир, лашкарбоши Бобурнинг Накоеъ» (Вокеалар), кейинчалик «Бобурнома» номида шухрат қозонган асари Захириддин Мухаммад Бобурийнинг онгли хаёти ва фаолияти муҳим қисмининг

кундаликсимон баёнидир. Шунинг учун шоир бу асар ва унинг уз таржимаи холига нечоБли дахлдор- лиги хусусида бир рубойсида шундай ёзади:

*Бу олам аро ажаб аламлар курдум,
Олам элидин турфа ситамлар курдум,
Хар кин бу «Вацоеъ»ни шур, билгайким:
Не ранжу, не мех,нату, не гамлар курдум.*

«Бобурнома», аввало, етук бадий асар. Бадий тасвирга хос та л хин л ар, вокеа-ходисаларни бутун вокейлиги билан китобхон куз олдида гавдалан- тира олиш, суз устида санъаткорона ишлаш, у с луб бакуватлиги - бу услубнинг бир хусусияти фикран сахийлигу ихчам баён булса, иккинчи хусусияти - узигагина хослиги ва, энг мухими, таъсирчанлик устуворлигидир.

Муаллиф гарчанд камтарлик билан купинча узини четрок тортиб, «фармон бердим» урнига «фар- мон берилди» тарзида матнда уз д ах лини олдинга чикдришдан тийилса-да, асардаги бош кахрамон - Бобурнинг узи булиб колаверади. ФарБОна, Ко- бул ва Хиндистондаги вокеа-ходисалар уммонида Захириддин Мухаммад Бобурнинг уқтам шахсияти баралла кузга ташланади.

Инглиз шаркшуноси Монстюарт Элфинстоннинг «Бобурнома» ва унинг бош кахрамони хахида айт- ган куйидаги фикрлари эътиборга моликдир: «Бу хотираларда буюк туркий подшонинг хаёти батаф- сил тасвирланган, унинг шахсий хис-туйрулари хар қандай муболата ва пардалашлардан холи. Унинг услуги оддий ва мардона, жонли ва образли. У уз замондошларининг киёфалари, урф-одатлари ва ин- тилишларини, киликларини ойнадек равшан тасвир- лайди. Шу жихатдан бу асар Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунаси. Бобур харбий одам- нинг ташк,и куриниши, кийими, таъби ва одатларини

ифода этади, мамлакатларни, уларнинг иклими, табиати, хужалиги, санъат ва хунармандлик намуналарини тасвирлаб беради. Лекин муаллифнинг ёркин характери асарга энг куп жозиба баёишлайди».

Асардаги воқеа-ходисалар муайян маънода унинг кесмат саргузаштларига чамбарчас туташиб кетган. Шунинг учун асарни бошдан охиригача укиган китобхон усмир Бобурни, йигит шахзода Бобурни, ошик Бобурни, умрбод жанговар лашкарбоши Бобурни, подшоҳ ва мутафаккир, меҳрибон ота Бобурни, барча зафару маглубиятлари, фазилатларию нуксонлари билан равшан тасаввур эта олади. Муаллиф «Вақоеъ» («Бобурнома»)ни ёзиш макседида кулига калам олган кунидан бошлаб воқеа-ходисалар талкини ва кишилар шахсиятига дойр фикр-мулохаза ва маълумотларнинг факат ростини ёзишга аҳд килган (матн табдили): «Булган воқеаларни рост ёзганман. Чунки бу асарда шу нарса лозим топилганки, ҳар сузнинг ростги битилади ва ҳар иш айнан кандай воқеъ булган булса, шундай айтилади». Шу боне Бобур ҳар бир шахсга баҳо берганда унинг барча муҳим фазилатлари ва феъл-атворидаги нуксонларини айтади-тишга ҳаракат килади. Бунда у мустасноликка йул куймайди, ҳатто отаси булса ҳам уша икки зарурий улчовга амал килади. Факат отасига эмас, узига писбатан ҳам.

Бобур, назаримизда, бир неча жихатдан камолот сохибидир:

биринчидан, уз кариндош-уруяларигагина эмас, беғоналарга ҳам меҳр-мурувват ва ҳадялар саҳоватидаги олийҳимматлилик;

иккинчидан, ким булмасин, дуст ёки душманми, унинг шахсини холис, тула-туқис баҳолаш иктидори;

учинчидан, шариатнинг толмас байровдори, шарилгманохлилик; ҳар бир ижтимоий-сиёсий, ахлокий

холатга баҳо ва ҳукми шаръан бериш салоҳияти, зинҳор бундан чекинмаслик;

туртинчидан, жисмоний етуклик (чунончи, Ҳаш- тияк кишлов'ида киргоги музлаган чуқур тезоқар ариқда қуп маротаба чумиб чикдци (матн табдили): «Менга Буслга эҳтиёж бор эди. Бир ариқ сувидақим киргоқлари қалин муз тунгу б эди, уртаси сувнинг тез лиги сабабли муз боғламаган эди, бу сувга кириб гусл қилдим. Ун олти қатла сувга чумдим. Сувнинг совуқлиги хийла таъсир қилди»;

бешинчидан, кечиримлиқда мусулмони қомилга ҳос энг юқсақ даража соҳиби эди (Бобур Ҳирот- га, Ҳусайн Бойқаро таъзиясига кетганида қочча- си Муҳаммад Ҳусайн мирзо қумагида амақиваччаси Мирзохон Қобул салтанатини эгаллаб олишга ури- нади. Бобур қайтиб қелиб, уз тахтига эга бўлиб, ҳеч бир жазо қорасини қулламай, иққовини ҳам Ҳуросонга жунатади. Бир йил утар-утмас Мирзохон қайтиб қелиб, Бобурнинг ишонқли ва эътиборли қиши лари сақига қабул қилинади;

олтинчидан, ҳар соҳада фикр етуқлиги - мута- факқирлик унга ҳос эди. Ижтимоий-сиёсий қоди- салар, ахлоқий муаммолар, ҳатто адабиётшунослик соҳасида ҳам. Мутафакқирликнинг илк белқилари- дан бири - йул қуйилган ҳатодан тегишли ҳулоса қикариб, тажриба ҳосил қилишдир. Бобур иққин- чи марта Андиқонга эга бўлқач, уз қишилари- нинг мол-қолларини Жақонқир мирзо тарафдорларидан қайтариб олиш ҳақидаги ҳақли талабларига қуниб, бу ҳақда фармон бериб, ҳато қилади ва Андиқон- дан яна мақрум бўлади (матн табдили): «Жақонқир мирзодек ганим ёнимизда утирганда элни бундай ҳурқитмоқнинг ҳеч маъноси йуқ эди. Мамлақатлар- ни эгаллаш ва юрт сақлашда баъзи ишлар юзақи Қараганда маъқул ва асосли қуринади. Бирок ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза воқиб ва ло-

зимдир. Ушбу бир мулохазасиз хукм килганимиздан канчалик равно ва туполонлар содир булди. Ахир Андижондан иккинчи маротаба чик,иб кетишимизга ушбу пухта уйланмаган хукмимиз сабаб булди».

Ушбу кучирмадаги **«х,ар ишнинг зимнида юз минг мулохаза вожиб ва лозимдир»** жумласи мута- факкир Бобурнинг ёмби фикридир.

«Бобурнома»нинг ахамияти ва унинг ижодкори фазилатлари хакида инглиз бобуршуноси Лейн Пуул- нинг мулохазалари жуда кимматлидир: «Бобурнинг хотиралари бир аскарнинг харбий юриш ва чеки- ишлари хакидаги оддий кундалик дафтар эмас; бу хотираларда Шар к адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, одамларни синчиклаб урганадиган, улар хакида холис ва одил фикр'юри- га оладиган мутаассир к;алб эгасининг дунё хакидаги шахсий таассуротлари ва нозик фикрлари берилган.

Унинг уз киёфасини чизишдаги самимийлиги, (1)азилат ва нуксонларини хам мардона тасвирлаши, очиккунгиллилиги, хакконийлиги ва ажойиб хазил- кашлик туйрулари бу гузал хотираларнинг кадри ва ахамиятини янада оширади».

«Бобурнома» бадий асар булгани учун унинг бош кахрамони Бобур тимсоли тахлили, бизнингча, жуда мухим хисобланади.

Захириддин Мухаммад Бобур, аввало, мард ин- сондир. Бу хислат, айникса, Бобур каби кисматлари мураккаб ва куикиррала кишиларни тез-тез турли синовларга солади. Чунки мардлик факат дустлар билан эмас, балки душман билан муносабатларда янада каттикрок синалади.

«Бобурнома»даги жуда куп вокеа-ходисалар Бобур шахсининг ана шу мардона хислати тантанасини кдйта- кайта намойиш этади. Чунончи, хонлар Бобур билан биргаликда Андижон ва Ахсини эгаллаш ни- ятида харбий юриш килганларида Ахси кургонбеги

Шайх Боязид Бобурни чорлайди. Бу ҳақда Бобур тоғаси Султон Махмудхон ва кичик хон - Олача- хондан бир киши орқали маслаҳат сурайди: «Унинг (Шайх Боязиднинг) чорлаганини хонларга ишора қилдик. Хон л ар дебдиларки: «Борсин. Хар нима қилиб булса-да, Шайх Боязидни тутсин».

Бу макру фириб бизнинг одат ва усулимиз эмас эди. Алалхусуским, орада аҳд бор. Бундай аҳдни бузиш қандай булади?!».

Вазият янада огирлашади. Хонлар Шайбонийхон қелишини эшитиб, Тошкент томонга жуфтакни рост- лайд и л ар. Бобур, шартга мувофиқ, Аҳсида. Тан- балнинг йирик лашқар билан қелиши қутилмоқда. Яна «Бобурнома» воқеаларига қайтамыз (матн таб- дили): «Биз бу ҳолатда тараддудда эдик: турмоққа хийла ишонч йук эди. Сабабсиз-несиз Аҳсини таш- лаб чикмоқ ҳам хуш ёқмасди. Бир қуни эрталаб Марринондан Жаҳонгир мирзо келди. Қуришдим. Ушбу замон Шайх Боязид ҳам изтироб билан келди. Эсанқираб қолган. Жаҳонгир мирзо ва Иброҳимбек дедиларки: «Шайх Боязидни тутмоқ керак. Арқни Қулга олмоқ керак». Дарҳақиқат, турри ишнинг ҳисоби шу эди. Мен дедимки: «Аҳд қилган биз нега аҳдга ҳилоф қиламыз?»

Қураяпмызқи, хар **қандай** огир, таҳликали ва- зиятда ҳам Бобурнинг мардлиги, аҳдига содиқлиги яққол намоён булади.

Мардлик ранимга нисбатан ҳам аҳд ва шартга устуворликда билинганидек, ута қийин жисмоний азобларни эл қатори узига тенг раво қуришда ҳам зухур этади.

Бобур мардликда ҳиммати юксак давлат арбо- би эди. Хиротдан Қобулга боришда қор отнинг қорнидан қеладиған йулларда узи олдинга тушиб қор тепиб, лашқарга йул очади. Бошқалар қорда қор буронидан қон сакласалар, Бобур қорда ура

казиб, уша ерда тонг оттирмокчи булади: «Бир х,аф- тага якин кор тепиб, кунда бир шаръий - бир ярим шаръийдаи ортик кучилмас эди. Кор тепар киши мен эдим, ун-ун беш ичкилар билан ва Қрсимбек эди, икки угли - Тангриберди ва Қ,анбар Али билан, яна икки-уч навкари хам бор эди. Ушбу зикр этилганлар яёв юриб, кор тепар эдик. Хдр киши етти-саккиз-ун кари (70 см) илгари юриб кор тепар эди. Хар кадам куйганида белигача, куксигача бота- бота кор тепар эди.

Шу усулда кор тепиб... Хаволи Кутий дегаи горга келдик. Ушбу кун дахшатли бурон билан кор ёгар эди. Шунчаликки, барчата улим вахимаси булди... Фор торрок куринди. Мен ворнинг ОБЗИда курак олиб, кор кураб, узимга бир такя микдори ер ясадим, корни куксимгача каздим. Хануз оёБим ерга тегмасди. Бироз тамолдан панох, булди. Уша долат- да утирдим. Хар неча дедиларки: «Форга боринг». Бормадим. Кунгилга кечдиким, барча эл корда ва чопкунда. Мен иссик уйда ва истирохат билан; унда барча эл ташвиш билан машаккатда, мен бунда уйку билан фаробатда. Мурувватдан йирок ва хамжихатликдан нари ишдир. Мен хам хар ташвиш на машаккат булса кураин, хар нечук эл токат килиб турса - тураин. Бир форсий макол бор: «Дустлар билан улим - туйдир» дегаи...»

Бу мулохазалар улуг рахбарга, мард сардорга хосдир, албатта.

Шунинг учун хам «Бобурнома»ни француз ти- .лига таржима килган Паве де Куртейл Бобурга куйидагича хакконий бахо беради: «Хар кандай синовга бардош бера олувчи, ирода ва матонатни мужассамлаштирган бу зот узида харбий хийла ва жасоратни уйБунлаштира олар, зарур булганда жа- лолашга хам, афв этишга хам кодир эди; у истеъ- додли харбий арбоб ва ишнинг кузини биладиган,

кушинларни мохирли к билан боишара оладиган, уларнинг ишончини козона олган саркарда эди...»

Бобур — шариатпанох подшоҳ, ва шариатга риоя цилувчи мусулмон. «Бобурнома»да ижтимоий жи- ноят содир этганларга турли-туман жазолаш усул- лари куллангани хикоя килинган. Чунончи, Бобур тинч ахолининг ^{срли} хумини урирлаган бир навкар- ни таёк, тутган саф уртасидан утказиб, таёклатиб улдиртиради.

Айниқса, оилавий муносабатлардаги шаръий ва ношаръий ишларга Бобур катта ахамият беради. Хисор беги Хисравшоҳ; - йирик бек. Навкари 20-30 мингга етадики, бу жуда фавкулудда ходисадир. Бирок У шариатдаи беҳабар бир нусха. «Хисор халки, - деб ёзади Бобур, - хусусан, Хисравшоҳга тааллуқли эл хамиша ичкилик ва зиного машрул эди. Шу даражадаки, Хисравшоҳнинг навкарлари- дан бири бир кишининг хотинини тортиб олиб ке- тади. Бу хотиннинг эри Хисравшоҳга келиб арз-дод килади. Хисравшоҳ жавоб берадики: «Бир неча йил сен билан бирга эди, бир неча ^{кун} бу билан бирга булсин».

Бу воқеани эшитган ва ёзган шариатпанох, Бобур шу даражада разабланадики, «Бу воқеани эшитиб Хисравшоҳга лаънатлар ёгдирмаган кишига ҳам лаъ- натлар булсин!» деб юборади.

Бобур Хисравшоҳ беклик килган Хисордан утаётганда ҳам шаръий бир даъво воқеаси берилади (матн табдили): «Хисравшоҳни куриб каштан окшом Мирзохон менинг кошимга келиб, огаларининг конини даъво килди. Бизнинг орада баъзилар ҳам амин эдилар, дарвоқеъ, шариат ва урф билан ҳам муносиби шундай эдики, бундай кишилар жазосига етгай».

Хусайн Бойкаронинг феъл-атвориға баҳо берганда Бобур унинг эътиқоди юзасидан мулоҳазалар юрита-

ди (матн табдили): «Жами иш-кучи суннат ва жамоат мазхаби билан мувофик, эди. Мафосил(ревматизм) хасталиги туфайли намоз у кий олмас эди. Сузамол на хутихулк киши эди. Хулки бироз тезрок эди. Ваъзи муомалаларда шариатга куп риюя киларди. 15ир марта бир угли бир кишини улдиргани учун хунталабларига топшириб, козихонага юборди...

Аввал тахтни олган пайтлари олти-етти йил ич- килик ичмади. Ундан кейин ичишга тушди. К,ирк йилга якинки, у Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йук эдики, пешин намозидан сунг ичмасин. Лекин ҳеч қачон «бош о григи» килиб эрталаб ичмас эди. Угиллари, барча амалдорлари ва шаҳар аҳолисининг аҳоли хам шу эди. Ута айш-ишрат ва ахлоқсизлик Килар эдилар».

Захириддин Мухаммад Бобурнинг юкоридаги мулоҳазларида икки нукта алоҳида эътиборли: биринчиси, Хусайн Бойкаронинг шариатга амал килиши; иккинчиси, шариатга хилоф иш килиши.

Шариатпаноҳ Бобур Хусайн Бойкаронинг шари- .11 га хилоф ишларини бирма-бир санагач, ниҳоят, шлрўий ҳукм хам ижро килинганини «Бобурнома»да шуидай қайд этади: «Ушбуларнинг қасофати- даи эдики, шундай хонадондан етти-саккиз йилда бир Мухаммад Замой мирзодан узга ному нишон |<,олмади>>».

Бобур — фидойи ота. «Бобурнома» маълумот- м.чридан биз Бобурни уз укалари, опа-сингилларига р.чмхур, хола ва булаларининг, тораларининг, хул- |;к', барча уруғларининг кадрига етувчи андишали иисои сифатида таниймиз. Хар икки укасини узи

¹ >11 /I;Ии Кобулга олиб кетди, уларни тарбиялади ва кадрлади: юртлар берди. Амакиваччаси Мирзохон Бобур тахтини олмокчи булганда, амакиси, холаси |уфлйли, холаваччалигининг юзини килиб, у улимга му» г;|х,ик; булса хам, кечирди.

Фарзанд тарбияси масаласида ҳам Бобур идрок- ли маърифатпарвар, талабчан устоз макомидаги па- дардир.

Хумоюнга ёзган хатида унинг ёзувидаги нуксонлар, услубидаги камчиликларни кайд этади; хукмдорга хос булмаган хилватпарастликни танкид қилади; куп билан ишлаш, беклар билан шурулланиш, кенгашиш шартлигини уқтиради.

Узи ҳам оталик бахтидан сурур топади. Мактовга хасис булган Бобур Хумоюннинг ахлоқ-одоби ва қа- молотиға жуда юкори баҳо беради.

Хумоюн мирзо ота-онасини соғинно ўз вилояти Бадахшонни ташлаб Аграга келади.

У отаси Бобурни шу даражада кумсаганки, йирик вилоят хукмдорлигидан ота дийдорини устун қуйиб, пойтахтда қолиш майли борлигини одоб доираси- да билдиради (маън табдили): «Мухаммад Хумоюн, бир йили эдики, Бадахшонда дийдорлардан айру тушиб эди. Сунгра бизни сориниб, Бадахшонни қуё- ви Мирзо Сулаймонга топшириб, бир кунда Қобул- га келди. Мирзо Қомрон ҳам Қдндахордан Қобул- га келган экан. Йидгоҳда му л оқот қилиб, хайрон булиб, қайтиш сабабини сурабди. Мухаммад Хумоюн бизнинг иштиёқимизни айтиб, Мирзо Хиндолни Қобулдан Бадахшонга юбориб, бизнинг тарафга юраберипти. Бир неча кунда пойтахт Аграга етиб, уша соатда, биз унинг онаси билан номини айтиб, сузлашиб утириб эдик, етиб келди.

Қунгуллар гул қаби очилиб, қузлар чирогдек ёришди. Муқаррар хар қуни қатта зиёфат эди. Бир- биримиз билан туйиб-туйиб суҳбат қилардик. Қин- дан ҳам суҳбатда мислсиз эди ва қомил инсонқим, дер эдилар, шу эди.

...бизга шундай қабар еттиқим, қошБарийлар ке- либ, Бадахшонни олдилар. Биз Хожа Халифага бу- юрдикки, Бадахшонга бориб, ўз мулоҳазасича бу

масалани хал килиб келсин. Бироз тушунмовчилик булдимикан, у кабул килмади. Мухаммад Хумоюн- га айтдикки: «Сен борсанг кандай буларкан?». У жавоб бердики: «Фармонни бажармасликка иложим йук- Бирок уз ихтиёрим билан дийдорингиздан ай- рилгим келмайди». Шунинг учун Мирзо Сулаймон- ни Бадахшонга жунатдик».

Кейинрок Бобур Хумоюнни Санбал вилоятига хоким килиб жунатади. Олти ойча туради-ю, не- гадир, об-хавоси ёкмайдими, доим иситмалай бош- лайди. Ота буйруги билан Хумоюн мирзо иойтахтга келтирилиб, мумтоз табиблар карамогида булади. Бирок хадеганда тuzалавермайди. Фарзандининг куйиб-ёниб ётишини хар куни куравериб, Бобурнинг токати ток булади. Салтанатнинг улуБ кишиси Мир Абдулкосим Бобу рта арз киладики, бундай дард дармони учун энг яхши нарсаларни садака килмок керак: токи Аллох таоло сихат-саломатлик берсин. Вокеа давомини «Бобурнома»дан укййлик (матн табдили): «Менинг кунглимга келдики, Мухаммад Хумоюннинг мендан бошка яхширок нарсаси йук- Мен узим садака булайин, Худо кабул килсин. Хожа Халифа ва бошка якинлар дедиларки: Мухаммад Хумоюн сихат топар, сиз бу сузни нечун тилингиз- га келтирасиз? Мақсад: дунё матоидан яхшисини садака килмокдир. Иброхим билан булган уруш- да кулга тушган олмосни сиз Мухаммад Хумоюнга хадя этган эдингиз. Ушани садака килмок керак.

Тилимга келдики, дунё моли унинг эвазига ярар- миди?! Мен узимни унта фидо киламан. Чунки унинг ахволи жуда обир. Мен ортик унинг куйиб- урганишларига токат килолмайман.

Уша холатда унинг хузурига кириб, уч марота- ба бошидан айланиб-ургилиб, дедимки: «Хар канча дардинг булса мен кутардим».

Уша захоти мен огир булдим, у енгил булди. У сихат булиб урнидан турди. Мен нохуш булиб йикилдим...».

Бобур эртаси кунни тахту тожни Хумоюн мирзога топширади ва куп утмай вафот этади.

«Бобурнома»да бадий санъатлар - тасвирий ва ифодалилик воситалари намуналарини куплаб ку- затиш мумкин. Чунончи, юкоридаги урилнинг кели- ши туфайли ота-онанинг беҳад шодланганликлари талкинидаги матнда кулланилган ташбих (ухшатиш) санъати ҳам табиийлиги, ҳам латофати билан укувчини ром этади: «Кунгуллар гул каби очилиб, кузлар чиробдек ёришди».

Насрда шоир Бобур шеъриятига хос катма- кат тазодлар - карама-карши маъноли сузларни каторлаштириш ва ички кофиясимон - охангдошлик яратувчи сажъ усулини куллаш ҳолатлари ҳам оз эмас: «Хар неча дедиларки: «Рорга боринг». Бормадим. Кунгилга кечдиким: барча эл корда ва чопкунда, мен иссик уйда ва истирохат билан; унда барча эл ташвиш билан машаккатда, мен бунда уйку билан фаробатда». Матндаги «кор ва чопкун» каби тушунчалар ёнида роҳат-фарогатии ифодалов- чи «иссик уй ва истирохат» сузлари зидлиги воқеа таъсирчанлигини китобхон кунглига етказишда яхши восита булган. Муаллифнинг сеҳргарлиги шунда- ки, у кайд этилган ушбу тазод курсаткичлари би- лангина чекланмайди. Балки, уларни калаштириб ташлайди: «ташвиш ва машаккат» ҳамда «уйку ва фарогат» сузларидаги маъно зидлиги ҳам ана шу бадий санъатдан Бобурнинг унумли фойдаланган- лигини курсатади. Бу у су л нур ва соялар уйини булиб, ҳам китобхон диккатини тортади, ҳам юрак- ка кучлироқ таъсир этади.

Куйидаги киска гапдаги хушоҳанглик сажъ санъати туфайли юзага келгандир:

«Бажавр эли чуй **борий** эдилар, ислом эли била «**Гай** эдилар».

Назмида мутойиба вазиятларини акс эттириш, суз уйини килиб бир сузни икки маънода куллай олиш мах,орати айникса кайд этгуликдир. Бобур Самарканд \оками Фулод (Пулат) Султонга уз шеърлари дево- 11 ими юбориб, мактубга ушбу китъасини хам илова циладики, туртинчи мисрадаги «Фулод» сузи хам х,окимнинг исми, хам пулат (каттик) маъноларини пфодалагани туфайли ийхом санъати кузагилади:

*У л сарвинг царимига гар етсанг, эй сабо,
Бергил бу х;аър хастасидии ёд кунглига.
Рах;м айлабон согинмади Бобурни, бор умид Солгай
Худой рах;ми Фулод кунглига.*

Сунгги мисрани укувчи куйидагича икки хил мазмунда идрок эта олади:

Биринчиси: Худо Фулод (султон) кунглига рахм (олеин).

Иккинчиси: Худо унинг пулат кунглига рахм солсин.

Ийхомдек нозик бадий санъатни дахо Алишер Павой «хосса (юксак) маънолар»ни ифодаловчи илосита деб кайд этгани маълумдир.

Дархакикат, юкоридаги китъанинг туртинчи мисрасидаги икки хил мазмунни сезган китобхон ижод- кор салохиятига койил колади.

Шох асар «Бобурнома»да илмий маълумотларнинг беҳад куплиги ва улар хозирги тармоклашган фан- ларнинг элликка якин сохаларига мансублигини ино- батга олсак, «Вакоеъ» - «Бобурнома»ни комусий - энциклопедик асар дейиш мумкин. Чунончи:

1. «Бобурнома» — тарихий асар. Унда XV аср- н инг охири - XVI асрнинг биринчи яримларигача X у росон, Мовароуннахр, Хиндистонда кечган мухим гарихий воқеалар уз аксини топганидек, асарда юз-

лаб тарихий шахсларнинг номлари бор. Уларнинг айримлари хақидаги маълумотлар ҳар қандай тарихий асарда топилмайдиган ноёблиги, муҳимлиги билан олимларни ҳам лол қилдиради.

Агар «Бобурнома» ёзилмаса, бизнинг Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳаётлари, фаолиятлари ва ижодлари, хусусан, шахслари хақидаги тасаввурларимиз анчайин юзаки бўлиб қолган бўларди.

Айниқса, теурийлар салтаатининг таназзули йилларидаги тарихий жанг-жадаллар, инқироз сабаблари, Хусайн Бойқародек буюк шохшохининг, Бобур ибораси билан айтганда, «Темурбек урнида бўлган» Хусайн Бойқаронинг султқашлиги, Шайбонийхонни қашатқич ҳужум билан енгиш урнига мудофаа билан чекланганлиги, Хусайн Бойқаро фарзандларининг базму созда мохиру, жангу жадалда яроксизлиги Бобур томонидан тахлил этиб берилган.

«Бобурнома»да тарихий воқеа-ходисаларнинг юз бериши сабаб ва оқибатлари ута иухталиқ, теранлиқ билан уз талқинини тоиган.

«Бобурнома» китобхон учун гуё қуп сериали фильм. Бу улур кузгуда деярли 50 йиллик Мовароуннаҳр, Хуросон, Хиндистон ва улур гаёндош мамлақатларда кечган воқеа-ходисалар тизилишиб китобхон куз унгида намойиш этилади. Шу маънода «Бобурнома»ни ажойиб воқеий тарихий роман дейиш мумкин. Чунки жанг-жадаллар тарихий асарлардагидек ҳисобот-аҳборот тарзида эмас, балки бадиий асарга ҳос юз хил киёфали, феъл-атворли кишилар фаолияти тасвири орқали курсатилади.

Тарихий шахсларнинг яққа шахсият, давлат бошлиби, лашқарбоши сифатидаги фаолиятларининг қуп киррали талқини ва тахлили бу асар учун ҳослигини Хусайн Бойқаро шахси, тарихий қисмати, шахсий ва оилавий қожиаси сабаблари хусусидаги маълумотлар билан исобтлашга ҳаракат қиламиз.

Бобур Хусайн Бойкаро салтанати ва нуфузини Амир Темур билан киёслаб улуглайди, уни чин юракдан темурийларнинг энг улур подшоҳлари са- (|>ида кадрлайди.

Бобурнинг фикрича, Хусайн Бойкаро ва фар- ландлари бир ёкадан бош чикдриб, Бобур ва унга ухшаганларни уз иттифокчилигига чорлаб, шайбо-

11 ийларга карши курашилса, уни енгиб буларди.

Лекин Хусайн Бойкаро худди Мухаммад Хоразм- шох йул куйган хатони такрорлайди: уз фарзандлари, 1>обур, Хисравшоҳ, Зуннун арБун ва Шохбекларнинг хдр бирига уз кальасини мустахкамлаб, Банимга писбатан мудофаани ташкил кнлиш юзасидан мак- тублар йуллайди; бу хато тактикасини бир вақтлари кул келган уз тажрибаси билан асослашга уринади.

«Вакоъ»да Бобур бу ҳақда ёзади (матн табди- ли): «Ушбу фурсатлар Султон Хусайн мирзодан Ба- диуззамон мирзога, менга, Хисравшоҳга ва Зуннунга бир мазмунда узундан-узук мактублар келди...

Мазмуни бу эдики: «Султон Аҳмад мирзо, Сул- тон Маҳмуд мирзо ва УлуБбек мирзо - уч ОБа- и и и иттифок кнлиб юриш килБанларида мен МурБоб скасини беркитдим. Мирзолар якин етиб ҳеч иш кила олмай кайтиб кетдилар. Хозир ҳам агар узбак (шайбонийлар) юриш килса, мен МурБоб ёкасини беркитай, Бадиуззамон мирзо Балх, ШабурБон ва Аидхуд курронларига саклай оладиган кишиларини куйиб, узи Гурзавон ва Дарайи Зангда у тогликларни беркитсин».

Менинг бу ерларга келганим хабари унга ет- ган эди. Менга ҳам битиб эдики: «Сен Коҳмард на Ажарда у тог этакларини беркитиб, Хисравшоҳ Х,исор ва Кундуз кургонларида ишончли кишиларни Куйиб, узи билан иниси Вали Бадахшон ва Хатлон тор'ларини беркитсинлар. Узбак ҳеч иш кила олмай кайтгусидир », деб.

Султон Хусайн мирзонинг бу хатлари ноумид- ликка сабабчи булди. Не учунки, Темурбекнинг юр- тида хозирги пайтда ундан улутрок подшоҳ хам ёш, хам вилоят ва хам лашкар билан йук, эди...

Султон Хусайн мирзодек Темурбек урнига утирган улуБ подшоҳ Банимнинг устига юришни демай, ер беркитмокни деса, эл ва улусга не умидвор- лик колгай?!».

Энди Бобурнинг Хусайн Бойкдронинг замони ва ободончиликдаги фаолияти хусусидаги мулохазалари - хайратларининг гувоҳи булайлик (матн табдили): «Султон Хусайн мирзонинг замони ажаб бир замон эди: фазл ахли ва мислсиз санъаткорлардан Хуро- сон, хусусан, Хирот шаҳри тула эди. Хар киши- нингки, бир ишга машгуллиги бор эди, химмати ва мақсади шу эдики, у ишни камолга етказгай».

«Яна Хиротким, ернинг одамлар яшайдиган қисмида бундай шаҳар йукдир; Султон Хусайн мирзонинг замонида мирзонинг саъй-гайрати ва тақаллу- фидан Хирот зеб- зийнатда бирга ун, балки йигирма барабар обод булиб эди».

Бобур Хусайн мирзонинг шахсий фазилатлари- дан яна бир нечасини намойиш қилади: «Шижоатли ва мар дона киши эди. Куп маротаба ганимга узи қилич солган. Темурбек наслидан ҳеч ким маълум эмаски, Хусайн мирзодек қилич чопган булсин. Наз- мий истейдоди бор эди. Девон хам тартиб қилиб эди. Туркий ёзарди. Таҳаллуси Хусайний эди. Баъ- зи байтлари ёмон эмас. Лекин мирзонинг девони батамом бир вазндадир».

Худди ана шундай теран таҳлил, муҳим ҳаётий нукталарни, ижод ва шахсни купкиррала таҳлил этишни биз Алишер Навоийга нисбатан хам куза- тамиз.

Алишер Навоий ҳақидаги «Бобурнома» маълу- мотлари шу даражада ута муҳим, кенг камровли ва

муфассалки, урта асрларда Алишер Навоий хакида ёзилган маълумотлар, багишловлар ва хатто улур дахога махсус баБишланган Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асари ҳам илмий ва таржимаи холга дойр маълумотларнинг бойлиги, муҳимлиги, ан иклиги ва жозибалилиги жихатидан «Бобурнома»дагй битиклар билан беллаша олмайди, десак муболага булмас.

«Фозиллар ва хунармандларга Алишербекча мураббий ва хомий инсон булгани ёки утгани оламда маълум эмас».

Бобур хар бир тарихий шахе ва унинг фаолияти- ми иухта тахлил этади. Унинг маълумотларида шахс- м инг кимлиги, феъл-атвори, кишиларга ва оилага муносабати, киликлари, эл орасидаги обру-эътибори, <|>аолияти, унинг ижобий, салбий ёки мулохазаталаб хусусиятларигача факат энг муҳим томонлари сара- лаб талкин этилади. Айни ана шу тахлил усулида Бобур Навоий таржимаи холи, шахеи, фаолияти ва асарларига ёндашади.

«Бобурнома»да Хусайн Бойкаро беклари бирма- бир саналаётганида навбат Алишер Навоийга келади (матн табдили): «Яна Алишербек Навоий эди, беги :>мас, балки сухбатдоши эди. Ёшлигида Хусайн мир- ао билан мактабдош экандирлар. Хислатлари куп ;>кан».

«Бобурнома» ундаги тарихий шахсларнинг куп лиги, сулолалар, салтанатлар тараккийси ва та- паззулини ёркин намоён этувчи бадий-илмий хуж- жат, урушлар тарихи, жанг курол-яроглари, жанг- га саф тортиш ва жанг усуллари, давлатлараро па шохлараро муносабатлар йилномаси сифатида кпмматли тарихий манбадир.

А й микса, жангларнинг бу асардаги талкини кшиини хайратга солади. Жанг учун сабаб ва бахрпалар, жанггох танлаш ва жой жуБрофиясига кура, куёш нури тушишига кура харбий сафларга

жой танлаш, кушин к,исмларини харбий амалиёт- да мувофиқлаштириш усуллари, харбий асбоб-ускуна, жангчи ва от-уловлар учун совуту зирхларнинг ахамияти, шахарга кириш ва калъани забт этиш чора-тадбирлари шунчалик мукамал берилганки, гуё бу асар шохдарга узига хос кулланма вазифа- сини хам бажара оларди. «Бобурнома» бизга У рта Осиё ва атрофдаги давлатларда ишлатилган харбий куруллар, мудофаа воситалари, калъага чиқиш ас- боб-ускуналарининг узига хос комуси сифатида хам тарихий-маърифий ахамиятга моликдир.

«Бобурнома» Амир Темур, Шохрух мирзо, Абу- саид мирзо, Улугбек, Хусайн Бойкаро, Мухаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Хожа Убайдуллох Ахрор, Умаршайх мирзо, Султон Ахмад мирзо, Султон Махмуд мирзо, Султон Махмудхон, Ахмад Танбал, Хисравшох, Зуннун аряун, Исмоил Сафа- вий, Шох Тахмоси, Абулмакорим, Хожа Мавлонои К,ози, Бадиуззамон мирзо, Абдуллатиф мирзо, Рона Санго сингари шох ва шахзодалар, амир ва беклар, пир-муршидлар хакида мухим тарихий маълумотлар- ни узида акс эттиргани билан багоят кимматлидир.

2. «Бобурнома»ни адабиётшунослик асари де- йиш хам мумкин. Зотан, адабиёт намояндалари хакидаги маълумотлар, адиб ва шоирларнинг асар- лари тахлили, уларга бахо бериш адабиётшунослик илми сохасига мансуб.

«Бобурнома»да элликка якнн шоирнинг исми ша- рифи айтилиб, уларнинг асар лари тахлил этилган ёки бахо берилган. Куплаб шоирлар номлари айтилмай (уларнинг асарлари шунчалик машхурки, муаллиф- ларини эслатиб утиришни Бобур лозим топмаган), асарларидан талай парчалар бирор вокеа муносабати билан келтирилган. Бу жихатдан, айникса, Шаркда ахлоқ отаси сифатида шуҳрат козонган Саъдий Ше- розий ва унинг «Гулистон» ва «Бустон» асарлари

алоҳдца кайд этгулик. Бобур гоҳ эслатиб, гоҳ эслат- май бу асарлардан унларча иқтибослар келтиради. Чунончи, шулардан иккитаси айникса таъсирчан ва эсда коларлидир:

бири - Оббурдонда тошга уйиб ёздирилган Жам- шид хақидаги Саъдий шеъри (бу тош хозир Душанбе давлат археология музейида сақланади);

иккинчиси, Хусайи Бойкаро вафотидан сунг унинг икки угли - Бадиуззамон мирзо ва Музаф- фар мирзонинг шериклик билан тахтга утиришлари воқеаси айтилганда қуйидагича хикмат келтирилади (табдили): «Шайх Саъдий сузи мазмунининг хило- фи юз берди. «Гулистон»да келтирганки: «Ун дар- ииш бир гиламга сигиб ётарлар-у, икки подшоҳ бир китъага сигмайди».

«Бобурнома»да бизга таниш ва таниш булмаган жуда куплаб уша даврнинг форсийгуй ва туркийгуй шоир, адиб ва олимлари хақида маълумотлар ҳамда асарларидан парчалар, уларнинг тахлиллари берил- ган. Асарда зикр этилганлардан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бадриддин Хилолий, Камолиддин 1жноий, Камолиддин Хусайн Гозургохий, Мухаммад Солих, Абдулло Хотифий, Осафий, Мир Муртоз, Муллозодаи Мулло Усмон, Атоуллох Махмуд Х,усайний, Амир Шайхим Сухайлий, Хондамир, Аб/;ураззок мирзо, Асириддин Ахсикатий, Байрам- хои, Ахмад Хожибек (Вафойи), Хусайн Али Жа- пойир, Сайфий Бухорий, Мир Хусайн Муаммой, Мулло Мухаммад Бадахший, Юсуф Бадиий, Махмуд блрлос, Султон Махмудхон, Охий, Шох Хусайн Коми й, Ахлий, Мир Сарбарахна, Кози Ихтиёр, Мулло Млсъуд Ширвонийни эслатиш мумкин.

Бах,ириддин Мухаммад адабиётшунос сифатида утл талабчан, хатто каттиккул. Сара бадий ёки П./1МИЙ асарларга улуБлар берадиган бахо муштарак * >V./i иб чикади, албатта. Чунончи, Мир Атоуллох

Хусайнийнинг «Бадойи ус-санойиъ» номли поэтика- га дойр асари хусусида Бобур ёзади: «Яна санойии шеърда «Бадойи ус-санойиъ» номли рисола ёзган экан, хийла яхши ёзган».

Энди шу асар хакида Алишер Навоий нима де- гани билан кизикайлик: «Саноеъда бир китоб ёзган: «Бадоеъи Атоий» номида. Энди окка кучирилди. Маълум эмаски, бу илмда ҳеч ким унчалик мукам- мал ва фойдали китоб ёзган булсин».

Адабиётшунос Бобурнинг асар хакида «ёмон эмасдир» деган баҳосини олиш ҳам катта ютук. У мактовга нисбатан - ҳасис, танкид ва камчилик то- иишда мислсиз моҳир. Унинг баҳолаш меъёри билан Алишер Навоийникини киёсласак, Навоийда мактов купрок, танкид озрок. Нега бунақа? Чунки Навоий уқитувчи, истеъдодлари алкаб улБайтирувчи устод. Бу жихатдан у Мавлоно Лутфий усу л ид ан купрок фойдаланади. Хар холда, танкид килиб тарбиялаш- дан кура, алкаб, мактаб истеъдодлари устириш устозлар учун купрок ҳосдир. Бобурга келсак, у подшоҳ. Хамма - унинг хизматида. Савияси уртача асарларни у арзимас коралама деб ҳисоблайди. Биз юкори савия талаб киладиган Бобурга айб куёлмаймиз, уни инсофсизликда айблаб булмайди. Аслида чинакам адабиётшунос хамиша ана шу дара- жада турмоБИ лозим.

Алишер Навоий ҳам, Бобур ҳам Бадриддин Хилолийнинг куп матн ёд билиш қобилияти - мислсиз хофизасига бирдай аҳамият берганлар. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да йигитча Хилолий хакида ёзади: «Мавлоно Хилолий - турк элидиндир. Хофи- заси яхшидир. Истеъдоди ҳам хофизасича бордир».

Бобур «Вакоеъ»да орадан йигирма йиллар утгач ёзади: «Яна Хилолий эди. Хозирги вақтда ҳам бордир. Разаллари текис, ажойиб... Жуда кучли хофи- заси бор эмиш: уттиз- кирк минг байт ёдида бор

эмиш. Дейдиларки, «Хамса»нинг аксар байтлари ёдида бор...»

Адабиётшунос Бобур Хилолий хакидаги ушбу маълумотлари давомида адабиёт назариясининг муҳим муаммолари - мазмун ва композиция амалиётига махсус эътибор беради; Хилолий дostonининг ком- позицияси бушлигини уктиради, образлар мантики масаласида ҳам шоирни каттик танкид қилади (матн табдили): «Бир дostonи бор, хафиф баҳрида, «Шох ва Дарвеш» номли. Гарчи баъзи байтлари жуда ажойиб чиккан булса-да, лекии дostonнинг мазмуни ва устухойбандлиги (композицияси) жуда буш ва харобдир. Илгари утган шоирлар ишк ва ошикликка оид дoston ёзганларида ошикликни эрга, маъшукликни аёлга нисбат берганлар. Хилолий дар- 1!ешни ошик қилипти, шохни - маъшук».

Алишер Навоийнинг азиз дусту Амир Шайхим Сухайлий (Шайхимбек) хакидаги «Бобурнома» маълумоти икки жихатдан диққатга лойик: биринчидан, июирнинг шеър уқишидаги сунъийликка ахамият берилган; иккинчидан, шеър санъатларидан му бол ага санъатида меъёр муҳимлигига эътибор қаратилган (матн табдили): «Яна Шайхимбек эди. «Сухайлий» тахаллус қилгани учун Шайхим Сухайлий дер эди- лар. Шеърни алланечук охангда уқирди. Курқинчли еузлар ва маъноларни ифодалар эди. Унинг шеърла- 1>идан бир байти будир:

*Шаби гам гирдбоди ох, ам аз жо бурд гардуно,
Фуру бурд аждаҳ, ои сели ашқам рубъи масқуно.*

(Мазмуни: Бам туни оҳим қуюни фалакни урнидан суриб ташлади. Куз ёшим селининг аждаҳоси ер қуррасини ютиб юборди.)

ПГу воқеа машхурдирки, бир маротаба шоир б у байтни Мавлоно Абдурахмон Жомий хизматида

укибди. Мавлоно айтибдики: «Мирзо, сиз шеър ай- тасизми ёки одам куркитасизми?»

Адабий дахонинг танбехли саволида икки хил эътироз бор: бири - ифодали укишдаги иуксонки, муаллиф байтни укишда расмий меъёрга амал килмаган; иккинчиси, байт ижодкори муболаганинг чуққиси булган Булувни хам суиистеъмол кдлган. Зотан, хар кандай муболаяда хам меъёрни саклаш жоиздир.

Бундан Бобурнинг хам адабиёт назарияси, хам бадиият яратувчи омиллар - шеър санъатларидан мохирона фойдаланиш кераклигига алохида ахамият берганлиги маълум булади.

3. «Бобурнома»ни тилшунослик асари деб хам караш мумкин. «Вакоеъ» муаллифи тил илмининг эиг кизикдрли сохалари - этимология, фонетика ху- сусида ута жозибали ва теран илмий кузатишларини баён килади.

«Бобурнома» ёзилмаганида Кдшкадарё вилояти- нинг маркази К,арши шахрининг нима муносабат билан бундай номланганини бил маган булардик. Чунки «карши» сузи куплаб туркий достонлар ва тарихий асарларда асосан зид, рупара, сарой, каср сингари маъноларда учрар эди, холос.

Бобур шахар номи сифатида куйилган «карши» сузининг мурулча экани, бу суз «кабристон» маъ- носини ифодалашини изохлаб, асослашга навбат келганида, шахарнинг мугул истилоси курбони булганлиги билан далиллайди (матн табдили): «Яна К,арши вилоятидирки, Насаф ва Нахшаб хам дер- лар. Карши мурулча отдир. Гурхонани муру л: тили билан «карши» дер л ар. Афтидан, бу от Чингизхон истилосидан сунг булгандир».

Шахар ва жой номларининг бундай фожеий ном- ланиши Хужанд ва Конибодом уртасидаги Ходарвеш чулидаги бир вокеа билан яна бир карра далиллан-

гани диккатга сазовордир (матн табдили): «Хужанд билан Кандибодом орасида бир дашт бор. Номи - Ходарвешдир. Хамиша бу даштда шамол эсади. Маргиюн унинг шаркддадир, хамиша бундан шамол боради. Хужанд Барбидадир, доим ундан шамол келади. Кдттик, шамоллари бор. Дер л арки, бир неча дарвеш бу даштда кишда каттик шамол га йуликиб, бир-бирларини тоиолмай, «Хо, дарвеш!» «Хо, дарвеш!» дея-дея халок булибдилар. Ушандан бери бу даштни Ходарвеш дерлар».

Бобур биринчи маротаба «адабий тил» тушунча- сини «калам» сузида ифодалагаи тилшуносдир. У Андижон вилояти халкининг тили туркий (узбек) адабий тилга мувофик эканлигини куйидагича талкин этади: «Эли туркдир (узбекдир). Шахар ва бозорла- рида туркий билмас киши йукдир. Элининг лафзи (тили, сузи) калам била ростдир. Ани учунки, Мир Алишер Навоийнинг асарлари Хиротда яратилиб шухрат козонган булса-да, бу тил билан ёзилган».

Бобур исм ва лакабларнинг келиб чищниига дойр ажойиб фикрлар баён килади. Шулардан бири узининг кичик тояси Султон Ахмадхоннинг лакаби хакидадир (матн табдили): «Султон Махмудхондан к ичиги Султон Ахмадхон эди. У Олачахон номи билан машхурдир. «Олача» исмининг куйилиши с.абабида дейдиларки, калмок ва мугул тилларида «улдирувчи»ни «олачи» дерлар. К,алмокларни бир неча маротаба босиб, куп кишисини киргани учуй Олачи деб куп айтилаверганлигидан Олача булиб кетган».

Айрим кишиларга лакаб узларининг ёки отала- рининг касб-кори билан боглик холда куйилиши < I юбурнома>да куилаб мисолларда далилланади. Чунончи (матн табдили): «Яна бири К,анбар Али му1>ул эди, ахтачи эди. Отаси вилоятга кириб бир

канча вақт саллохлик (кассоблик) килгани учун Кднбар Али саллох дер эдилар».

«Полвон», «курашчи пахлавон» сузлари тили- мизнинг тур л и лахжаларида турлича ифодаланади. «Бобурнома» муаллифининг хизмати туфайли бу сузнинг «зур» ва «бука» тарзидаги ифодасига ҳам дуч келамиз: «Узбак зур кишини бука дер эмиш. Жонибек дерки: «Букамусен? Бука булсанг, кел, кураш тушайлик».

Суз этимологияси жой номига нисбатан текширилганда Бобур уша сузнинг ясалиши ва ном куйилишига тарихан ёндашади (матн табдили): «Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид со- либди: «Масжиди мукаттаъ» дейдилар. Бу боисдан «мукаттаъ» дейдиларки, китъа-китъа (парча-парча, булак-булак) ёрочларни тарашлаб, ислимий ва хи- тоий накшлар солганлар. Деворлари ва шифти бата- мом ушбу йусинликдир».

Топонимикага бундай масъулиятли, илмий муносабатда булиш намуналарига «Бобурнома» анча бой- дир. «Шахрисабз» шахри номининг келиб чиқишини ҳам муаллиф шу йусинда талкин этади: «Бахорлар сахроси, шахри, боми ва томи хуб сабз булур учун Шахрисабз ҳам дерлар».

Бобур Самарканд шахридаги Лаклака масжиди атамасини ҳам куйидагича жозибали илмий далил- лайди (матн табдили): «Самарканд кальасининг ичи- да яна бир кадимий иморат бор: масжиди Лаклака дерлар. У гунбазнинг уртасида туриб ерни тепсалар гунбазнинг ҳаммаёгидан «лак-лак» товуши чикади. Еаройиб холдир. Хеч ким бунинг сирини билмае».

Бобур тилнинг товуш жихатига ҳам алохида эътибор беради. Айникса, у халкнинг турли жойда яшашини натижасида, сузга кушимчалар куши л ганда харфий ва айни пайтда товуш узгаришига учрашини кайд этади. Бобур го гаси Султон Махмудхонга уз

ахволи ва истагини ифодаловчи куйидаги рубойни манзур этар экан, кофиялардаги урин-пайт келиши- ги кушимчаларидаги «д» товушининг «т» товушига айланишига диққатни қдратади: «Бу рубойни хонга утқариб, тараддудимни арз қдлдим...

*Ёд этмас эмиш кишини меъатта киши,
Шод этмас эмиш кунгулни гурбатта киши.
Кунглум бу гариблицта шод улмади х;еч,
Ёурбатта севунмас эмиш, албатта киши.*

Сунгра маълум булдики, туркий тилда жой такососи билан **то(т)** ва **дол(д)**, яна **гайн(г)** ва **цоф(ц)** ва **коф(к)** бир-бирларига айланиб колар экан».

Бобур зийрак тилшунос сифатида айрим жой-ларда куп тиллилик ходисаси учраши, бир вило-ятда куплаб хар хил халк ва элатлар бир неча тилда сузлашишларига ахамият беради. Чунончи, у «Бобурнома»да ёзади (матн табдили): «Кобул вилоятида хилма-хил кавмлар бор. Сайхонлик-лар ва текисликларда турклар (узбеклар), аймок на сахройи араблар; шахри ва баъзи кентларида сорт(форс)лардир. Яна баъзи кентлари ва вилоятла-ида пашойи, парожии, тожик, бараки ва афгонлар истикомат килади. Разни тоБларида хазора ва накда-рилар яшайди. Буларнинг орасида айримлари ичурул гилида гаплашади...

Ун бир-ун икки тилда Кобул вилоятида сузлашадилар: арабий, форсий, туркий, мурулий, хиндий, афроний, пашойи, парожий, габрий, баракий, ламроний. Бунчалик хар хил кавмлар ва бошка-бошка тилларда гаплашиш бошка хеч бир вилоятда **йук**».

Хатто ут-уланлар номларининг нега бундай аталганлиги хам Бобур синчиклаб текшириб куради, ку-аатади ва илмий хулосалар чиқаради. Кобул вилоят-

ти утлоқларидаги бутака хусусида ёзади (матн таб- дили): «... аксар бутака ути булур, отга жуда яхши утдир. Андижон вилоятида бу утни «бутка ути» дейдилар. Нега бундай ном куйилганининг сабаби маълум эмас эди. Бу вилоятларда маълум булди: бу ут бута-бута булиб чиккани учун бутака дейишар экан».

Сузларнинг ясалиши, тарихий асоси ва келиб чиқиши хақидаги бундай аниқ илмий маълумотлар бу асарда жуда куп.

4. «Бобурнома»ни санъатшунослик асари, де-йиш ҳам мумкин. Чунки унда санъатнинг жуда куп хиллари: раке, куй, ашула ва тасвирий санъатга дойр маълумотлар берилган. Китобхон Бобур замонасининг машхур хофизлари: Рухдам, Хофиз Хожи, раққослари: Тенгрикули, Рамазон, Мир Бадр; со- зандалари: К,улмухаммад Удий, Шайхй Нойй, Шохкули Рижжакий, Хожа Абдулл ох Марворий; бастакорлари: Рулом Шодий, Мир Азу, Шохкули Рижжакий; рассомлари: Камолиддин Бехзод, Шох Музаффар хақида, уларнинг куй, кушик, раке, расмлари хусусида муайян тасаввурга эга булади.

Санъаткорлар ҳамма замонларда ҳам булган. Бирок санъатдаги анъанавийликдан ихтирокорлиги билан ажралиб турган ижодкорларнинггина номлари эл ОБзига тушиб, шуҳрат қозонган. Бобур Хиротда эканида Музаффар мирзонинг базми тасвирида Мир Бадрнинг раққослик санъатига қойил қолади (матн табдили): «Музаффар мирзонинг базмига ҳам бир навбат бордим. У базмда Хусайн Али Жалойир ва Мир Бадр, Музаффар мирзо ҳам бор эди. Базм ахлининг кайфи зурайганда Мир Бадр рақсга туш- ди, яхши раке тушди. Чамаси, бу нав раке Мир Бадрнинг уз ихтиросидир».

Бобур тасвирий санъатга жуда қизиққан, хатто унинг сир-синоатларини билишга ҳаракат қил гаи.

У Бехзодни мусаввирлар пешвоси сифатида ута кадрлайди, айни пайтда, унинг ижодининг айрим мулохазаталаб жихатлари устида тухталишни ҳам лозим топади (матн табдили): «Мусаввирлар дан Бехзод эди. Мусаввирлик санъатини жуда нозик килди. Бирок, сокол сиз кишиларнинг чехрасини яхши очмайди: иягини узунрок тортади. Соколли кишининг юзини койилмаком килиб чизади».

К,ушикчи хофизларнинг сараси, айникса, Бобур- шох базмларининг хушхон булбули Рухдам эди. «Рухдам» сузининг лугавий маъноси «нафаси жон багишлайдиган» демакдир. Бундай улуг мактов сузи биргина Исо алайхиссаломга нисбатангина ишлатил- ган эди.

Бобур бу хофизни шунчалик кадрлайдики, унинг- ча, гуё Рухдам катнашган базмлар рухли, оромижон булади. У сиз, ё тасодифан у кетиб колса, базмда рух колмайди. Рухдамнинг кадри шунчаликки, Бобур у ҳақда куйидаги рубоийни ёзган:

*Тар Руддам этса эрди ох[^]анги нагам,
Мажлисда на х,узи цолур эрди, на гам.
То боргали Руддам, бизинг мажлисдин,
Мажлис элига на рух, цолдию на дам.*

Хушхонларни шунчалик юксак бахолаган Бобур ашулани яхши, ёкимли килиб айтолмайдиган, савия- си пастрок хофизлар хақида ҳам ёзишни лозим топтан. К,уйидаги матнда Хирот ахлининг бакирок, аммо овози ширали ва таъсирчан булмаган самаркандлик Миржон хофиз хонишини қандай тинглаганликла- рини жуда кизикарли баён этади. Музаффар мир- зонинг Тарабхонадаги базмидаи бир лавха (матн табдили): «Мажлисда мусикачи ва хофизлардан Хофиз Хожи, Жалолиддин Махмуд ноий, Рулом Шодийнинг иниси Шодибача бор эди. У чанг ча- лар, Хофиз Хожи яхши хониш кил ар эди. Хирот

эли паст, нозик ва текис хониш килади. Жаҳонгир мирзонинг самарқандлик Миржон исмли бир хофизи бор эди. Баланд, хунук ва нотекис хониш киларди. Жаҳонгир мирзо кайф устида унга кушик айтишни буюрди. У ажабтовур баланд овозда купол ва бе-маза хониш килди. Хуросон эли хазил-хузил билан тирик эл. Хожининг бу хонишидан бириси кулогини беркитадими-ей, яна бири юзини бужмайтирадими-ей, аммо мирзо туфайли ҳеч ким уни ман қила олмайди...»

5. «Бобурнома»ни набототга оид асар дейиш ҳам мумкин. Муаллиф «Бобурнома»да Фаррои а дан Хиндистонга қадар ер, жой, тор, улқаларда усадиган дарахт, усимлик, ут-улан, гуллар ҳақида қимматли маълумотлар берар экан, купрок бу маълумотлар харитаси Афғонистон, Покистон ва Хиндистонга туБри келади.

Бобур Хиндистон меваларидан, чунончи, анба ҳақида муқамал ва муҳим маълумотларни бизга манзур этади (матн таъдиди): «Хиндистонгагина хос мевалардан бири анбадар... Яхшиси яхши булади, куп ейиш мумкин. Лекин яхшиси қам булади. У пи ақсар хом узадилар: уйда туриб пишадиди. Хоми яхши ош қдтири булади. Еурасининг мураббоси ҳам яхши булади. Дарҳақиқат, Хиндистоннинг яхши ме-васи шудир. Баъзи одамлар анбани жуда мактаб, қовундан бошқа барча мевалардан устун қуйган эдилар. Эл мактаганича эмас. Қордий шоптолига ухшашлиги бор. Пашақал вақтида пишадиди. Икки хил ейилади: бирини сиқиб, пула қилиб, терисини тешиб, суриб сувини ичадилар; яна бирини қордий шоптолидек терисини арқиб ейдилар. Япроқлари шоптоли баргига бироз ухшайди. Танаси қуримсиз ва хунукдир».

Хиндистон меваларидан кейла ҳақидаги маълумотлар ҳам ута аниқ тасвир ва талқини билан қи-

... гм хайратга солади (матн табдили): «Яна бир к ii.ici кейладир. Араблар «мавз» дейди. Дарахти 11<i.i./i11к баланд эмас, балки дарахт хам. деб бўлмас. I .\ 1.1 билан дарахт орасидаги бир нарсадир. Барги ичопкоранинг баргига ўхшанади. Лекин кейла бар- MI пи пи узунлиги икки қари булади, яссилиги бир I арпга яқинлашади; ўртасидан юракдек бир шох ■шмди, рунчаси ана шу шохда бўлади; Бунчасининг .11> барги очилгач, баргининг тубида қатор олти-етти iv.nii булади. Бу қатор гуллар кейла бўлади. Ушбу юракдек шох узайгани сайин у қатта Бунчанинг парглари очилиб, қатор кейла гуллари кўринади. Қонла дарахти бир мартагина ҳосил берар эмиш.

Кейланинг икки латофати бор: бири буки, терпен осон с}гйилади; яна бири буки, ҳеч қонаси ва қпрми булмайди. Бодинжондан бироз узунроқ ва ннғичқарокдир. Унчалик чучук эмас. Бангола кей- плари жуда чучук б)глари эмиш. Хийла хушбичим л.драхти бор. Яп-ясси хушранг яшил барглари яхши қуринади».

Меваларнинг қуриниши, таъми ҳақидаги тасав- нур қ ва ишончли бу'лиши учун берилган бун- дпи маълумотларнинг аниқ, лўнда ва муҳимлигига қптобхоннинг қойил қолмасдан иложи ftўК- Уқувчи гасавқурни бойитиш учун ўта меваларнинг да- рлхти, ҳажми, ранги, гули ва япроБигача тасвир- л;пи, аниқлик учун уларни бизда, Фаргона ва Урта ()сиёда ўсадиган дарахт, мева, гул ва баргларига қ,нёслашнинг турли усулларини қўллаш намуналари .к ар муаллифнинг адиб ва олимга ҳос қузатувчан- /пп и далилидир.

Бобур туБилган вагани - Фар Бона набототи ҳақида оз- у соз ёзган (матн табдили): «ФарБОНа... қнчик вилоятдир. Дон-дуни қўп, меваси фаровон. Қ'овун ва узуми яхши б^^лади. Қ,овун пишиби пай-

тида полиз бошида ковун сотмок раем эмас. Анди-жоннинг ношвотисидан яхширок ношвоти булмайди.

Яна Марриондир... ноз-неъматга бой. Анори ва уриги жуда яхши булади. Бир хил анори бор, «до- накалон» - йирик донали дейдилар. Чучукликда урик таъмидан анча ширин. Самнон анорларидан устун куйса булади.

Яна бир нав уриги буладика, данагини олиб, ичига магиз солиб куритадилар: «субхоний» дейдилар, жуда лаззатли.

Фаргона вилоятининг теварак-атроф тоБларида яхши яйловлари бор. Тобулгу дарахти бу тоғларда булади. У зга хеч ерда булмайди. Тобулгу шун- дай дарахт: пусти кизил, хасса, кушларга кафас киладилар, камчи дастаси хам киладилар, тарашлаб камон уки киладилар, хийла яхши дарахтдир. Та- баррук килиб йирик жойларга элтадилар.

Баъзи китобларда битибдиларки, «ябрух ус-санам (женьшень) бу тоБлардадир. Лекин бу муддатда хеч эшитилмади. Бир гиёх эшитилдики, Еттикент- нинг тоБларида булади. У эл уни айикути дейди: мехригиёх хосиятли, эхтимол, мехригиёхдир...»

Бобурни меваларнинг хиллари, навлари, энг са- раси, дарахтларнинг хатто утинга боп-нобоплиги, чурининг узок ёки киска муддат учмаслиги каби эл эхтиёжига зарурати кизиктиради.

Биз «Бобурнома»ни укиб ХУ-ХУ1 аерлардаги хайвонот ва наботот олами, экологик соблом вазият гувоҳи буламиз.

6. «Бобурнома» — хайвонот олами дақ;идаги кимматли маълумотлар манбаидир. Бу асардан Хиндистон ва АфБОнистон теварак-атрофидаги биз номларини эшитмаган ёки эшитгану курмаган унлаб ёввойи, хонаки хайвонлар, кушлар ва хатто хилма- хил баликлар хакида укиб хайратга тушамиз. Тугри, хозирги телевидение имкониятлари мислсиз даврда

уша хайвон, куш ва баликлар туБрисиди анча-мун- ча маълумотлар бор. Аммо «Вакоеъ» («Бобурно- ма») яратилган даврлардан буён - деярли беш юз йил давомида асардаги хайвонот ва куш л ар хамда баликлар хакидаги маълумотлар кечаги кунгача Урта Осиё ахолиси учун мўъжизалар дунёси булиб келгали ни бир тасаввур қилиб кўрайлик...

Бизнингча, Бобурнинг бу ҳақдаги маълумотлари бугунги ўзбекистон китобхони учун ҳам ўз янгилигини саклаб келади.

Бобур Андижоннинг ов хайвонлари ва қушлари хусусида ёзди (матн таъдбили): «Ов қуши хам қуп бўлади. Қирғовули беҳад семиз бўлади. Шундай ривоят қилдиларки, бир қирғовулнинг гуштини тўрт киши еб тугата олмайдилар». Шундай маълумот- ни Хўжандга нисбатан хам берган: «Хўжанднинг овлоби ва қушлоби Қўп яхшидир. Оқ қийик, бугу- марал, қирБОВул ва товушқоии (ёввойи қуёни) Қўп бўлади».

«Бобурнома» муаллифини Хиндистоннинг бой, хилма- хил ва гаройиб хайвонот дунёси қизиқтиради (матн таъдбили): «Хиндистонда жониворлар Қўп: гути ва шорак, товус ва лўча, маймун, ни лагов ва қУтахпой (қискаоёқ)- Балки, бу мазкур бу^лган жониворлардан яна ўзга-ўзга жинс қушлар ва жониворлар б;улур».

«Хайвонотки, Хиндистонгагина хосдир. Ёввойи хайвонлардан бири филдир. Хиндистонлик уни «хаа- тий» дейди... Фил йирик жуссали ва зийрак жони- вордир. Хар нима десалар биледи ва хар нима бу- юрсалар қилади. Бахоси ёши улуглигига ярашадир. Улғайтириб сотадилар. Хар иеча ёши қаттарок - бахоси баландроқдир... Филнинг емак-ичмаги фақат хартуми биландир. Хартуми бўлмаса - яшаёлмайдилар. Хартумининг икки ёнида - юқориги энгагида икки

йирик тиши бор, томга ва дарахтга ушбу тишларини куйиб, зурлаб кулатади... Филнинг туки йукдир...

Яна бири каркдир. Бу ҳам йирик жонивор. Кат- талиги уч сигирча булади... Бир шохи бор - бурни- нинг у стид а, узу и лиги бир каричдан купрок, икки каричлиги учрамади... У зга хайвоиотдан купрок отга ухшаш. Негаки, отнинг корни катта булмас, бунинг ҳам корни катта булмайди. Худди отнинг оёБИда ошик урнида парча суяги булганидек, бунинг ҳам ошик урнида парча суяги бор, худди отнинг олдинги оёгида кумук булганидек, бунинг ҳам олд оёрида кумук бор. Бу филдан йирткичрокдир. Лекин унингчалик муте ва эл булмайди. Роса шох уради. Бу овларда куп кишини ва отни шох урган. Бир овда Максуд номли танкурикчи отини шохи би- лан бир найза буйи кутариб ташлади. ТТТу боисдан Максудга карк лакаби куйилди.

Хайвонларидан яна бири маймундир. Хиндистон- лик «бандар» дейди. Бунинг ҳам хилма-хил навлари булади. Бир нави улдирки, бопща вилоятларга олиб кетадилар. Л улил ар унга уйин ургатадилар. Туки сарик ва юзи ок. Куйруги унчалик узун эмас...

Яна бир хил маймуни булади. Юзи ва туки, бари аъзо- узвлари коп-корадир. Яна нувлдир. Си- ловсиндан бироз кичикрок булади. Дарахтга чикади. Баъзилар уни муши хурмо(хурмо сичкони) ҳам дей- дилар. Буни табаррук хисоблайдилар».

Бундай маълумотлари билан китобхонни хайрат- га сола оладиган Бобур буларни куриб аввал узи кучли хайратни бошдан кечиргани сир эмас (матн табдили): «Нингнахорга етгач, узга бир оламга на- зарим тушди: гиёҳлар узгача, дарахтлар узгача ва ёввойи хайвонлар узгача, кушлар узгача, эл ва улуснинг расму одатлари узгача. Хайратда колдим. Зотан, хайратга арзийдиган жойлар эди».

«Бобурнома» кушлар ва баликлар, уларнинг нав-лари, ранг-туслари, хатти-харакатларидаги хайрато-муз холатлар хусусида ҳам бой маълумотларга эга.

I «уларнинг тасвирида Бобур икки холатга алоҳида аҳамият беради: аввало, уларни курмаган китобхон-ларга балик ва кушларнинг ҳар бири ҳақида гасав-пур ҳосил килдирувчи маълумотларни тавдим этади; оунгра балик ва кушларни овлаш усуллари ҳақида суз юритадики, бу усулларни биз на курганмиз, на бировдан эшитганмиз.

Ҳар иккала холат талқинида ҳам муаллиф маълумотларнинг янгилиги, кизикарлилиги билан китоб-хон эътиборини қозонади.

Ушбулардан ташқари «Бобурнома» китобхонга дин ва шариат, этнография, инсоншунослик, астрономия, табобат, ҳарбий илм, халқ оғзаки ижоди, математика, боинунослик, шаҳар қурилиши, туш таъбиригача унлаб илмлардан муҳим ва кизикарли маълумотлар беради. Бу асар мазмуни, воқеаларига эътибор қилган зийрак китобхон: «Бобурнинг кизикмаган ва билмаган соҳаси қолмаган экан!» деган хайратли ҳулосага келади. Дарҳақиқат, бу лўйиб фазилатлар унинг қупқиррали фаолиятига ҳос ва мосдир.

Ўзбекистан ва жаҳон олимлари саъй-харакатлари, заҳматли қуп асрлик меҳнатлари тўғрисида Заҳриддин Мухаммад Бобур шахси бутун барқамолли-им билан тарихий ва адабий сиймо сифатида ба-рролла қад қутарди. Фанда бобуршунослик ва I «бобурғюма»шунослик йўналишлари яққол сезилиб қолди.

XX асргача ўзбек тарихчи ва тазкирачилари ишларида Бобур ҳақида маълумотлар берилди. Чу-
....пи, Бобур вафотидан 36 йил кейин Хасанхожа
I тори «Музаққир ул-аҳбоб» номли тазкирасида I «бур-
на бобурий ижодқорларга қатта урин ажрат-

ган. Бобурга багишланган саҳифадан иктибос: «(Бо- бур) чиБатой султонларининг энг сараси ва зур ши- жоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннахр мамлакатларига эга булиб, уни саклаб қолишда куп саъй-харакатлар ва жонини аямасдан жаҳду жадаллар курсатди. Мар дона тукнашувлар килди. Аммо такдир укига тадбир калкони дош бера олма- ди... «Тазкирачи Бобурнинг Хиндистон тахтига эга булганини шундай байтда ифодалайди:

*Хумоюнфол Бобур подшоҳ; шох,и жаҳ,он булди,
Ки Хинд олиб, муҳолиф аскарига қомрон булди.*

(Исмоил Бекжон таржимаси.)

Тарихчи Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус- салотин фи таворихи хавокин» (Султонлар насаб- лари ва хоконлар тарихлари») асарида Бобурнинг хаёти: таваллуди, исми шарифининг Хожа Убайдуллох Ахрор томонидан куйилиши каби тафсилотлар берилган.

Ўзбекистонда Бобур хаёти ва ижодини урганиш, асарларининг илмий академик ва оммавий нашрларини эълон қилиш асосан XX асрнинг 40-йилларидан бошланди. Ушбу хайрли иш бошланишига муайян маънода Алишер Навоий таваллуди танта- наларининг режалаштирилиши ва утказилиши ҳам туртки булган, деган фикрлар бор.

Бобурнинг Ўзбекистонда танилиши ва урганишида олимлардан Абдурауф Фитрат, Максуд Шайхзода, Хомил Ёкубов, Ойбек, Олим Шарофиддинов, Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев, Азиз Кдюмов, Воҳид Абдуллаев, Натан Маллаев, Ботурхон Валихужаев, Хосият Назарова, Хамидулла Хасанов, Саид Алиев, Александр Самойлович, Ия Стеблева, Михаил Салье, Сабохат Азимжоновна, Саидбек Хасанов, Абдурашид Абдугафуров, Ёкубжон Исоқов, Иброҳим Хаккул,

Туррун Файзиев, Фозила Сулаймонова, Фатхиддин Истоков, Хасан Кудратиллаев, Исмоил Бекжон, Бегали Қосимов, Еайбулла Саломов, Нейматулла Отажонов, Ансориддин Иброхимов, Рахим Вохидов, Хамидулла Болтабоев, Икболой Адизова, Рафуржон Сатимов, Зокиржон Машрабов, Сайфиддин Жалилов, адиблардан Пиримкул Қдциров, Хайриддин Султонов, Қдмчибек Кенжанинг хизматлари қайд этгуликдир.

Хар нима булганда ҳам шох ва шоир Бобур асарларининг узбек поэзияси антологиясига, у рта мактаб дарсликларига киритилиши, 1940 йиллардаёқ «Бобурнома»нинг икки китоб холида нашр этилиши, рус тилига Михаил Салье томонидан таржима қилиниши ва шу таржима орқали бошқа тилларга угирилиши; Бобур даври, ҳаёти ва ижоди ҳақида тарих, адабиёт фанларидан номзодлик ва докторлик диссертацияларининг ёзилиши, Бобур асарлари учун луратлар тузилиши, адабиёт ва санъатда Бобур образининг яратилиши, Ўзбекистонда шоир номининг абадийлаштирилиши қабилар ХХ асрга мансубдир. Бунда 80-йиллари Бобурга нисбатан мафқуравий хуружлар уюштирилганини ҳам инобатга олмок керак булади, албатта.

1960 йиллардаёқ Сабохат Азимжонова ва Азиз Қдюмов Бобур асарларининг уч жилдлигини эълон қилганликлари; Порсо Шамсиев ва Содик Мирзаев «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матнга яқинлаштирилган мукамал нухасини нашр этганликлари, Саидбек Хасанов Бобурнинг «Муфассал» номли йирик аруз тадқикотини «Мухтасар» номи остида аслининг фотофаксимил нухасини ва матнни қирилл ҳарфларида нашрга тайёрлаб чоп эттиргани, Ия Стеблеванинг «Бобур Базаллари семантикаси» тадқикотининг яратилгани, Салоҳиддин Жамоловнинг «Бобурнома»нинг бадий хусусиятлари», Хо-

сият Назарованинг «Захириддин Мухаммад Бобур асарлари учун кискача лугат»и, Сабохат Азимжоно- ванинг «Бобурнинг Кобул ва Хиндистондаги давла- ти», Райбулла Саломов ва Нейматулла Отажоннинг «Бобурнома» жaxon кезади» китобларининг олам юзини кургани бобуршуносликка кушилган илмий хиссалар булди.

Буюк истиклол шох ва шоир Бобур буй-бастини уз элига баралла намойиш кнлишнинг янги-янги имкониятларини яратди. Мустакиллик ва миллий БОЯ олимларга бобуршуносликда узига хос канот берди, дейиш мумкин. Ушбу йилларда Бобур ва бобурий ижодкорлар асарларини катта тиражларда нашр этиш жадал суръатларда давом этди.

Комрон девонининг оммавий ва илмий матнла- рини профессор Саидбек Хасанов амалга оширди. с)нг жиддий ютуклардан бири шу олим тайёрла- ган Бобурнинг фидхга оид «Мубаййин» асарининг мукамал нашри булди. Бу гатуклариинг хадди аълоси Порсо Шамсиев, Содик; Мирзаев нашрла- ри ва Эйжи Мано илмий-тандидий матни асосида «Бобурнома»ининг 2002 йилги нашри булди. Бу ил- мий хизмат хам профессор Саидбек Хасановга насиб этди.

Истиклол йиллари давомида Бобур ва бобу- рийлар хакидаги китобларнинг куплаб яратилга- нини алохида кайд этишга тутри келади: юзлаб маколалар, унлаб рисола ва монографиялар бунинг ёркин далилидир. Хасан К,удратиллаевнинг «Бобур армони», Рахим Вохидовнинг «Биз билган ва билма- ган Бобур», Икболой Адизованинг «Сузумни куруб англа}=айсан узумни...», Ансориддин Иброхнмовнинг «Бобурнома» - буюк асар», «Бобурнома»даги хинд- ча сузлар», Рафуржон Сатимовнинг «Бобурийзода- лар», «Марказий Осиё ва Хиндистон тарихида бо-

бурийлар даври», Сайфиддин Жалиловнинг «Бобур ва Юлий Цезарь», «Бобур хакида уйлар», Фатхиддин Исоқовнинг «Бобурнома» учун кискача изохли лугат», Зокиржон Машрабов ва С. Шокаримовнинг «Асрларни буйлаган Бобур», Азиз ' К,аюмов ва Саидбек Хасановнинг «Бобур ижодиёти», Қдмар Раиснинг «Бобур шахси ва шеърляти», Шафика Ёркиннинг «Бобур девонига такмила»; Комрон «Девон»и (илмий-танкидий матн), Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асари, Румер Годеннинг «Гулбадан» романи, Пиримкул Қрдиоровнинг «Бобур», «Авлодлар довони» романлари, Хайриддин Султоновнинг «Бобурнинг тушлари», «Саодат сохили», «Бобурийнома» киссалари ва маърифий романи, Қдмчибек Кенжанинг «Хинд сорига», «Буюклар изидан», «Андижондан Дақкагача», «Андижондан Бардоггача» сафарномалари шулар жумласидандир.

УлуБ Истиклол билан деярли тенгдош - 1992 йил февралидан таъсис этилган Бобур Халқаро жамоат фонди ҳам Захириддин Мухаммад Бобур абадиятини таъминлашда, Бобур ва бобурийлар асарлари, таржималари ва улар хақидаги жаҳои олимларининг тадқиқотларини кулёзма, тошбосма ва типографик нашрлар холида уз ватанига - Андижонга олиб келишда куплаб хайрли ишларни бажармоада. Чунончи: фонд ташаббуси билан Андижон шаҳридаги Боғишамол мавзесидан 300 гектарлик ер Бобур Миллий боби учун ажратиб олиниб, бунёдкорлик ишлари олиб борилди. БоБда «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи ташкил этилди. Агра ва Қобулдаги Бобур қабрлари хоқидан келтирилиб, Миллий боғда Бобурнинг мухташам рамзий макбараси бунёд этилди. Гуё Бобур қабри қучириб келинди. Захириддин Мухаммад Бобуршоҳ шоир Навоий тилидан васият қилганидек:

*Улсам ясаманг мунда мазоримни менинг,
Юклаб элитинг жисми низоримни менинг.
Утру чицариб халци диёримни менинг,
Куйда цуйинг тани фиғоримни менинг.*

Унинг Аградаги ва Кобулдаги кабрлари хокидан узи тугилиб усган Андижон шахрига келтирилди. Андижонда иккита куркам Бобур хайкали урнатилди.

Бобур фондининг «Бобур изидан» илмий экспедицияси узининг ун икки сафариди жахоннинг 30 дан ортик мамлакатларида - Бобур кадамжоларида булиб, 300 га якин Бобур ва бобурийларга тегиш- ли бадий, илмий ва таржима асарларни келтириб, «Бобур ва жахон маданияти» музейи мулкига ай- лантирилди.

Ушбу нодир топилмалар орасида Бобурий хати билан ёзилган К,уръони карим, Аннета Сюзен Беве- риж Лондонда чоп этган «Бобурнома» (Хайдаробод- даги Соларжанг музейида сақланаётган кулёзманинг факсимил наشري) нусхаси, «Бобурнома»нинг К,озон- да 1856 йили Н.Ильминский томонидан амалга оширилган наشري, Эрондаги «Гулистон» музейидан келтирилган «Бобур куллиёти» нусхаси, «Бобурнома»нинг йигирмадан ортик тилларга таржима намуналари, Анна Флора Стилнинг «Тож кийган дарвеш», Уильям Эркиннинг «Бобур ва Эрон», Харолд Лембнинг «Бобур - йулбарс», Румер Годеннинг «Гулбадан» романлари, Мирзо Ролибнинг «Меҳри нимруз», Эйжи Манонинг турт жилдлик тадқиқотлари: 1) «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матни; 2) «Бобурнома»нинг япон тилидаги таржи- маси; 3) «Бобурнома»: курсаткичлар, шархлар» ва 4) «Бобур ва унинг даври» китоблари борлигини қайд этиш жоиздир.

Бобур фонди раиси Зокиржон Машрабов бошлик экспедиция уз сафарлари давомида Бобур

кадамжолари булган ва бобурийларга дахлдор му- зейлар, шахарлар ва одамлар хакида йигирма бешта видео ва кинофильмлар яратишга муваффақ булди.

Бобур фонди Бобур номидаги Халкаро мукофотни ҳам таъсис этди. Бу мукофот жахон олимлари, рас- сом лари, адиб ва шоирлари, таржимонлари ва кино- санъаткорларининг Бобур ва бобурийлар хакидаги энг яхши ишларига берилади. Хозиргача бу мукофотга Хиндистоидаи Камар Раис, Афғонистондан Шафика Ёркин, Япониядан Эйжи Майо, Ўзбекистондан Пиримкул К,одиров, Хайриддин Султонов, Азиз Каюмов, Саидбек Хасанов, Райбулла Саломов, Сай- фиддин Жалилов, Сабохат Азимжонова, санъаткор- лардан: Мухаммадали Абдукундузов, Маъмуржон Тухтасинов ва кинорежиссёр Махмуд Юнусов, меъ- морлар Мухаммаджон Мирзаев, Рахмонжон Азимов сазовор булдилар. Бобур халкаро фондининг бундай купкиррали фаолияти президентимиз Ислоом Каримов назарига ҳам тушди. Президент 2007 йил 10 декабрда Андижон вилояти сайловчилари билан уч- рашув нуткида вилоятнинг саноат, кишлок хужалиги ва маънавияти жонбозлари исм-шарифлари сафида Зокиржон Машрабовни «Маънавиятимиз фидойиси» деб атади.

Бобур хаёти ва ижоди билан жахон олимлари мунтазам шурулланмоқдалар; халкаро Бобур фонди жамоаси Андижонда узига хос Бобур академиясини барпо этишга сидкидилдан харакат килмоқда.

Хазон сайри ва газал сурури

«Бобурнома»ни укиган киши Захириддин Мухаммад Бобур разалларини унинг хаётий саргу- заштлари билан чамбарчас алокада эканлигига амин булади. Чунончи, Хиротдан кайтаётиб Чахчарон мав- зеида кор куплигидан отнинг оёБи ерга тегмайдиган,

шамол-аёз кучлилигидан одамларнинг кул-оёқларини совук урган, хафталаб кор тепиб йул очиб холдан тоймасликка уринган Бобур ушбу машаккатлар дас- тидан:

*Чархнинг мен курмаган жабру жафоси цолдиму?
Хаста кунглим чекмаган дарду балоси цолдиму?*

деб ёзгани ёдимизга келади.

Бобурнинг «Хазон яфроги ян глин» деган газали мазмуни устида мушохадага берилдиму, унинг ман- баини «Бобурнома»дан топгандай булдим. Халкимиз кадимий бир ажойиб сайлни - лола сайлидан қолишмайдиган гаштни: хазон сайрини унутиб юбо- ришган. Хазон сайри хам оммавий сайр булиб, ёши улуБ ва кексалар бу сайр асносида умр уткинчилиги ва раниматлиги хакида уйларга ботишган, ёшлар сап-сарик саряайган япрокли дарахтлар остида юриб табиат гузаллигига хайратларга чулганишган, бола- лар хилма-хил кизил-сарБиш товланаётган намхуш япрокларни тергилаб, гулдаста каби дасталашган...

«Бобурнома»дан: «Боби Вафода энг яхши махаллар эди, Майдон буткул себаргазор, анор дарахтлари сап-сарик - хушранг хазон булибди... Борик об буйлаб юкорига караб сайр килиб бор- дим. Бир неча терак дарахтлари жуда зур хазон булибди...

Душанба куни Исталифга хазон сайрига борил- ди... Аср намозига якин Бехзодийга етиб келдик. Хазон жуда куп тушган эди... Тукилган хазонлар шу кадар гузал эдики, саргайгап дарахтлар остита утириб шароб ичдик...

Пайшанба куни хазонларни сайр килиб, кечкурун шом номози вактида Чорбокка келиб тушдим... Исларрачда бир яхши серхазон борда тухтаб, сухбат Курдик... Истаррач пастидаги Подшохий борни сайр килдик. Бир олма дарахти яхши хазон булганди.

Хар бир шохида беш-олти барг тизилиб колган эди. Агар рассомлар хар канча харакат килиб чизсалар хдм, бундай килиб чизолмасдилар».

Хазон деганда, биз иамхуш ёки куп-куруК да- рахт япрогии куз олдимизга келтирамиз. Мумтоз адабиётда хазон, аввало, куз фасли, сунгра нам- хуш сап-сарик япрок маъноларида учрайди. Дарахт япроклари куз уртасида сап-сарик олтин ранга кир- ган пайтларда одамлар хазон сайрига чикишган.

Бобурнинг «Хазон яфроги яиглиг» деб бошлана- диган разалининг ана шу юкоридаги лавхалар манза- расини куз олдимизга келтириб укисак, мисраларни тушунишимиз, улардан оладиган хиссий ва маъри- фий сезим ва лаззатларимиз асослирок булади:

*Хазон яфроги яиглиг гул юзинг цаърида саргардим,
Куруб рах,м айлагил, эй лоларух, бу чех,рай зардим.*

Мазмуни:

Эй севгилим, сенинг алвон атиргулдай юзингдан жудоликда кузги хазон япроБИ сингари сарБайиб кетдим.

Эй лола юзлигим, бу сап-сарик чехрамни куриб мснга рахм-шафкат кил.

Мен ушбу байтни укиганимда, Хадича Бегим- пинг Алишер Навоийга кеч пайтида беҳи совга килгани ва шоирнинг унга бағишлаган разали «лоп» :>I иб ёдимга келади:

Беҳ;и рангидек улмиш дарди х;ажрингдин мата сиймо,

Мазмуни:

Сенинг айрилиБинг дардидан менинг юзим беҳи рай рига айланиб кетди.

Бобур байтига кайтамиз:

Мисралардаги тимсоллар юзлари рангидан та- (I)оиутларни куз олдингизга келтиринг. Қ,аранг: киз

чехраси алвон атиргулдай, кип-кизил лоладай; йигит юзи кузги намхуш хазон япрОБи сингари сап-сарик, нигохи илтижоли...

*Сен, эй гул, цуймадинг саркаилигингни сарвдек харгиз,
Аёгингга тушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.*

Мазмуни:

Эй гул, сен гуркирагин адл сарв дарахтидай МаФрур бош эгмассан... Мен ердаги хазон япрОБИдек оёишгга бош уриб сенга ёлборяпман.

Иккинчи байтда хам ошик, йигит ўз юзини хазон япрогига менгзамокда... Кдзни эса «гул» истиораси билан эркалаётир. К,изнинг магрур тимсолига «сар- каш» сўзННННг икки маъноси: (Кўгаса буй 4ўзаётган ва кай сар, б;уйин эгмас) ажиб Кўп мазмунлик бабиш- ламокда.

*Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам цол,
Мен арчи дах;р богидин хазон яфрогидек бордим.*

Мазмуни:

Мен дунё богидан хазондай чирпирак уриб ке- тиб бораётган б}^лсам хам,

Сен латофат гулзорида гул каби ям-яшил гурки- раган холатда кол.

Бу байтда йигит севгилиси хуснига яшнаш, гур- кираш ва умрига бокийлик тиламокда. Узининг эса кишда нобуд бўлиб кетадиган хазон тарзида талкин этмокда. «Бордим» - кетдим деганидир. Сабзу хуррам - гуркираган ям-яшиллик - кизга; уткинчи хазонрезгилик - йигитга қисмат...

Х,ар бир байтда тазод, зидлик хукм су ради: нур ва соя урин алмашаверади. Табиий тасвир ва рамзий хаёт фалсафаси Базалхонни мушохадага ундайди.

Сезимлики, хар бир байтда шоир йигит тимсоли чехрасига нисбатан хазон, хазон япроги мухрини босиб бормокда.

Мумтоз бадиятда илтизом санъати бор. Унга кура шоир шеър буйлаб, ёки куплаб байтларда образли бир сузни тизимли - мунтазам такроран келтира- веради. Мана туртинчи байтда дам яна «хазондек кон ёшим» ва «сорик юзум» талкини бор. Энди хазон япрокларининг айримлари кеч кузда кизбиш буялганини тасаввур этиб кулинг. Ошикнинг из- тироблар чека-чека кизарган кузларидан конли куз ёши томаётир. Барритош оломон - элнинг ошикнинг бу холига раҳми келмаётир, балки ижирранмокда (нафратланмокда):

*Хазондек цон ёшим, сорт юзумдин эл танаффулда,
Бах, ар ранги, бшамдиллах., улусдин узни цутқардим.*

Мазмуни:

Омма алвон хазондек куз ёшиму, сарик юзим- дан нафратланмокда. Аллохга шукурлар-мактовлар булсинки, узимни бу эл-улусдан дар калай куткара олдим.

Йигит уз саъйи даракати, фидокорлиги туфай- ли ёр висолига ета олмаганини адолатдан эмаску, дегандай дамма кургиликларини уз паст толейдан куриб, ноилож ожизона шикоят килади:

*Не толейдур мангаким, ахтари бахтим топилмайдур,
Фалак авроцини х;ар нечаким дафтардек ахтардим.*

Мазмуни:

Бу менинг толейм канакаки, фалак тавакаларини дафтардай вараклаб изласам дам бахтим юлдузини топа олмайман? Ва нихоят узига-узи далда беришга даракат килади:

*Улуснинг таъну таърифи, мата, Бобур, баробардур,
Бу оламда узумни чун ямон-яхшиидин утқардим.*

Мазмуни: Эй Бобур, омманинг таънаю мактовлари мен учун баб-баравардир, фарқи йук! Бу оламда яхши-ёмонлар билан учрашавериб хаммаси билан чикишдим.

Якка, ягона махбубадан ошикона упка-гина, паст толедан шикоят... бора-бора шеър нихоясида бутун эл-улусдан норозилик даражасигача етди.

Аслида бу, инсониятнинг дар бир вакили кисматининг бир парчасидир. Купчилик ана шу Бобур тушган куйга тушади, лекин у «яхши-ямон» эл-улус билан мардонавор чиқишмоби жоиз.

Подшоҳ, Бобурки шундай хулосага келибдими, хар бир уининг мухлиси хам бунга тан бериш лозим ёки йуклигини мушохада этар. Шеър ана шу умр, кисмат мантнБИ ва фалсафасини мухокама эттириш- га чорлови билан хам мухимдир.

Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур

Алишер Навоий ижодини у ёки бу маънода тахлил килган узбек олимларидан биринчиси - Султон Хусайн Мирзо ва иккинчиси Бобурдир. Хусайн Бойкаро Алишер Навоий шахси ва ижоди хакида махсус рисола ёзган. Захириддин Мухаммад Бобур эса, «Вакоеъ» («Бобурнома»)да Алишер Навоийнинг хаётига дойр жуда куплаб кимматли маълумотларни ёзиш билан бирга, шоир ижодига ва шахсига баҳо берган, тахлил ва танкид килган.

Алишер Навоий жасорати ва жонбозлиги натижа- сида хамда Хусайн Бойкаронинг куллаб кувватлаши туфайли узбек тилига биринчи марта давлат макоми берилди. Алишер Навоий узбек адабий тили асос- чиси булди. Бобур «Бобурнома»да узбек адабий тили хакида сузлаб, Алишер Навоийни жуда уринли эслайди (матн табдили): «Андижон... Эли туркдир (узбекдир). Шахар ахолиси ва бозорга келувчилар- дан туркийни билмас киши йук- Элининг тили адабий тилга мувофик. Шунинг учун хам Мир Алишер Навоийнинг асарлари, гарчанд Хиротда шухрат козонган булса-да, бу тил билан ёзилган».

Захириддин Мухаммад Бобурнинг Алишер Мавоййга муносабатини икки даврга булиб урганмок керак. Гап шундаки, Бобур Навоййга икки хил му- мосабатда булади.

Биринчи давр Бобурнинг 1495-1500 йиллар давомидаги Алишер Навоййга муносабати ва унга ёзган мактуби ҳамда мактубда илова қилган рубоийлари билан чекланади. Бобурнинг Алишер Навойй билан мукотибаси «Бобурнома» маълумотларига кура 1500 йилда содир булган. Бобур Самарқандни ик- киичи маротаба олиб, Алишер Навоййга хат ёзиб, унинг шеърларига интиқлигини изхор этган. Навойй у ни галаба билан табриқлаб, «Кунглинг истар ёрлар бирла хамиша шод бул» газалини юборган. Бобур унинг матлабига тазмин қилиб туртлик битиб дахо мюирга юборган ва мактубга Навоййга баБишловлар илова қилган.

Бобурнинг ана шу маълумотига асосланиб, унинг девонини синчиклаб уқиш натижасида, учта рубоий Алишер Навоййга бағишланган ва мактубга илова қилинган деган мулоҳазага бордик. Рубоийлар ку йидагилардир:

*Ашъорингки, шеър оти то булгай,
Табъ ах,ли анга волау шайдо булгай.
Х,ар лафзу дуру, бах,ри маони анда,
Ким курди дуреки, анда дарё булгай?*

*Эйким, бари шеър ах,лига сен хон янглиг,
Шеъринг бори шеърларга султон янглиг.
Мазмуни аши хатти саводи ичра Зулмат
орасида оби х;айвон янглиг.*

*Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,
Не фикру хушу яхши тасаввур қилди,
Кузини ёруц айлади саводи бирла,
Мазмуни била цулоцни пурдур қилди.*

Мазкур рубойларнинг Алишер Навоийга атал-ганини нима билан исботлаш мумкин? Биринчи-дан, Бобур хакконий калам сурувчи киши сифати-да уз ижодида Навоийдан бошка бирор туркийгуй шоирни ва асарларини юксак мактовга арзитмайди. Колаверса, XV асрнинг охирларида Навоийга тенг келадиган шоирнинг узи ҳам (узбек ижодкорлари орасида, албатта) йук эди. Алишер Навоий ижо-ди XV асрнинг 80-йилларидаёк Эрон, Кичик Осиё ҳамда бутун У рта Осиёга кенг таркалган эди. Те-мурийлар хукмрон булган Андижон фозиллари эса Навоий ижодидан якиндан хабардор эдилар.

Юкоридаги рубойлардан биринчисининг шахсан Навоийга тегишли эканини исботловчи яна бир да-лил бор. «Раройиб ус-сигар»нинг куйидаги байтига назар ташласак, Бобурнинг нимага ишора килганини дархол тушуниб оламиз:

*Дур будур бах,р ичра пишон назмидин шах, мадх;ида,
Бах,р ёшурмиш Навоий х,ар дури макнун аро.*

Бобур газалининг мазмунига кулок солсак ҳам бу даъвомизга ишониш мумкин: Оламда то шеър номи бор экан, сенинг шеърларингга истеъдод ахли мафтун ва шайдо буладилар. Шеърларингнинг хар бир сузи дур булиб, ана шу дурда маънолар денгизи жойлашган. Денгиз жойлашган дурни ким курипти?

Бу гапларни факат «Хазойин ул-маоний» (Маънолар хазинаси) девонлар тупламини тузган кишига нисбатан айтиш мумкин, холос.

Бобурнинг иккинчи рубойи Навоийга тегиш-лиги хусусида ҳам юкоридагича фикр юритиш мумкин. «Раройиб ус-сигар» дебочасидаги фикрлар ҳамда куйидаги байтга ахамият берайлик:

*Бу бах,рки, ганжи ломаконий дерлар,
Х,ар цатраси оби зиндагоний дерлар...*

Эслатиш зарурки, «Хазойин ул-маоний» тартиб берилгандан сунг, унинг нусхалари купайтирилиб, биринчи навбатда, У рта Осиедаги темурийзода шохларга таркатилган. Бобур ана уша муътабар нус- халарга куз югуртирганига шубха йук.

Бобурнинг бу даврдаги Алишер Навоийга муносабатида кузга ташланадиган дивдатга сазовор хусусиятлар шуки, ёш Захириддин Мухаммад Бобур Алишер Навоийи шоирлар хони, унинг шеърла- рини шеърлар султони деб улурлайди. Гуё Навоий шеърлари - гавхар, Бобур у гавхарлар билан уз кулогини тулдирмокчи. Хуллас, Навоий Бобур наза- рида орзу осмондаги куёшдир!

Бобурнинг Навоийга муносабатининг иккинчи дав- ри 1507-1530 йилларга тааллуқлидир. Энди Бобур кечаги хаваскор шоир ва шахзода эмас. Энди у Кобу лни марказ килиб олиб, У рта Осиенинг катта бир кисмини эгаллашни кузда тутган мустақил подшоҳ. К,о л аверса, Хиндистонни олиш орзуси хам унинг як,ин келажакдаги ишидир. У харб-жангу жадалла- ри давомида шеърят билан шурулланади, «Вакоеъ» («Бобурнома») кундаликларини ёза боради. Арузни урганишга киришиб, аруз хак,идаги рисоласига Алишер Навоийнинг «Хазойин ул- маоний»сидан вазн- ларга караб мисоллар йиБа бошлайди (матн таб- дили): «Ойнинг йигирма учинчисида, жума куни Алишербекнинг турт девонидан бахрлар, вазнлар гартиби билан газал ва байтларини сайлаб олаётган эдим, якунига етди». Шунга таъкидлаш керакки, Бобур энди узи ва Навоийнинг ижтимоий мартаба- си бошқ,ача эканлигини сездира бошлайди. Аввалги рубоийларида сезилишича, Алишер Навоий мисл- сиз шоир эди. Энди эса, Бобур назарида шохлик энг олий мартабадир. Навоий эса амир булган, бек булган. Шунинг учун энди уни Алишер Навоий деб утирмайди ва тугридаи-турри Алишербек деб

кетаверади. Бирок хаккониятга садокат ва Навоий- га мухаббат Бобур кунглида ҳеч қачон сунмаган. Чунончи, у Хусайн Бойқаро таъзияси муносабати билан Хиротга борганда, шахзодалар юрт учуй бир неча жойларни курсатишади, лекин Бобур яшаш учуй Алишер Навоий уйини танлаган (матн таб- дили): «Аввал менга Боби Навда куимжой тайин қилган эдилар. Эртаси эрталаб келиб Боби Навда тушдим. Бори Навда бир кеча булдим. Уни муносиб курмай, Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Хиротдан кетгунча Алишербекнинг уй- ларида эдим».

Бизнингча, узбек адабиётшунослигида Алишер Навоий хақида энг муътабар ва аниқ маълумотлар- ни ёзиб қолдирган киши - Захириддин Мухаммад Бобурдир (матн табдили): «Алишербек ухшаши йук киши эди. Туркий тилда шеър ёзила бошлагандан бери, ҳеч ким унчалик қуп ва яхши ёзган эмас. Олти маснавий (достон) китоб назм қилган: бешта- си «Хамса» жавобида, яна бири «Мантик ут-тайр» вазнида «Лисон ут-тайр» номли. Туртта разалиёт девонини тузган: «Раройиб ус-сиБар», «Наводир уш- шабоб», «Бадоеъ ул-васат», «Фавойид ул-кибар». Яхши рубоийлари ҳам бор. Яна баъзи асарлари ҳам борки, ушбу зикр этилганлардан кура пастрок ва сустрокдир. Шу жумладан, мактубларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга таклид қилиб жам қилган. Хуллас, ҳар қимга ҳар иш учун битган хатларни китоб қилиб жамлаган».

Бу маълумотларнинг биринчи қисми Алишер Навоийга юқори даражали мактовлар билан таъмин- ланган. Унинг асосий шох асарлари руйхати келти- рилган. Ниҳоят матн охирроғида бир оз ташдздий рух сезила боради. Бирок Бобурнинг тадқиқ усу- лини турри тушуниш керак: у уша асарга баҳо бе- раётгани йук, балки аввалги асарларига нисбатан,

киёсан қ,араб кейингисининг савияси пастроклигига ишора килмокда, холос.

Биз «Бобурнома»даги маълумотлар туфайли Навоийнинг Самарқандга Абусаид мирзо томонидан сургун қилингани, Навоий феъл-атворидаги нозик-мижозликдан вокиф буламиз (матн табдили): «Билмайман, не жарима билан (уни) Султон Абусаид мирзо Хиротдан сургун килди. Самарқандга бор- ди. Бир неча йил Самарқандда булди... Алишербек мижозининг нозиклиги билан машхурдир. Одам л ар назокатини давлатининг Буруридан деб тасаввур килардилар. Ундай эмас экан. Бу сифат унга туБма экан. Самарқандда эканида хам худди шундай но- зикмижоз эдил ар».

«Бобурнома»нинг Алишер Навоийга тегишли кисмини урганишда давом этар эканмиз, Бобурнинг олим сифатида Навоийнинг аруз ҳақидаги рисола- сига танкидий муносабатидан вокиф буламиз (матн табдили): «Яна «Мезон ул-авзон» номли аруз ки- тобини битган, анча мулохазаталаб: йигирма турт рубой вазнининг турт вазнида хато килган. Баъзи бахрларнинг вазнларида хам янглишган. Бу аруздан хабардор одамга маълум булади». Дарҳақиқат, Бобу р ару зга дойр «Муфассал» номли йирик тадқ,ик,от яратган мутахассисдир ва унинг бу даъволарида «жон бор». Бирок, - бу котиблар хатоси туфайли билдирилган даъволардир.

Бобур Алишер Навоийнинг «Девони Фоний»сига жуда каттиқкулларча муносабатда булади ва де- вонининг аксар кисмини буш ва фикран юзаки- лик ҳукм сурган, дея қайд этади. Бобурнинг бу бахоси «Девони Фоний» хақидаги умумий, объектив баҳо эмас, балки мазкур девоннинг «Хазойин ул- маоний»га нисбатангина шундай савияда эканлиги хақида чиқарилган шахсий хулосадир. Чунки форс тили Навоий ва Бобур учун иккинчи тилдир (матн

табдили): «Форсий девон хам тартиб берган. Фор- сий назмда «Фоний» тахаллусини куллаган. Баъ- зи байтлари ёмон эмасдир. Бирок аксари сушт ва буштобдир. Яхши накшлари, пешравлари бор».

Бобурнинг кжоридаги фикри йул-йулакай берил- ган шахсий баҳо эканлигини хам хисобга олмок ке- рак. «Девони Фоний »ни махсус тадқиқ этган Эрон ва Тожикистоннинг энг талабчан олимлари фикр- ларига Караганда ундаги шеърлар юксак савияли дурдоналардир. Демак, биз киёс хақиқати билан илмий хақиқатни - хақиқий баҳони бир нарса деб карамаслигимиз керак экан.

Алишер Навоийнинг буюк меценат лиги, яъни илм-фан ахллариға хам моддий, хам маънавий хомийлиги Бобурни хайратға солади (матн табдили): «Фазл ахли ва хунар ахлиға Алишербекчалик мураббий ва хомийлик килган одам дунёда бонща топилмаса керак. Созда пешкадам булган устоз К,улмухаммад, Шайх Нойи ва Хусайн Удий бек- нинг тарбияси хамда хомийлиги билан шунча камол топиб, шуҳрат қозондилар. Устоз Бехзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг саъй-харакати билан маълум ва машхур булдилар. Шунчалик қуп хай- рия-бинолар бунёд килдики, оз киши бундай ишға муваффақ була олади».

Алишер Навоийнинг шахсий таржимаи холи ижтимоий хаёт йулини ёритишда хам Бобурнинг улуБ хизматлари бор. «Бобурнома»даги маълумотлар Алишер Навоий шахсининг олмосдай минг қиррали истеъдоди ва қузғудай мусаффо вужуди ифодаси- дир (матн табдили): «Уғил-кизи ва ахли аёли йук, оламда ёляиз ва танҳоликда умр утказди. Авваллари муҳрдор эди. Фаолиятининг урталарида бек булиб, бир неча вақт Астрободда хокимлик килди. Охири амалдорликни тарқ этди. Мирзодан бирор нарса ол-

мае, балки дар йили Хусайн мирзога йирик-йирик мабланлар хадя киларди».

Алишер Навоий уз даврининг энг ил гор карашли жамоат арбоби ва мутафаккири эди. Адабий дахонинг бу сохадаги шухрати шунча эдики, Хиротда нима янгилик иайдо булса, Алишер номи билан боглаш раем булган экан. Матни табдили:

«Алишербек куп ва яхши нарсалар ихтиро килган эди. Мабодо бир киши кайсидир ишда бир янгилик яратса, у нарсанинг ривожи ва равнаки учун уни «Алишерий» деб атардилар. Баъзилар хазил билан Алишербекка нисбат берар эди. Чунончи, Алишербек кулок орририда румол болагани учун хотинлар кук румол ни киялатиб ураб «нози Алишерий» деб атадилар».

Хиротда шоир ва олимлар уртасида калтис хазил- лар килиш худди бугунги аскиядек оммавий ва та- бий бир сухбат усули эди. Таассуфки, ана шуни тушунмаган айрим адабиётшунослар Алишер Навоий ва Камолитдин Биноий ораларида булиб утган ана шундай ширин кочириимларни нотурри талкин килишгача борадилар. ТуБри, Алишер Навоий ва Биноийнинг каттик хазиллари гохо Биноийнинг бироз жиззакилиги туфайли, унинг бир неча марта Хиротдан гох Ирокка, гох Самаркандга кетиб колишига сабаб булган. Алишер Навоий ва Биноий ораларида- ги ана шундай калтис хазиллардан иккитасини «Бо- бурнома» муаллифи келтириб утади. Матн табдили: «Бир кун шатранж мажлисида Алишербек осрини узатади. Биноийнинг оркасига тегади. Алишербек мутойиба билан: «Хиротда ажойиб бир бало бор- дирки, оёгингни каерга узатсанг шоирнинг оркасига тегади», дейди. Биноий: «Агар йигсанг хам шоирнинг оркасига тегади», деб жавоб кайтаради. Охири бу зарофатлар туфайли яна Хиротдан Самаркандга жунади». Бу гап-сузлар шахейи раезлардан холи

эканлигини уктириш учун шунга ухшаш бошка бир мисол келтирамиз. Абдурахмои Жомий Навоийнинг устози ва пиридир. Унинг Алишер Навоийга нисба- тан меҳр-мухаббатининг к нёс и йукдир. Уз икrorича муаллиф «Юсуф ва Зулайхо» достонини ёзаётганда Юсуф тимсолида Алишерни тасаввур этгани бунга далилдир. Фахриддин Али Сафий «Латойиф ут-тавоиф» (Тоифалар хақида латифалар) китоби- да Абдурахмои Жомий ва Алишер Навоий хақида куйидаги мазмуида латифа келтиради: Бир куни Абдурахмои Жомий хузурига бир киши келиб, Мир Алишер фалон мадрасада менга дахма киласизлар, деб буюрмишлар, дейди. Жомий уйланиб туриб деб- ди, «У олдии уз вужудини икки Мадраса ховлиси- га васият килган эди. Энди уни уч жойга кандай кумишаркин?». Бу латифа Навоий давридаги оддий хазилдир...

«Бобурнома»да Алишер Навоий уйининг номи - Унсия хам келтирилганки, бу ном маъносини би- лиш уй сохибининг кимлигини тушунишда муҳим роль уйнайди. Уне - улфат, дуст. Дил унси - юрак таскини, дил ороми (матн табдили): «Али- шербекнинг «Унсия» аталмиш яшайдиган уйларини, «Кудсия» номли макбара ва Масжиди жомени, «Халосия» ва «Ихлосия» номли хаммомларини, Мадраса ва хонакохни, «Сафоия» ва «Шифоия» аталмиш шифохоналарини оз фурсатда айланиб чикдим». Мазкур парчада Алишер Навоий курдирган бинои хайрлардан айримлари тилга олиб утилади. Уларнинг умумий саноги юздан ортик булиб, барчаси Алишер Навоийнинг шахеий маблагига курнлган. Бундан ташкари, у хар йили оч-юпунларга минглаб куйлак, тун ва пустин улашган.

Хуллас, Захириддин Мухаммад Бобурнинг илк ижоди ва «Бобурнома»сида Алишерга багишланган муҳим фикрларининг асосий қисми билан танишдик.

Яна бир масалани кдйд этиш керак. Бу - Алишер Навоий ижодининг Бобур ижодига таъсири маса- ласидир. Бобур тазалларига Навоий таъсири сези- ларли эканлигини куичилик адабиётшунослар яхши билишади. Биз куйида Алишер Навоий ва Бобур- нинг бир-бирига жуда ухшаб кетадиган рубойла- рини ёнма-ёи келтириш билан таъсир сохасидаги фикримизга нукта куямиз:

Алишер Навоийнинг илк девони «Бадоеъ ул- бидоя»дан:

*Юз гул аросида бир тикон булса, не тот?!
Юз яхши ичинда бир ёмон булса, не тот?!
Минг согар ичилса, уйлаким оби х;аёт,
Биринит тах,ида дурди дон булса, не тот?!*

Бобур девонидан:

*Х,ар ердаки гул булса, тикон булса, не тот?!
Х,ар цандаки май, дурди дон булса не тот?!
Шеъримда агар х,азл, агар жидд, кечурунг,
Яхши борида агар ёмон булса, не тот?!*

Фарк, ва ухшашликларни белгилаб чикдш, хурмат- ли китобхонларнинг узларига хавола. Демак, Бобур - Алишер Навоий хаёти ва ижоди тадқиқотчиси, дахонинг шогирди ва адабиёт жабхасида унинг иш- лари давомчисидир.

Бир мудрит тарихий фожиа сири

Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома»- сига таянган тарихчи Турруи Файзиев «Темурийлар шажараси»да шундай бир мудхиш ходисадан хабар беради: «Хитойдан Андижонга келаётган минг ки- шилик катта карвонни Андижоннинг шаркий тара- фидаги тоғлардан кор кучиб (кучкина) босади. Бу мудхиш фожиадан факат икки киши омон қолади» (211-бет).

Энди ана шу дахшатл и фожиа баёни аслиятини, яъни «Бобурнома»даги шу маълумотни келтирамиз: «Хитой корвони келадурганда Андижоннинг шарқдй тарафидаги тоБларнинг тубида минг уйлук корвонни андор кор бостиким, икки киши кутулди» (Бобурнома, 2002, 37-бет).

Нихоят, ушбу маълумотни мутаржим Михаил Александрович Салье таржимасида русча баёнини укийлик: «Однажды, когда из Китая шел караван то у подошвы гор, к востоку от Андижана караван из тысячи людей так засыпало снегом, что спаслись только два человека» (Бабурнаме, 1993, с. 34)

Ушбу иктибосларни укиган киши вахимага туш- са ажаб эмас. Кор кучкиси остида 998 киши халок булишган- а?! Кандай дахшат!

Аслида вокеа шундай булганми? Ё биз Бобур сузларини турри тушунолмадикми? «Бобурнома»нинг хитой, козок, уйгур, япон ва хатто турк тилида- ги таржималарида хам «минг уйлук» сузлари минг киши сифатида талкин этилган. Машхур япониялик бобуршунос Эйжи Мано хам, туркиялик донишманд Рашид Рахмати Арат хам «Бобурнома» таржималарида ушбу антика хатога йул куйганлар. Аннета Сюзанна Бевериж хоним таржимаси хам бу хатодан истисно эмас.

Камина бунинг хакикатини билиш учун «Бобурнома»нинг Жан Бакйе Луи Граммон таржима- сидаги французча, Гарвард университети профессори Уилер Макинтош Текстон таржимасидаги инглизча нусхаларни куздан кечирдим. Улар «минг уйлук» сузларини «минг корамолли» тарзида турри таржима килганлар. Булардан хам илгарирок 1947 йилда ав- триялик адиб Фриц Вюртле «Бобурнома»нинг фор- сий таржимасини укиб усмир Бобур хакида немис тилида «Бобур - йулбарс» номли кизикарли саргу- зашт кисса ёзган. Немис тилидаги ушбу киссада уша

машъум кор кучкиси офати ва минг корамолни хай- даб
келаётган қарвон ҳақда ҳам ҳикоя қилилади.

Демак, «минг ўйлуқ» сўзлари «минг қорамолли»
эканлигини «Бобурнома»ни форс тилига илк маро- таба
таржима қилган Абдулрахим Хонихонон яхши билган.

«Уй» сўзн мумтоз адабиёт намуналарида сий- рақ
учрайдиган ходиса эмас. «Бобурнома»дан «ўй» сўзн
қатнашган яна бир матнни мулоҳаза қилайлик. Чунки
«Бобурнома»даги бу воқеада ажиб мутойиба ҳам бор:

«Ушул сайр асносида бир кун намози дигар би- лан
намози шом орасида бир иничка номушаххас й;ул била
бир ўй ту шуб борадур эди. Мен дедим- ким: бу йўл қаён
борур экан? Уйга Қўз солинг, ўйни итурманг, то йўлни
қай сари чиқари маълум бўлғай.

Хожа Асадуллох зарофате қилди, деди: «Гов гум
шавад, чи қор қунем?».

Матннинг сл'нтги гапини қуйидагидек икки хил талқин
қилиш мумкин:

- Қорамол йўқолса нима қиламиз?
- Қ,оронБИ тушса (говгум) нима қиламиз?

Қуриняитики, ушбу воқеа баёнидан ҳам «уй»нинг
лугати қорамол экани аниқдир.

Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» дос- тонида
Хисрав Парвез узини шер, Михинбонуни сигир деб
ҳақорат қилади:

*Разанфар худ нетар чанголу ёлин,
Чекар б уж: а тиши уйнинг мах,олин.*

Мазмуни: Сигирнинг аҳмоқона нозини ^тарадиган б>^лса,
йўлбарсга ианжаю ёлнинг нима кераги бор?

Таассуфки, 10-синф «Ўзбек адабиёти» мажмуа- сида
(1997) «уй - ҳўқНЗ» деб луят берилган.

Бу лугатнинг матн учун хатолиги шундаки, хукиз йулбарсга бас кела олади. Буни дахо Алишер Навоий билади. Шуинг учун «тиши уй» - ургочи корам о л (сигир) деб махсуе ук/гирган. Бу уринда биз мажмуа тузувчиси Султонмурод Олимовни айб- лай олмаймиз. Чунки у олим биздаги энг нуфузли лурат: Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброхимовлар тузган «Навоий асарлари лурати» (1972)дан фой- даланган. Лурат муаллифлари «уй» сузига «хукиз» (623-бет) л у ратин и берганлар. Бизнингча, «уй» сузига «корамол, хукиз, сигир» сузларини изох тар- зида кенгайтириб беришса макбулрок булар эди. Луратларимизда мазкур суз гох «уй», гох «уй» тар- зида берилаверган.

Алишер Навоий «Хайрат ул-аброр» достонида «уй»ни «хукиз» маъносида хам куллаган:

*Жанбида гардуи курубон тавсанин,
Уйки юруб янчар анинг хирманин.*

Энди «минг уйлук карвон» сузлари мазмуни- ни талкин этайлик: буни минг корамоллик карвон ёки минг корамолни хайдаб кетаётган карвон дейиш мумкин.

Мингта корамолни тахминан ун чорлик чуион бошкараётган булса, кор кучкиси 7-8 одамни босган булиши мумкин. Демак, уша фожиа юз бергани рост, бироқ курбонлар микдори юкоридагидек 998 киши эмас экан...

Шунинг учун «Бобурнома»нинг хозирги узбек адабий тилига угирилган табдилида юкоридаги матн куйидагича тахир килингандир:

«Андижоннинг шаркий тарафидаги торларнинг пастида Хитойдан келаётган минг корамоллик кар- вонни шундай кор босдики, икки киши кутулиб колди, холос» (Бобурнома, 2008, 32-бет).

Ушбу хатоликдан энди «Бобурнома»ни рус тили- да укийдиган кишилар хам форири булдилар. Чунки бу шох асарнинг 2008 йилда «Шарк» нашриёти- да босилган нухасида куйидагича тахрирли соблом матн берилган:

«Однажды, когда из Китая шел караван, гнавший тысячу голов крупного рогатого скота, то у подошвы гор к востоку от Андижана караван так засыпало снегом, что из надсмотрщиков спаслись только два человека» (стр. 15).

Таржимоннинг лурат сохасида оксаши хам асл нуха вокеасини нотурри талкин килиш сабабчиси бул аркан...

Башилов газал

Афронистонлик захматкаш олима Шафика Ёркин Кобулда 1983 йили Бобур асарларини туплаб «Де- вони Захириддин Мухаммад Бобур» номида нашр эттирган эди. Шу тупламни Кирилл ёзувида нашрга гайёрлаган филология фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдутафуров эски ёзувдан бир разални куйидагича кучиради:

*Шох, Султон У вайе **бин** Махмуд!
Мох; Султон Увайс **бин** Махмуд!*

*Кодду озиндин айру тортармен
Ох;, Султон Увайс **бин** Мах,муд.*

*Мени ёд айла, базми ишцингда
Гол Султон Увайс **бин** Мах,муд.*

*Хуш турур, х,амрах,им агар сенсен,
Рох,; Султон Увайс **бин** Мах;муд!*

*Подшах,дур агарчи Бобур, лек
Шох; Султон Увайс **бин** Махмуд!*

(Бобур, «Девон»! «Фан» нашриёти,
Тошкент, 1994, 20-21-бетлар.)

Ушбу газални Шафика Ёркин нашридан олим Хасан хужа Мухаммадхужа угли тубандагича укийди:

*Шох,и Султон У вайе бан Махмуд,
Мо%и Султон У вайе бан Махмуд.*

Мазмуни: Султон У вайе мен Махмуд шохи (мато)ман.
Султон Увайс мен Махмуд - балик.

*К,адди огзингдин айру тортармен,
Оя;и Султон Увайс бан Махмуд.*

*Мени ёд айла базми ишцингда,
Гоя;и Султон Увайс бан Махмуд.*

*Хуштурур х,амрох,им агар сенсен,
Рох;и Султон Увайс бан Махмуд.*

*Ёди шаофур агарчи Бобур лек,
Шох,и Султон Увайс бан Махмуд.*

(«Шох, ва шоир Зах,ириддин Мух,аммад Бобур»,
«Шарк», Тошкент, 1996, 27-бет.)

Биз иккала матндаги шубхали сузларни таъ- кидладик. «Бин» ва «бан» сузларининг хатолиги шундаки, аслида «бинни» булган бу суз нашрда- ги холатларда ҳам вазн сакталигига учраган, ҳам «бан»(мен) маъносига кетади...

Биринчи тарздаги укишда нккинчи байтда «обзингдин» сузи учинчи шахе холида («обзиндин») ифодаланган.

Иккинчи тарздаги укишда ҳам бир кднча матн нуксонлари намоён: матлаъдаги икки миерада Султон Увайс гох шохи матога, гох баликка («мохи») айлантирилган. Иккинчи байтдаги нуксон туфайли миералардан тузукрок мазмун чикариб булмайди: «кадду обиз» сузлари «кадди обиз» - обизнинг буйи маъносига кетиб колиб, фикр бузилган. «Ох»нинг «охи» тарзида ёзилиши ҳам мавҳумликни юзага кел-

тирган. Бугина эмас. Байтдаги истихрож санъати бархам топган. Шарк шеърияти анъанасига мувофик, кад «алиф»га, огиз «х»га ухшатиб келинганидан фойдаланиб, Бобур «ох»ни «кад ва обиз» сузларида назарда тутилган харфлардан ясаган эди... Хул- лас, шеър кофияларига кушилган барча ортикча «и»лар мазмунни ва вазни бузган, мавхумликни юзага чикарган.

Нихоят, «подшахдур» сузини «ёди шахдур», деб укилиши хам мисрани маъносизлантирган.

Шафика Ёрқин китобидан Бобурнинг мазкур газалини укийлик:

*Шох, Султон Увайс бинни Махмуд.
Мох; Султон Увайс бинни Мах.муд.*

*К,адду озингдин айру тортармен -
Ох;, Султон Увайс бинни Махмуд.*

*Мени ёд айла базми ишцингда,
Гох;, Султон Увайс бинни Мах;муд.*

*Хуштурур х;амрах,им агар сенсен -
Рох;, Султон Увайс бинни Махмуд.*

*Подшахдур агарчи Бобур лек,
Шох; Султон Увайс бинни Мах;муд.*

Кашшоф Захириддин Мухаммад Бобур бу разалда мислсиз бадий жасоратлар курсатган: **бош дофияли башшлов разал яратган**. Туркий шеъриятда Бобур- гача бу ходиса хали учрамаган эди. ТуБри, бош кофияли рубоий Алишер Навоий ижодида бор эди.

Бош кофияга, радиф таркиблилигига асослан- гаи бу Базал бадий тасвир безакларига бой. Би- риичи байтдаги остинма-устин турган сузлар узаро охаигдош булгаии учуй тарсеъ санъати кулланилган. Айникса, иккинчи байтдаги «ох» сузида назарда тутилган истихрож (айтилган ёки назарда тутилган

харфлардан байтда суз ясаш махорати) санъати китобхонни кой и л колдиради. Айтилган харфлардан суз ясаш истихрожи ёш китобхонлар учун булса, назарда тутилган истихрожлар хос китобхонлар учун мулжалланади. Чунки буни юксак мал акал и мумтоз адабиёт шинавандасигина идрок эта олади, холос.

«Рох» сузида Бобур ийхом санъатини куллаган. Бу сузнинг иккала маъноси: «йул» ва «май» мисра мазмунига мос келганлигини кайд этамиз.

Разал бошбайти ва сунгги байтини киёслаб курсак, шеърда радди матлаъ санъати ишлатилганига гувоҳ буламиз. Чунки шоир матлаънинг биринчи мисрасини шеърнинг мактаида яна бир қарақорласа - радди матлаъ санъатини куллаган булади. Мазкур шеър:

Шох, Султон У вайе бинни Махмуд

мисраси билан бошланиб, шу мисра қарори билан яқунланган.

Мазкур газалнинг яна бир фазилати унинг таржимаи холик хусусиятидир. Туркий тилдаги адабиётда шоир ҳаёти, ёр-дустлари билан муносабатига дойр шеърлар жуда сийрак учрайди. Бирок қайд этиш керакки, араб адабиётида Базал жанри шаклланиётган пайтда таржимаи хол ва дустдушманлар билан муносабатга багишланган шеърлар куп эди... Адабиётшунос олим Абдурашид Абдурафуров Бобур назмий меросининг ана шу хусусиятига алоҳида эътибор берган: «Бадий сузга, шеърятга Бобур узлигини, узрухий оламини очиш воситаси деб қараган. Худди шунинг учун ҳам муаллиф шахсий ҳаёти лавҳалари ҳамда унинг рухий кечинмалари билан бевосита боБЛНКЛик Бобур лирикасининг хос белгиси даражасига қутарилган». Бобур Қобулда яшаган йиллари амакиси Султон Махмуд мирзонинг

угли - Султон У вайе билан жуда кадрдонлашган. Чунки у - холаси (Султон Нигорхоним)нинг угли эди. Бунинг ёркин далили муаллифнинг газалдаги унга билдирган самимий муносабатидир.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2002
йил 15 февраль

Андижонлик триб... шох, Бобур

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди уз таркибидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига юзлаб нодир китоб ва кулёзма асарларни йиришга муяссар бўлди. Бобур кашф этган хатти Бобурий билан ёзилган мукаддас «Қуръон» нусхаси, «Бобурнома»нинг испан тилидаги таржимаси нашри, «Бобурнома»нинг Хайдаробод нусхасининг фото-факсимил нашри шу ноёб топилмалар жумласидадир. Кейинги китобни бобуршуносликда жасорат курсатган япон олими Эйжи Мано музейга лутфан ҳадя қилиб юборган эди. Эйжи Мано тузган «Бобурнома»нинг илмий-танқидий мати, «Бобурнома»нинг япон тилига таржимаси, «Бобур ва унинг даври» ва «Бобурнома»: курсаткичлар ва шарҳлар» китоблари ана шу олим захматқошигининг памуналаридирки, бу йирик турт китоб ҳам музей экспонатлари сафидан жой олгандир.

Фонд жамоаси ва ўзбек тарихчи олимлари ҳамда рассомлари ижодий меҳнатлари самараси уларок «Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хиндистонда ҳукмронлик қилган темурийлар шажараси» тайёрланди. Унда 30 дан ортиқ шохлар расмлари, тугилиб, ва- <|)от этган ва ҳукмронлик йиллари саналари юксак замонавий дизайн асосида талқин этилган. Яқинда бу ажойиб санъат ва тарих гулдастаси такдимоти бўлади.

Бежиз эмаски, Бобур таваллудининг 525 йиллик муборак санаси масаласи жаҳон бобуршунослари-

нинг дикдат марказидадир. Шу муносабат билан жахон ва Узбекистан нашриётлари уз туёналарини пешма-пеш тайёрлаш ва таркатишни бошладилар.

Афғонистонлик олима Шафика Ёркиннинг бу соҳадаги фаолияти махсус кайд этгулик: у 1983 йилдаёқ Бобур девонини Кобулда нашр этиб, узбек олимларига ҳам бу нашрдан бахраманд булиш им- конини яратган эди. Мутахассислар бу нашрни Бобур асарларининг нисбатан мукаммал нусхаси деб ҳисобладилар.

Филология фанлари доктори, профессор Абду- рашид Абдугафуров 1994 йилда Бобур девонини нашрга тайёрлаб, суз бошида шундай ёзган эди: «1983 йилда афғонистонлик олима Шафика хо- ним Ёркин Кобул шаҳрида «Девони Захириддин Мухаммад Бобур» китобини чоп этди. Олима Бобур девонининг барча кулёзма нусхалари ва нашрларини узаро киёслаб, анъанавий девон шаклида тартибга келтирди, нашрларда йул куйилган чалкашлик ва нуксонларга барҳам берди. Укувчиларга такдим эти- лаётган ушбу китоб ҳозирча энг мукаммал булган аиа шу Кобул нашри асосида тайёрланди».

Уз ига талабчан олима Бобур халқаро фонди ёр- дамида Истанбулдан келтирилган Бобурнинг шеъ- рий асарлари асосида «Бобур девонига такмила» китобини Узбекистонда эълон қилиб, Бобур шеърий меросини мукаммаллаштиришда навбатдаги илмий жасоратини курсатди.

Яқинда Андижонга «Бобур ва жахон маданияти» музейига Шафика хоним Ёркиннинг янги ҳадялари келди: олима «Бобурнома»нинг ажойиб бир янги нус- хасини яратган. Маълумки, ушбу жахоний шухрат қозонган эсдалиқлар китобининг куплаб воқеалари Кобул ва унга яқин юртларда содир булгандир. Зук- ко олима «Бобурнома»нинг асосий қисмини «Воқеоти Кобул» («Кобул воқеалари») кичик сарлавҳалар

остида, икки китоб холида чоп эттирди. Хар бири 400 сахифага я кин бу «Бобурнома»ларнинг бирин- чиси форсий, иккинчиси узбек тилида булиб, Ко- булда эски узбек ёзувида нашр этилгандир.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компания- сининг бош тахририяти хам рус тилида «Избранная лирика востока» туркумидан Захириддин Мухаммад Бобурнинг хушбичим куринишдаги шеърлар туплами- ни «Избранная лирика» сарлавхаси остида якинда босмадан чикарди.

Филология фанлари доктори Саидбек Хасанов каламита мансуб сузбошида Бобурнинг бадий ва ижтимоий-сиёсий салохиятига замонамиз рухида бахо берилгани эътиборга, моликдир. Айникса, ки- тобда Президент Ислом Абдуганиевич Каримовнинг Андижондаги Бобур номидаги миллий бог «Хотира дафтари»га ёзилган сузлари китобхонлар калбини тулкинлантирмай колмайди.

«Бобомиз Захириддин Мухаммад Бобур номи билан х;ар цанча фахрлансак арзийди. Узбек халкининг доврурини дунёга таратган улур аждод- ларимиздан бири улароц, ул зот бизнинг тарихи- мизни кадрлашга, келажакка буюк ишоич билан карашга ургатади...

Захириддин Мухаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халк хеч качон хор булмайди. Мукаррар тарзда саодатга эришади.

К^адимий Андижон ахлининг бу каби савобли ишлари купайсин ва бошка ватандошларимизга ибрат булсин.

Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадий- лаштиришга цул урган инсонларга самимий мин- натдорчилик билдираман».

«Хумоюннома»нинг муаллифи, Бобурнинг севим- ли кизи Гулбаданбегим хакида инглиз адибаси Ру-

мер Годен ёзган «Гулбадан» асари хам ана шу наш- риётда куз очди.

Адиб Кдмчибек Кенжанинг х,али босмахона буёри куриб улгурмаган - «Андижондан Бардодгача» са- фарнома романи бу туёналарнинг салмоқлиси ҳисоб- ланади. Муаллиф Бобур халқдро фонди вакилла- ридан иборат «Бобур изидан» илмий-амалий экс- педициясининг маълум маънодаги илмий-маърифий ҳисоботларини бу асарда жуда уринли талкин этиб берган.

Ушбу нашриёт я кинда «Бобурнома»нинг Михаил Александрович Салье каламига мансуб рус тилидаги таржимасини хам йирик бичимда оммалаштиради. III уро давридаги нашрда М.Сальедек мохир тар- жимон хам жиддий нуксонларга йул куйганлиги маълум. Нашриёт энди ана шундай кусур ва хато талкинлардан тозаланган, «Бобурнома»нинг аслига неуда якин нусхасини китобхонларга манзур этади.

«Укитувчи» нашриёти «Бобурнома»ни хозир- ги узбек адабий тилида, йирик хушбичимли китоб холида босиб чикарди. Бу эзгу хизматни икки олим: Вахоб Рахмонов ва Каромат Муллахужаевалар уз зиммаларига олиб табдилни ниҳоясига етказдилар.

Нашриёт «Бобурнома»га ишланган миниатюралар китобини хам босиш арафасида турибди.

Таникли олим Гофуржон Сатимовнинг «Марка- зий Осиё, Хиндистон тарихида Бобурийлар даври» тядқиқрти Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида дунё юзини курди..

«Бобурнома» аслиятини ук;иб бахраманд булишда «лубат тусиБи» - мураккаб сузлар учраб колиш ходисаси бор эди. Мирзо Абдулқодир Бедил бежиз ёзмаганлар:

*Айши юз донони бузган битта нодон шум эрур,
Англашилмас миера гар бир суз унда мавх,ум эрур.*

Бунинг иложи - махсус изохли лугатдир. «Анди- жон» нашриёт-матбаа уйи «Бобурнома» учун дисдача изохли лурат» китобиии босмадаи чидарди. ЛуБатни филология фанлари доктори, профессор Фатхиддин Исходов (Аллох уларни раҳмат қилган булсин) туз- ган. Энди ушбу луБатдан фойдаланиб буюк эсдалик- лар асари аслиятини бемалол тушуниб удиш имко- нияти пайдо булди.

Хиндистонлик танидли олим Қдмар Раиснинг «Бобур шахсияти ва шеърляти» номли таддидоти, шоир Қрбил Мирзонинг «Қ,аро зулфинг» номли Бобур шеърларига боБлаган мухаммаслар китоблари дам «Андижон» нашриётида чоп этилди.

Наманган давлат университетининг удитувчиси, филология фанлари номзоди Алихон Халилбеков- нинг «Наманган адабий гулшани» («Наманган» нашр., 2007) номли таддидоти эълон дилиндики, бу дам маълум маънода бу йилги Бобур таваллу- ди тантаналарига олимнинг узига хос улушидир. Ушбу асарда Бобур ижодий-ижтимоий фаоляти- ни ёритишга 16 садифа ажратилган. Китобдаги бир жиддий масала - Бобур Ахсида туБилиб, Ахсида тахтга чиддан деган фикр бобуршуносларда эъти- роз тугилишига сабаб булди. Олимларимиз Бобур- нинг Андижонда тугилганини уз илмий ишларида шу пайтгача дам дайд этган эдилар. Шундай булса- да, япон олиади Эйжи Мано ва узбек олими Вадоб Раҳмоновлар Бобурнинг Андижонда тугилгани ва Андижонда тахтга чидданини «Бобурнома» ва «Та- рихи Рашидий» асарлари асосида янада анид далил- лар билан исботлаб бердилар: Бобурнинг узи менинг «тугилиб усган», яъни «зоду буд» жойим Андижон шадри, деб «Бобурнома»да очид-равшан курсатиб к.уйган: «Султон Саидхон - Кошгар хони беш-олти яёр-яланг била келди, туккон иниларимдек куруб ЛамБОН туманларидин Мандировар туманини бер-

дим. Шох, Исмоил Шайбонийхонни Марвда олБонда Кундузраким утгум, Андижон вилояти менинг сори бокиб, баъзи дорураларини кавлаб, баъзи ерлари- ни беркитиб, манга киши юбордилар. Мен Сул- тон Саидхонга бори навкарларни топшуриб, кумак кушуб, **зоду буд Андижон** вилоятини багишлаб, хон килиб йибордим» («Бобурнома», 2002,151-бет.). «Зоду буд Андижон вилояти» сузларининг хозир- гн тилимиздаги талкини куйидагича булади: ((Мен) узим турилиб у стан Андижон шахри).

Бобур мирзо ёзган туркий-узбек тилида- ги «Бобурнома» нинг Хиндистоннинг Хайдаробод шахридаги «Саларжанг» музейидан келтирилган нусхаси «Бобур ва жахон маданияти» музейида сакланмокда. Истатан олим шу асарнинг 200-бетидан айнан шу матнни араб ёзувида укишлари мумкин.

Афсуски, айрим олимларимиз «зоду буд («зод- буд») сузларини англаш учун Алишер Навоий ва Бобур мирзо асарлари учун махсус тузилган изодли луратларпи курмаганга ухшайдилар. Агар бу гапда- ги «вилоят» сузида (мамлакат - Фаргона вилояти) Бобур Фаррона вилоятини назарда тутган, деб тор уйловчилар топилса, шуни эслатиб куйиш зарурки, унда «Андижон вилояти» деб эмас, «Фаррона вилояти» деб ёзилган буларди.

Бобур аниклик учун махсус чегаралаб шахар маъносида «Андижон вилояти» деб ёзган.

Бобур мирзонинг холаваччаси (Мухаммад Хусайн мирзо ва Хуб Нигорхонимнинг фарзанд- лари) Мухаммад Хайдар мирзонинг «Тарихи Ра- шидий» асаридаги мухим маълумотларни хам на- зардан кочирмаслик керак. «Хосили калом бу зикр булгон муддатда Фаррона заминига уларнинг под- шоси ултиратуррон жойи Андижондур. Султон Абу- саид Курагоннинг угли Мирзо Умаршайх Курагон вафотидан кейин уларнинг урнида Мухаммад Бо-

бур подшоҳ,и рози ва Мир Жаҳонгир ноиб булиб, ултуруб эканлар» («Тарихи Рашидий», У.ЗФА ШИ № 10191 /П) 160 а.

Одатда аидижонлик киши турилиб-усган шахриин иазарда тутса, «андижонийман» деб айтади. Утгаи асрда Махкам Махмудов сифатида танилган комусий билимли аидижонлик мутафаккирни ХХІ асрда Махкам Андижоний имзоси билан биламиз. Бобур ҳам бир газалида узининг чинакам аидижонлик эка- нини ёзиб куйган:

*Не ерда булсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг
Барибингга тарах,х,ум айлагилким, андижонийдур.*

Минг таассуфки, Бобур девонларининг кириллча нашрларида матн бузилиб, иккинчи мисра:

Барибингга тарах,х,ум айлагилким анда жонидур

тарзида эълон килиб келинган эди. Мутахассис- ларнинг фикрича, агар Бобур бу ҳолатни курса жуда ранжиган буларди. Чунки хаваскор шоир ҳам байт мазмунини бу ҳолатда колдирмайди. Бобур «Танланган асарлар»и («Укитувчи» нашриёти) 1983 йилги нашрининг 22-бетида аник-равшан куйидагича ёзилган:

*Не ерда булсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Барибингга тарах,х,ум айлагилким, андижонийдур.*

Ушбу китобнинг илгариги 1976 йилги нашрида ҳам матн мана шундай соблом тарзда босилган эди.

Демак, Бобур уз турилган жойини аник айтди, каерлик эканини ҳам шу байтда очик билдирди. Ке- линг, Бобурнинг узига ишонайлик ва унинг таваллуд жойи Андижон шаҳри эканлигини ҳамма манбаларда - матбуот, радио ва телевидение ҳамда дарсликлар- да бир хил курсатайлик. Бу бизнингча, бобуро

хакикатни тан олиш булади. Зеро, Бобурнинг узи «Бобурнома»ни ёзишда воқеа-ходисаларнинг ростини ёзишга аҳд қилган. Биз ҳам Бобур ворисимиз-ку, ахир.

Энди, китобхонлар, ушбу мақола муаллифлари- дан бири Ваҳоб Раҳмонов томонидан нашрга тайёр- ланиб, яқинда босилиб чиққан Бобурнинг «Ерибинг андижонийдур» номли девонидан юқорида келтирил- ган байтнинг СОБЛОМ ҳолатини уқийдилар.

Бобур номидаги илмий экспедиция уз сафарла- рида Бобур изидан бориб, заминимиздан етишиб чиққан, X-XI асрлардаёқ уз илмий кашфиётлари билан дунёни хайратда қолдирган буюқ аждодлари- миз Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, ал Хоразмий, Ахмад Фарроний, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Али Кушчи, Султон Хусайн Бойқаро, Камолиддин Бехзод ва бошқа азизларимизнинг қолдирган бой илмий-мада- ний меросларини урганиб, қабр-мақбараларини зиё- рат қилиб, зарур маълумотлар туплади.

Ачинарли-аянчли ҳолатга тушиб қолган Беруний, Алишер Навоий, Лутфий, ал Форобий, Али Кушчи ҳазратларининг қабр-мақбараларини ободонлашти- риш буйича лойиҳалар тайёрланди.

Алишер Навоийнинг устози Мавлоно Умар Лутфий Шоший қабрлари Хиротдан 30 км чамаси ма- софадаги Дехи Канор даштида (ҳозирги Нангобод қишлоғига яқин жойда) аниқланиб, андижонлик ва иуроталик мохир усталар бажарган қабр-мақбара усқуналарини олиб бориб, уша жойда қуриб, битка- зиб, Афғонистон халқи, давлатининг ҳукуматимизга, узбек халқига миннатдорчилигини олиб қелдик.

Узбек халқи Лутфий мақбарасини тиклаш билан башариятга ибрат намунасини курсатмовдалар, деган гапларни эшитиш бизни мамнун этади.

Бобур фонди ташаббуси билап бобуршунослар академик Азиз Кдюмов, профессор Саидбек Хасанов, фан номзодлари Вахоб Рахмонов ва Ансо- риддин Иброхимовлар тайёрлашга киришилаётган «Бобур энциклопедияси» хам якин орада дунё юзи- пи куради.

Хиидистон, Покистон ва Афганистан ижодкор- лари билан хамкорликда куп серияли «Захириддин Мухаммад Бобур» бадий фильмини яратиш галда- ги вазифамиздир.

Буюк Бобурнинг «Мусика сирлари», «Харб иши», комусий асар - «Бобурнома»нинг деярли ярми топилмаган. Улар ва бошка ноёб китоб хамда кулёзма асарларни излаб топишни, Ватанга олиб келиб, илмий истеъмолга киритишни биз Бобур халкаро экспедициясининг энг долзарб вазифалари- дан деб биламиз.

Бобурнинг Андижондаги адабий-маданий мухитда нашъу намо топиб хукмронлик килгани, уз она шахрини жону дилдан севиб кадрини баланд тутга- ни хаммага аён. Бобуршуносликда биз айрим майда тафсилотларга эмас, балки умумжахон микёсидаги буюк ватандошимизнинг илмий-адабий, сиёсий-хар- бий фаолиятини кенг куламда ёритмокка зур бери- шимиз лозим. Бобур халкаро фонди ана шу сохадаги фаолиятини бундан буён хам гайрат билан давом эттиражагига шак-шубха йук.

Макола Узбекистонда хизмат курсатган маданият ходими,
Бобур халкаро фондининг раиси Зокиржон МАШРАБОВ
билан хамкорликда ёзилган.
«Андижоннома» газетаси, 2008 йил 3 февраль

Мумтоз сох;ир санъаткор

Бадий санъаткорлик шоир кудратининг мезони булгани боис, кадимда муаммочилик (муаммо ёзиш) етакчи уринга чиккан эди. Дахо шоиримиз Алишер

Навоий ва устоз Абдурахмон Жомий дам бу жанр- га эътибор берганлар, бу дакда рисола битганлар. Шунингдек, дарфий санъатларга эътибор бадиий ижоднинг юксак даражаси дисоблангани туфайли китобат, истихрож, калб сингари шеър санъатлари рини дуллашда муъжизакорлик дилишга интилишлар жуда кучли булган. Ана шу санъатлардан яна бири маснуъ шеър эди. Маснуънинг унлаб хиллари булиб, биз куйида Бобур ижоди мисолида маснуънинг бир неча хили билан танишамиз.

«Маснуъ» истилохи санъатпардозлик билан ёзилган асар, деган маънони беради. Бобур узбек тилида биринчи булиб маснуъ шеърлар ёзган шоирдир. Маснуънинг бир хилида шоир бир байт шеър ёзиб, ундаги рукнлар, сузлар ёки мисра урнини узгартириш эвазига, уша сузлардангина фойдаланиб янги байт ёки байтлар келтириб чикаради. Буни истихрож қилиш, деб айтилади.

*Тафохур кузум, кунгдум
цилурлар, магар бордур,
Кузунгга кунгул вола,
юзунгга кузум х; айрон -*

байтини яратган Бобур ундан куйидагича байтни истихрож этган:

*Хайрон кузум юзунгга,
вола кунгул кузунгга,
Бордур, магар, цилурлар
кунгдум, кузум тафохур.*

Куринаптики, байтдаги суз, бирикма ва мисраларнинг урин алмашувида, аввало, оханг - мусикийлик, сунгра вазн баҳри узгаради. Қолаверса, таъсирчанлик ҳам узгача булади. Шу йусинда бутун бир шеър - маснуъ юзага келади.

Маснуъ ёзишдаги мураккаб усул байтни тарсеъ маал тажнис, яъни тажнисли тарсеъ санъати асосида

яратишдир. Бобургача бу тажриба туркий адабиёт- тимизда унчалик ривожланмаган эди. Гап шунда- ки, бу усулда байт ижод килувчи шоир, биринчи- дан, байтдаги барча остин ва устун ҳолатда турган сузларни узаро охангдош қилиб ёзиши, иккинчидан, уша остин ва устун турган сузларнинг ҳаммасини узаро жинсдошлик асосида - тажниснинг хилма-хил навлари билан яратиши л озим булади:

*Ёсотиб тигингни уцу ё тила,
Ё сотиб тигингни уцу ёт ила.*

Зуллисонайн санъаткор бу усулда форсий тилда ҳам тажнисли байт ёзган:

*Ба Сероба боз ор он қуфта,
Басеро ба бозорон қуфта.*

Маснуънинг учинчи бир нави - мусовият тарафайн (томонлар тенглиги) истилоҳидаги шеър- дир. Форс-тожик адабиётида Бобургача мураббаъ (туртхоналик), мусаддас (олти хоналик), мусамман (саккиз хоналик) мусавият тарафайнлар ёзилган эди. Бобур ана шундай ута нозик усул - мураббаъ санъатида ҳам яхши мусавият тарафайн яратган:

<i>Этти мени</i>	<i>Рлтургали</i>	<i>Охир</i>	<i>Хиҷрон</i>
<i>Рлтургали</i>	<i>Куйма</i>	<i>мени цутцар,</i>	<i>эй жон,</i>
<i>Охир</i>	<i>мени цутцар,</i>	<i>бу фиरोц</i>	<i>асру ёмон!</i>
<i>Хиҷрон,</i>	<i>эй жон,</i>	<i>асру ёмон!</i>	<i>Ох.у фиғон!</i>

Мураббаъ санъатининг моҳияти шундайки, ки- тобхон шеърни одатдагидек чапдан унғ томонга қараб уқиши ҳам, юқоридан қуйига томон у қиши ҳам мумкин булади. Хар икки усулда ҳам матн бир хил уқилади.

Биз як/ин-якннларгача туркий тилдаги илк мусо- вият тарафайн юкодкори Мухаммад Ризо (')гахий, деган тасаввурда эдик. Мана шу маснуъ шеър ту- файли энди фикримиз узгарди.

Бадий санъатлар оламидаги харфий санъатлар- нинг нисбатан мураккаби истихрождир. Истихрож- нинг хам икки хили бор: биринчиси, илм ахли ва китобхонларга маълум оддий истихролсдир. Бунда шоир байтда узи кайд этган харфлардаи бир суз ис- тихрож килган булади, яъни харфлар йигиндисидан бир суз ясайди.

Бобур 1-азалларининг бирида кад алифга, кош «ё»га ухшатилиб, «алиф» ва «ё» харфларидан «ой»! сузи истихрож килинган. Истихрожнинг бундай оддий ва мураккаб - риёзий навлари Алишер Навоий шеърларида учрайди. Риёзий истихрож факат олим- ларга, илм ахлларига мулжалланган санъат булса керак. Гап шундаки, оддий истихрожда харфлар ай- тилиб бирор суз ясалади. Риёзий истихрожда харфлар назарда тутилади, холос. Мураккаблиги шундаки, шоир назарда тутилган харфга ҳеч бир ишора килмайди. «Узингга, уз заковатингга койил булайин десант, узинг топиб олгин-да, кувон!» детандай зим- дан санъатпардозлик кил ад и.

*Оғзю икки зулфу
цади булмаса мата,
Рағзоуу сарву гунча
қурардин малолдур.*

Ушбу байтдаги бадий санъатларни атпшлашга уринганда, аввало, ташбихлар тизими тахлилчи куз унгнда шу тарика тизилади: огиз - Бунча; зулф - райхон; кад - сарв.

Қдлашиб келган ухшатишлар оддий ташбихлар эмас. Биринчи мисрада тизилган огиз, зулф, к;адга

иккинчи мисрадаги **райхон, сарв, рунча** келтирил- гани номураптаб ёки мушавваш лаф ва нашр санъ- ати амалиётидан даракдир. Тахлилчи ушбу байтда шоир гулзордаги райхону сарву гунчадан ёр кадди, зулфи ва обзини устун куймоқда, деб изохлаши ҳам мумкин. Бирок; ҳар қандай олим бу байтда риёзий истихроҷ бор, деган ҳаёлга боравермайди. Муаллифнинг сезилар-сезилмас ишораси зулфнинг «икки»талигида ва «малол» сузи истихроҷидадир. Шоир ориз, **икки зулф** ва **кад** сузларининг харфий ташбихларини назарда тутиб, «малол» сузини ҳосил қилгаи. Зеро, адабий аиъаналарга кура, обиз (мим), икки зулф - икки (лом), кад - алифдир. Ушбу харфлардан «малол» сузи истихроҷ қилинган, яъни келтириб чиқарилгандир.

Захириддин Мухаммад Бобур ушбу саиъат воси- тасида санъатиардозликка киришар экан, ажиб их- тиролар қиладики, риёзий истихроҷ яратишининг ҳадди аълосиини биз унинг бир Базалидаги ушбу байтда ҳам кураимиз. У қуйидаги мисраларда назарда тутилган харфлардан «Аллоҳ» сузини истихроҷ қилгаи - келтириб чиқарган.

*К,адди била икки зулфу огзи Жонимга
бало буллубтур, Аллоҳ,!*

Бунда харфий ташбихлар (кад — алиф(а), икки зулф — икки «лом»(л), огзи - х «хо»)дан «Аллоҳ» сузи ясалгандир.

Бобур бадиий маҳорат бобида мумтоз соҳир санъаткорлигини ана шундай намойиш қила олган буюк шоирдир. Унинг адабий соҳирлик заковати шу даражада қучлики, айрим мисраларининг юзаки мазмуини тушуниш, ҳатто тугри уқиш учун баъзан эллиқ, баъзан юз йил керак булади. Масалан, Бо- бурнинг бир рубоийсини утган асрда олимларимиз фақат қуйидагича ҳолатда уқидилар:

*Х,ижронда, сабо, етти фалакка ох,им,
Гар ул сори борсанг, бу дурур дилхоцим:
Ким, арзи дуо ниёз ила қилгойсен,
Гар сурса мен хастани гулрух мох,им.*

Қдэиби шундаки, нашрга тайёрловчилар бу рубойнинг «таржимаи холи» - яратилиш тарихига ахамият бермасдан, маттни таваккалига жорий - кирилл ёзувига кучираверганлар. Вахоланки, Бобур бу мисраларни биз идрок этган маъно-мазмунда ёзган эмас эди. Гаи шундаки, мактубчилик анъанасига кура, шоир киши хат ёзса, у кимга мулжалланган булса, уз фикрлари изхори ниҳоясида байтлар ило- ва килади. Биз ушбу рубойнинг туртинчи мисраси- ни турт хил мазмун-маънода идрок этдик:

биринчиси, Бобур мутлако уйламаган тушунча- лар: «гулрух мохим» катнашган; иккинчиси, Бобур назарда тутиши мумкин булган шеър холати:

*Х,ижронда, сабо, етти фалакка ох,им,
Гар ул сори борсанг, бу дурур дилхох;им:
Ким, арзи дуо ниёз ила қилгойсен Гар сурса мен
хастани Гулрух мох,им.*

Бобур «Гулрух мохим» деганида «ойдай Гулру- хим» деб севимли хотини Гулрух бегимни назарда тутган эди. Эътибор берайлик: бу холатда шеър таржимаи холлик хусусиятини касб этди. Негаки, Кобулда колган Гулрух бегимга ёзган мактубига ана шу рубойни илова килган эди.

Учинчиси, Бобур ушбу рубойни куйидагича ёзган булиши хам эҳтимолдан холи эмаски, бу холатда мактуб Мохим бегимга йулланган булиб чикади:

*Х,ижронда, сабо, етти фалакка ох,им,
Гар ул сори борсанг, бу дурур дилхох;им:
Ким, арзи дуо ниёз ила қилгойсен,
Гар сурса мен хастани гулрух Мох;им.*

Матндаги «гулрух Мохим» - гул юзли Мохим бегим демакдир. Бу талкинда ҳам Тўхтаб колмокчи :>масмиз. С\шгги мисранинг туртинчи хил изохиға келсак, мактуб ва рубойи ҳам Гулрух бегим, ҳам Мохим бегимга йўлланган ва манзур этилган буулиши ҳам эхтимолга аича я кии. Чуики Бобур фарзанд- лариииғ КўппНН ана шу икки бегимдан ^ргандир:

*Х,ижронда, сабо, етти фалакка ох,им,
Гар ул сори борсанг, бу дурур дилхох,им:
Ким, арзи дуо ниёз ила қилгойсену Гар сурса
мен хастани Гулрух, Мох,им.*

Ажойиби шундаки, бирор олим мана шу Тўрт хил талк,индан бирортасини, аниқ; килиб: «Мана бунисини Бобур назарда тутган!» дея олмайди, ан- диша кил ад и.

Ахир, бу Тўрт хил маъно-мазмунини топитт учун :>ллик йилдаи ортиқрок муддат керак бўлди. Сохир Бобур биз *узбек* мумтоз адабиёти тадқ,ик,отчиларини оддий рубойиси билаи ҳам қдттик синовга солиб Куйди-я!..

Бундай илеодий жумбок,лар Бобур ижодида сий- рақ амасдир.

«^збекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2008
йил, 15 август.

МУМТОЗ СУЗ МАСЪУлияти

Матншунослигимизнинг долзарб масалалари

1. Матншунос ва матнчи

1982 йил - матншунослар ва матнчиларнинг уйрониш йили булмокда, десак муболая булмайди. Негаки, «Шарк юлдузи» журнали ва «Ўзбекистан адабиёти ва санъати» газетаси ушбу умумфилологик ёш фанга дойр биттадан чукур илмий кимматли, пишик маколалар эълон кдлди. Маколалар рухи ва тахририятлар муносабатига кура, бу масалада илмий жамоатчилик жалб килинадиган бахс кетиши кутилмокда.

Биринчи хайрли туртки филология фанлари док-тори, профессор Абдукодир Хайитметовнинг «Шарк юлдузи» журнали шу йил 3-сонда босилган «Матн-шунослик муаммолари» маколаси булди. Муаллиф нияти ва куйилган масала долзарблигига яраша тадқиқот яхши чиккан. Менимча, бу **макола текс-тологиямиз истикболи учун узига хос дастурга арзийдиган ишдир.**

Муаллиф матншуносликнинг нечоблик масъулиятли бир соха эканлиги, бу фан равнақисиз адабиёт тарихини айрим чалкашликлардан кутуллол-маслигини, матнчиларнинг матний хатолари ва уларнинг аянчли окибатига ибратли ишоралар килиган. Тадқиқотчи матн хатосининг шоир ижодини бузиб беришигина эмас, олимларнинг илмий фикрларини ҳам хатога томон йуллашини Е.Э.Бертельс домла

ижрибалари асосида жуда уринли исботлаган. Му- .1 /|.ли() ютури шундаки, матншунослик тил ва имло оилангина чекланмаслиги, мухими маъно ва мантик Он лап хисоблатишда эканлигини уқтирган. Келти- рилган мисолларнинг асосий қисми айтишга арзий- дпган нуксоилардир.

Профессор А.Хайитметовнинг бундай ишга кул уритида мантикий асос бор: УзФА Тил ва адабиёт шкитутида ишлаётганидан бери отахон матнчи ва млтншунос Порсо Шамсиев билан ёнма-ён утириб, о.шмнинг узок; йиллик матн устида ишлаш тажриба- смга гувоҳ булиб келган, айрим ишларида хамкор- лик ва маслахатчилик килган олимдир.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифаларида и.лон к,илиниб, кенг жамоатчилик мухокамасига куйилган профессор Алибек Рустамовнинг икки содаги «Матнчилигимиздаги нуксонлар» маколasi профессор А.Хдйитметовнинг «Матншунослик муам- молари» маколасининг мантикий давоми сифатида микди. Хар икки о л им хам бу соҳада кимматли (|)|Крларини матнчилар ва матншунослар эътиборига м;шзур этган.

«Матнчилигимиздаги нуксонлар» маколасининг тллай фойдали уринлари, яхши таклифлари бор. 1'ранслитерация масаласидаги айрим фикрларига купгалса булади.

Чуиончи:

а) муаллиф кушма сузлар имлоси масаласини туири хал килган;

б) «ва» хамда «у» боБловчисининг ишлатилиши- | ;| оид тугри тавсиялар ва намунали мисол берган;

и) матнчи л арнинг гап чегарасини аниклаёлмаган плйтларига тугри ишоралар килган.

Мен А. Хайитмето в н и н г «Матншунослик муам- молари» ва А. Рустамовинг «Матнчилигимиздаги нуксонлар» маколаларини киёслаб ургандим. Хар икки олим матншунослик фанини яхшилаш учун

уринли таклифлар киритганлар. Факат матний ха- толарни танк,ид килишга келганда бир-бирларидан фарк киладил ар: А.Дайитметов энг жиддий ва ахамиятга молик хатоларни курсатиб тан кид килган; А. Рустамов эса, мухим хатолар тополмаган: у бир маъноли сузнинг хар хил ёзилгани, яъни унификация- га мухтож сузларни мухим хатога йуяди. Холбуки, аслида булар матичииинг эмас, балки луратчининг хатоларидир.

А.Хайитметов узи матишунос булатуриб, матн-чилариинг юзлаб жиддий хатоларга **йул куйган уринлари тандид килинган мацола талабига цушил- май**, иашрга тайёрловчи матнчилар томоииии олгани бизни хайратга солди: «...манба сифатида хизмат килаётган кулёзмаларии турри укий билиш - бу матишуносний асосий бурчи. **Бирок; х;еч бир матн- шунос узок утмиш асарлари матнларини хатосиз укишга олдиндан суз бера олмайди. Адабиёти- миз тарихига дойр асарларнинг илмий матнлари бирданига эмас, аста-секин такомиллашиб боради**» («Шарк юлдузи» ж., 1982 йил 3-сои, 171-бет).

Аввало, Огахий асарлари иашри ёки кулёзмалари- ии биз кечаги кулёзмалар сифатида караймиз. Мати тайёрлаш олдин хатоликлардан халос булмайди, кейинити нашрларида тузатила боради, деган фикр матнчилар масъулиятсизлигига кенг йул очиб бера- ди, деган хавотирдаман.

Йирик навоийшуносни бундай фикр юритишга мажбур килган хол матншунослигимизнинг хозир- ги ахволидир. О л им тажрибага, амалиётга мумтоз асарлар иашри савиясига асосланиб шу гапни айт- ган. Бирок, **матнчи олдига цуйиладиган талаб бит- та: кулёзмани турри удиш ва нуксонсиз кучириш шарт**. Китобда 5-10 та хато кетса, бу бошка гаи. Афсуски, бизнинг матнчилигимиз тарихида бу таж- рива ёмон кечди. Китоблар юзлаб матний хатолар

о и пан босилаверди. Кулёмани тугри укиш шарт лиши и матнчилик масъулияти такозо этади. Бугина :)м ас, атрофимизда академик чинорбоболар Вохид Зоҳидов, Вохид Абдуллаев, Иззат Султонов, Солих Мугаллибов, Азиз Кдюмов, Абдукодир Хайитметов, Ётирхон Валихужаев, Алибек Рустамов, Холид Расул, Булом Каримов, Абдурашид Абдурафуров, Ккубжон Исмоков, Фатхиддин Исмоков, Суйима Каниева, Субутой Долимов, Саидбек Хасанов, Бо- тирбек Хасанов, Фатхулла Ранихужаевлар турган б ир замонда матншуносни кийнаган масалани хал қилиш осон гап-ку, ахир!

Профессор А.Рустамов «Матнчилигимиздаги нуксонлар» мақоласида матншунослик ва лураччиликни ҳаққон равишда қолқоқ соҳалар сафиға қушади ва буларни ривожлантириш учун яхши тақлиф қирита- ди: «Бундай қолқоқ соҳаларни илғорлаштириш учун майкаган ҳатоларимизни очиб ташлаб, тан олиб, бир- галиқда тузатишимиз ва уларнинг қайта тақрорла- мишиға йул қуймаслигимиз зарур». Бу энг қерақли на анча қеч булса ҳам уринли қиритилган тақлиф. Менимча, бу тақлиф бундан йигирма йил олдин қиритилганда ва шу нарса амалға оширилганда эди, ту яхши ниёт самараси аллақачон қузға ташланган булар ҳамда юзлаб ҳозирғидек қалам билан туза- тилиб уқиладиган даражада босилмас эди... **Бунға маълум маънода бир сузнинг икки-турт шаклини берган «Навий асарлари л у гати» ҳам сабабқидир.**

Бугина эмас, мақола бошдан-оёқ узбек матнчилиги саниясини юксалтиришға жонқуярлик билан тулиб- юшган. «Матнчилигимиздаги нуксонлар» моҳияти пуксонларни санаб утишдангина иборат эмас. У л арии тузатиш ва матн тайёрлаш билан шурулланувчи ил- мий ходимлар масъулиятини ошириш ҳам мақолада а қс этган. Хар икки мақола муаллифлари матнчи- нининг масъулиятли, айни пайтда шарафли иш

эканлигини кайд этганлар. Улар мулохазалар ила матн тайёрлаш машаккати дам уктирилади. Матнчи масъулияти мумтоз асарнинг мумтозлик даражасини хозирги ёзувдаги нусхада саклаш билан белгила- нади. Мумтоз адабиёт ноширларини котибнинг хат услуоби, ёзув хилларигина эмас, эски туркий, араб, форс-тожик тиллари элементлари хам бирмунча кийнайди. У араб ёзуви нозикликлари, хат навлари, котиб хатолари хамда «тил тусиклари»ни енга ола- диган билим эгаси булиб етилгандан кейингина бу сохада мустакил кадам куйиши керак.

Порсо Шамсиевдай «матншунослик пайБамбари» кийналган, гохо айрим жиддий хатоликларга йул куйган сохада ёш матнчиларнинг, жумладан, ушбу сатрлар муаллифииниг куилаб хатоликларга йул куйган булиши шубхасиздир. Таржимон Кибриё Каххорова «К,илни кирк ёрмагунча» маколасида биз- нинг нуксонларимизни, жиддий хатоликларимизни кузимизга курсатиб, масалани бирмунча хал килиб берганига миннатдорчилик билдирамиз.

Устозлар суз унификациясини ёки укиш кийин булган сузни боишчалардан сураш оркали хал килиш кераклигини уктирадилар. Бу турри маслахатдир. Мен куйида ана шундай икки лахзага диккатни тортмокчиман:

Мумтоз адабиётимиз намуналарида «хай» араб- ча сузи куп учрайди. Бу сузни матн тузувчилари- миз куйидагидек беш вариантда куллайдилар: хай; хуй; хуй; ху; хуй. Бундан саккиз йил мукаддам бу сузнинг укилишини мухтарам арабшунос олимимиз, филология фанлари доктори Исматулла Абдуллаев- дан сурадим. У киши: «Эски ёзувда кандай ёзил- ган?» деб сурадилар. Мен: «Хе, вов, ё» деб жавоб бердим. «Ундай булса «хуй» тарзида укилади» де- дилар. Мен «хай» булиши керак, деб буш келмадим. Домла лугатларии бирин-кетин карай бошладилар.

Нихоят учинчи бир араб тили изохли лубатидан бу суз имлоси ва укилишига дойр ко и/т а топдилар: «Дархакикат, «хе» ва «ё» уртасидаги «вов» укилмае экан. Сузни «хай» деб укиш керак экан» дедилар.

1974 йилда Аваз асарларини Шаркшунослик институтга кулёмалар фондидан фойдаланиб, кутуб- хонада кучириб утирган эдим. Бир сузни укиёлмай кийналдим. Нима килиш керак? Икки йул бор: кулёмани кутариб ё каталог булимга домла Абдулла Носиров хузурларига кириб укитиш ёки ён- гинамда кулёмга укиб утирган америкалик хонимга мурожаат этиш. Маргарита Фери - Мичиган университетидан ТошДУнинг узбек адабиёти кафедра- сига жунатилган стажер эди. У киши билан бир неча марта хамсухбат булганмиз. Мен якин йулни ган л ад им. У кил маган суз жойлашган мисрани Фери хонимга курсатиб, кумак сурадим. У киши уша мисрани хеч бир кийналмай текис укиб кетди. Мен укиёлмаган суз «санж» эди...

Профессор А. Рустамов узини Порсо Шамсиев билан киёслашга уринган. Макола муаллифининг туБма камтарлиги унинг куйидаги фикридан били- ниб туради: «Агар Порсо Шамсиевнинг ишини унинг шароитида мен килганимда ундан купрок хатога йул куйган булур эдим». Бу гап олимнинг устоз хо- гираси олдидаги камтарлиги намоишидир. Аслида эса, кайсар фактлар шуни курсатадики, улуБ устоз |<азоларидан ун йилдан ортик вақт утгандан сунгги, кечаги нашрларда А.Рустамов узини киёслаган ки- шидан купрок хатога йул куйган.

Эсимда, 70-йилларнинг охирида Хамид Сулаймо- нов Алибек Рустамовдан Хофиз Хоразмий девони матнини, мандан «Хазойин ул-маоний» девонларининг матнини тахрир килиб беришимизни сураган эдилар. Иккимиз хам юкланган вазифани бахоли кудрат бажарган эдик. **А. Рустамов хизматлари**

сингган Хофиз Хоразмий «Девон»и икки жилдда оммалаштирилди. Бундан илгарирок, «Хофиз Хоразмий шеъриятидан» китоби ҳам олам юзини курди.

Камина юкоридаги нашрларни куриб, Хамид Сулаймоннинг матн устида ишлаш усули менга таниш булганлигидан, ушбу китобларда негадир А.Рустамовнинг кулини курмадим, деб афсусланган эдим. Афсуски, мен курган нарсамни, курмадим деб уйлаган эканман. Хофиз Хоразмий асарлари нашри- даги ва Атоуллох, Хусайнийнинг «Бадое ус-саноеъ» (таржимон Алибек Рустамов) таржимасидаги унлаб матний хатолар матншунослик жонкуяри булган оли- мимизнинг бу сохадаги нуксонларини ошкор килиб куйди.

Одатда нур билан соя, кун ва тун карама-карши куйилади. А.Рустамов Порсохон Шамсиев билан ме- нинг исмимни эслатишда ана шу усулни куллаган. Агар мен матн кучириш сохасида П.Шамсиев кнлган ишларга якин бирор хизмат кнлган булсам, меним- ча, бу уша буюк олим матншунослик мактабининг таълими натижаси, А. Рустамов сингари фанимиз захматкашлари асарларининг мутолааси натижаси, айти пайтда матншуносликнинг навбатдаги бугиини, холос. Бу сохада мукамаллик даъвом йук. Биргина армоним: мумтоз меросимиз мумтозлик савиясини сакласин; бунга нисбатан хурматсизлик кнлинмасин, матн хатоларига йул куйиб, мумтоз шоирларнинг юзлари бизнинг нуксонларимиз туфайли шувит булмасин.

Профессор Алибек Рустамов ёзади: «Вахоб Рахмо- нов узининг танкидий маколалари билан узбек матн- чилиги учуй фойдали иш килди. Бунинг учун унга рахмат. **Аммо узининг х,ам принципиал ах;амиятга молик жиддий камчиликлари булиб,** уларни курсатиб утиш асосий максадимиз - узбек матншунослигимиз- нинг сифатини яхшилаш учун мухимдир».

«Матншунослигимиздаги муксонлар» сарлавхаси остидаги икки йирик маколани синчиклаб укиб, мен узим йул куйган, домла фикрича «жид- дий хатолар»ни урганиб чивдим. Уларни йиБсак куйидагилар булади: улдуройин - улдурайин, куй- дуройин - куйдурайин, зори - зорий, рузи - рузий, кокил - кокул, нозик - нозук, укба — акаба, суво - сиво, тавозеъ - тавозуъ, иддао - иддио, илхон - алхон, Зикриё - Закариё, мажмар - мижмар, шу- крилиллах ~ шукр лиллах, холвайтар - халвой тар. Ушбу мисолларнинг биринчилари меники, иккин- чилари домла истаган вариантлар. Маколадаги «халвой тар» хакддаги даъвога тан бераман. Биз бу хаада Машраб асарларини нашрга тайёрлашда хам уйлаб курганмиз. Холвайтаримиз «халвой тар »дан келиб чивдани учун, Машраб асарларида халк, лек- сикаси устунлиги учун бизга уша вариант маъкул тушган эди. Аммо 15 та мисолнинг 14 тасида маъ- нога путур етган жиддий хатони мен курмайман. Менинг тушунчамдаги **жиддий матний хатолар, би- ринчи навбатда, матнчи айби билан матн бузилса; образга шикает етса; нашр маънавий дунёси пой- мол этилса, яъни шоирнинг гоъвий-эстетик караш бузиб курсатилса... ушанда руй беради.** Айтайлик:

*Эй Навоий, гар вафосиз чиқди ул Султон Хусайн,
Топдинг элдинким тиларсен эмди султондин вафо.*

(Алишер Навоий шеърятидан, 1974, 30-бет)

Укувчи: Навоий Султон Хусайнни аямаган экан, уни вафосиз, деб хдкорат килган экан, деган фикрга боради. Афсуски, бу фикр Навоий маънавий дунёсига ноҳак хужум, шоир эътиқодини бузиб курсатишдир. Бу байт «Илк девон »нинг 14 а саҳифасида берил- ган. Мана Навоий ёзган турри вариант:

*Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони хусайн,
Топтинг элдинким тиларсен эмди султондин вафо.*

«Илк девон» 1465 йили тузилган. Борди-ю, бу шеър уша йили ёзилган булса ҳам, Хусайннинг Султон Хусайн булишига хали турт йил бор эди. Байтдаги султони хусн эса, гузаллар шохи, энг су- лув киз эди.

Матншуноснинг ожизлиги шундаки, «султони хусн» сузини «Султон Хусайн» деб укиган. Фикрни бузиб курсатиши шундаки, аслида Навоий Хусайн Бойкарони танкид килмаган. Маълумки, араб ёзуви- да хозирги ёзувимиздагидек бош ва кичик хдрфлар йук. Араб ёзувининг хусусияти - матнни маъно-маз- мунига караб укиб боришдир. «Султони хусн» ва «Султон Хусайн» ёзувда шаклан ухшайди. Факат бир мухим тафовут «хусн» ва «Хусайн» сузларини «ё» харфига караб фарклардир. Ношир «хусн»ни «Хусайн» тарзида укиш мумкин эмаслиги, сузда «ё» (й)ни ифодаловчи остки икки нукта йуклиги билан хисоблашмаган.

Яна бир жиддий хато - Навоий ва Султон Хусайн муносабатлари тарихини билмаслик билан изохлади. Навоийнинг шу даражага кутарилишида, узбек тилининг давлат тили ва адабиёт тили дара- жасига етишида Хусайн Бойкаронинг мухим хизма- ти борлигини матнчи билиши лозим эди. Крлаверса, «Хазойин ул-маоний»нинг турттала девони Хусайн Бойкарога баришлангани, китоб мухаррири ҳам Султон Хусайн булганлигини уйлаб куриш керак эди. Шундай мулохаза юритилса эди, ушандай эхтиётсиз фикрлар Навоийга нисбат берилмаган булар эди.

Ёки, Бобурнинг «Мухтасар»ида Навоийдан бир байт куйидагича келтирилган:

*Истамасанг, эсламасанг бизни,
Мен уярам йўлуиғ уза изни.*

(«Мухтасар», «ФАН», 1971, 100-бет) 250

Мен умримда биринчи марта узбек мумтоз адаби-
ётида касоскор ошик пуписаларини эшитаяпман. Но- илож
«Мезон ул-авзон»ни очдим ва «Мухтасар»нинг факсимил
нашрига киёсладим. Хайхот, хар иккала нусхада хам:

*Истамасанг, эсламасанг бизни,
Мен **упарам** йулдунг уза изни*

деб битилган эди.

Демак, ошик касоскор эмас экан, фидойи экан. Бундай
калтис, «бошкача» укишнинг сабаби нима- да? Нега
матнчи бу нусхани ишончли деб топган? Бу хато араб
ёзуви нозикликлари билан изохланади. «Я» ёки «ё» араб
ёзувида зердаги (остки) икки нукта билан, «п» эса остки уч
нукта билан бери- лади. Нукталар саногии матнчини кийнаб
куйган. Ноширнинг кечирилмас хатоси шундаки, узича:
«Бу касоскор ошик ким? Нега бундай демокда? Навоий
«Мезон ул-авзон»ига бир карай, бу байт ушанда
йукмикан?» деган мулохазаларга якин йуламаган. Байт
кисматига, маъно такдирига кизикмаган. На- тижанда, у луг
дахо лирик кахрамонига нисбатан **калтис тухмат**
ёпиштирилган. Фидойи ва сад окат ли, камтар, камсукум
ошик урнига ярамас, касоскор ошик укувчиларга манзур
этилган. Оддий китобхон «уйиш»нинг салбий маъносини,
«упиш»нинг ижобий маъносини фарк эта олади-ку?
Матнчи буни фарк этолмаса, укувчини чалБитса. Навоийни
китобхон на- зариди бибурд килса. Бунака хатони кандай
тасниф килмок керак? Ёки Хофиз Хоразмий «Девон»ига
бокайлик:

*Куз тегмасун ул ой бикин юзина тею,
Ут устида хол **сипами** булди сипанди.*

(1027-газал)

Нега «холи сиях» «хол сипахи» тарзида укилди? Бунинг боиси «п» ва «ё» (я) харфларининг арабча ифодада ухшашлигидир. Чунки «и» уч нукта зер билан, «ё» эса икки нукта зер билан ифодалана- ди. Эски кулёмаларда купинча нукталар санорига ахамият берилмайди. Учта урнига ҳам битта, ёки иккита урнига ҳам битта нукта к,уйиб кетилаверади. Чунки котиб укувчини малакали китобхон деб та- саввур килади. **Матнчиларимизнинг купид абжадхон эканлиги унинг аклига сигмайди.** Мен муболара килаётганим йук: купчилигимиз абжадхон, яъни алифбо укийдиган рур матнчилармиз. Харфларнинг шаклинн курамиз-у, бир харфнинг турт-беш товуш нфодасига хизмат килишини хамиша ҳам ёдимиз- да тутмаймиз ёки матнни укиш пайтида шу би- лимимизни тадбик этолмаймиз. Крлаверса, маъно билан хисоблашмаймиз. Нега энди «хол сипахи» булди? Хол лашкари ҳам буладими, бу мантикан турри эмас-ку? дея шубхаланиб курмаймиз, матн хакикатини изламаймиз. Хол лашкари - хол сипахи нима демак? Маъшука юзида хол лашкари булса, у гузал буладими ёки алвастидай хунуклашадими? Хофиз Хоразмий куйидагидек битган эди:

*Куз тегмасун ул ой бикин юзина тею,
Ут устида холи сиях;и булди сипанди.*

Мазмуни: унинг ойдай юзига куз тегмасин учун унинг кора холи утга ташланган исирикдир. ТТТоир «холи сияхи», яъни кора холи десаю, матнчи «хол сипахи» - хол лашкарини бизга такдим этса, мазмун холи не кечади? «Сиёх» ~ кора булса, «сипох» лаш- кар булса. Бу икки сузнинг узаро канака якинлиги булиши мумкин?

Бошка бир китобда шу жараённинг акси булган: нашрга тайёрловчилар «сипах» сузини «сиях» тарзида укиб юборганлар:

*Икки тарафдан курубон икки шох;
Буйла уюн цилганин ах;ли сие%.*

(Нишотий, «Хусн ва дил, Лирика», 1967, 228-бет)

Мен жиддий хатолар деганда ана шу хилдаги хатоликларни назарда тутаман.

Матндаги имло масаласида профессор А.Рустамовнинг куйидаги фикрларига кушилмайман:

биринчидан, олим «имон» эмас-у, «иймон», «рузи» эмас-у, «рузий», «рози» эмас-у, «розий» деб ёзинг, дея талаб қилади. Бу - мумтоз адабиёт сузлигини бузишга тарриб қилишдир. Агар буни ук,иш усули дейдиган булсак, араб кишисининг узбекча сузларни бузиб талаффуз қилишини эслатади. Бу таклиф тил тарихига эътибор бермаслик, сузлар талаффузини қийинлаштиришга сунъий зурма-зураки уринишдан бошқа нарса эмас;

иккинчидан, А.Рустамов таклифига мувофик, биз энди «Лайли ва Мажнун» эмас, балки арабча талаффузга мувофик «Лайлову Мажнун» дейишимиз лозим. Тилнинг тарихий тараккиёти билан ҳисоб-лашмаслик, илм ахлида урф булган аънанани мен-симаслик эмасми бу? Бу таклиф дам очикчасига педантизм, колаверса, илмдаги ута консерватизмдир;

учинчидан, имло қоидаларига ҳилоф равишда А.Рустамов изофани дефис орқали ифодалаш ҳақидаги мақоласи билан «Бадое ус-саноеъ» китоби, Хофиз Хоразмий асарлари нашри ҳамда узининг «Навоийнинг бадиий маҳорати» китобида жорий этди. Олим билиши керакки, имло қоидаси мутахассислар томонидан тузилиб, Ўзбекистан Вазирлар маҳкамаси тасдигидан сунггина қучга қиришга ҳақли. Изофадан илгари дефис жорий қилиш илмга ҳилоф ишдир. Бунинг асослари куйидагилар:

а) изофадан илгари дефис қуйиш сузни уқишни қийинлаштиради;

б) бир белгини нюха к ортикча ишлатишга маж- бур килади;

в) амалдаги имловий коидани бузади;

Ана шу уч асосга кура, изофани дефис билан ажратиш илмий хатодир. Баъзи олимлар улурлар фикрларига суянишни яхши курадилар. А.Рустамовнинг бу масалада узимиздаги анъанага эътибор бермай, кулай ёки нокулайлигини хисобга олмай, рус олимларининг тажрибасига таяниши, бизнингча, унча- лик маъкул иш эмас. А. Рустамов ёзади: «Жахон шаркшунослари буни дефис билан ажратиб ёзади- лар: «Гулшан-и асрор» (Е.Э.Бертельс, «Навой», 35-бет); «Зафар-нама-и Тимури» (шу китоб, 31-бет); «Садд-и Искандари», (А.К.Боровков, «Бада-и ал- лугат», 36-бет); «Китоб-и-лугат-и **атракийя**» (шу китоб, шу саҳифа)».

Уқувчи сезиб турибдики, рус олимлари уз тилларидаги транслитерацияда талаффуз аниқлигини саклаш учун шундай қилишган. Бизнинг тилимиз хусусиятига кура, уша асарларни «Гулшани асрор», «Зафарномаи Темури», «Садди Искандарий», «Кито- би лурати атрокия» тарзида дефиссиз ёзиш ва уқиш қулайдир. Уқувчимиз иккала вариантларни уқиб қуриб бунга қаноат ҳосил қил ад и, деб уйлайман;

туртинчидан, узбек мумтоз адабиётида «каби», «сингари», «симон» маъноларини ифодаловчи «уйла» сузини мақола муаллифи «айла» тарзида ишлатишни таклиф қилади. Унингча бунга асос қуйидагича: «Чунки ҳозирги турк тилида мазкур суз «уйла» шаклини олган, лекин эски лубатларда «айла», туркман тилида «эйла»дир».

Бизнингча, «Хамса»да Порсо Шамсиев ишлатган «уйла» варианты тугридир. Негаки, А.Рустамов так- лифига амал қилиб «айла» деб ифодаласак, унинг маъноси «қилмок» сузига қучиб, матндан қутилган мақсад, фикр юзага чикмай қолади. Уқувчи матнни

тушунишда кийналади, холос. Эски лугатга суяниб урф холига келган суз шаклини бузишга, укувчини чалБитишга хожат борми? Менимча, йук.

Маколада каминага жуда катта урин ажратил- ган. Муаллиф мен ва хамкоримпи матнни, суз маъ- ноларини тушунмасликда айблайди: «Гил билими етарли булмаган баъзи ёш матнчилар сузларнинг харакатини, яъни киска унлиларни турри аниклай олмайдилар. Масалан, В.Рахмонов ва К.Исроилов Машраб «Девон»ида «кокул»ни «кокил» деб хато кучирганлар. Ёш матнчиларга хос яна бир камчилик умуман матн ва хусусан сузларнинг маъно томонига эътибор бермасликдир...».

Иктибосни вақтипча тухтатиб, уша фикрдаги даъ- воларни энди А. Рустамов фаолиятига тадбик, к;илиб курайликчи, етук матншунослар «умуман матннинг, хусусан сузларнинг маъно томонига» нечоғлик ахамият берар эканлар?

*Хумойвор цапоъат куну **карам** бигзор,
Ки дар рамаъ нахурий х, амчу каргасон мурдор.*

«Бадое ус-саноеъ» китобидан (50-бет) келтирил- ган ушбу байтнинг «карам» сузи урнида «карм» сузи бор эди. Карам - саховат, бахшиш маънола- рини берса, «карм» - гуштга булган кучли иштаха маъносини ифодалайди. «Карам» ва «карм» сузлари маъноларини фаркламасликни жиддий нуксон десак мумкиндир?

Уша китобнинг 75-бетида «хизабросо» сузи «хиз- баросо», «Рустами Достой» номи «Рустами дастон» тарзида хато берилган. Агар «дастон» сузи маъно- сига боксак. «куллар»дир; холбуки матнда Золнинг лакаби «Достой» деб кайд этилган... Ёки:

*Дайруз зи жаври золиме бадгавх;ар,
Афгон кардам пеши амини кишвар.*

(Уша китоб, 197-бет)

Матндаги «дайруз» хато укилган. Дай - кишнинг энг кахратон совук, ойининг номи; руз - кун, кун- дуздир. Муаллиф «дируз», яъни «тунов куни» де- ган эди. Тунов кун билан кишнинг бир кахратон куни орасида маъновий фарк бор.

Энди А.Рустамовнинг узбекча матнларнинг, ху- сусан, Алишер Навоий асарлари матнини нечоғлик идрок этганликларини кузатайлик:

*Сен гумон цилгаидин узга жому май мавжуд эрур, Билмайин
нафъ этма бу майхона ах;лин, зох;идо.*

Бу мисолни А.Рустамовнинг «Навоийнинг бадий махорати» китобидан (56-бет) келтирдик. Матндаги иккинчи мисрада «нафъ» сузи хато укилгани учун мазмун йукка чиккаи. Чунки «нафъ» - фойда дега- ни. Шоир эса, бу суз урнида «нафй» - рад этмок, инкор этмок маъноларидаги сузни куллаган эди. Бу - жиддий хато хисоблаиади.

Шу китобнинг 58-бетидаги мисрани карайлик:

Порсолиц йцки, ушбу худнамолигдин халос.

Навоий «ушбу» эмас, «ужбу» деб ёзган эди. «Ушбу» сузининг маъноси барчага маълум. «Ужб» эса, кибр, манманликдир. Демак, матннинг маъно- мазмуни бузилган.

Яна укиймиз:

*Решалар куксумда кур, Фарх;од бах,син цуйким, у
К,азмади мендек бало тотни тирноги била.*

(101-бет)

«Решалар куксумда кур» нимаси? Мазмуни: Куксимдаги томирларни кургин. К,ани мантик? Навоий «решлар» - яралар, жарохатлар деган эди-ку! Реша каердаю, реш каерда! Мисоллардан шундай хулоса- га келиш мумкинки, А.Рустамов бопща матнчиларга

тавсия ва курсатмалар берса-да, матн билан муно- сабатда узи куплаб матний хатоларга йул куйган. Муаллиф уз маколasiда Бедилнинг «Билмагандан чала билган хавфлирок» деган хикматини кашф эт- ган. Менимча, билиб туриб уни килмаганнинг иши яхши эмас.

Кези келганда тасодифий бир нуксонни тузатиб кетайлик. А.Рустамов «тору пуд» суз бирикмасини «арк,ОҒу эшкак» тарзида таржима килган. Менимча, эшкак кайивда булади. Биз, узбеклар, «тору пуд»ни «арк,ОБу уриш» деймиз.

Профессор Алибек Рустамов Хамид Сулаймонов номини тилга олганда устод деган. Бу олий хурмат ифодаси, албатта. Аммо шу уринда бир нарсани эс- латиб утишга тугри келади.

Хламид Сулаймон бу кишидан Хофиз Хоразмий асарлари матнини хатолардан холи холда нашрга тайёрлашда кумак сураган эдилар. Шогирд устодга садокат билан хизмат кнлиши ва унинг ишончини оклаши керак эди. Агар шундай булганида эди, Хофиз Хоразмий девонида юзлаб мазмунга зарар етказувчи хатоларга йул куйилмаган буларди.

А. Рустамов матнга кучи етганча тузатишлар, тахрирлар киритган. Кучи етмаганига, ростини айт- ганда, у айбдор эмас. Чунки билмаслик гунох эмас. Аммо у кишининг гунохи шундаки: «Кучи етадиган одам тахрир килсии» деган мар дона таклифни но- ширлар олдига куёлмаган.

Хофиз Хоразмий номини элга овоза килган киши- лар унинг номини оёкости килаётганликларини нега пайкамайдилар? Шоирнинг матнини бузиб китобини чикаргандан кура, чикармаган маъкул-ку! Китобхон- га вайсаган, телба шоир эмас, мумтоз шоир керак. Хофиз Хоразмий - мумтоз шоир. Аммо нашрга кура у вазндан беҳабар, кофия илмидан бахрасиз,

телбаларча фикр юритадиган бир кимса киефасида намоён булади.

Чумчук, суйса хам кассоб суйсин. Матнни матн- шунос тайёрласин.

Матншунослик истикболига ачинувчи кишилар матн танкидчилигига хисса кушей нлар. Яъни чиккан асарларга вакти-вакти билан матний нуктаи назардан бахо берсинлар. Юзлаб матний хато билан босилган китобга муътадил холат, деб куяколмай, танкидий муносабатда булайлик. У ёки бу кулёзма трансли- терацияси амалга оширилар экан, нашриётга топ- ширмасдан олдин бир неча карра такризлаштириш ва ишончли матншуносларни масъул мухаррирлигаса тавсия этмок зарур. Кези келганда масъул мухаррирлик тушунчаси шунчаки китоб безаги тарзида каралмаслиги, масъул мухаррир матнчи-ношир каби масъулият сезиб, хар бир миерани синчиклаб назардан утказиши лозимлигини таъкидлашга тугри келади.

Менимча, мумтоз нашрларимиз кайси нашриёт- дан чикишидан катъи назар, унга нашриёт мухар- рирининг узигина масъул булиши мумкин эмас. Олий маълумотли, турли сохаларга оид китобларга мухаррирлик килувчи киши мумтоз адабиёт сирлари- ни, матн нозикликларини каердан билсин? Чунончи, Хофиз Хоразмий «Девон»и мухарририга келайлик. Талъатжон Абдуллаев - ажойиб йигит, дилкаш ин- сон. Аммо у кечагина университет партасидан туриб келган. Мен унинг журъатига койил колдим. Мен узим тушунмаган матнга мухаррирлик килмаган бу лар дим. У киши бемалол ботинган! Юракли, аммо матншунослик билими булмаган кишининг мумтоз матнга мухаррирлик килишга хакки йук-

2. Матн жумбоклари

Ушбу мақолада айрим матний нуксонлар дақида баҳас юритамиз. Матн хатолари боят куплиги туфай- ли уларни узига хос тасниф киламиз, яъни матн- чи билиши зарур булган масалалар баҳсида матн жарохатларини очиш ва даволаш билан шугулланиб курамиз. Аник мисолларга мурожаат этишда нашрга тайёрловчилар номларини курсатиб утирмаймиз. Чун- ки бизнинг мақсадимиз матнчи хизматини ерга уриш ёки жамоатчилик олдида уларни хижолат қилиш эмас. Биз қай/1, этадиган нуксонларга купчилик матнчилар, жумладан, ушбу сатрлар муаллифи ҳам йул қуйган. И ложи борица энг куп хатоларга йул қуйилган китобларга мурожаат этамиз.

Матншунослик нима дегани? Матншунослик (текстология)ни кенг китобхонлар оммаси узбек тилида битилган араб ёзувидаги китобни туБри укиб, амалдаги ёзувга туБри қучириш ҳақидаги фан тарзида тушунсалар туБри булади. Таърифимиздан қуриниб турибдики, биз матншуносликни тор маънодагина назарда тутмоқдамиз. Фан булгандан кейин бунинг маълум илмий асослари ҳам булади. Матншунослик- нинг методологик асоси фалсафий билиш назария- сидир. Билиш назариясидан воқиф булмаган киши матншунослик ва унинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга булолмайди. Бу соф методологик масаладир.

Фалсафанинг билиш назариясига мувофиқ ҳар қандай кулёзма ёки нашр этилган китобни тугри у Киш, қучириш ва англаш мумкин. Ана шу методологик фикр матншунослик асосида ётади, яъни матн тайёрлайдиган киши кулёзмани турри уқишга маж- бурдир. Буни унинг вазифаси, қотиблиги ва олим- лиги тақозо этади.

Матн нуксонларининг чек чегараси борми? Мен кейинги ун бир йил ичида қиришиб, узбек

мумтоз адабиёти намуналарининг асосий қисмини уқиб, тахрир қилишга, и ложи борларини асл нусха- га қисслаб қуришга, нуксонлар қуламини урганишга ҳаракат қилиб қурдим. Матннинг асл нусхасини тополмаган тақдиримда матнни (гай ёки мисрани) араб ёзувида ифодалаб, матнчи хатосини тахминий тахрир билан тузатишга уриндим. Ушбу қупчилик назарида илмий булмаган «тасодифий» усулнинг моҳиятини ҳам ёритай:

Айтайлик, мана хозир Огахий «Асарлар»ининг биричи жилдийи мутолаа қилиб утирибман. Қуз унгимда қуйидаги байт турибди:

*Май хаста офият отидин то йиқилмишам,
Болиним узра лутфи самандини сурмадинг.*

(317-бет)

Бу байтни анча-мунча матнчи асл нусхага бокмай тузатишга ботинмаса керак. Мен узим учун байт мазмуни ва мантигидан келиб чиқиб қуйидагича тахрир қилдим. Чунки май хаста булмайди, «мен» хаста бу лишим мумкин:

*Ман хаста офият отидин то йиқилмишам,
Болиним узра лутф самандини сурмадинг.*

Нега шундай қилдим? «Ман» ва «май» сузла- рининг араб ёзувидаги жуда ухшашликларига таян- дим. Ношир «ё»ни «нун» тарзида уқиган булиши мумкин. «Лутфи» сузи вазнга сигмайди. Шунинг учун «и» ортикчалигини вазн «қулогимга айт- ди». «Сурмадинг» ва «сурмадинг» масаласига кел- сак, бу сузларнинг ёзилиши бир хилдир. Қ,айси суз уринли эканлигини билиш учун мазмун ва мантикдан баҳраманд булиши керак, холос. Ахир уйлаб қуринг: май хаста булиб қолиши мумкинми? Саманд (от)ни суриб буладими?

Яна бир мисолга мурожаат этайлик: Аваз «Ган-ланган асарлар»нинг 1956 йилги нашридан куйидаги байтни укиб курайлик:

*Бех,иммат элдин яхишироц эрмиш эшагу гову х,имор,
Йуц эрса кимнинг х,иммати - албатта йуцдур иззати.*

(45-бет)

Матннинг биринчи мисрасида икки иуксон бор: вазн бузук, х;амда маъно тавтологияси (такрори) хукм сурмокда. «Эшагу» сузи вазнга сигмайди. К,изиги шундаки, Мадраса тахсилени курган, араб тили-ни биладиган Аваз «эшак» ва «химор» сузларини бир каторда ишлатган. Холбуки, дар иккиси хам эшак маъносини беради. Нега бундай булган? Аваз вазн ва араб тилидан хабардор эди-ку? Афтидан кулэзмадаги «саг» сузининг биринчи харфини матн-чи «ш» деб укиган-у, «шаг» дегач, «э»ни узидан кушишга мажбур булган. Аваз бундай деб ёзган эди:

Бецимнат элдин яхишироц эрмиш сагу гову х,имор.

Мазмуни: химматсиз одамлардан кура ит, корамол ва эшак афзалдир.

Ушбу талкинда вазн согломлашди, маъно тавтологияси бархам тоиди, шоирона мазмун юзага чикди.

Тан олиш керакки, бу тахминий укишларни мен илмий матншунослик билан аралаштирмокчи эмас-ман. Матнчи кайси матнга даъво килса, кулэзмага - асл нусхага бокиши лозим. Борди-ю, кулэзмадаги матн мазмунан шоирона булмаса-чи? Матнчи хак булиб чикадими? Йук. Матншунос мазмун, поэтикага суяниб тахрир килади ва тузук маъно чикаролмаसा, шу матн ифодаланган бошка кулэзма ёки нашрларга мурожаат этади. Матншунослик котиб саводсизлиги туфайли мумтоз матнни бузиш мумкин, деб хеч кимга кулланма берган эмас, бермайди хам. Матн-

шунослик - умумфилологик фан, дедик. Бу дега- ни, матншуноса тилшунос ва адабиётшунос бил ими хамда анча-мунча шоирона интуиция хам булиши керак.

Мумтоз меросимиз нашрларини укиб, урганиб шундай хулосага келдимки, куплаб шоирларимиз асарларининг нашри ачинарли ахволда экан. Хдр бир китобда камида юзтагача, купида икки мингга як,ин матний хатоликлар бор экан... Укувчилар ке- йингиларини «Ахир бу брак-ку?» дейишлари мум- кин. К,изиби шундаки, бирор матншунос олим бу са- волни узига ёки бошкага бериб курмаган... Шунинг учун хам матншунослигимиз хакида ёш фан, колок соха деб очик айтишга мажбур булмокдамиз. Ай- римлар, бу нуксонлар матншунослигимизнинг уму- мий ахволи билан изохланади, деб уйлайдилар. Биз- да умуман матн танкиди йук, деб очик айтсак турри булади. Шунинг учун хам менинг бир-икки маколам ёз пайтидаги момакалдирокдек матншуносларга хуш ёкмади. Мен бош касаллигимизни узбек адабиёти мутахассисларининг умумий савиясида деб биламан. Соблом киши паловни беш фоизи ола, беш фоизи курмак, беш фоизи тош аралаш гуручдан пишириб емайди. Афсуски, нашр этилаётган мумтоз адабиёт иамуналари ана шундай гуручдан пиширилган ошга ухшайди. Х,еч кимнинг тиши сингани ёки оншозони ОБриб колганидан шикояти йук---

Хар бир соха вакили уз иши учун канчалик масъул булса, мумтоз адабиёт мутахассиси хам мумтоз матн такдири учун шунчалик масъулдир.

Афсус билан айтиш керакки, беш жилдлик «Узбек адабиёти тарихи» китобида мумтоз адабиёт намуналаридан келтирилган матнларнинг анча кисми тахрирталабдир. Кдранг-а, шундай академик нашрда Алишер Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» касидасига Хусайн Бойкаронинг берган бахоси тескари талкин

килиган: «Султон Хусайн Бойкаро бу кдсидани укиб, унда «салтанат тарикининг нафи вокеъ булубтур» деган фикрини айтади». (2-жилд, 191-бет). Матнга ишонсак, гуё шоир шохлик йулини мактаб, нафини ёклаб чиккан эмиш. Аслида эса, Хусайн Бойкаро турри бахо берган: «салтанат тарикининг нафйи вокеъ булубтур», яъни салтанат йули инкор килинибди, ганк,ид килинибди, деган эди.

Икки хил матний хатоликлар. Матн хатоларини шартли равишда икки хилга ажратамиз. **Биринчи хил хатолар кулёма котибининг айби билан со- дир килинади.** Нашрга тайёрловчи узи таянган нус- хани тубри укийди, ammo матннинг узи котиб йул куйган хатоликлар туфайли ишончсиз булади. Киб- риё Кдххорова Машраб девонидаги ана шу типдаги хатоликларни жуда тубри танкид килган: «Балати томои шундаки, матнда кетган хатоларнинг хамма- си «Девон» нашрида уз аксини тоиган...» Биз нашрга тайёрловчилар, баъзи бир шеърларни бир ёки икки нусхадаги кулёзмагагина киёсан кучириб жид- дий матний хатоликларга йул куйганмиз. Бизнинг айбимиз шундаки, уша матнларни бошка нусхаларга кайта-кайта киёслаб чикмаганмиз.

Иккинчи хил хатоликлар эса, ас л нусханинг Узини турри укимаслик туфайли руй беради. Хофиз Хоразмий асарлари нашридаги хатоликлар ана шу иккинчи хилга мансубдир. Куюнчак матншунос К. Каххорованинг Хофиз Хоразмий асарлари котиби хдкидаги мулохазалари турри эмас: «Хавас билан ■ Девон»ни вараклашга тушдим. Кузимга галати- ралати сузлар ташлана бошлади. «Девон»ни уз накгида форс-тожик сузларига тушунмайдиган, аруз иазини билмайдиган мирзо кучирганлиги тобора рлвшан булди» («УзАС», 1982, 38-сон). Шу фикр- п и и г бошкача талкинини бир укутувчидан эшитган :>дим: «Хофиз Хоразмий вазн ва кофиядан беҳабар

хаваскор шоир экан» деган эди у. Ушбу иккала мулоҳазанинг хатолиги шундаки, Хофиз Хоразмий «Девон»и профессионал котиб томонидан бехато кучирилган. Хозирги икки таассурот матннинг нашр этилган нусхаси асосидадир. Бу котибнинг кули эмас. Бу хат нашрга тайёрловчилар ва уларнинг муҳаррирлари ҳамда нашриёт муҳаррирининг кулларидир. Аниқрори, узбек матнчиларининг хозирги кулидир. Бу типдаги хатоликлар матншуносликдаги асосий хатоликларни ташкил этади.

Ана шундай иккинчи хил хатоликлар нисбатан хавфлироқдир. Негаки улар турри китобни нотурри талкин қилишга олиб келади.

Матний хато ва унификацияга муҳтож хатолар. Матн хатолари мазмуни бузилганда руй беради. Улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- турдош ва атокли отлар фарқ қилинмайди, яъни турдош от атокли от сифатида ва аксинча, атокли от турдош от тарзида ёзилади;

- бир суз бошқа маънодаги сузга алмаштирилади;

- сузни нотурри уқиш орқасида луратда йук сузлар китобларда учраб қолади;

- бир суз иккига бўлинади ёки аксинча икки суз бир суз холида ёзилади;

- бирор ҳарфни нотурри уқиш тўғайли суз маъноси тесқари бўлади;

- суз нотурри уқилиб, шеърнинг қофия ва радиф тизими бузилади;

- баъзан мисра турри уқилмасдан кучирилади (матндан ҳеч нарса тушуниб бўлмайди);

Бундай нуксонларнинг қупи форс-тожик ёки араб тилидан қирган сузларни уқишда юз беради. Хуллас, матний хатолар матн мазмунига зарба беради; фикрни қороняулаштиради ёки тесқари маъно чиқаришга олиб келади.

Унификацияга мухтож сузлар эса, мумтоз матн-ларда ёзилиши хар хил, аммо маъноси бир хил булган сузлардир. Хатто лугатлар хам бу нуксондан кутулолмайдилар. Чунончи, «Навоий асарлари лурати»да хам сузлар унификациясига эътибор бери л маган: илхон, алхон тарзида сузларнинг турли вариантлари берилаверган. Хозирги матншуносли-гимизда куйидаги сузларни унификацияга мухтож сузлар сирасига киритишимиз мумкин: хай-хуй-хуй- ху; асру-усру-осру; асрук-усрук; оре-ори-орий; казла- кизла; райгон-ройгон-роягон-ройгон; санубар-санав- бар-санувбар-санобар; эхтироз-ихтироз; роят-райят- роъят; раият-раийят ва хоказолар.

Шу уринда кайд этишимиз керакки, матншуностанкидчи унификацияга мухтож сузларга эмас, балки матний хатоларга карши ут очиши лозим. Абдукодир Хайитметов ва Кибриё Кдххоровалар матнлардаги жиддий матний хатолар устида тухталишган. Алибек Рустамов эса, матний хатоларга эътибор килмасдан, унификацияга мухтож сузларни хатога йуяверган.

Менимча, унификацияга мухтож сузларга бархам бериш учун тез орада «Эски узбек тилининг имло лубати»ни тузиш зарурдир. Ушан да бир тухтамга келинмаса, укувчи лубатдан фойдаланишда хам кийналади.

Лугатда йук сузлар. Бу канака суз булди, /1,еб сурарсиз. Лугатга кирмай колган энг кийин сузлармикаН? Йук. Матнчилар матни таваккалига укиб, маъно чикариш билан шуБулланмаган, лугат бойлиги етишмаган пайтларда «лугатда йук янги сузлар»ни кашф этадилар. Бундай хатоларга одатда луратни камрок билувчилар йул куядилар. Мумтоз матнларимиз нашрларида бундай сузлар оз эмас. Чунончи Саъдий Шерозий «Гулистон»ида «гуломи халаби» (халаблик кул) сузлари учрайди. «Гулис-

гони бит туркий» вариантда у кий лик: «Бир малик билан тенгиз курмаган бир **жалиб** кул кемага кириб ултурди». Мана «жалиб» сузи пайдо булди. Ёки «Мухтасар»да «баякногах» сузи «пийик нола» тар- зида укилганки, бу хам лугатларда учрамайдиган суздир. Огахий «Асарлар»ининг 2-жилдида «никел» сузи учрайди. Бу антика сузнинг пайдо булиш жа- раёнини кузатиш мароклидир:

Тарк айла тааллуц никел уйлаки цуги.

Бизнингча, бу янги суз босмахона хатоси туфай- ли содир булган техник хато булиши мумкин. Матн кулёмзада куйидагидек эди:

Тарк айла тааллуци, кел уйлаки к,уи...

Лугатда йук янги сузларнинг хавфи шундаки, улар матн мазмунини мутлако бузади; мутахассис- лар бошини котиради, оддий укувчику хеч нарса тушунмайди.

Матншунос нималарни билиши керак? Матнчи ва матншунос тарихий ва хозирги замон тил илми- ни, кадимги ва хозирги замон узбек адабиётини ада- биётшунос даражасида билиши керак. Бунинг устига у поэтиканинг икки йирик тармоги: аруз ва саноеъ (бадий- тасвирий, ифодалилик илми)ни мукаммал билмоби лозим. Матн тайёрлаш - маълум маънода матн устида узига хос илмий-тадқиқот олиб бориш- дир. Ана шу фазилатларни узиди мужассамлаштир- ган кишида узбек адабий тил ига чукур мухаббат, унинг жарангини, таъмини, лаззатини сеза оладиган шоирона мушохада хам керак. Матншунос ва матнчи билиши керак булган масалаларни кисман куза- тиб чикайлик:

Биринчидан, у мумий талаб: матнчи кулёмзани турри ук;ий билиши лозим. Матн хатоларининг кай

даражада ёмон окибатларга олиб келишини бир байтнинг уч варианты кисматидан кузатайлик:

*Эй Навоий, бир лисоцивашга андоғ мен хароб,
Ким унутмишман жах; он Тургай ила Барлосидин.*

(Нишотий, Танланган асарлар, 1960, 54-бет)

*Эй Навоий, бир социйвашга андоқман кабоб,
Ким унутмишман жах, он тархон ила барлосидин.*

(Нишотий, «Хусн ва дил. Лирика», 1967, 422-бет)

*Эй Навоий, пир социйватца андоқ мен хароб,
Ким унутмишмен жах, он тархон ила барлосидин.*

(Алишер Навоий, «Асарлар», 15 жилдлик, 4-ж., 269-бет)

Ана шу уч байтни киёсласак, нафакат сузлараро, хатто байтлараро фарклар дам кузга ташланади. Бу нима деган гаи? Минг таассуфки, ушбу уч нашрда- ги бу байтларнинг бирортаси аслиятга мос эмасдир.

Навоий аслияти куйидагича эди:

*Эй Навоий, бир ясоцивашга андоқ мен хароб,
Ким унутмишмен жақон тархон ила барлосидин.*

Олдинги байтдаги нук, сонларни ажратиб курсат- дик. Биз таклиф дилган садих, байтга озгина изох; беришга туяри келади. Ясоки - ёш навкар. Бир исокдваш - бир ёш навкарга ухшаш, демакдир.

«Лисокиваш» сузига келсак, бу хам «жалиб», «мийик»ларнинг бир куриниши, яъни аслида йук суздир. Биринчи байтни кучиришда ношир «матами суячири» - «барлос»дан фойдаланолмаган.

Барлос» сузини укигани захоти бу сузнинг узбек урурларидан бирининг номи эканлигини билиши па урурлар орасида «Туряй» уруFN йуклигини (>ах,млаши лозим эди. Маъно бузилиши уни безовта кил маган...

Энди Хофиз Хоразмий «Девон»идан Кибриё Кдххорова дахл этиб, охирига етказолмаган байт устида тухталиб утайлик:

*Халца-^алца каманд-и зулфу цадди,
Сар устинда мор и бежондур.*

(«Девон», I китоб, 101-бет)

Байт мазмуни:

Халка-халкд зулфи-ю комати бош устидаги улик илондир.

Кулэзмадаги «Сарв устида мори печондур» мисрасини «Сар устида мори бежондур» тарзида укилиши сабабини изохлаб курайлик. «печон»нинг «бежон» укилишига келсак, бу матнчиларимизнинг тур ли китобларда шу сузнинг узида йул куйилган мингин- чи хатодир. Биз уз вактида «ишкпечон» сузини «ишки бежон» деб укилгани хусусида матбуотда хам чиккан эдик. «П» ва «б» харфларининг шакли араб ёзувида бир хил, фарк шундаки, «б»да зер бир нукта, «и»да зер уч нуктадир, яъни «б»нинг остига бир, «п»нинг остига уч нукта куйилади. Хат- тотлик анъанасига мувофик, китобни идрокли одам укийди, деб котиб битта нукта куяколгани учун олимноширлар «п»ни «б»деб укий колишган. Маъ- лумки, «ч», «ж», «х», «х» товушларининг араб ёзувидаги ифодаси шаклан бир хилдир. Улар узаро зеру забар (остки ва устки нукталар) саногига кура фаркланадилар. «Ч» остидан уч нукта, «ж» остидан бир нукта куйилади. Юкоридаги котиб ишончини нашрга тайёр ловчил ар оклашмаган. Улар бир нукта куйилгани учун «ч» деб эмас, «ж» деб укишган. Натижада «печон» сузини «бежон» деб укиб, маз- мунга унганмас зарба беришган. Матн хатоларини бунака харфлаб изохлаб утириш матншунос учун, унинг илми ва шаъни учун яхши эмас, деган караш

мавжуд. Аммо абжадхонларга ана шунака кумак керак булгандан сунг, ночор шундай килишга маж- бур булдик. Энди мисрани мазмун томондан тахлил килайлик.

Иккинчи мисранинг мазмуни: Бош устидаги улик илондир.

Мумтоз адабиётимизда бундай натуралистик тас- вирни мен хеч қачон учратмаганман. Шоир уз бай- тини курса, қайтадан халок булармиди... Чунки у ёзган эди:

*Х, алца-х; алца каманди зулфу қадди Сарв
устиди мори печондур.*

Байт мазмуни: Гажагингнинг далка-хдлка каманди (сиртмори) сарв дарахтига уралиб ётган илонга ухшайди.

Мумтоз адабиёт мутахассиси биладикки, ёр қадди сарвга, гажаги илонга ухшатилади. Демак, матнни ТуҒрН уқиш учун тилшуносликнинг узи қифоя эмас, балки мумтоз адабиётнинг кенг олампидан хабардор- лик ҳам керак экан.

Иккинчидан, матншунос нафақат филологик би- лимли, айни пайтда теологиядан, яъни дин илми на дин тарихидан ҳам хабардор булиши керак. Шахсан мен Носириддин РабБузийнинг «Қдсаи Рабгузий» (Қ, исса сул анбиё) асарини уқимаган одам матнчи булмаслигини истардим. Чунки унда ислом теологиясининг мумтоз адабиёт учун зарур булган маълумотлари мавжуд. Қуп узокка бормасдан жан- пат ва дузах хақидаги ҳаммага маълум тушунчани олайлик. Мумтоз адабиётимизда «бихишти адн» - олий жаннат, ёки мангу яшаб қолинадиган жаннат дгган тушунча бор. Хофиз Хоразмий «Девон»идаги маълумотга кура бихишт (жаннат) Адан мамлака- гндадир, бироқ бу маълумотга шоир эга эмас эди. Кулёзмада ҳам бундай деб ёзилмаган. Хофиз но-

ширлари вазни тушунганларида эди, «адан» сузи вазнга сиБмаслигини ҳам сезган булардилар.

*Маџому манзилимизни сура келур булса,
Би[^]ишти Адан улур ул дам маџому манзилимиз.*

(425-ваз ал)

Ушбу мисолни тасодиф деб кдрайдиган булсак, ушбу жиддий хатонинг 175-, 374-газалларда такрор-ланганини ҳам эслатишимиз мумкин.

Мухаммад (с.а.в.) замонида унинг ислом хакидаги таълимотига Абу Жахл ва Абу Лахаб деган киши-лар карши чиккан эдилар. Дин тарихига дойр бу маълумотни билмаган киши Абу Жахл исми вазн такозосича Бу Жахл тарзида келса, матн мазмунини уйлаб утирмай исмни турдош отда ифодалаб юбо-риши мумкин:

Бу матнга дойр бизнинг мулохазамиз куйидагича: Ю.Турсунов «котиб бу узакка ихтиёрсиз равишда суз бошида икки нуктани нотурри куйиб юборган ва «ё»йи вахдат «те»га айланиб колган», деб фараз

килади. Холбуки, у биргина нусхага суяниб хулоса чикармоқда, шубхани хакикат даражасига етказиш учун муътабар, қадимий нусхалардан яна бир неч- тасига мурожаат этиш лозим эди. «Лайли ва Маж- нун» матнини нашрга тайёрлашда мен беш нусха «Хамса»ни киёслаб матн тайёрлаганман. Шу байтни эсласам бирор нусхада «ёкайин» варианты учрама- ди. Матншунослик олимнинг тахминига қараб қолса, матн хақиқати синади. Қрлаверса, асар танкидий матни илмий даъво учун масаланинг узил- кесил ечи- ми булиб хисобланади. «Лайли ва Мажнун» илмий- танкидий матни тузган Гулом Каримовнинг 1949 йилда нашр этган «Алишер Навоий «Хамса», «Лайли ва Мажнун» китобининг 56-бетидан қучирамиз:

*Сендин етибон бу шиддат охир,
Қимга тоқойин бу тух^мат охир?!*

Демак, матндаги «тункамоқ» маъносидаги «тоқойин» сузи узи турридир. ЮЛурсунов ёзади: **«Севишганлар учрашуви баёни билан боБлик; яна бир байт ҳам мунозарали. Цалби изтироблар- га тула Қайс нигорига ёниб-қуйиб сузлар экан, қатстщ хаяжон туфайли хушидан кетади. Лайли унинг бошини баррига олиб, юм-юм йирлар экан, қуз ёшлари оширининг юзига оқиб тушарди. Асли- ятда ушбу ҳолат:**

*Қ,уйнига олиб нигор бошин,
Сочиб юзидин юзига ёшин —*

дея ифодаланган». Ю Лурсуновнинг гапини бошқа Қулёзма нусхалар ва илмий матн тасдиқламайди. Муътабар «Хамса»нинг назарда тутилган байти фотонусхасида ҳам даъво қилинган «юзидин» сузи урнида «қузидин» борлигини ҳар қандай қузи очик одам қуради (қаранг: «Лайли ва Мажнун», 1992,

84-бет). К,о л аверса, мен фойдаланган беш нусханинг бирортасида «юзидин», деб ёзилган жойи йўйи<.

Энди Ю.Турсунов маколасининг сарлавҳасига дахлдор байтига келсак:

*Ёш гунчага истамак булиб иш,
Жола тушуб, огзига булур тиш -*

байтини адабиётшунос «Навоий куллиёти»да: «Ёш гунчага **эснамак** бўлуб иш, Жола тушуб, огзига бўлур тиш» тарзида ёзилган, деб даъво кил ад и.

Мен катъий хулоса сифатида асарнинг илмий-танкидий матнидан шу байтни келтираман:

*Ёш гунчага истамак булуб иш,
Жола тушуб огзига булур тиш.*

(52-бет).

Фикран мен матндаги «истамак»нинг «эснамак» бўлишини жуда-жуда истардим. Бирок, Мў-ътабар нусхалардан бирининг фотонусхасида бир нукта тик холатда, икки нукта ёнбош холатдаги бир нукта тарзидадир. Уша тепадаги «т» нуктасини остки «ё» нуктаси билан киёслаб курунг. Айнан бир хил. Мен лупа билан хам роса тикилдим. Бирок Ю.Турсунов фикрига ^шилолмадим.

Шудринг тишга >гхшайдими? Мен **жола** сузини матн мазмуни тақозосича дўл деб ўйладим. Дўл тишга ўхшайди. Насрий баёндаги менинг купол ха- том — «рунча»ии к\иликда ифодалаганим бўлган.

Хуллас, матн хакикати тиклаш учун байт мазмуни бир томондан эмас, олти томондан кузатиб, сунг бир ТўхТаМга келмок лозим.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
2010 йил 30 июль

Матншунослик — заковат ва идрок илми

Матншунослик хакидаги давра сухбатини ўғ^Н- дим-у, 1960 йиллардан буёнги матншуносликка дойр м а к о л ал ар, бахслар бирма-бир ёдимга тушди. Улар - таникли навоийшуносларимиз, бобуршуносларимиз на бахсга уч хамкасбларимиз калам лари махсули эди.

Кишига алам кил ад и: хеч биримиз матншунос- лик ўз^Н нималигини ё тушунмаймиз ё матншунос- /гикнинг биздаги ахволини аник билмаймиз. Нати- жада шурулар даврида хам, хозир хам олимлари- миз «матншуносликнинг фундаментал муаммолари (проблема)»ни байрок килиб олишган.

Х,ой, азизлар! **Матншунослик алифбодан, харф- даи, суздан бошланади. Матншунослик — мумтоз матни Тўрр^Н Укиб, бошка ёзувда Тўрр^н ифода- ланиш илмидир. Бунинг учун эса олим матннинг лохирий (!) маъносини — юзаки (!) мазмунини Тўрр^н идрок этиб, Тўрр^н Кў⁴Нра билсагина етар- лидир. Лекин ана шу даражага иккинчи асрдирки бирор китоб нашрида ета олмаяпмиз: хар бир мумтоз адабиёт нашрида юзлаб хатолар содир бўлмокда.**

Матншуносликдаги таомилдаги хакикат: аввал мумтоз асар илмий-танкидий матни яратилади, сў^Нг унта энг ишончли нусхадан бошка ёзувга СОР лом матнлар Тў^и-ри кўчирилади. Илмий-танкидий матн араб ёзувида бўлади.

Бундан мақсад эса: бу китобдан бошка ёзувда мумтоз асарни хатосиз нашр эттиришдир. Аслида амалиётда шундайми ва бу усул Узини оклаганми?

Кдни бирор у^гур мард олим матбуотга чикиб: «Фалон китоб ў^иа усулда хатосиз нашр этилган!» деб айтсинчи! Айта оладими? Ў^к, албатта.

Илмий-танкидий матн тузганларга номзодлик ва докторлик даражасини беришни таклиф қилаётганлар куйидаги мулоҳазамни эшитсалар буларди:

Билинг, азизларим, илмий матн араб ёзуви- дан араб ёзувига кучирилади. Бунда хато қилиш эҳтимоли оз. Бу катта илм эмас, бу оддий котиб иши. Чунки бир ёзув уша ёзувда қайта кучирилар экан, унда куз катнашади, холос. Шаклдан шакл кучирилади ва унда идрок, зако деярли катнашмайди. Оддий фахм-фаросат илмий матн тузиш учун кифоя қилади.

Араб ёзувидан: хох илмий матн, хох нашр, ход Кулёзмадан бонща ёзувга кучириш - бу мушкул иш. Чунки бунда акл-идрок, зако катнашиб, олим матндаги хар бир суз маъносини зохиран - юзаки тушунмори шарт.

Мисолларга мурожаат этайлик: матншунослиги- мизнинг мумтоз олими - Порсо Шамсиев домла «Хамса» дostonлари илмий матнларини бажардилар. Узлари ва боища олимлар уша илмий нашрлардан Кирилл ёзувида уша асарларни қайта-қайта нашр эттирдилар. Хуш, қайси бир Кирилл ёзувидаги нашр хатосиз - туяри босилди? Йук, бундай булмади. Та- лабчан олим - профессор Абдурашид Абдугафуров Бобур «Девон»ни 1983 йилги Шафика Ёркин наш- ридан кучириб, нашр эттирдилар («Фан» 1994). Натижа кандок булди? Яна юзлаб хатолар содир этилди.

Мухаммадхужаев Хасанхужа яна Шафика Ёркин нашридан Бобур «Девон»ини «Шох ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур» номида 50000 нус- хада нашр эттирдилар («Шарк» 1996). Яна нашр савияси аввалгисидан баттар булди. Уз вақтида мен «УзАС»даги бир маколамда **ушбу нашрдаги Сул- тон Увайс бинни Мах,мудга багишланган биргина разалардаги ун иккита хатони курсатган эдим.**

Шарафиддин Эшонхужаевдай камтар, захматкаш олим «Лисон ут-тайр» илмий-ганкидий матнини яра- тиб, икки маротаба кириллда нашр эттирдилар. Мен Навоий асарлари нашр лари талаб даражасида эмас, деб мулохаза килиб, «Лисон ут-тайр»ни икки маротаба (кирилл ва лотинда) нашрга тайёрладим; «Хамса» дostonларини араб ёзувидан лотин ёзувига кайта утказиб нашр эттирдим.

Давра сухбатыда икки асар илмий матн клас- сикаси деб эътироф этилди. Кононов тузган илмий матн: «Махбуб ул-кулуб» ва Суйима Ганиева яратган «Мажолис ун- нафоис». Камина уша юксак бахога журузовман.

Бирок, уша мумтоз илмий матндан Суйима Ганиева Алишер Навоий «Мукамал асарлар туплами»нинг ун туртинчи жилдида «Махбуб ул-кулуб»ни нашрга тайёраб киритганлар: яна юзлаб хатолар содир этил- ган. Алишер Навоийнинг Мухаммад алайхиссалом хадислари мазмунини кайта-кайта рад этгани балки Суйима Ганиевадай матншунос учун «майда хатолар »дир, мен учун эса, бу хол гунохи азимдир:

*Шах, ултурмас авлодур ул элни бот - Ки
дебдур набий «цтилсо ал-муъзият».*

(16-бет)

Мазмуни: «ПайБамбаримиз «Котил катл этилсин» деганлар. Шох ундай одамларни тез улдирмагани яхширокдир.

Навоий «ултурмак авло» деса-ю, унинг котиби «ултурмас авло» деса, бу кандок булди?

Азизлар! Билайлик, нашрга тайёрланган асарнинг хдр бир харфи учун мухаррир эмас, мусаххих эмас, <|>акат ва факат нашрга тайёрлаган олим масъулдир. Вуни билмаган киши - матншунос эмас.

Яна бир гап: илмий матн араб ёзувида булиши шарт, дейилади илмий таомилда. Бу менимча анча-

йин ножоиз талабдир. Нега дерсиз? Бизда тайёрланган илмий матнлар кискиматини мулохаза килайлик. Хар бир илмий матн минг нухада босилган. Ме- нимча, олтмиш йил давомида уша илмий матнлардан ун-ун беш олим фойдаланган, холос: ё илмий ишда фойдаланган, ё бошка ёзувда нашрга тайёрлаган. 985 таси чанг босиб кутубхоналарда ётибди.

Биздан кура матншуносликда оркарокда юрадиган турк олимлари аллакашонлардан бери илмий матнларни уз лотин ёзувларида тайёрлайдилар, чоп этадилар: барча укийди - олим хам, омма хам. Китоб чанг босиб, кутубхоналарда колиб кетмайди. Мен шундай китоблардан: Бобур «Девон»ининг Би- лол Южел нашрини (1996), Танжу хоним Сейхан тузган Бобурнинг «Мубаййин дар фикх» илмий матнини, Унал Кайа тайёрлаган Алишер Навоий «Фавоид ул-кибар» девони (1996) илмий матнларини курдим. Илмий матн унта олим учун тузиладими? Балки илмий матнларни бундан буён кирилл ва лотин ёзувида тайёрлаш лозимдир.

Бу таклифимга шундай хакли эътирозни кутаман: «Бошка халк олимларига араб ёзуви - аслият ёзуви кулайку?». Бунга жавоб шуки, олим учун ёзув - восита, бошка халк олимлари хам кирилл ва лотинни биладилар. Бунинг гамини емайлик. Чунки улар - олимлар. Матншунослик олим ва оммага баб-баравар хизмат киладиган хикматли илмдир.

Етук матншунос булиш учун иккита талабни бажариш шарт:

- биринчиси, узбек ва форс тилида кирилл ёзувида босилган барча мумтоз адабиёт намуналарини укиб укиб чикиш (хеч булмаса 100 та китобни);

- иккинчиси - заковатли булиш. Иккинчисини биринчи талаб юзага чикаришга кумаклашади. Чунки матншунос матндаги суз маъноси ва гап (байт) мазмунини идрок килмоби зарур.

Бунинг учун эса булажак матншунос узбек, кадимий туркий ва форс тилларини мукамал би-лиши хамда араб тилидан хабардор булиши лозим. Бу талабларни бажариш нега керак? Чунки у тай-ёрлайдиган матнларда ана шу тиллар намуналари, албатта, учрайди.

Узбекистондаги матншунослик хозир қандай ахволда?

- қирк йилдан бери матнчиларимиз мумтоз асарлар нашрларида сузни тушу но л май, укиёлмай, тилда мавжуд булмаган 20000 тача янги сузларни «ижод қилиб» матнларга қиритдилар. Мана, уша йук сузлар коллекциясидан намуналар:

Вард исмли подшоҳ:

*Сомқим адл қилди, **Вард** қани,
Мазх; ари зулм **Язджард** қани.*

(Алишер Навоий, «Мукамал асарлар туплами»,
10 жилд, 385-бет)

Биз жахон тарихига дойр асарлардан Вард исмли таникли шохни тоиаолмадик. Сунгра дахо шои-римиз «Сабъаи сайёр» достонининг илмий-танқидий матнини уқишга тутиндик:

*Сомқим адл қилди **вирд** қани?
Маза; ари зулм **Яздижирд** қани?*

Машшарий сайёрасини астрономлар тополмаган-у, Огахий «Асарлар»ида топишган:

*Орази ё лаълму ё шамъму ё **машшарий** Ё
қамар, ё қузгуму, ё офтоби ховари.*

(2-жилд, 209-бет)

Матншунослик телескопи билан бу сайёрани аслият осмонидан излаб топдик, у «**Муштарий**» булиб чикди...

Огахийшунослар бир байтда икки хдйвон исми- нинг абжагини чикарганлар: «хизабр»ни «хезабир» деб, «бабр»ни «бир» деб нашрга тайёрлаганлар:

*Кар бириси бир **х,езабир** янглиг,
Х,ар бириси шер **бир** янглиг.*

(2-жилд, 345-бет)

Ушбу байт аслияти:

*Х,ар бириси бир **х;изабр** янглиг,
Кар бириси шер, **бабр** янглиг.*

- су^зларни НОТўррН ўКНin туфайли муаллиф фикри тескари талкин килинади. Чунончи, Атойининг:

*Ошиц кишилар кунглини булбул бикин овла Ким, гул
чогидек боцию **гул** х;усни авони.*

байтининг иккинчи мисрасида гул пайти ва гул хусни даври хашишаликдир, бокийдир деган фикр бор. Мумтоз шоир тугул хаваскор хам бундай фикр юриштидан хазар килмоги лозим. Хўin? Мавлоно Атойи девонида иккинчи мисра кандай эди? Сатрни эпакага келтириб, Тўрпн ўКнmга харакат ки лай лик:

*Ким, гул чогидек боци **дагул** гул х,усн авони.*

КўрНпМНЗКН, Атойи: гуллаш пайти ва гул хусни бокий эмас (дагул)! деган эканлар.

Мумтоз шоир, айникса дахо сўз санъаткори нафсониятга инсоният фазилатини карама-карши кўяди. Нашрда эса аксинча:

*Булар боиси барча нафсоният Ки,
анда дохил инсоният.*

Мазмуни: Буларнинг барчаси нафсоният (очк;уз- лик) туфайлидирки, у тушунчага инсоният (одам- гарчилик) киради.

Энди Навоий аслиятини туяри кучирайлик:

*Булар боиси барча нафсоният Ки, анда
эмас дохил инсоният.*

Демак, мумтоз шоирнинг масъул котиби мисра- дан «эмас» сузини тушириб колдирган экан.

Куйидаги бир байтда **туртта** суз нотурри укилиб, хато кучирилган:

*Фитнахулар кедидин омин дегил, ах,ли тамиз,
Сайди дом фитна улгай кимса х,ушёр улмаса.*

(Сиддикдй Ажзий, Танланган асарлар,
Рафур Гулом ном. нашр., 1973, 17-6.)

Шу байт аслиятини эпакада укишга уринамиз:

*Фитнахулар кайдидин эмин дегул ах,ли тамиз,
Сайди дом фитна улгай кимса х,ушёр улмаса.*

Хозирги матншунослик сафида баракали меҳнат килаётган олим ва олималаримизнинг савияларини матншуносимиз Порсо Шамсиев билан тенглашти- ришга мойилман. «Хамса»нинг узбек матншунослари учун мумтоз нашр намунаси булиб колган 1960 йил- ги нусхасининг 92-саҳифасидан олинган учта бир- бирдан жиддий хато хақида мулоҳаза юритамиз.

К,уйидаги биринчи байтда тилда йук суз - «иттт- тарак» кашф этилгани китобхон ва олимларни кийнайди:

*Туз куру нур мех;р чу тургон суда,
Эгри булур иштарақ ургон суда.*

Ун икки йилдан сунг бу хатони сезган Порсо Шамсиев «Навоий асарлари луяати»да ушбу сузни «уштурак» тарзида яхши ислох килган-у, матнни бузиб куйган («мехр» сузи урнига «нур» сузи кет- ган):

*Туз курунур **нур** чу тургон суда,
Эгри булур уштурук ургон суда.*

(629-бет)

Навбатдаги байтда ҳам жиддий хато содир этил- ган: Мухаммад алайхиссаломнинг хадислари «Каз- зобуна л о уммати» (Ёлгончилар умматим эмаслар) К,уръон ояти сифатида талкин этилган:

*Сидқ ила ургонда сало уммати **Ояти**
«Каззобуна ло уммати».*

(Алишер Навоий «Хамса», 1960, 92-бет)

Порсо Шамсиев Пайгамбаримиз хадисларидан тула хабардор эмасликлари ва араб имлосидаги од- дий коидани биз хозир изофа куйиб ёзадиган сузла- римиз араб ёзувида изофасиз ёзилишини билмай колганликари учун: «Ойтти» сузини «ояти» тарзида уқдганлар. Навоий байти куйидаги холатда эди.

*Сидқ ила ургонда сало уммати,
Ойтти: «Каззобуна ло уммати».*

Учинчи мисолимиздаги байтда кофия йук;лиги, иккинчи мисра мазмунида маптик йуклиги нашрга тайёрлаган олимни ташвишга солмаган:

*Кимки узи айлади **ёлгон сузин,**
Кизб, дер эл, чин деса **ёлгон сузин.***

(92-бет)

Вахоланки, дostonнинг илмий матнидаги ушбу байтда кофия ҳам бор, мантик ҳам баркарор:

*Кимки узи айлади ёлгон сузин,
Кизб, дер эл, чин деса **цолгон** сузин.*

(122-бет)

Хуп, бир сахифада учта жиддий хатога йул куйган эканлар, улар дан 31 йилдан сунг бу д ос-

тонни нашрга таиерлаган матншуносларимиз нима килдилар?

Алишер Навоий «Мукаммал асарлар туплами» еттинчи жилдининг уша уч байт матнини 1960 йилги нашр билан солиштириб лол булиб колдим: уша хатолар айнан такрорланган. (Кдранг, 7-жилд, 207-209-бетлар).

Сунг «Хайрат ул-аброр»нинг илмий-танкидий матнига яна бир карра байтларни киёслаб чикдим: илмий матнда уша байтларнинг барчаси соглом - хатосиз эди...

Демак, илмий матндан на уша маттни тайёрлаган олимнинг узи, на касбдошлари бошка ёзувга турри кучира олмас эканлар ёки 7-жиллдаги «илмий матндан кучирилган» деган гапнинг узи ёлрондир.

- бир сузни икки, уч, турт, беш, хдтто етти хил укиш раем булди. Чунончи, «хай» сузи нашрларда етти хил учради;

- нашрларда сузлар миллионлаб маротаба бошка суз холида укилди - китобни турри укиёлмаган олимлар матн нашр эттиришди.

Нега? Чунки бизда матн танкидини узи йук- Хуллас, **х;али матнчи ва матншуносларимиз егук котиб даражасига ета олганларича йук.** Менинг хулосаларим ёздаги момакалдирокдай нохуш эши- тилади. Нетай, мен - кузгутутар олимман. Матнчи ва матншуносларга, биринчи навбатда, навоийшу- носларга кузгу тутаман. Уз илмимиз башарасидан жирканмайлик, азизлар!

Энди биз матнчилар ва матншунослар яна матн- шуносликда «фундаментал тадкикотлар» даъвосини килаверамизми? Ана шундай савиямиз билан-а?..

Матншуносликдаги фожиамиз шундаки, зако- сиз матнчига ишонамиз ва мумтоз шоир ижодига шубхаланамиз. Бу хол оммагагина эмас, олимлар ва адибга хам хослигини бир байт тақдирида кузатай-

лик: Биз учуй Навоий шеърятти девонининг шакл ва дизайн юзасидан энг намунали нашри 1959-1960 йиллардаги «Хазойин ул-маоний»нинг турт китоби- дир. Дахо шоиримизнинг «Илк девони»дан жой ол- ган бир газал «Хазойин ул-маоний»нинг туртинчи девонига киритилган экан. Ушбу газал мактаи:

*Эй Навоий, гар вафосиз ҷитти ул Султон Х,усайн,
Топтинг элдинким тиларсен эмди султондин вафо.*

«Фавоид ул-кибар»нинг «Фан» нашриётида Хамид Сулаймонов нашрга тайёрлаган нусхасида уша байт ана шундай эълон килинган.

1974 йилда Шоислом Шомухамедов ҳам «Навоий шеърятидан» китобига уша Базал ва бизга таниш мактаъни яна айнан шундай укиб чоп эттирган.

Навоий дустти Хусайн Бойкарони вафосиз деб хакорат килган бу байтни - каршилиқ адабиётшунос Поён Равшанов ҳам «Тарих бадиияти» (1989 йил) китобининг 114-115-бетларида икки маротаба келти- ришни лозим курган.

Ушбу нуксонли байтни байрок килиш XX асрда тухтаб колмади. XXI асрда адиб Омон Мухтор «Ахли ишк» романида Хусайн Бойкаро ва Навоий муносабатларининг ута мураккаблиги далили сифа- тида яна уша байтни келтиради:

*Эй Навоий, гар вафосиз ҷитти ул Султон Х,усайн,
Топтинг элдинким тиларсен эмди султондин вафо...*

Олимнинг хатоси оламнинг хатосига айланади, деб бежиз айтилмаган экан...

Шунча йиллар давомида ҳеч ким бу байт қисматиға кизикмади. Чунки бу нуксон Навоий «Асарлар»и ун беш жилдлигидаёқ тузатилган булсада, юкоридаги олимлар ва адибимиз бундан беҳабар колганлар. Ана, олимнинг хатоси яна оламнинг хатосига айланди.

Ўзбек мумтоз адабиётидаги бундай калтис хатолардан куплаб намуналар келтиришим мумкин. Чинакам матншунослик муфассал матн танкидида узини курсатади. Чунки барча матншунослик му- аммолари мумтоз адабиёт намуналари нашридаги нуксонларни курсатиш ва бартараф этиш жараёнида илмий тахдилга жалб этилади.

Матн тафовутлари ва аслият х,ақиқати

Гап эгасини топади, деганлари - рост. Мен Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига баБишланган УзАСнинг туёна сонини мирикиб уқидим. Чунки унда уз олимларимизгина эмас, унлаб хорижий на- войишуносларнинг ҳам дахо шоиримиз шахси ва асарлари хусусидаги охорли кузатишлари - тадкики намуналари ёритилган эди.

Шулардан бири Хитой халк Республикасидан кел- ган мехмон олим Хурматжон Фикратнинг маколasi булиб, унда муаллиф «Хайрат ул-аброр»нинг 2006 йилги матнининг айрим байтлари билан аввал- ги нашрларда фарклар борлиги - уларнинг урни узгарганлигига ишора килган.

Одатда бундай фикрни уртага ташлаган зийрак олим ана шу фар к, ёки байтларнинг асарнинг 2006 йилги нашридаги узгариш маъкулми ёки номаъкулми деган масала юзасидан ёндашуви лозим эди. У ма- салани очи к, колдирган. Бирок аник сезиладики, байт жойи узгардим - аслият зарар курди, Навоий матни бузилди, демакдир. Чунки дахо шоир байтлари - виштлар, уларни урнидан кузатиш - жиддий хатоларга олиб келади.

Мен ушбу маколада хитойлик олим ишора килиб кетган байт ва айрим сузларнинг Алишер Навоий «Мукамал асарлар туилами» ҳамда «Хайрат ул-

аброр»нинг 2006 йилги нашридаги тафовутлар ху- сусида тухталмокчиман. Зеро, икки байтнинг бирор саҳифа масофада урин алмашгани Навоий фикрла- рини икки карра бузишдир. Бордию, у байтлар бир- бирига зид гурухлар хақида булса, бу «кучишлар» - бутун асар руҳида ёмон асорат колдиради. Аввало, «Хайрат ул-аброр»да урни узгарган байтларни кел- тирай. Мана улар:

*Х,олда асх,об доғи тирдек,
Бемазалида бориси бирдек.*

Ва:

*Гусса жах,он ичра чекиб жон учун,
Жонни фидо қилгали жонон учун.*

Бу байтларнинг биринчиси риёкор соҳидлар, яса- ма - масҳара художуйлар хақидадир. Бу фикрни шоирона камчи суз - «бемазалик» аниқ курсатиб турибди.

Иккинчи байт эса хақиқий худо ошиқлари - хол аҳли хақидадир. Улар жонларини жононга - Аллоҳга фидо қилиб яшайдилар.

Мен йигирма томликнинг 7-жилдини мутолаа қилаётиб бу жиддий номувофикликка аҳамият бериб, матнларни илмий-танқидий текст ва дostonнинг ол- динги нашрлари билан қиёслаб қурдим ва 7-жилда байтлар урни тугри эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. «Хайрат ул-аброр»да шоир аввал луттивоз соҳидлар гуруҳининг қилмишларини батафсил талқин этади. Сунгра бу талқинлар хақиқий ошиқлар мактовли таҳлили билан қиёсланади. Шубҳали байт урнига аҳамият бериб 20 жилдликнинг 7-жилдидан бир парча қучирамиз:

*Нағмаи хорижқи қилиб истимоъ,
Секрибу ох,анг этиб ул дам самоъ.*

*Дебсабу саца чекиб андоцки пил,
Чангаки нафс оллида хору залил.*

*Ах,ли иродат доги бу тавр ила,
Теграсига эврлубон давр ила.*

*Х,арза хаёлот ила х;ол айлабон,
Даврни фонусхаёл айлабон.*

***Русса жах;он ичра чекиб жон учун,
Жонни фидо қилгали жонон учун.***

*Ёва куп айтурда бири чирчирак,
Чарх куп урмоқда бири фирфирак...*

*Зарқ утидин х,ар бири дузах киби Лек
бурудаттин улуб ях киби.*

(7-жилд, 136-бет)

Сунгги байтда муаллиф бу ярамас нусхаларга олий даражадаги нафратини билдирган. Ана шу иблистабиатлилар тасвирига «жонини жононга фидо килувчи» ҳақ;ик,ий Алл ох ошири ҳақ,идаги байт ба- тамом ётдир.

Энди «Хайрат ул-аброр»нинг ҳақ;ик,ий Аллох ошиқдари тасвири берилган жойига мурожаат этай- лик:

*Эй кунгул, ул элга жах,онлар фидо,
Дема жах;онлар, деки жонлар фидо.*

*Ким қилибон икки жах;он таркини,
Икки жах,он демаки, жон таркини.*

***Х,олда асх,об доги пирдек,
Бемазалиқда бориси бирдек.***

*Елга бериб дафтари солусни,
Утга солиб хирцаи номусни...*

*Жону жах,онни курубон хокча,
Кавну макон нақдини хошокча.*

*Борлиц асбобини фоний билиб,
Йуцлуц ути ичра узин кул цилиб...*

*Х,ар сориким нозир улуб Х,ац куруб,
Кцлгучини фоили мутлац куруб.*

(7-жилд, 139-бет)

Ана шундай жонфидо Аллох ошиклари тасви-ри орасида «бемазаликда хаммаси бирдек» луттивоз зоҳидлар талкини байти бегонадир.

Энди мана шу байтлар урнини узгартириб курайлик. «Хдйрат ул-аброр»нинг 2006 йилги наш-ридан бу парчаларнинг риёкор зоҳидлар хақидаги қисмини кучирамиз:

*Нагмаи хорижжи цилиб истимоъ,
Секрибу ох;анг этиб ул дам самоъ.*

*Дебсабу саъца чекиб андоқи тил,
Чангаки нафс оллида хору залил.*

*Ах,ли иродат доғи бу тавр ила,
Теграсига эврулубон давр ила.*

*Х,арза хаёлот ила х,ол айлабон,
Даврни фонусхаёл айлабон.*

***Х,олда асх;об доғи бирдек,
Бемазалицда бориси бирдек...***

*Ёва куп айтурда бири чирчирак,
Чарх куп урмоцда бири фирфирак...*

*Зарц утидин х,ар бири дузах киби Лек
бурудаттин улуб ях киби.*

(99-бет)

Ана, хамма нарса уз урнига тушди. Натижа- да аслият хақиқдти тикланади. Савол ту^илади: бу байт урин алмашинуви йигирма жилдликнинг 7-жил- дида тасодифий юз берганми? Балки бу иш нашрга

тайёрловчилар ихтиёри билан килингандир? 7-жилд- нинг 136-бетидаги:

*«Русса жах, он ичра чекиб жон учун,
Жонни фидо қилгали жопон учун».*

байтига ноширлар махсус курсаткич бериб, нашр- нинг изохлар қисмида шундай ёзганлар: «Бу байт илми й- тагшидий матнда уринсиз техник сабаблар билан орқарокка тушиб қолган» - «Хайрат ул-аброр» (368-бет).

Нухаларнинг қуплаб қиёси ва матн мазмун- мантоти 7- жилддаги икки байт урнининг алмашину- ви турри эмаслигини тасдиқламсжда. Қитобга берил- ган изох ҳам тасдиқланмади. Ачинарлиси шундаки, Алишер Навоийнинг ун жилдлик «Тула асарлар туплами» 6- жилдида ҳам уша йигирма жилдликнинг 7-жилдидаги хато 118, 120 сах,ифаларда такрорлан- ган. Афсус, Порсо Шамсиев зах,матлари ва Алишер Навоий аслиятига уринсиз дахл этилган.

Энди «Муқаммал асарлар туплами»нинг 7-жил- ди билан 2006 йилги «Хайрат ул-аброр» нашри саҳифаларидаги сузлардаги фарқларга тухталамиз: Ҳақиқатга содиқлик учун аввал дostonнинг илмий матни, сунг 7-жилд ва учинчи уринда 2006 йилги нашрни ва охирида (зарурат тугилса) ун жилдликнинг («Тула асарлар туплами»нинг) 6-жилдидан намуналар берсак хронология ҳам зарар қурмайди, нашр йиллари тартиби ҳам сақланади. Чунки 7-жилд- ни нашрга тайёрловчилар бу жилд П.Шамсиев тай- ёрлаган илмий танқидий матн асосида тайёрлангани- ни махсус қайд этганлар.

Илмий матн:

*Солмоқ учун тоси сипе^р ичра шайн,
Ою цуёштин қилибон қаъбатин.*

(5-бет)

7-жилд:

*Солмоц учун тоси сипех,р ичра шайн,
Ою цуёшдин цилибон Каъбатайн.*

(15-бет)

2006 йилги нашр:

*Солмоц учун тоси сипех,р ичра шайн,
Ою цуёшдин цилибон каъбатайн.*

(15-бет)

Энди тафовутлар фаркига т,ухталамиз. 7-жилд- даги байт илмий матндан икки сўзда фарк, этади: куёштин - куёшдин, каъбатайн - Каъбатайн.

Матндагидек Каъбатайн бош харфда ёзилса - икки Каъба демакдир. 7-жилддаги бу байт маз- муни: фалак тогорасига FaBFO солиш учун ой ва куёшдан икки Каъба бунёд этилган. Рояси: Алл ох, ой ва куёшдан икки Каъба бунёд этган. Демак, икки Каъба - ой ва куёшга сибиниш фарздир. Байт китобхонни ойпарастлик ва куёшпарастликка даъват этмокда. Бу - Навоий матни ва шаънига нисбатан калтис, кутилмаган ёлгондир.

Энди уН жилдликдаги байт мазмунига келсак, 2011 йилги <-^ла асарлар ТўтiаМН>НННг 6-жилдида шундай келтирилади:

*Солмоц учун тоци сипех,р ичра шайн,
Ою цуёшдин цилибон каъбатайн.*

(10-бет)

(Аллох) осмон гумбазига FOBra солиш учун ой ва Куёшдан икки суякча ясаган.

Савол турилади: нарда уйини кутисида канака гумбаз (ток) бўлиши мумкин? Энг янги нашрда хам яна илмий танкидий матнга нисбатан тафовут КўрпНМОКаа. Навоий бундай ёзмаган. «Ток» сўзн матнга каердан олиб киритилди экан?

«Ток»нинг ушбу матнда уринсиз эканлиги- ни нашрга тайёрловчи «Наводир уш-шабоб»даги куй идаги байтдан дам билиб олса буларди:

*К,азо нарроди кук тосинда ой-кун каъбатайнидин, Душаш
наъши била эл наъди умрин бешумор элтур.*

(2-жилд, 187-бет)

Куйидаги мисолда илмий матн Мухаммад (с.а.в) кулларига калам тутмаганлар деса, 7-жилд матни: калам тутган, деб даъво килади. Кани, илмий- танкидий матнга асосланиш шартлигига амал килиш?..

Илмий матн:

*Тутмогонинг андин эди хомани,
Ким ул этибдур царо куп номани.*

(21-бет)

7-жилд:

*Тутмогининг андин эди хомани,
Ким ул этибдур царо куп номани.*

(39-бет)

2006 йилги нашрда «тутмоган» (тутмаган) де- йилади:

*Тутмогонинг андин эди хомани,
Ким ул этибдур царо куп номани.*

(32-бет)

Курияптики, 2006 йилги нашр илмий матнга мувофикдир. Зеро, 9-боб сарлавхасидаёк «Ул ну- бувваг куёшининг... беш бармогиБа калам тутмай аколими сабъани яккалама килгани» кайд этилган.

Мен тавофутлар масаласида кизик бир ходисани сездим: «Мукамал асарлар туплами»даги «Хайрат ул- аброр»нинг 7-жилд тарзидаги нашри узи ваъда

килган илмий матнга эмас-у, 1960 йилги «Хамса»га мос келади. Ачинарлиси, хар бир фарада хато бор. Шу хатолар «Хамса» (1960)да бор-у, илмий матнда йук. Бу демак, 7-жилд матии «Хайрат ул-аброр»инг илмий матнидан кескин фарк этади.

Куйида учта байт мисол келтираман. Бу ми- соллар 7-жилд матии илмий матндан эмас, балки «Хамса» (1960) матнидан кучирилганини исботлай- ди. Мен атайин купол ва бачкана хатоларни намо- йишга куяманки, 7-жилд ноширлари уларни илмий матндан кучирмаганлари етмагандай, акал л и тахрир каламини хам уришмаган.

*Развана х; ар буржи аро гурфаэ,
Жилвагар ул гурфа аро турфаэ.*

(«Хамса» (1960) 45-бет)

*Развана х; ар буржи аро гурфае,
Жилвагар ул гурфа аро турфае.*

(Илмий матн, 1970, 51-бет)

*Развана хар буржи аро гурбаэ,
Жилвагар ул гурфа аро турфаэ.*

(7-жилд, 87-бет)

*Развана х, ар буржи аро гурфае,
Жилвагар ул гурфа аро турфае.*

(«Тула асарлар туплами»
36-жилд, 75-бет)

«Развана» деган суз йуадир, у «равзана»дир.
Иккинчи мисол:

*Маънини ул хайл паризод этиб,
Жоиларин ул хавфдин озод этиб.*

Навойй «маъман» - маскан демовда, ношир «маъно»
деб мазмунни поймол этмоқда.

*Маъмани ул хайл паризод этиб,
Жонларин ул хавфдин озод этиб.*

(Илмий матн, 38-бет)

*Маънини ул хайл паризод этиб,
Жонларин ул хавфдин озод этиб.*

(7-жилд, 66-бет)

Бу нашр «Хамса» нуксонини такрорламоқда.

Лугавий изох,: маъман — макон, маскан; маъни -
маъно.

Учинчи мисол:

*Бодия цатъига дурур бир ажсуз,
Шавцу мух,аббат юкидин қадди гуз.*

(«Хамса», 1960, 57-бет)

Илмий матн:

*Бодия цатъига дурур бир ажсуз,
Шавцу мух,аббат юкидин қадди куз.*

*Бодия цатъига дурур бир ажсуз,
Шавцу мух,аббат юкидин қадди гуз.*

(7-жилд, 118-бет)

Аслият аёл кадди букиклиги хакида сузласа, нашрда
куланса фикр кетган. Чунки «гуз» - 1) куланса суз: сассик
ел; 2) сокка.

«Куз» - букри, букиқдир.

Куриниб турибдики, барча мисоллар «Хамса» (1960) ва
7-жилд матни бир хиллигини, илмий матн билан яккол
тафовутини курсатмоқда. Ачинарли- си, 7-жиллдаги юздан
ортик бундай жиддий ха- толар илмий матн хакида хато
тасаввур уйғотади.

Курыпмизки, **тафовутлар аслиятга садоцат эмас, балки хиёнат экан...**

Хуш, хиёнат сабаблари-чи? Матнни турри идрок этмаслик ва илмий нашрни ё турри ук,иёлмаслик, ёки «Илмий матндан кучирдик» деб, 31 йил бурун- ги нашрдан кучиришдир.

Хитойлик олим кдйд этган нашрлараро фарклар бугун хам, янги нашрда янада якколрок кузга ташланмокда. Ун жилдлик ва 2006 йилги нашрнинг тафовутли байтларидан намуналар.

2006 йилги нашрда шоир фикри турри берилган:

*Крлмади чун узга мата **чорае,**
К,алъа ясардек тоибон **хорае.***

(50-бет)

Яп-янги «Тула асарлар туплами»нинг 6-жилди- дан:

*Крлмади чун узга мата **чонае,**
К,алъа ясардек тоибон **хонае.***

(55-бет)

Биз байтга мутлако тушуна олмадик. Чунки ишончли «Навоий асарлари лубати»дан «чопа», «хопа» сузларини тополмадик, «торибон» сузи хам мавхумдир.

2006 йилги нашр:

***Топцуча** ганжинаи асрорлик,
Куп цилибон солики атворлиц.*

(56-бет)

«Тула асарлар туплами» 6-жилд:

***Торгуча** ганжинаи асрорлик,
Кур цилибон солики атворлиц.*

«ГорБуча» нима дегани? Солики атворлик одам- ни кур киладими? Биз бу байтлар Навоий ижодига ёт деган мулохазадамиз.

2006 йилги нусхада:

*Борчасидин **х;аз** этар ах,ли уцул,
Гар худ узок, чекса булурлар малул.*

(46-бет)

2011 йилги лиги нашр:

*Борчасидин **я;азл** этар ах,ли уцул,
Гар худ узоц чекса булурлар малул.*

(49-бет)

Аслиятда акллилар хамма оханглардан хузур киладилар, дейилган. Янги нашрдаги биринчи мис- ра мазмунига кура, акллилар хамма нарса хакида хазил киладилар.

Бирок. •• Дахо шоир ижодий қисмати билан навоийшунос оқиллар хазиллашмасалар тузук эди.

2006 йилги нашр:

*Барци кулгу йицибон тог аро,
Балки цилиб ер **цуйи** тупрог аро.*

(112-бет)

«Хайрат ул-аброр», 1991, 7-жилд:

*Барци кулгу йицибон тог аро,
Балки цилиб ер **цуйи** тупроц аро.*

(155-бет)

Бу матнга асос булган илмий матнда хам «куй» хакида хеч гап йук-ку? «К,уй» каердан гулзорга оралади?

«Тула асарлар туплами», 6-жилддан уқиймиз:

*Барци кулгу йицибон тог аро,
Балки цилиб ер **куйи** тупрог аро.*

Мантисиз «Ер куйи», «осмон куйи» тушунчала-ри
Навой ижодига хос эмас, албатта.

Навбатдаги мисолларни киёслайлик.

2006 йилги нашрда:

Эл бошининг косасидин жом анга,

Май ерида цон булуб ошом анга.

2011 йилги нашрда:

Ел бошининг косасидин жом анга,

Май ерида цон булуб ошом анга.

(74-бет)

Даҳо шоиримиз ўз асарларида «ел(шамол)нинг боши»
хақида гапирмаганлар.

ЕЕавой ўз ижодида обиз билан бурунни фарк
этолмайдиганлар иш устида эканлигидан зорланган эди. У
келажакда навойшунослар «енг» (кийим еиги) билан
«энг» (ёнок)пи фарк этолмасликлари, Хатто У'гтиз-кирк
йилда ҳам буларнинг айирмасига бора олмасликлари
мумкинлигини билганмикан?

«Хамса» 1960, ва 7-жилд (1991) матнида куйидаги байт
бир хил: .

Зулф анга сунбули мушкин булуб,

*Юз била **енг** лолаву насрин булуб.*

(188-бет)

2006 йилги нашрда:

Зулф анга сунбули мушкин булуб,

*Юз била **энг** лолаву насрин булуб.*

(135-бет)

«Г)^ла асарлар тўплами» ижод корлари яна «енг»га
кайтганлар:

Зулф анга сунбули мушкин булуб,

*Юз била **енг** лолаву насрин булуб.*

Аянчлиси, олимлар илмий ташщий матндаги босма хдрфлардан «энг»ни «енг» деб укиганлари кулгили-да. Навоий аслиятида юз оппок насрин гу- лига, энг (ёнок) лолага ухшатилган эди. Шоирнинг матнида кийимнинг энги кдтнашмаган эди.

Алишер Навоий «Тула асарлар туплами»да дахо шоир асарлари матни «иайхон» булиб кетмаганми- кан деган хавотиримиз бор. Бу фикримизнинг исбо- тини куйидаги мисолларда кураимиз.

2006 йилги нашрда:

*Хусн доги жилва цилиб **дилписанд**,
Зулфга **топишурди** балодин каманд.*

(136-бет)

«Тула асарлар туплами»:

*Хусн доги жилва цилиб **дилприсанд**,
Зулфга **торишурди** балодин каманд.*

(6-жи лд, 165-бет)

2006 йил нашри:

*Эсти насими бу гулистон сари,
Сунбулу сарву гулу **райх;он** сари.*

(55-бет)

«Тула асарлар туплами»:

*Эсти насими бу гулистон сари,
Сунбулу сарву гулу **пайх,он** сари.*

(6-жилд, 61-бет)

Демак, матндаги аслиятга нисбатан хар кдндай фарклар зарарли булиб, улар улув шоир юзини укувчи олдида шувут килади.

Абгор байтлар

Сарлавха куполдан-купол туюлиши мумкин. Аммо фактлар кайсар нарса. Хар бир нарсани уз, хакикий номи билан аташ вакти келди, деб уйлаймиз. ТТТу сабабдан, фикр фактдан тугилишини назарда тутиб, ушбу сарлавхани куя колдик.

Илмда ношир хизмати гоят улуБдир. Уни биз шоир ва санъаткорлар билан бир каторга куямиз. Уларга улурлар, мумтоз адиблар ижоди ишонилгани учуй хам ноширлар масъулияти каттадир. У бошка шоир ва адиблардан фаркли уларок араб, форс- тожик, эски туркий тилни билиши жоиз.

Шунинг учун хам уларга нисбатан оширилган талаблар куйилади. Узбекистонда купчилик адаби- ёт тарихчиларини матнчи, дейиш мумкин. Аслида эса, хакикий матнчи бармок билан санарли. Бирин- чи тушунчага махлиё булганлар, уз илмий дара- жаларига ишонгаилар, аслида матншунослик юки- ни кутаролмайдиган илм филлари жуда куп. Биз куйида абгор байтлардан мисоллар келтирар экан- миз, ноширларнинг исм-фамилиялари ва унвонла- рини эслатишни л озим топмадик. Чунки, мактовни севадиганлар халиям купчиликни ташкил этиши сир эмас. Танкид эса, айникса бизда, номини айтмай мулохаза билдириш шаклига утган. Биз хам аиа шу «одоб»га риоя киламиз. Чунки, гап хамиша уз эгасини топиб келган. Илм ахлига биз айтадиган китоблар мутлако танишдир.

Абгор байтлар тушунчасида, биз, матншунослик- нинг энг оддий коидалари бузилгаи, шоир фикри ва образлар дунёсига унгламас зарбалар берилган, одам билан нарсалар ёки аиикроги, турдош от билан атокли от фарк килинмаган, асл нусха фикрига кескин карши борилган, абжадхонлик билан суз чегаралари фаркига бормай, бир сузни икки ёки уч

суз холида ёки аксинча, куп сузни бир суз тарзида уқилган, дунёда йук сузлар ишлатилган уринлар ва хоказоларни назарда тутамиз.

Абгор байтларда Хотам Тойи узу к (мудр) га айланиб колади ёки аксинча хотам (мухр) Хотам Тойига айланиб колади; Мусо жилва кузатган Тур тори «тур»га айланади; хурзод гузал «жаврзод» деб хдкорат қилинади, маъшука «мажнуни барно» тарзида телбага йуйилади; ошиқ ёр изини упмок урнига, касоскорга айланиб «изини уяди»; Чин Хутан тарзида уқилади, накши Чин - яъни энг гузал Чин суврати «нукси чин»га айланади; афсурда (эзилган) гадонинг боши укувчига «афсарда» (тожлик) булиб гавдаланади; ашқ (куз ёши) бир юмалаб «эшиқ»жа айланади...

Биз бу ерда матншуносликдаги юзлаб хилларга булиниб айтилиши керак булган нуксонлар хақида ОРИЗ очмаймиз. Максадимиз, хозирча, укувчига текс- тологик махсулларимизнинг «тикан гулдастаси»ни қисман таништириш, холос. Уилаймизки, шошма- шошар ноширлар, эски узбек, форс-тожик ва араб тилларини билмайдиган нашрга тайёрловчиларни ушбу манзара бироз уйлатар. Бу ишга сизнинг ку- чингиз етмайди, дейиш бизнинг вазифамиз эмас. Бу гапни улар факат нашриётларда эшитишларини истардик.

Нишотийнинг «Хусн ва Дил» китобидан:

*Номадони сузки эди ибтидо,
Айлади мафхум они то интицо.*

(293-бет)

Матндаги боишотирар «номадони» сузи аслида иккита суз эди:

Номада не сузки эди ибтидо...

Навбатдаги байтда укувчи «эшикинги дар адан» деган мавхум жумбокка дуч келади:

*Тишлариминг х,асрати, эй гулбадан,
Айладиму эшикинги дар адан.*

(302-бет)

Мазмуни: эй гулбадан, тишларим хдсратида эши- гинг аданга булдим.

Фикр чикмаяпти. Муаллиф нима деган экан-а? Кулэзмага боки б укийлик:

*Тишлариминг х,асрати, эй гулбадан,
Айладиму ашикинги дурри Адан.*

Мазмуни: эй гулбадан, тишларимнинг хасрати куз ёшларингни Адан дурига айлантриб юбордим?

Ана бунда мазмун хам, поэзия хам бор.

Куйидаги мисралар укувчиси «нукси чин» ва «туфрока» сузларининг «нак;ши Чин» ва «таффрика» эканлигини билишини ноширлар орзу қилишган булса керак. Аммо ношир билолмаган нарсани бечо- ра укувчи кандок билсии?

*Суврати жон булгилу гар нуцси чин,
Туфроца тошидин ушолгунг яцин.*

(356-бет)

Мазмуни: Жон суврати ва хакикий нуксон булсанг хам ихтилофлар тошидан аник ушаласан.

Нихоят, куйидаги муаммо байтга келайлик:

*Лашкари идроку ак,ду сабру х,ушим этти рам,
Тийра қучдин айламиш гар пайксолига алам.*

(429-бет)

Иккинчи мисра жумбоги матнни тушунишга им- кон бермайди. Шунинг учун ушбу байтга изох бер-

масдан, иккинчи мисраинг турри вариантыни бера коламиз:

Титрагучдин айламиш киртик ясолига алам.

Бундай антикд абгор байтларни бу нашрдан юз- лаб намойиш килиш мумкин.

Захириддии Мухаммад Бобурнинг «Мухта- сар» асарининг нашри абгор байтларга бойлиги жихатидан матншунослик тарихида биринчи уринда туради, десак муболага булмас. Чунки бундаги матн нуксонларига тузатиш бериш лозим булса, тузатиш- ларнинг узи бу китобдан икки баравар катта китоб булур эди.

Чунончи, нуксони сезилмас даражадаги ту банд а- ги байтни мулохаза килайлик:

*Истамасанг, эсламасанг бизни,
Мен у **ярам** йулунг уза изни.*

(100-бет)

Навоийнинг ушбу байтида қандай нуксон бор? Мазкур талқинга кура, қасоскор ошиқ маъшуқасига, агар мени эсламасанг, мен изингни йуллардан уйиб ташлайман, деб дук урмоқда. Навоий варианты-чи:

*Истамасанг, эсламасанг бизни,
Мен **упарам** йулунг уза изни.*

Мазмуни: Мени истамасанг ва эсламасанг ҳам, мен йулларда изларингни упаман.

Мана Навоий лирик қахрамонининг ошиқона садокати, севгиси! Нега бунчалик тесқаричилик? Са- баб биргина: ношир «упарам» сузини «уярам» деб уқиб юборган...

Навоий байтларининг яна бир нечаси қисматини ушбу нашрдан кузатайлик:

*Ииц юки айлади торим аълони **кавсар**,
Не ажаб ар айласа мен киби шайдони **кавсар**.*

(87-бет)

Мазмуни: Ииц юки аъло торимни кавсарга айлантирди, мендай шайдони дам кавсарга айлантирса ажаб эмас.

Кавсар бизнинг тушунчамизча, жаннатдаги афсонавий ховуз номидир. Ошик сув хавзасига айланса, ишк унинг торини ҳам ховузга айлантирса...

Бундай мантиксизликлар тантанасининг сабаб-чиси «куж» (букри) сузининг «кавсар» тарзида укишдир. Вазн хакидаги китоб ноширининг вазн билан ҳам иши булмаган журилади. Уша байтнинг тугри варианта:

*Ииц юки айлади торами аълони **куж**,
Не ажаб ар айласа мен киби шайдони **куж**.*

Мазмуни: Ишк юки юксак осмон каддини букка-нида, мендай шайдони ҳам каддини букса не ажаб?

Абжадхонликнинг яна бир намунасига куз ташлайлик. Биз бу байт мазмунини ҳам талкин қилишга ожизлигимизни тан оламиз:

*Гуё кунгдум **нахил** мулкининг султонидур,
Қим хаёл ичра қилур х,ар айшким анга недур.*

(148-бет)

Шунинг учун бевосита Навоий вариантыни айта қолайлик:

*Гуё кунгдум **тахайюл** мулкининг султонидур,
Қим хаёл ичра қилур х,ар айшким имконидур.*

Мазмуни: Менинг кунглим хаёл мулкининг шоҳига ухшайди. У хаёлан уз имконига яраша айш қилади.

Яна Навоийдан келтириладиган байт мазмуни тасодифанми ёки ноширнинг махсус мослаштириши биланми, лирик кахрамони телба холатига келтириб куйган. Укувчи ҳам унинг пойинтар-сойинтар сузларидан бунга анид ишонади:

*Булмишам девона сол буйнумга зулфунг **бандаси**,
Утти иш андинки цилсам **куши** носц **бандаси**.*

Албатта, телба кдхрамон сузларини мен ҳам мазмунан ту Бри талкин килиб беролмайман. Ёрдамга Хазрати Навоийнинг узларини чакирамыз:

*Булмишам девона сол буйнумга зулфунг **бандини**,
Утти иш андинки цилсам **гуш** носц **пандини**.*

Мазмуни: (Севгилим) Мен девона булибман, буйнимга зулфинг занжирини солиб кишанбанд эт. Чунки панднасихатни тинглай олиш холатидан утганман.

Мавлоно Лутфий байтлари ҳам ноширларимиз юк,тирган абгорлик касалидан кутула олмаган. Нашрга тайёрловчининг талдинига Караганда, ошик киприкларининг орасида куз ёши эмас, корачик эмас, балки арра (!) бордир. Муаллиф «Арас» дарёсини айтган, яъни куз ёшларимиз Арас дарёсидай окаяпти, деб лутфан му бол ара килган эди:

*Эй цоши царо, боги висолинг х,авасидин,
Хар кипригимизнинг аросида **арраси** бор.*

(131-бет)

Байт талкинга мухтож эмас, укувчи узи нима ходиса юз берганини тушуниб турипти. Биз Лутфий вариантини келтириш билан чекланамиз:

*Эй цоши царо, боги висолинг х,авасидин,
Хар кипригимизнинг аросида **Арасе** бор.*

«Мухтасар»да бундай абгор байтларга муфассал дуч келамиз. Аммо биз куйидаги мисол билан чек- ланамиз:

*Пай ийик нола кузумга учраб утру,
Мени девона цилдинг, эй пари ру.*

Бу байтдаги нуксш хам образ холатига мос ке- либ колган. К,улэзмадан буни шундай ухидик:

*Баякногах, кузумга учраб утру,
Мени девона цилдинг, эй париру.*

Мазмуни: Эй пари юзли, бирданига кузимга рупара булиб, мени ахлдан оздирдинг-ку!

Ноширлар замонамиз котибларидир. Нунок котиб- лар хахидаги Аваз китъаси билан мазкур шоирнинг «Танланган асарлари» (1956)га куз югуртирайлик:

*Фалон котибки илги синсун они ёзса хат ногах,
К,уйиб «имони» алфин х,арфи аввалдин «ёмон»айлар.*

*Ёзар алфозни ё булмайн маънисидин огах,
Ки ёзгон х,арфидин акси иборатни аён айлар.*

(41-бет)

Аввало, Аваз котиби - нашрга тайёрловчи хам оз- гина хатога йул куйган. «Имон» сузида «алф» эмас, алиф булиши ёки булмаслиги хакида гап булиши мумкин. Негаки, алиф (а, о) харф номи, алф эса - мингдир. Шунинг учун Авазнинг бу харБишини но- ширимизга раво курмай, айрим нухсонларни куздан кечирамиз:

Аваз хитъаларидан бир байт:

*Бех;иммат элдин яхшироц эрмиш эгиаку гову х,имор,
Йуц эрса кимнинг х,иммати - албатта йуцдур иззати.*

(45-бет)

Биринчи мисрада вазн ва мазмун оксаган. Гап шундаки, байтда эшак иккита булиб (бири - химор), орадан ит й\$?к,олиб колган. Аваз «Девон»и кулѐзмасида матн мана бундайдир:

Бех,иммат элдин яхишироѐ эрмиш сагу гову х,имор, ...

Саг - итдир. Матн мазмунига чу кур кириб бормаслик, сузнинг турли маъно кирралари билан хисоблашмаслик, хдтто сўз чегараларини фарк эт- май, бир сўзнн иккига булйшлар намунаси куйидаги байтдир:

*Келиб, эй мутриби яктойи олам,
Бу дам соз айласа гоя;у навоми.*

(113-бет)

Байтнинг биринчи мисрасида мутрибга мурожа- ат бўлгани х,олда, иккинчи мисрада мутриб учин- чи шахсга айланиб, мисра мазмуни мавхумлашган. Нуксон каерда? К,}'лѐзмага бокамиз:

*Келиб, эй мутриби яктойи олам,
Бу дам соз айла «Сегох;»у «Навоми.*

Жононни жон деб улуглаш - яхши. Аммо хами- ша хам шундай дейиш т}'гри бўлавермас экан. Вазн бузилиб, мазмун аросатда коларкан:

*Хар дам, Авазо, жону дилим цилгуси қасдин,
Эрди не бало ул бути жонима кирпик.*

(125-бет)

Демак, «жонима» сўзн ўрНнаа «жононима» десак турри булар экан...

Аслият:

Эрди не бало ул бути жононима кирпик...

Фикрий теранликка риюя килмаслик, шоир об- разлари ва маънавий дунёсига синчковлик билан назар солмаслик шоир максadini тескари талкии килишгача олиб боради. Намуна:

*Гарчи шод эрди бори ушиоци мискинлар, вале, Барчадин
купроц мени **бедаст ношодон** эдим.*

(135-бет)

Аваз лирик кахрамони «мен хаммадан кура шод эдим» демокчию, ношир уни тескари гапиришга (ношодон - шод эмас) мажбур килган. Сабаби: сузлар чегарасининг фаркига бормасликдир: ношир «по»ни «но» деб укиган. Аслият:

*Гарчи шод эрди бори ушиоци мискинлар, вале,
Барчадан купроц мени **бедастуро шодон** эдим.*

Эски ёзувдаги харфлар шаклдошлиги ноширга хамиша тузук куйиб келади. Хушёрликни салгина Кулдан берган ношир шоир ва хатто мумтоз шеъ- риятга карши бориб, поэтик тасавурии остин-устун килиб юбориши мумкин. Мумтоз адабиётимизда маъшука - олий орзубоп тимсол. Унинг сиймоси ва шахсига нисбатан гард юктириш ошик учун жиноят булур эди. Ушбу нашрда лирик кахрамон уз севги- лисини «мажнуни барно» - телба киз деб юборади:

*Тукарга ошицон цонини ул **мажнун барнонинг** Эрур
мулжгонларининг х;ар бири бир ханжари буррон.*

(142-бет)

Кулёмзада эса, ношир «мажнун» деб укиган суз «**мах,буби**» эди! Мумтоз поэзия анъаналари билан хисоблашмаслик шунчалик хижолатли холатларга олиб келади.

Навбатдаги байтда узук (хотам) Хотамга айлан- ган:

*Кир вафо даштига бул собит цадам бир умрким, Илкинга
гуё солур жоми жами Хотамни сайр.*

(159-бет)

Мазмуни: Собиткддамлик билан вафо даштига кирсанг, гуё Хотамнинг жоми жамини кулингга со- либ олгандай буласан.

Ношир бу байтда Хотам Тойи билан «хотам» (узук, мухр)ни фарк этмаганидек, жоми Жам (Жам- шиднинг жaxon куринадиган жоми) хакида хам та- саввури йуклигини курсатган. Аваз байти мана бун- дай эди:

*Кир вафо даштига бул собитцадам бир умрким,
Илкинга гуё солур жоми Жаму хотамни сайр.*

Иккинчи мисра мазмуни: Сайр кулингга Жам- шид жоми ва шохлик узуги (мухри)ни солгандай булади.

Сузга эхтиётсизлик купинча образни бузиб юбо- ради. Чунончи, Сайёдийнинг «Тохир ва Зухра» дос- тонининг ношири Зухра ва Тохирга «Бахиллик» гилайди:

*К,илиб ангиз Зухра жони бирлан,
Бахиллик тилашиб жонони бирлан.*

(56-бет)

Нашрга тайёрловчи ёки мухаррир «**бих;иллик**» (рози- ризолик) сузи борлигини билишмаганга ухшайди. Натижада ошик-маъшуклар бир-биридан рози-ризолик сураш урнига, бир-бирига бахиллик тилаб колишган...

Достон ношири халк иборасига хам эхтиётсизлик билан ёндашиб, фикр ёркинлигига путур еткизган:

*Келур булса, келур шому йироқдин,
Кетар булса, кетар цошу цабоқдин.*

Байтнинг биринчи мисрасини куйидагича талқин қилиш лозим:

Келур бўлса, келур Шому Ироқдин.

Нашрда икки йирик шахдр йудолиб, мазмун мавҳумлашиб кетган.

Бундай мисолларни «Лутфий. Девон. Гул ва НаВруз» китобидан ҳам куплаб келтириш мумкин. Нашрга тайёрловчи юксак маълумотли шарқшунос, ўзбеки, форс-тожик адабиёти ва тарихи билан чуқур таниш киши булитгани керак. Манбадан беҳабарлик ҳам матн бузилишига сабаб бўлади. Чунончи, куйидаги байтда Лутфий Рашидиддин Ватвотнинг шеърий санъатларга дойр китоби «Худойик ус-сехр фи дакойик уш-шеър»нинг номини лутфан келтирганини сезмай қолган, натижада китоб номи жўн тушунчалар бўлиб кетаверган:

*Саводи наргиси анинг х;адоийиус-сея;рул,
Ки текла санъати торожу ақлу дин булди.*

(290-бет)

Аслида байт мана бундай бўлиши керак:

*Саводи наргиси анинг <<Х,адоийик, ус-сејр» ул Ки
текма санъати торожи ақлу дин булди.*

Бошка бир ўрН^а эса, «жабин», яъни инсоннинг пешанаси қанот чикдриб учган. Бундай қалтис нуксон «чибин» (чивин) су'зини «жабин» тарзида ўқниб туфайли содир булган:

*Эй жабин, ул дамқи ирни сори парвоз айладинг,
Бизни еткурсанг не булгай элтубон бол устина.*

(234-бет)

Ношир эски ёзувнинг ҳар хил }ч<,илишига, суз маъносига диққат қилса эди, бундай хижолатпазлик

юз бермаган булур эди. Бедилнинг ажойиб бир фик- рини эслашга тугри келиб колди:

*Айши юз донони бузган битта нодон шум эрур, Англашилмас
мисра чуй бир суз агар мавх,ум эрур.*

Дархдиккат, матнчи бирор сузни англамай иш- латса, байт абгорлашади. Куйидаги байтдаги мавхум суз «лъмаи» матн мазмунини идрок этишга монелик килган:

*У л алиф буйлуц цоши тун аксидиндур **лъмаи**,
Хусни оламтобидин бошца гарон дерлар они.*

(261-бет)

«Лъмаи» сузида хеч кандай маъно йук, унинг урнида «**ламъае**» (бир шуъла, яркироклик) булиши керак эди.

Бундай абгор мисра ва байтларнинг нашрга бери- лиши роят кечирилмас холдир. Бунинг янада ёмон окибати: уша асарларии урта ва олий мактаблар дарслиги ва мажмуаларига киритилганида сезилади.

Афсус билан кайд этамизки, абгор байтлар узбек мумтоз адабиёти намуналарининг деярли хаммасида: бирида купрок, бирида озрок учраб туради.

Мавлоно Мукимийнинг «Сайёхатнома»сидаги хдммамизга ёд булган бир байтини эслайлик:

*Магрур хасису **бешу кам**,
\ар гагда юз ичгай цасам.*

Биринчи мисрада мазмун ва мантик оксаяпти. «Бешу кам» - «купу оз» дегани. Мазмун мукумиёна эмас. Ношир эски ёзувдаги бир суз (бешикам) ни икки суз холида «бешу кам» тарзида укиган. Мукимий мана бундай деб ёзган эди:

*Магрур хасиси **бешикам**,
Хар гагда юз ичгай цасам.*

Яъни у образ хасисликда шундай мағрурки, бе- шикам -
корни йук,: хеч нарса еб-ичмайди!

Юкоридагилар ва колган шундай холатларнинг юз
бериши сабабларини биз куйидагича изохлашга мойилмиз:

биринчидан, ноширларимиз шошма-шошарлик
киладилар;

иккинчидан, масъулият сезмайдилар; учинчидан,
матнчи олдига куйиладиган талабларга жавоб
бераоламанми-йукми, деб уйлаб курмайдилар.

туртинчидан, мумтоз адабиётни жон-дилдан сев- салар
севарларку, аммо бу улкан оламни етарлича эгаллаб
олмаганлар. Мумтоз адабиёт лексикасидан тула маънода
маълумотли эмаслар;

бешинчидан, араб, форс-тожик адабиёти ва тили- дан
тегишли маълумотларга эга эмаслар;

олтинчидан, котибликнинг асосий шарти: су зга
синчковликни уз шиорлари килиб олмаганлар;

еттинчидан, матнчи учун зарур булган ислом дини
тарихидан етарлича маълумотли эмаслар. Акалли
Рабгузийнинг «К,иссаи Рабнузий» асарини тула укиб
чик,маганлар.

саккизинчидан, матнчи учун зарур булган иш -
жузъиётхонлик: хар мисранинг маБзини чак;иб тахлил
дилиш билан кам шугулланадилар;

туккизинчидан, мумтоз асарда йул куйилган хар бир
хато маънавий гунох эканлигини, устоз шоирга нисбатан,
мумтоз адабиётга нисбатан хурматсизлик булишини уйлаб
курмайдилар;

унинчидан, ноширлар миллионлаб омма учун матн
укиётган киши эканликларини, олий масъули- ятни тула
тасаввур килаяптилар, деб булмайди.

Бизда матншунослик илми хали яратилиб ул-
гурилмаган булса-да, амалий ишларга караб, бу сохани
иухта эгаллаш куйидаги вазифаларни ижро

килиш ноширликкача булган тайёрланиш боскичи булади деб хисоблаймиз:

Аввало, Алишер Навоийнинг «Тула асарлар туплами»нинг 10 жилдини мукамал, тушуниб укиб чиқиш; ютук ва камчиликларини мулохаза қилиш. Алишер Навоий асарлари лунаги ва икки жилдлик «Фарҳанги забони тожики» китобларини укиб узлаштириш; керак булганда «Риёс ул-лубот» каби эски ҳамда ҳозирги форс ва арабча-русча лугатларга мурожаат этиш; эски кулёзмалар ёзуви хусусиятларини урганиш, машқ учун исталган шоир асарлари кашрини олиб, кулёзмага киёсан урганиб чиқишни маслаҳат берардик. Матнчи булиш учун факат меҳнаткашлик, захматкашликкина кифоя қилмайди. Мухими уша фазилатлар сарвари сифатида мумтоз адабиётга олий муҳаббат лозим.

Биз уз тажрибамизда дуч келган кулёзмаларга қараб шундай бир хулосага келдик: котиблар савиялари ҳар хил. Аммо котибларнинг қупчилигининг савод даражаси, текстологик савияси - юксак. Бу-инг мисоли сифатида Алишер Навоий котиблари (ултон Али Машҳадий ва Аваз котиби Чоқар нус-халарини курсатиш мумкин. Ҳар иккала котиб нус-халарини уқур экансиз, минглаб газаллардан хатони иллаб тополмайсиз. Афсуски, биз олимлар, турли илмий даражаларимиз билан уч юз бетлик китобда юллаб нуксонларга йул қуямиз ва буни табиий, йул қуйилиши мумкин булган ҳолат деб узимизни овуқлимиз ҳам. Йук, бу муътадил ҳолат эмас! Бу - уят, бу камсаводлигимиз намунаси! Хақиқий текстология учун, юксак котиблик шарафи учун қурашиш - бу-гумғи қуннинг долзарб вазифасидир. Чунки, илмий фикр қугри булиши учун нусха, матн турри булиши тлрг. Хато нусха - хато фикрлар билдиришга йул очади.

Классика - кутлур мерос. Герцен ибораси билан айтганда: «Китоб ~ аждодларнинг авлодларга рухий васиятидир». Бу кутлур васиятнинг бирор харфини хам матнчи бузиб талкин килмаслиги шарт.

Суз галат, и мл о -галат, лугат га лат, маъно галат...

1. Мактаб дарслик-мажмуаси матншунос заррабини остида

Х,озирги «Узбек адабиёти» мажмуаларини х,ар бир синфда йилига камида 400 ООО укувчи укийди. Кайта нашри турт йилда бир булишини инобатга олсак, хар бир нашрдан бир неча миллион укувчи ва ун минглаб укитувчи фойдаланади. Бу хол маж- муа тузувчилар ва нашриёт ходимлари зиммасига катта масъулиятлар юклайди. Дарсликларда:

- биринчидан, матнлар имлоси турри булиши;
- иккинчидан, тиниш бе лги лари турри куйилиши;
- учинчидан, матний нухсонларга йул куйилмас- лиги керак.

Агар истисно холларда бундай хатолар утган булса, уларни дархол тузатиш йуллари изланиши л озим.

Бунииг учун энг бош талаб шуки, мажмуа тузув- чиси булмиш олим хам, нашриётнинг масъул ходимлари мухаррир ва мусаххих хам узлари такдим эта- ётган матнларини тушуна олишлари шарт. Айникса, у матн мумтоз адабиётимизга оид булса...

Шуролар даврида нашр этилган узбек мумтоз адабиёти намуналари савиясини шундан хам билса буладики, хар бир китобда мингтадан икки минг- тагача матн хатоларига йул куйилар эди. Афсуски, хозирги адабий мажмуа тузувчилари аксар холларда айни уша китоблардан матн танлаб мажмуага киритяптилар...

Келинг, дарсликларнинг бугунги ахволини би- лиш учун унинг синф учун тузилган «Узбек адабиёти» мажмуасини (1993 йилги нашри) бир- бир варақлаб курайлик. Ниятимиз холис. Биз йул куйилган нуксонларнинг айбдорларини топиб, уларни маънавий гунохкор қилиб уялтирмоқчи эмас- миз. Билмай қилган хатоси учун олимни айблаш инсофдан эмас. Қўйдларимиз, мумтоз адабиётимиз асарларида учраётган хатоларни тузатиш йулидаги уринишлардир, холос. Биздан ҳам саҳву хатолар утса, қуплашиб тутрисини қарор топтиришга хара- кат қиламиз.

Хусайн Бойқаро уз уБлини улимга жунатганми?

Улуғларнинг хатолари ҳам улуБ булади. Чунончи Алишер Навоийнинг мислсиз дусту, сунгги ва буюк теурий хукмдор Султон Хусайн Бойқаро Хадича бегим макрига учиб, мастлигида невараси Мумин Мирзо кат лига имзо чеккан. Бу хукм ижро ҳам этилган булиб, теурийлар салтанатининг инкирози ана шу боис ота-угиллар кураши туфайли тезлашган эди.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари XV аср У рта Осиё хаётига оид бой маълумотлар берувчи манбадир. Бунда Хусайн Бойқаро хақида ута муфассал маълумотлар борки, шу асар- дан парча X синф «Узбек адабиёти» мажмуасига ҳам олингандир:

«Баъзи муомалотта (Хусайн Бойқаро) шаръни би- сёр **ривоят** қилур эди» (191-бет). Мазмуни: (Хусайн Бойқаро) баъзи узаро муносабатларда шариатни қуп **ривоят** қилар эди. Ривоят қилиш - қиссаҳонлик, ривоят айтиб беришдир. Бу сузнинг матнга нима дах- ли бор экан, деб уйлаб қолдик. Масалани аниқлаш

учун «Бобурнома»нинг 1960 йилги Порсо Шамсиев домла тайёрлаган нашрига караймиз. Унда ёзилиши- ча: «Баъзи муомалотта шаръни бисёр **риоят** килур эди» (222-бет).

«Ривоят килиш» билан «риоят килиш»нинг фарқи жуда катта. **Риоя** - амал килмокдир.

Энди мажмуадаги матннинг давомини кучирамиз:

«Бир катла бир угли бир кишини ултургани учун конлидларира топшуру б, **дорулцазога** йиборди...»

«Дорулказо» сузи изохталаб булгани учун маж- муа тузувчиси укувчига ёрдамга келиб, лугатни хошияда бундай манзур этган: «дорулказо - улим». Демак, матн мазмуни шундай тушунилади: «Бир маротаба бир угли бир кишини улдиргани учун хун даъвогарларига топшириб, улимга юборди».

Дахшатли янгилик шуки, Хусайн Бойкаро уз углини улимга юборган экан... Демак у, хам неварра, хам у'ил котили булиб чивди.

Холбуки, вокеа тарихан бундан боншачадир. Хусайн Бойкаронинг бир угли бир кишини улдиргани рост, лекин ота уни улимга жунатмаган. Мажмуа тузувчиси луратни хато берган. «Дорулказо» улим эмас, **«к;озихона»дир**. Хусайн Бойкаро углини хун даъвогарларига кушиб, козихонага жунатган. Маъ- лумки, кози икки хил хукми беради: ё касос оли- ниши, ё хунпули туланиши керак. Шахзода хунпу- ли тулаб кутулади...

Мана, бир сузнинг маъносини билмаслик қандай хатоларга олиб келар экан.

2. Комил уз камолидан огоҳми?

«Узбек адабиёти» мажмуасининг 350-бетида Комил Хоразмийнинг куйидаги байти бор:

*Комил, нетонг, гар огоҳ; эса уз камолидин:
Доим аниси Рожий ила Оғайий эрур.*

Байтни укидиму, муаллиф фахрия усулини куллагандир, деб давомини ук,иб кетавердим. Сунг бирдан яна орқда кайтиб, такрор укдим ва уйланиб колдим. Нахотки шоир уз камолидан мактанчоклик килиб утирса? Ахир, у ерда дусту Рожий ва улкан шоир Огахийни хам тилга оляпти- ку?

Хуллас, байт мазмунидан к,оншдмай Комил Хоразмийнинг «Девон» номида нашр этилган китоби- нинг 67-саҳифасини очиб, Базал мактаини укидим:

*Комил, нетонг, гар огах; эса суз камолидин,
Доим аниси Рожий ила Огах;ий эрур.*

Ха, мана энди фикр мантии урнига тушди. Комил Хоразмий санъаткор шоир сифатида «суз камолидан» огоҳ эди.

3. Йуқолган кофияни излаб.

«Ўзбек адабиёти» мажмуасида Муҳаммад Солих- нинг «Шайбонийнома» достонидан парчалар олинган булиб, унда куйидаги матн хам бор:

*Ола келди ул **иковни** филх,ол,
Олдилар цулга **иковни** филх;ол.
Кестуруб бандларини Султон,
Килибон иккаласини шодон...*

(176-бет.)

Матннинг биринчи байтида «иковни филхол», «иковни филхол» суз лари радифлар булиб, нега- дир кофия катнашмаган. Холбуки, байт кофиясиз тикланмайди. Бу достой матнини филология фан- лари доктори профессор Эргашали Шодиев нашрга тайёрлаганлар ва олдинги нашрдан савияси анча юқоридир. Мазкур матндаги воқеага кайтамыз: шай- бонийлар Султон Маҳмудхон ва Олачохонни (Султон Аҳмад хонни) асир олиб, занжирбанд килиб

куядилар. Сунг гунохлари авф этилиб, Мурулистонга кетишга рухсат берилади.

Энди маттни араб ёзувида тасаввур этиб, тузатиб у Кип! га уриниб курамыз. Бизга «кестуруб бандлари- ни» сузлари ёрдамга келади:

*Ола келди ул **иковни** филх,ол,
Олдилар цулга **эговни** филх,ол.
Кестуруб бандларгти Султон,
Килибон иккаласини шодон.*

Энди мазмун ёришди. Байтдаги кофия хам то- пилди: «иковни-эговни» экан. Дархакикат, эговни келтириб, иккала махбус бандларини кесишади.

4. Какиус одамнинг бошига ин куядими?

«Узбек адабиёти» мажмуасининг иккала нашрида хам куйидагича байтлар учрайди:

*Бор эмиш цацнус деган бир турфа тайр,
Хинд мулкида анга орому сайр...
Кимсагаким ул нишиман айламиш,
Бир йиюч ботинки маъман айламиш.*

(129-бет)

Учинчи мисранинг мазмуни: Кдкнус бир кимса- нинг бошига куналга килган. Мен бунга ишонмадим. Чунки матнда кушнинг «тавоно пайкари» — жусса- си йирик эканлиги хам айтилган... Нахотки йирик жуссали куш одамнинг бошига ин куйса?

Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонини мен хам нашрга тайёрлаганман. Афтидан бунакаси йук эди. Ноилож ун беш жилдликдаги ун би- ринчи жилдни очаман... ва лол коламан. Ха, бу туртлик филология фанлари номзоди Шарафиддин Эшонхужаев нашрга тайёрлаган Алишер Навоий «Асарлар»ининг ун биринчи жилди 226-саҳифасида экан. Айнан мажмуадагидек. Мажмуа тузувчилари

шу китобдан матн олган эканлар. «Лисон ут-тайр» достонининг «Узбек адабиёти бустони» туркумида эълон қилинган нусхасида эса, матн мана бундай:

*Бешаеким ул нишиман айламиш,
Бир йточ бошинки маъман айламиш.*

(1991)

246-бетдаги мазкур матн Алишер Навоий «Му- каммал асарлар туплами» ун иккинчи жилдининг 279-саҳифасидаги матнга мувофиқдир.

Беша - урмон, Қ,акнус уяси урмонда булиши ақлга тутри келади.

5. Бир мисрада уч хато...

«Узбек адабиёти» мажмуасининг 132-бетида Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонидан қуйидаги байт келтирилган:

*Сутра ондин кимса топмай менча суз,
Буйла мух;рик шуълаву гетиферуз.*

Иккинчи мисрадан ҳозирги ҳолда сорлом мазмун чиқариш амри мах,ол. Чунки тилда «мухрик» деган суз йук; «шуъла»дан кейин изофа турри қуйилмагани учуй икки суз фикран аросатда қолган; «гетиферуз» деган суз булмайти. Чунки «гетиферуз»ни узимизни мажбур қилиб тушунмокчи булсак, «бахтиёр олам» тушунчасий ҳосил буладики, шоир бундай демокчи эмас эди.

Мажмуа тузувчилари шу мисрани узлари тушунганмиканлар? Тушунолмаган булсалар, бу байт нега мактаб укувчисига ҳавола этилди?

«Лисон ут-тайр»нинг 1991 йилги нашрида бу байт қуйидагича берилган:

*Сутра ондин кимса топмай менча суз,
Буйла мух,рик, шуълаи гетифуруз.*

«Мух,рик,» - куйдирувчи, ёндирувчи, уртовчи, «гетифуруз» ~ оламни ёритувчи деганидир. Суз- ларнинг маъносини билганимиздан сунг, эски ёзув- даги «шуъла»га «и» изофаси куйилганини хисоб- га олсак, матндан ту Бри мазмун чикариш имкони тугилади.

6. Шайбонийхон дoston ёзганми?

Шайбонийхон буюк фотихлардан биридир. У У рта Осиёга бостириб кириб, теурийлар салтанати- ни кулатиб, уз хукмронлигини урнатган буюк хар- бий саркарда, хон. «Узбек адабиёти» мажмуасининг 151- сахифасига боксак, Шайбонийхоннинг туркий тилда бир дoston ёзгани маълум булади:

«Шайбонийхон бир турки маснавий битибтур, ра- мали мусаддаси махбун вазнидаким, «Субха» вазни булгай, бисёр сусту фурудтур, ани укугал киши Мухаммад Солихнинг шеъридин беъътикод булур» (« Бобурнома»дан).

Матн мазмунидаги мантиксизлик бизни хушёр торттирди. Ахир, маснавийни Шайбонийхон ёзган булса- ю, уни укиган китобхоннинг Мухаммад Со л их шеъриятидан кунгли колса?.. Буни кандай тушунмок керак?

Мазкур мажмуанинг 1993 ва 1996 йилги нашрла- рида хам бу матн айнан шундай берилган эди.

Бу холнинг хакикатини топиш учун Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома»сини вараклаб, тегишли уринни тоидик ва кучирдик:

«Шайбонийхоннинг **отира** бир турки маснавий битибтур, рамали мусаддаси махбун вазнидаким, «Субха» вазни булгай, бисёр сусту фурудтур, ани укуган киши Мухаммад Солихнинг шеъридин беъътикод булур». Ха, Бобур рост сузляпти: Мухаммад Солих Шайбонийхонга атаб «Шайбоний-

нома» достонини битган. Мажмуа тузувчилар матн- ни турри кучиролмаганлар.

7. Мажнун цандай сирни фош этган?

Хувайдо шеърларидан «Узбек адабиёти» мажмуа- сига намуналар олинган булиб, жумладан куйидаги байт дам учрайди:

*Эй Хувайдо, этмагил **Мажнундек** сиррингни фош, Айласанг
хуйи «аналх,ац», дордин андиша цил.*

(257-бет)

«Байт» сузи - «хона, уй» ёки «икки мисра шеър» маъносини беради. Мантikan каралса, бир хонада, бир уйда бир хил фикр булиши керак эди. Бу ерда эса, биринчи мисрада гап Мажнун хакида, иккин- чи мисрада «аналхак» деб юборган машхур суфий туррисида сузланмоқда. Кдлаверса, Мажнун кайси сирни фош килган узи? Мен, форсий ва туркийда куплаб «Лайли ва Мажнун» достонларини укиган одам Мажнуннинг бирор сирни фош килганини эс- лаёлмадим. Академик Крачковский тадкикотларида хам бу хақда гап йук-

Демак, биринчи мисрада «Мажнун» сузининг иштироки уринсиздир. Хуш, у кайси суз булиши мумкин?

Маълумки¹; Бардодда амал килган машхур суфийлар мактабларидан бири Жунайд Багдодий давраси булиб, унда Мансур Халлож, Абу Бакр Шиблий, Ато Одамий сингари энг машхур суфийлар жавлон уришган. Суфийлик - Аллохга мухаббатнинг энг яширин тарзи булиб, улар уз таълимотлари- ни элга ёймас эдилар. Айникса, уз карашлари мохиятини - Аллох инсонда зухур этган, деган тушунчани, яъни, одам ва олам илохийлаштирилган таълимот мохиятини суфийлар сир саклашган.

Аллох мухаббати жазаваси чоБида Мансур Хал- лож беихтиёр: «Аналдак!»³ деб бакириб юборган ва шу таълимотини БаБдоддан У йруристонгача юриб ёйган кишидир. Шунинг учун устоз Жунайд Бардодий: «Мансур сирни фош килди!» дея ундан норози булган. Жумладан унинг катлига шаръан имзо чекканлардан бнрн хам Жунайд Бардодий эди.

Демак, менинг киска уйимча, Хувайдо байтининг асли куйидагича булмоБи даркор:

Эй Хувайдо, этмагил Мансурдек сиррингни фош, Айласанг хуйи аналх,ак,, дордин андиша цил.

8. Забунулло ким?

Инсоф билан айтиш керакки, шурулар замони- дан бошлаб хозиргача босилган Рахимбобо Валибобо угли Машраб асарлари орасида энг мукаммали ва юкори савиялиси «Узбек адабиёти бустони» турку- мида эълон килинган «Мехрибоним кайдасан» кито- биднр. Бу китобни ёш толмас таджикотчи Жалолид- дин Юсупов нашрга тайёрлаган. Мазкур китобдан шоирнинг шеърлари 10-синф мажмуасига саралаб олинган. Жумладан, куйидаги байт хам:

*Ризо мулкидаман, х,алцумни туттум тиги Акбарга,
Бу йулда сийнаи поки **Забунулло**,а сигмамдур.*

(217-бет)

Байт мазмуни: Ризо мамлакатадаман, бурзимни Акбарнинг пичорига тутдим. Бу йулда Забунулло- нинг пок баррига сиБмайман.

Байтдаги икки исм китобхонни чалритади. Чунки шоир нухасида Акбар исмли киши йук, факатгина «акбар» сузи бор. Сунгра Забунулло исмли тари- хий, адабий, мифологик ёки диний шахсни ким эшитган?

³ «Мен харман, мен Аллохнинг бир заррасиман» маъносида.

Холбуки, байтнинг матни куйидагича булиши ке- рак эди:

*Ризо мулкида ман л; алицумни туттум тит акбарга,
Бу йулда сийнаи поки забея; уллога симамоур.*

«Забехулло» сузи «забх» ~ суйиш ва «Аллох» сузлари бирикувидан хосил килинган булиб, «Аллох йулида суйиладиган» деган маънони ифо- далайди. Камина мулохазасича, бу мисрада Исмоил алайхиссаломнинг Аллох йулида курбон қилиниши воқеасига ишора қилинган. Шу маънода Исмоил алайхиссаломни - Забехуллох дейиш мумкин.

Бегона байт

Айрим ҳақиқатлари айтиш учун баъзан чорак аср, баъзан ярим аср муддат талаб қилинаркан. 1974 йилда Муқимий «Асарлар» қулъзмасини Рафур Рулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётидан менга ички такризга беришди. Қулъзма ва тошбос- ма нусхалар билан киёсан урганиб чиқиб: «Матн хатолари жуда куп. Уларни тузатиб, сунгра нашр этириш керак», деган мазмунда фикр бердим ва элликка яқин матн хатоларини мисол келтирдим.

Такриз нашриётга топширилгач, нашриёт дирек- тори мухтарам Хамид Рулом менга: «Домла, сиздаи илтимос, Муқимий хурмати: биз профессор Рулом Каримовни таклиф этайлик. Сиз тошбосма нусхадан тузатишларни бирма-бир айтинг. Домла уз қуллари билан тузатсинлар», деган таклифни қуйдилар. Мен, йук, дея олмадим. Чунки мен у пайт 34 ёшли ёш олим, устозлар хизматида турганим маъқул, деб уйладим. Домла нашриётга келдилар. Муқимий ада- бий мухити ва ижоди юзасидан илмий тадқиқот яра- тиб, филология фанлари доктори илмий даражасига эришган олим ёнларига кимтиниб жойлашдим ва

1910 йилги «Девони Мукимий маа хажвиёт» тош- босма китобчасидан тузатишларни бирма-бир айта бошладим. «Ганобчилар» хажвидаги куйидаги:

*«Бир-бирига ҷишлоқ эли боқишиб,
Гох, у ён, гох; бу ён чопишиб»,*

байтига келганимизда, мен кулимдаги тошбосма нус- хани курсатиб:

- Домла, Мукимий девонида бунака байт йук-ку. Мана, нима деб ёзилган, - дея байтни тошбосмадан курсатдим:

*Бир-бирига мардуми дех; а ҷараб,
Гох, у ён, гох; бу ён тентираб.*

Профессор юзимга хайрат билан узок; бокдилар ва дедиларки:

- Вахобжон, сизга нима булди?! Дехкоп тен- тираса, ахмок булади-ку? Мукимий буни каердан тушунади?! Нима, биз дехкон образини бузишимиз керакми?

Мен ноилож: «Мукимий китобида Мукимий байта ёзилади, деб уйлабман», дея рулдирадим...

Хуллас, уша байт Булом Каримов «тахрирларича» қолиб кетди.

Буни тузатишнинг иккинчи маротаба яна бир хонаси келди. Бирок. «ФАН» нашриётидан менга «Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилдлиги таджикотининг бешинчи жилдини ички такризга бе- ришди. Мен юкоридаги бегона байт хусусида уз фикримни билдирдим. Нашрдаги Мукимий ижоди таджикоти сахифасида Рулом Каримов вариантлари берилган булиб, пастда хошияда куйидагича:

*«Бир-бирига мардуми дех; а ҷараб,
Гох, у ён, гох, б у ён тентираб.*

варианти ҳам учрайди...» дея изох ҳам илова этил- ган.

Хуллас, икрорим шуки, мумтоз шоирнинг эмас, филология фаилари доктори, профессор Гулом Каримов «яратган» байтлари узок; яшамокда. Мана, салкам эллик йилдан буён барча нашрларда Мукимийнинг уз байти:

*Бир-бирига мардуми дех, а цараб,
Гох; у ён, гох, бу ён тентираб.*

бир четга суриб куйилиб, «гоявий жихатдан зарар- сизлантирилган» нусхаси:

*Бир-бирига цишлок, эли боцишиб,
Гох; у ён, гох, бу ён чопишиб.*

байти кайта-кайта босилмокда...

«Муаллифлик хукуки» китобида ёзилишича, «Адабий ёдгорликлар матнидаги суз тугул, бирор харфни ҳам узгартириш мумкин эмас». Колаверса, иашрларимизда буидай эркии узгартиришлар килинаверди, тил тарихи илмида куз куриб кулок эшитмагаи «янгиликлар» пайдо булади. Яъни олим, Мукимий кишлок ахолисини «кишлок эли» деган, дея хул оса беради. Мукимийнинг узи айтган суз - «мардуми деха» бир чеккада колиб кетади. «Узбек адабиёти» мажмуаси китобида яна угла «ясама» байтга назарим тушиб, уша вокеаларни эсладим...

9. Искандар кузгуси каерда курилган?

Мажмуага Фуркатнинг «Гимназия» номли шеъри ҳам киритилган булиб, унда куйидаги байт изохи билан берилган:

*Алар илмидин ижод улса, тот йц,
Скандар кузгуси, Жамшид жоми.*

Хош иядаги изох: «(Скандар) Искандар кузгуси - ривоятга кура, Искандар Юнонистонда шундай бир кузгу курдирган эканки, унда бутун мамлакат кури- ниб тураркан» (381-бет).

Холбуки, Искандар кузгуси дунёнинг етти муъжизасидан бири булиб, у Юнонистонда эмас, балки Мисрда Искандария шахри ёнида курнлгандир. «У ким, бу нима?» комусининг биринчи жилдидан бу маълумотни билган укувчи мажмуа тузувчисининг гапи-изохи олдида довдираб ко лиши хеч гаи эмас. (К,аранг: «У ким, бу нима?», 1-жилд, 244-бет).

10. Нотурри изох;

Мажмуа тузувчиси хошияда матнга изох берга- нида, узи мукаммал тушунган матнни укувчи хам тушунсин, деган яхши ниятда булади. Дархакикат, Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достоин матнини тушуниш кийин. Куйидаги байт ва унинг изоҳини мулоҳаза килайлик:

*Замиринг қилса оғзимни тавах;х;ум,
Адам йулида айларму узин гум?*

Мажмуадаги изохлар: «Замир» - ич, кунгил, юрак. «Таваххум» - ваҳимага тушиш, куркиш (84-бет).

Ширин мактубидан олинган ушбу байтнинг биринчи мисрасини изохлардан фойдаланиб тушуниш- га уринайлик: Юрагинг оғзимдан ваҳимага тушса, куркса...

Савол турилади: Шириннинг ОРЗИ шу даража- да куркинчлими? Рорми у? Нега Фарход ваҳимага тушсин?

Мазкур нуксон лугатларимиз кашшоклиги билан хам изохланади. Чунки «Навоий асарлари лурати» китобида бу сузга «шубхаланиш, ваҳима килиш» маъноси берилган, холос (264-бет).

Мажмуа тузувчиси изодни «Алишер Навоий асарлари тилининг изохли лугати» китобидан ол- ган. Аникки, у байт мазмунини тушунол маган. «Таваххум» сузининг гумон, тасаввур, хаёл маъ- нолари хам бор. Хуш, «таваххум» сузини хаёл, тасаввур деб уйласак, байт мазмуни кандай булади?

Бунинг талкинини шоир Рафур Руломдан тинг- лаймиз: «Киши билмас огзимни уйлар экансан, йуклик йулида узингни йукотиб куймаяпсанми?» (Алишер Навоий «Фарход ва Ширин», 1989, 538-бет).

Мана, курдикки, байтда хеч кандай [уркиш, вахима хакида гап йук, экан. Хулоса, матн мазмуни- га мувофик. келмайдиган лугатни мажмуага кирит- маслик керак эди.

11. Махтумқулининг маъносиз мисраси...

Мажмуада машхур туркман шоири Махтумкули ижодидан хам намуналар берилган.

*Куйдилар шум фалак жабру х,авоси,
Инонманг, ёлгондир ах,ду вафоси.*

(393-бет)

Биринчи мисра мазмуни: **Шум фалакнинг жабр ва хавоси куйдилар...**

Махтумкули аслида нима демокчи эди? Мумтоз шоир бунака ёзмайдику, ахир?! Ноилож, шоирнинг 1963 йилда Тошкентда нашр этилган «Танланган асарлар» китобининг 10-бетини очамиз ва укыймиз:

*Куйдирар шум фалак жабру жафоси,
Инонманг, ёлеондир ах;ду вафоси.*

Биринчи мисра мазмуни: **Шум фалакнинг жабру жафоси кишиларни куйдиради.**

Аввалги мазмун билан бу мазмуннинг фаркини 10-синф укувчиси хам дархол фахмлаб олади. Факат, унга матн такдим этилаётганда бир оз масъулият ва

эътибор билан ёндашилса булди. Ачинган жойимиз шундаки, китобнинг уч йилдан кейинги такрор наш- рида ҳам бу хатолар унглабди.

12. «Кари»нинг икки изохд

Мажмуадаги яна бир изох мени лол колдирди. Аввал матни, кейин изодни келтираман: «Бобурно- ма»дан парча:

«...фил... азимул жусса ва зийрак жонивордур. Хар не десалар билур ва хдр не буюрсалар килур. Бахоси улуглигига ярашадур, карилаб сотарлар».

Изох: «Кдри - кул учидан тирсаккача булган узунлик улчови» (197-бет).

К,изиби шундаки, ушбу мажмуанинг бошка сахифасида «кари» сузига яна бир мартаба дуч келамиз:

*Ман-ман дедилар, симадилар ушбу жах,ота,
Кургилким, ани уч цари ерни цучуб утти.*

Изохи: «К,ари - карич. Шоир талкинича, ин- сон тириклигида очкузлиги ва манманлиги билан жахонга сиБмайди, улганида эса унга уч карич ер кифоя килади» (257-бет).

Савол тугилади: хар кандай улик уч каричлик лахадга сиБадими? Дарвоке, «кари» - каричми?

Бир мажмуадаги икки изохнинг кай бирига ишониайлик?

Кари - узунлик улчови булиб, 75 см. га турри келади. Уч кари - 2 м. 25 см. булади. Хар кандай дароз улик ҳам бундай лахадга сиБади...

13. Уйга кирамизми, утга кирамизми?

Мажмуадаги бир байт куйидаги тарзда берилган:

*Мақоми цурбат утига агар кирсанг - х,узур топсанг, Узунг
за^роба ютцил, халци комига шаккар тут.*

Машрабга тегишли бу байтнинг мазмунини шун- дай тасаввур этдим: «Якинлик маскани булган утга агар кириб хузур топсанг, узинг захар ичгин-у, эл ОБЗИга шакар тутгин».

Савол турилади: одам утга кириб хузур киладими? Одам афсонавий самандар эмас-ку? Матнни эски ёзувда тасаввур этиб, нукталар урнини узгартириб, мазмун мантигини тикласак, байтни куйидагича кайта укиса булади:

*Маъоми цурбат уйига агар кирсанг - х,узур топсанг,
Узунг зах,роба ктицил, халцини комига шаққар тут.*

14. «Бидишт — дузах»ми?

Машраб шеърятидан мажмуага олинган яна бир байт:

*Урайинму боғшима саккиз бицишту дузахин,
Булмаса васли мета, икки жа^онни на қилай?*

Изоҳни хошиядан уқиймиз: «Бихишт - дузах» (227-бет).

Луратни матнга куйиб, хайрон колдим: нахотки тузувчи шуни тушунмаса? Ё унингчи синф укувчиси билан хазиллашмокчими? Бихиштнинг жаннат эка- нини бугун ёш бола ҳам билади-ку!

15. Довун пайка ли ковунга зор...

Мавлоно Огахий Шайх Саъдийнинг «Гулистон» китобларини узбек тилига таржима килганлар. Х синф «Узбек адабиёти» мажмуасида шу таржима- дан парчалар берилган. Бир байт диккатимни торт- ди. Негаки, бу мисралар мазмуни аросатда колган булиб, иккинчи мисрада учта матн нуксони бор:

*Крзики, егай ришва била беги хиёр,
Собит сенит учун қилур ун харбузага зор.*

Хошиядаги лурат: «Беш - куп, ортик, зиёд» (342-бет).

Мажмуадаги байт мазмуни: К,озики, порага беш бодринг еса, сенинг учун ун ковунга зор мукаррар килади.

Камина «Саъдий Шерозий «Гулистон»нинг уз- бекча таржималари» мавзуида илмий иш қилганим учун, мазкур байтнинг Огахий дастхати асосидаги нусхани келтираман (дархакикат, дастхат, у қотиб қучирган нусха эмас, чунки тузатишлари шундан дарак беради):

*Крзики егай ришва била беш хиёр,
Сабт сенинг учун қилур ун харбузозор.*

Мазмуни: «Қози порага беш бодринг еса, сенинг фойданга ун ковун пайкалини хатлаб беради».

Инсоф қилайлик, бу матнни укувчига юқоридаги ахволда бериб буладими? Олим тушунмаган матнни унинг синф укувчиси қандай тушуниб етсин?

16. Уз улмидан севгилисига хабар берган шоир Огахийдан:

*Дедим: «Улубдур Огах;ий!» ашки қанорасиз, деди
«Ашқима гар қанора йуц, булмас булмасун, нетай».*

(318-бет)

Тиниш белгилари нотурри қуйилгани боис «Огахий улибди!» (ёки «Огахий булибди!») дедим, деган маъно чиқиб қолган.

Огахий шундай мазмунни ифодалаганми? Ме- нимча, йук. Буни билиш учун матнга тиниш белги- ларни қуйидагича қуйилса қифоя:

*Дедим: «Улубдур Огахий ашки қанорасиз». Деди:
«Ашқима гар қанора йуц, булмас булмасун, нетай».*

Энди мазмун ойдинлашди: «Огахийнинг куз ёш-лари чек-чегара билмайди», дедим. У деди: «Куз ёшларимга чек-чегара булмаса булмасин, нима килай».

17. Гандум арпами?

Мажмуанинг 385-саҳифасидан: «Ул мутавалли мазкур заминга жувори **ва** гандум ва бопща ни- марсалар зироат килдируб...» сузларини укиймиз. Хошиядан суз ва лугатини кучирамиз: «Гандум - арпа».

Хох кулинг, хох йиБланг: лугат шундай бери л гаи. Холбуки, миллион марта ёзганимиз билан **бурдой** (гандум) ҳеч жаҳонда арпа булиб қолмайди, ахир!

18. Кофир қалласини угирса, муслмон буладими?

Мажмуада кофирни муслмон қилишнинг энг осон усули кашф этилган. Бунга кура: агар кофир қалласини угирса, муслмон булади. Мана уқиб қуринг:

*Қучага чиққач, Муқимий қалласин угуртуруб,
Яхши қилди, нафси кофирни муслмон қилди лой.*

(361-бет)

Яъни, Мавлоно Муқимий қалласини угирсалар, кофир муслмон буларкан...

Мен бунинг ҳақиқатини билай, деб Муқимий асарларининг беш-олти нашрини қўздан кечирдим. Профессор Гулом Қаримов тайёрлаган нашрларнинг аксариятида байт мажмуадаги вариантга мос. Бир-гина нашрда фарқ бор: унда «қалласин» ўрнига «қелмасин» сузи қелган:

Қучага чиққач Муқимий қелмасин угуртуруб...

Бу вариант ҳам мени кониктирмади. Энди шо- ирнинг тошбосма асарларига назар ташлашга навбат келди. 1910 йилги «Девони Муқимий маа хажвиёт» номли китобчада бу байт куйидагидек битилган:

*Кучага чиқач, Миқимий калимасин узуртуруб,
Яхши қилди, нафси кофирни мусулмон қилди лой.*

Мана бу бошқд гаи. Энди байт мазмунида мантид бор, фикр турри. Чунки кофир калима угирса, мусулмон булади, калла угирса эмас.

19. Махдуми Аъзам ким?

Бу саволга «Узбек адабиёти» мажмуасида жавоб бор. Аввал матн билан танишайлик: «Илгори эши- тиб эрдиларки, набирайи хазраги Махдуми Аъзам - Офок Хужам Коютарда деб» (245-бет).

Энди хошиядаги изохдан саволимизга жавобни уқиймиз:

«Махдуми Аъзам ёки Имоми Аъзам ан-Нуъмон бинни Сабит Абу Ханифа (699-767 йилларда яша- ган) - Ханафия мазхаби асосчиси» (245-бет).

Шу жавоб тутрими? Миллионлаб уқувчилар ва ун минглаб адабиёт уқитувчилари шу маълумотни ту Бри деб кабул киладиларми?

Афсуски, мажмуа тузувчилари Махдуми Аъзамни Имоми Аъзам деб талкин қилганлар. Агар изохга ишонсак, XVII аср фарзанди Офок Хужа VIII асрда яшаган Имоми Аъзамга неvara буладилар. Орада туккиз аср вақт масофаси бор-а?

Энди Махдуми Аъзам кимлигига келайлик: «Ройиблар хайлидан ёнган чироклар» китобида- ги шарқшунос. Илёсхон Розийнинг «Накшбандия тарикатининг буюк сиймоси - Махдуми Аъзам» мақоласида куйидагича маълумотлар бор: Исми ша- рифлари - Хожаги Ахмад ибн Жалолиддин Косо-

пий. Бу табаррук инсон «Махдуми Аъзам», «Имом ал-Косоний», «Хожаи Дахбедий», «Хазрати Эшон» лакаблари билан танигликдирлар. Махдуми Аъзам-нинг каламларига мансуб асарлар: «Самоъия», «Бу-жудия», «Одоб ус-соликин», «Бакоия», «Насихат ас-соликии», «Оламия», «Нафахот ус-соликин», «Зикр», «Силсила ас-сиддикин», «Миръот ус-сафо», «Ахволи уламо ва умаро», «Гули Навруз», «Меъ-рож ул-ошикин», «Бобурия», «Танбех ус-салотин» сингарилар... Мазкур асарлар орасидан «Бобурия» - Захириддин Мухаммад Бобурга баришлангаи асар эканлиги алохида кайд этгуликдир.

Махдуми Аъзам 1461 йилда Наманганнинг Косон ноҳиясида дунёга келиб, 1542 йилда Самарқандца - Дахбедда вафот этганлар.

20. Тиши уй — сигирми, хукизми?

Мажмуанинг «Фарход ва Ширин» достони берилган қисмида Хусравнинг Михинбону жавобидаи Базаблангани воқеаси бор:

*Разаффар худ нетар чанголу ёлин,
Чекар булса тиши уйнинг мах;олин.*

(70-бет)

Тузувчилар хошияда «уй - хукиз» деб лурат и лова қилишган. Бирок бу луратни маъқуллаб булмайди. Матнда: «Шер тиши уйнинг маҳолини чекадимми?!» (Шер сигирнинг нозини кутарадимми?) деган фикр бор. Муаллиф «тиши уй» демокда. «Уй» - қорамол, «тиши уй» - сигирдир. Маълумки, сигир хукиздеқ қудратга эга эмас. Хукиз шерга бас қелиши мумкин, сигир бас қелолмайди. Шунинг учун биз мажмуа-даги лугатни маъқулламадик. Негаки, Хусрав узини арслон (разаффар) ҳисоблаб, Михинбонуни сигирга йуймоқда ва уз қучини қурсатишга шайланмоқда...

Мажмуа тузувчилари хошияда «**тиши уй - си- гир**» тарзида лугат берсалар, укувчига тугри йул курсатган булардилар...

21. Неъматлар маъкулланганми ё маъкулланганми?

Зокиржон Фуркат Тошкентга борганида гоибона дусту Хожи Аъзам кутиб олади ва шоирни мадрасага жойлаштиради. «Саргузаштнома»да Фуркат ёзади: «Ул кишининг (Хожи Аъзамнинг - Р. В.) икдизоси касратидин мадрасаи Кукалдошда истикомат айлаб, анинг хони шафкатида куп неъматлар **маъкулим** улди ва хаттал имкон тарбиятимда **кушишлар** кургузди» (372-бет).

Матнга ишонсак, Хожи Аъзамнинг шафкатли дастурхонидаги неъматлар Фуркатга маъкул булган.

Асл нусха эса, бу фикрга мувофик келмайди. Зокиржон Фуркат «Асарлар мажмуаси»нинг II жил- дидан кучирамиз: «... анинг хони шафкатида куп неъматлар **маъкулим** улди ва хаттал имкон тарбиятимда **кушишлар** кургузди» (150-бет).

«Маъкул» - егулик; «маъкулим улди» - едим, демакдир.

«Кушишлар» эмас, «кушишлар» - харакатлар, тиришишлар эди...

22. Бир сузни икки хил ёзганда хам турри ёзолмаслик азоби

Мажмуанинг 130-саҳифасидан бир байт кучирамиз:

*Чун, ки ул қулла^р угулди тогча,
Махфий эрмиш қулда бир цаңнусбача.*

154-саҳифадан яна бир байт уқиймиз:

*Чун тиловат била машгул булур,
Ата арвох,и муцаддас уцулур.*

Луратларда «угулмок» феъли учрамайди. Ке- йинги байтга келсак, ундаги «мукаддас арвохлар укилади», деган фикрга тушуниб булмади. Кейин- ги англашилмовчиликни тушуниш учун Мухаммад Солих: «Шайбонийнома» достонининг 1989 йилги нашрига бокдик:

*Чун тиловат била машгул булур,
Анга арвох,и муцаддас укулур*

(29-бет)

«Навоий асарлари лугати»га боксак, «укулмак» сузи бор: тупланмок, йирилмок, тудаланмок маъно- ларида келади.

Демак, мисра: «Анга арвохи мукаддас укулур», тарзида берилса, мазмуни: «мукаддас арвохлар тупланадилар», деган ёркин фикрни ифодалайди.

«Лисон ут-тайр»дан олинган биринчи байтга келсак, матндаги «угулди» сузини «угулди» ёки «укулди» тарзида ёзсак, сор лом мазмун юзага чиқади.

Демак, мажмуадаги иккала холатда ҳам бу суз тугри ёзилмаган экан...

23. Тундаги чу кур, хандак; ва тепа...

Сарлавхани укиган киши мени «Муаллиф сал анакарок булиб колганми? Нега тундан чукур, хандак ва тепа излайди?» деб энсаси котиши тайин.

Урта мактаб уқитувчи ва уқувчиларига олимлар шуни маслахат беришса, менинг нима илолсим бор? Гаи «Узбек адабиёти» мажмуасининг шоир Турди Фаробийга тегишли бор байти устида боради.

Маълумингизким, Турди Фарогий Абдулазизхон даврида бошбошдоклик килган бекларни тийиш учун «кенглик килинг» радифли насихат шеърини ёзган. Унда куйидагича бир байт бор:

*Бир яцодин бош чцориб, барча бир тута кириб,
Бир унгурлик, бир тиризлик, бир яцо - енглик цилинг.*

(203-бет)

Мажмуа тузувчилари укувчи идрокини осонлаштириш учун куйидаги луратни лутфан манзур этганлар: **«Унгур — чу кур, хандак; «Тириз» - тепа** (203-бет).

Шу методик тавсияга кура, мазкур луратларни матнга куйиб укиймиз:

*Бир яцоди бош чцориб, барча бир тута кириб,
Бир чуцурлик (хандацлик), бир тепалик,
бир яцо-енглик цилинг.*

Кдранг, иккинчи мисра мазмуни кандай кулгили ва бемаъни чикди!

Аслида-чи? «Яко», «енг», «унгур», «тириз» сузларининг барчаси «тун» га тегишли истилохлар булиб, «унгур» тунинг этаги, «тириз» эса култиктан иастга томон кетган кисмидир. Шоир «бир ёкадан бош чикариб, инкиттифок булайлик» демокчи эди.

24. Дуст дустини утга ташлайдими?

Мажмуада Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонидан бир парча ва изох бор.

*Халилосо очиб утдин гулумни,
Буким дебсен совурсунлар кулумни.*

Хошиядаги лугат: «Халилосо - дустга ухшаб» (76-бет).

Тузувчилар берган луратни матнга куйиб, матн мазмунини тушунишга уринамиз: «Дустга ухшаб утимдан гуллар очилтириб, кулимни совуришларини буюрибсан...».

Ушбу изох укувчига фойда бериш урнига, фикрини чалритади. Чунки унда мазмун чикмай колган.

«Узбек адабиёти бу стони» туркумида эълон килинган Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достони шоир Рафур Рулом насрий баёни билан биргаликда нашр этилган уша матнга бокайликчи, академик шоиримиз бу байтни кандай тушунган эканлар?

Насрий баёндан: «Халил сингари утимдан гул- лар очилтириб, сунг кулимни совуришларини бу- юрдинг». Хошиядаги изох: «Халил» - Иброхим пайрамбарнинг лакаби (517-бет). Демак, матнда гап Намруд подшоҳ томонидан Иброхим алайхиссаломни утда ёкишга уриниши воқеасига ишора бор экан. Демак, Фарход: «Сен мени Иброхим Халилуллоҳдек утга ёкиб, кулимни совурмокчимисан» деган экан.

Хул оса: унинчи синф «Узбек адабиёти» мажмуа- сида бунака жумбоқлар жуда куп. Ачинарлиси шун- даки, бундай рур матнлар укувчи саводхонлигини кучайтириш урнига у ни адабиётдан бездирмасмикин. Чаласаводлик адабий мажмуадан бошланадими, деб хавотирга тушасан қиши...

«Шарк; юлдузи», 1999, 5-сон

Бир сузнинг цудрати

*Бизни бузди х, аргиз ул, ё Рабки,
маъмур улмасун.*

АЛИШЕР НАВОИЙ

Илм - Аллохнинг инсонга берган энг улуБ маъ- навий неъмат. Шу даражада улуБ неъматки, илм туфайли Инсон Аллохнинг энг якинлари - ма- лаклардан ҳам азизроқ, шарифроқ, шарафлироқ булди.

Инсон бошида - хаётида минг бир муаммо борки, уларнинг энг кийин жумбоқларини ҳам узил-кесил хал киладиган буюк кудратли восита илм-фандир.

Шунинг учун барча мумтоз шоирларимиз, жум- ладан уларнинг сарвари, энг улури Алишер Навоий ҳам илму хикматнинг мислсиз куч-кудратини уз асарларида кайта-кайта янги-янги далиллар асосида таъкидлайди.

Дахомиз энг улуг халлол - муаммони хал килувчи кудрат илм эканлигини уктиради. Унинг бу хусусдаги карашлари комил инсон тимсоли булган Фарходнинг жасоратли сузларида ҳам янграган:

*Деди: Хор тики қилмиги одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.*

Алишер Навоий «Мукаммал асарлар туплами»нинг олтинчи жилди: «Хазойин ул - маоний»нинг «Фа- войид ул-кибар» (Тошкент, 1990) девонида, агар нашрга ишонсак, хазратимиз:

- Барча шаклларни улим хал хил ад и, деб куя-колибдилар:

*Илм афлокида бир жис мах;ал,
Барча ашкол улум олида қал .*

(483-бет)

Байтнинг иккинчи мисрасидан шундай мавхум мазмун чикдриш мумкин: «Барча шакллар улим олдида хал булади». Афтидан нашрга тайёрловчи «ашкол» сузи лугатини билолмаган. Навоийнинг масъул котиблари тузук укиёлмай, нашр этган бу байтнинг биринчи мисрасида мазмундан дарак йук. Чунки «бир жис» сузлари мисрани чилпарчин этган. «Жис» сузи дунё тилларининг бирортасида бордир-у, бу ерда уша сузга урин йук эди.

Аслиятда «бир жис» тарзидаги холат эмас, балки бир суз тарзидаги «Биржис» эди. Биржис сайёраси эди. Биржис - Муштарий (Юпитер) юлдузидир.

Демак, байтнинг аслиятга мос биринчи мисраси шундай булади:

Мазмуни: Илм осмонида замон Биржисидир (Муштарийсидир).

Энди иккинчи мисрага келамиз. Ишни осонлаш-тириб олиш учун хато сузларни аслиятга мослашти-ра бошлаймиз. Нашрдаги «ашкол» сузининг лугати «шакллар» булади. Бу суз муаллиф нусхасида «иш-кол» (жумбок, мушкуллик, муаммо) булган.

Барча ишкол улум олида х;ал.

Мазмуни: Барча мушкуллик улим олдида хал булади.

Йук, хали аслиятга етолмадик. Энг жиддий нуксон «улум» сузидадир. Ана шундай холатларни назарда тутган устозим Мирзо Тож: «Нашрга тай-ёрловчи иш жараёнида харфларни кургану сузни курулмаган» дегувчи эдилар. Эски ёзувда «улум» ва «улум» сузлари шаклдошдир. Матн кучираётган олимга бирозгина идрок ва зако жуда аскалади... Ушбу эслатма билан иккинчи мисрани тиклаймиз:

Барча ишкол улум олида х,ал.

Хали бу мисрада яна учта нуксон бор. Бирин-чиси: вазн «барча» сузининг «борча» тарзини талаб қилади.

Иккинчиси: «ишкол»га изофа илова қилмок дар-кор. Чунки гап ҳаётий жумбоклар эмас, балки, илм жумбоклари устида бораётир: «ишколи» булади.

Учинчиси: «олида» сузи «оллида» (олдида) булади.

Демак, иккинчи мисранинг эпикадаги холати: *Барча*

ишколи улум оллида х;ал

Ана энди байтнинг навоиёна аслияти ва саҳихлиги ҳақида гап булиши мумкин:

*Илм афлокида Биржис мах; ал,
Борча ишколи улум оллида х; ал.*

Юкоридаги тахрнр жараёнини бирма-бир ҳисоб- китоб этсак, унта суздан иборат байтнинг бешта сузига олтита тузатиш қдлинди.

Мазкур байтнинг Алишер Навоий «Мукамал асарлар туплами» олтинчи жилдидаги тарзи — нуцсонларга бойлиги дах;о куллиёти йигирма жилд- лиги матни савиясининг кузгусидир.

Мухокамадаги байтнинг янги: Алишер Навоий «Тула асарлар туплами» ун жилдлигидаги қисмати нечук кечди экан? Туртинчи жилд (2011 йилги нашр)дан кучирамиз:

*Илм афлокида Биржис мах, ал,
Барча ашколи улум оллида х; ал.*

(694-бет)

Ушбу нашрдаги байт ҳолатини тахриримиз би- лан таккослаб курайлик. Янги нашрда иккита тахирталаб сузлар бор: «барча» ва «ашколи». Хдли бу нашрда ҳам олимларимиз «ашкол» (шакллар) билан «жумбоклар, муаммолар» (ишкол)ни фарқ эта олмабдилар...

Навоий куллиётининг бу энг янги нашрида ҳам илм муаммоси - «ишколи» хал булмай қолибди... Байтни йигирма жилдликда турри уқиёлмаган олимларимиз оламдан утиб кетдилар, навоийшунослари- мизнинг ҳозирги авлодлари ҳам ун жилдликда уни тузук таъмирлай олмабдилар. Афсус, афсус...

Нетайлик, Навоий асарларини турри уқий олиш даражасига етиш жуда мушкул экан-да...

«Ёшлик» журнали 1-сон, 2014 йил.

«А%ли жунун зумрасига кирди илох;ий»

«УзАС»даги профессор Нусратуллох, Жумахужа- пинг Навоий асарлари мукамаллиги юзасидан куюнчаклик билан ёзилган асосли, матншунослик счимларига бой булган «Дебоча матни мукамал- мн» маколасини укиб, тахририятдан хам хурсанд булдим. Ва акс-садо сифатида ушбу маколани ёзаяп- ман. Чунончи иккинчи жилд - «Наводир ун-нихоя» дснопининг 10-11-бетларининг нашрга тайёрланиши хдкадагина мушохада юритмокчиман, холос.

Хар кандай адабий ёдгорлик макомидаги манба китобхон укиб идрок этсин, тушунсин, таъсирлансин деган мак,садда араб ёзувидан амалдаги-жорий ёзув- га - Кирилл ёки лотин хатига кучирилади.

Демак, шундай олийжаноб максадда кулга калам олган олимнинг узи биринчи навбатда, манбани укиб, укиб, сахихлигига имони комил булганидан сунггина гиражга бериладиган ягона нусхани кучириб тай- срлайди. Бу талаб айникса дахо шоир - Алишер Навоий асарларига нисбатан эса янада каттикрок ва латъийрок куйилади.

Чунки Навоий асарини нашрга тайёрловчи олим шли оддий котиб сингари бир нусхагина кучирмайди, оалки минг, ун минг нусха учун ишончли матн тай- срлайди. Хазрат Алишер Навоийнинг чаласавод ко- гиблар хакидаги куйидаги китъалари хар бир нашр- л тайёрловчи бошида уйнаб турган камчи сифатида л асаинур килинмоби даркор:

***Ралат битир котиб бобида цалам сурмагу
к,орасининг галатин юзига келтурмак.***

*Фалон котиб ар хатни мундоц ёзар,
Бу мансабдин ани цупормоц керак.*

*Юзин номасидек цора айлабон,
К^аламдек бошин дат ёрмоц керак.*

*К^фрадун цорага берибон улоц,
К^аламравдин ани чцормоц керак.*

(«Мукаммал асарлар туплами», «Хазойин ул- маоний», «Ғароирифл6 ус-сиБар», 3-жилд, 558-бет.)

Ана шу мулохазалар миямда кезинар экан, наза- рим куйидаги байтга тушиб колди:

*Навоий, ах,ли жунун зумрасига кирди илох;и,
Чу айладинг ани Мажнун, узунгни цил анга Лайло.*

(10-бет)

Биринчи мисрани удиб беадад «Астарфируллох!» дедим. Чунки бу мисра мазмуни академик нашр юзасидан шундок булади: «Эй Навоий, Аллох жин- иилар сафига кирди».

Бу холатга хеч-хеч чидаёлмадим. Бирдан шундай фикр ялт этиб хаёлимга келди:

«Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наво- дир ун-нихоя» девонларидаги шеърлар кейинча- лик «Хазойин ул-маоний» девонларига булиб-булиб киритилган-ку. Кейинги девонда хам бу дахшатли хато такрорланган булмасин тэвин!»

Дархакикат, бу газал Алишер Навоий «Мукаммал асарлар туплами», 4-жилд «Наводир уш-шабоб» девонига иккинчи газал тарзида киритилган экан:

*Навоий, ах,ли жунун зумрасига кирди илоций,
Чу айладинг ани Мажнун, узунгни цил анга Лайло.*

Байтлар киёсида «илохи» ва «илохий» фаркли холатлари кузатилди, холос, фикр уша-уша. Мулохаза килайлик, Алишер Навоий «Мукаммал асарлар туплами» йигирма жилдлигини нашрга тайёр- лаган, айникса иккинчи ва туртинчи жилдларнинг

пашрга тайёрловчиси, масъул мухаррири, нашри- ёт мухаррири ва мусаххихларидан бирор киши шу байт мазмунини мулохаза ва идрок килганмиканлар?

Агар ушбу китоблар мутасаддиларидан бири байт мазмунини мулохаза килиб, битта вергулнинг урнини узгартира олганларида эди, байт олами куйидагидек гулистон буларди, навоиёна туге оларди.

*Навойй ах,ли жуунун зумрасига кирди, Илох;и,
Чун айладинг ани Мажнун, узунгни цил анга Лайло.*

Юкоридаги калтис хатодан қолишмайдиган яна бир нуқсон бор: нашрга тайёрловчи 4-газалдан бир байтни тушириб қолдирган. II жилддаги куйидаги:

*Чу қрлди сайрида рух;ул амин, не тот ул х,ам Рижол
хилвати даврида ул сифатки нисо.*

байти Алишер Навоӣ «Диван», «Наука», Москва, 1964, 17 а саҳифасида куйидагича муқаммал ҳолат- дадир:

*Чу қолди сайрида Рух;ул амин, не тот ул х;ам Ки
улмади сафаритнит ниқоятша расо.*

*Малойик улмадилар ул х,арам аро мах,рам,
Рижол хилвати даврида ул сифатки нисо.*

Рус олимлари «Наводир ун-нихоя» нашрини факсимил нашр орқали муқаммал берсалар-у, биз узбек олимлари Навоӣ Базалини чултоқлаштириб куйсак, буниси қандок булди?

*Зици буроцинг изи %ажру сайр барк;осо,
Бу барқ сайри била нуяси фалак фасо.*

Шу биргина байтда матншуносликнинг энг муҳим урта талаби бажарилмаган:

1. Отнинг изи айриликка (ҳажр) ухшайдими? Муаллиф отнинг изини «мехр» (куёш)га ухшатган

эди. Ношир «мехр» (куёш) сузини «хажр» деб уКиган-у, улмагаи.

2. К,ушма сузлар имлоси «барксайр», «фалакфарсо», «бар косо» бузиб берилган. Натижада «барксайр» (Бурок, назар да тутилган) яшиннинг сайрига айланган.

3. «Сайр» сузидаги изофа инобатга олинмаган. Энди байтнинг эпикадаги тарзини тиклайлик:

*Зици, Буручинг изи мех;ру сайри барцосо,
Бу барцсайри била нуяси фалакфарсо.*

Алишер Навоий ҳеч қачон оҳни селга ухшатмаган. Аммо 10-саҳифада шундай уринсиз фикр бор:

*Каратудурур олам оҳ,им сайлидин,
Куёш янглиг оч ораз олам аро.*

Девон фото-факсимил нашридан иккинчи жилдда «сайл» деб уқилган сузни лупа билан синчикладим: бу суз «тунидин» тарзида ёзилган.

Энди иккинчи мисрани вазн ва поэтик мазмун тақозосича таҳрир этамиз: олам аро эмас, балки «оламоро»дир.

Хуллас бу байтни шундай кучирса раво эди:

*Коронгудурур олам о%им тунидин,
Куёш янглиг оч орази оламоро.*

Курыпмизки, биргина байтни кучиришда турт жиддий нуқсон содир этилган.

«Ё Байб!» деган ундовни мен умримда эшитма- ганман. Навоий ҳам ишлатмаган инчунин... Аммо нега Навоий байтида бу суз катнашмоқда?

*Фирокинг аро жон талошурда, ё гайб,
Х,ам ул гам тоғидии бошим узра хоро.*

Алишер Навоий асарлари нашрини эълон килаётган олимларимиз жунгина «ёБиб» деган сузни «ё Байб» холида укиб, шоир нигоҳини Арши Аълога каратишга уринсиз уринганлар. Бу байтда «уша» маънодаги «хаму л» сузи хам ноту Бри кучирилган. Бизнингча, байтнинг аслиятдаБИ холати мана бундай эди:

*Фироқинг аро жон талошурда ёғиб
Х,амул гам тогидин бошим узра хоро.*

10-бетнинг куйидаги байтида яна номукамаллик содир этилган. Биринчи мисрадан «тула» сузи ту- шириб колдирилган:

*Чу сандин улди цуёш панжаси аро олтун,
Сочарга доги сен эттинг ата карам яди туло.*

Фото-факсимил нашрдан хижжалаб мукамал кучирайлик:

*Чу сандин улди цуёш панжаси аро **туло** олтун,
Сочарга доги сен эттинг анга карам яди туло.*

Навоий ноширлари «мушки соро» сузларидан узларича янги суз - «мушксоро»ни ижод килганлар. Лекин бу янгилик Навоий байти зарарига хизмат килган:

*Хаёлингда савдо пишурганда айлаб,
Димогимни ошифта ул **мушксоро**.
(10-бет)*

«Навоий асарлари лубати» «ком»ни мақсад, «жаБ» маъноларида, «гом» сузини «кадам» маъ- носида изохлайди. Нашрга ишонсак, Муҳаммад алайхиссаломнинг кадамлари (гом) эмасу, жаБлари (ком) Ломаконга етган:

*Бурун қадам бу макондин чу ломакон цуйди,
Не навъ дейким анинг **коми** эрди гардунсо.*

(11-бет, 2-жилд)

Демак, Навоий нусхасида бу байт куйидаги ҳолатда эди:

*Бурун қадам бу макондин чу Ломакон цуйди,
Не навъ дейким анинг **коми** эрди гардунсо?*

Бу икки саҳифадаги хатоликларни Алишер Навоий «Мукамал асарлари туплами»нинг 2-жилдидан кутатдик. Навоий қуллиёти - йигирма жилдлигини ана шу таҳлилдан келиб чиқиб тасаввур қилсак, навоийшунос ноширларнинг матншунослик савиялари ҳам уз-узидан билиниб қолади.

Нихоят шу разал мактаъида ҳам жиддий бир нуксон содир этилган:

*Навоий асру **узилмиш**, боқиб иноят ила Анинг
бузуғлугини бир куз учи бирла ясо.*

«Навоий асру узилмиш» гапидан китобхон нима-ни англайди? Ваҳоланки, Навоий аслиятида бу суз «бузилмиш» (гуноҳга ботиш) тарзидадир (қаранг: «Алишер Навои, «Диван», «Наука» нашриёти, Москва, 1964, 17а саҳифа). Шунга қура, Навоий асарини нашрга тайёрловчи олим байтни тубандагича саҳих қучириши л озим эди:

*Навоий асру **бузилмиш** боқиб иноят ила,
Анинг бузуғлугини бир куз учи бирла ясо.*

Биз қайд этган нуксонлардан ташқари Алишер Навоий «Мукамал асарлари туплами» иккинчи жилд «Наводир ун-нихоя» («Фан» нашриёти, 1987) китобининг 10-11 бетларида яна уч-турт имловий ва беш-олтита пунктуацион хатолар кетган.

Уларни кайд этиб утирмадик... Куряпмизки, Алишер Навоийнинг назорат камчисини нашр иши усти- да ҳам ҳеч ким - на нашрга тайёрловчи, на масъ- ул муҳаррир, на нашриёт муҳдрилирою мусахҳихи эсга олиб утиришмас экан... Шу ахволда Алишер Навоий асарлари нашрида мукамаллик ва саҳихлик даъвосини қила оламизмикан?

2011 йил

Матншуносликдан амалий мушо^адалар

Академик ҳ;ам ислоҳ; этолмайдиган нуксон

Одатда йирик олимлар шоир байтларини эшитиб туриб, матнда нуксон борлиги ёки йукдигини аниқ; айта оладилар. Улар бунда уша шоир услуби, фикр юритиш усули ва байт мазмун-мантиБидан келиб чиқадилар, катта илмий ижодий тажрибалари ту- файли бундай салоҳиятга эга буладилар.

Бирок айрим байтлар буладик, йигирмата на- вийшунослар даврасида айтилса ҳам, кулёзмага қарамасдан ҳеч ким унинг туБри-нотуррилигини айта олмайди. Қ,уйидаги «Хайрат ул-аброр»дан келтири- ладиган байт ана шундай байтлар сирасига қиради:

*Қ,аср х,аримида маъом айлади,
Ажзу тах;ашорга қиём айлади.*

(Алишер Навоий, «Мукамал асарлар туплами»,
7-жилд, 1991, 77-бет)

Байтнинг бу ҳолатида шубҳага эрк берадиган ҳеч қандай асос йукдай туюлади...

Ана шу матн ишонарлими-йукми эканлигини би- лиш учун «Ҳамса»нинг академик ишончли нашрига мурожаат этамиз. Китобнинг биринчи саҳифасидан биринчи устунда ушбу жумбок байтга дуч келамиз:

*Каср қаримида мақом айлади,
Энди китъанинг мазмунини мисрама-мисра ёзиб
курамиз:

Хяк таоло хазинасини буш эмаслигини билатуриб,
Уз тирикчилиги воситаларини халқдаи излайди- ган
киши,

Худди куёш оламини ёритиб турганда, уз кулба- сини
Ёритиш учун коронги кечадан ёнаркурт излаган
кимсага ухшайди.

Кизири шундаки, ушбу китъанинг сарлавхдси ҳам
китъанинг узи каби ута мавхумдир. Сарлавха мавхумлиги
боиси икки пуксоп туфайлидир: нашр- га тайёрловчи дарё
мавжуд булатуриб маъносида- ги «дарё борида» сузларини
«дарёборида» (дарё ёгиладиган) холида кучирган. Бу ҳам
етмагандек «хай» (юз ёки бадандаги тер томчиси) сузини
«хуй» тарзида кучириб, бутун сарлавхани мавхумлик гир-
добига ташлаган.

Нашрдаги сарлавха холати: «Тенгрининг хазонаи
карамин мамлу билиб элдин тамаъ килган дарёборида хуй
суйидин дур тилаган булрай».

Матннинг аслиятига мувофик тарзи: «Тенгрининг
хазонаи карамин мамлу билиб элдин тамаъ килган, дарё
борида хай суйидин дур тилаган булгай».

Мазмуни: «Худонинг карами хазиnasi лиммо- лим
эканлигини билатуриб, халкдан нарса умидвор булган одам
худди дарё олдида туриб, тер томчиси- дан гавхар сураган
кишига ухшайди».

Биргина китъа ва унинг сарлавхасида йул куйилган уч
нуксон - учта сузни нотубри укиш дахо китъасини маъно-
мазмундан мутлако махрум этгандир.

«Зомо» нима дегани?

Камина кирилл ва лотин ёзувларига угирилган мумтоз
адабиёт намуналарини укиганимда минглаб йук сузларга
дуч келганман. Йук сузлар деганимиз нашрга
тайёрловчининг ношудлиги, мухаррирнинг талабчан
эмаслиги ва мусаххихнинг эътиборсизлик- лари туфайли
сузнинг бузиб кучирилган шаклидир.

Хозир узбек китобхонларининг аксарияти «Навоий асарларини тушуниб булмайди» деган хато тасав- вурда булсалар, бунинг сабабларидан бири уша йук сузлардир.

Алишер Навоий «Мукамал асарлар туплами» туртинчи жилд, «Хазойин ул-маоний». «Наводир уш-шабоб» китобидан ушбу байтни укиганимда, «зомо» сузи бошимни котирди. Бирор луратдан - на арабий, на форсий, на кадимий туркий тили лугат китобларидан бу сузни топа олмадим:

*Дайр пири мангаву мугбачалар Неча
урса юзига **ЗОМО** хирад.*

(92-бет)

Бундан йигирма йил бурун шу байтни укиганимда китоб хошиясига «зомо» нимаси? Кофия кани?» деб кайд этиб куй га н эканман. Бугун энди шу масалани хал этгим келди. «Хирад» радифли ушбу газалдаги кофиядош сузлар бехол-дол-помол-сайёл-зомо-ол...

Курияптики, аслиятда «зомо» сузи кофиядош эмас экан, демак у ёт суз. «Зомо»нинг кераксизги- на эмас, балки байт учун зарарли суз эканлигига на нашрга тайёрловчи, на масъул мухаррир ва на мусаххихдан бирортаси эътибор килишмаган.

«Хазойин ул-маоний»нинг кулёзма нусхаларидан излай-излай бу байтни топдим. Уша сирли, йук суз «зомо» Эмас, балки «зол» экан... Навоиёна байт тубандагича эди:

*Дайр пири матаву мугбачалар Неча
урса юзига **ЗОЛ** хирад.*

«Зол» - кекса, кари дегани. Энди кофия сахихлашди ва байт мазмуни равшан тортди.

Навоний шунчалик ноумид одамми?

Мусулмон одам, борки, у дунёдан - жаннат неъматлари-ю, рохат-фароратларини орзу килади. Айникса, Хавзн Кавсар киргюгида кур тукиб ути- ришга нима етсин?!

Биз Навоний асарлари куллиёти нашрини урганганимизда Хазрат Навонийнинг умидсиз охангдаги арзларини бир байтдан тинглаб юрагимиз эзилиб кетди:

Тонгла барча яхшилар булгу си кавсар даврида,

*Мен ёмонни **маврам** этманг сокини майхона деб.*

(Алишер Навоний «Мукамал асарлар туплами» 5-жилд, «Хазойин ул-маоний», «Бадоеъ ул-васат», Тошкент 1990, 51-бет)

Ушбу илтимос, бизнингча, мусулмончиликка турри келмайди. «Ноумид - шайтон» дейишади эътикодли доно халкимиз. Ушбу иштибохни барта- раф этиш учуй биз Алишер Навоний номидаги Дав- лат адабиёт музейига бориб, илмий ходим Жало л ид- дин Жураевдан имдод сурадик. У киши «Хазойин ул-маоний» кулёзмаларидан бирини олиб чикдилар. Икковлашиб уша иштибохли байтни топиб, укидик. Байт жудаям сорлом мусулмона умидворлик охангида араб ёзувида битилган эдики:

Тонгла барча яхшилар булгу си Кавсар даврида,

*Мен ёмонни **мазерум** этманг, сокини майхона деб...*

«Жунун даштида х,уш ила»

Жунун дашти - телбалик даштида киши кай холатда кезади? Бу муаммони хазрат Навоний шун- дай истак билан изохлаган эканлар:

*Булай рафик, жунун даштидаю **х,уш** илаким,*

Вафосиз элдин улубмен, баса, нуфур била.

(Алишер Навоний «Мукамал асарлар туплами» 5-жилд, «Хазойин ул-маоний», «Бадоеъ ул-васат», Тошкент, 1990, 395-бет)

Навоий куллиётида бупакд ярим фабрикат - чала тайёрланган бадий таомлар куплиги учун яна Адабиёт музейига бориб, 698-ракамли йирик хажм- даги кулёзмани бафуржа варакладим ва бу байтни излай-излай топдим.

Байтга кура лирик кахрамон жунун даштида хуш билан эмас, балки вухуш (дашт хайвонлари) билан душлашишни истаган экан:

*Булай рафик, жунун даштида **вух;уш** илаким,
Вафосиз эдин улубмен баса нуфур била.*

«Лайли» нима дегани, «лаъл»-чи?

«Лайл» араб тилида тун, кеча маъносига молик. Лайли исми балки шу суздан ясалгандир. «Лаъл» эса, кизил кимматбахо минерал тош. Куйидаги байт- даги талкинга кура, уйналаётган чавгон таёкдасида шингарф буёБИ ва... Лайли хам бор:

*Гуй цилганда бошимни юцти х, ар ёнта цон,
Лайлию шингарф ила согинма чавгониди наци.*

(Алишер Навоий «Мукамал асарлар туплами»
5- жилд, «Бадоеъ ул-васат», Тошкент 1990, 196-бет)

Лайли гую чавгон уйнамаганлиги - рост экан, бу байтнинг иккинчи мисрасидаги «Лайли» ёлБОНдир. Бу суз урнида кайси бир сеҳрли суз бор эканки, Навоийнинг масъул котиблари - нашрга тайёрлов- чилар укиёлмаган эканлар?

Формата 70x50 см келадиган улкан китоб - «Ха- зойин ул-маоний» кулёзмасини хазрат Навоийдан имдод тилаб вараклайман. Мана уша байтнинг араб- ча кулёзмаси холатидан кириллга кучирмаси:

*Гуй цилгонда бошимни юцти х; ар ёнта цон,
Лаълию шингарф ила согинма чавгониди наци.*

Лаъли - лаълранг, лаъл ту ели, кизил маънола- рига моликдир. Байтнинг мазкур холатида Лайл и катнашмаган, албатта...

«Чумчук пирр этди»

Кишлоримизда болалариинг «чумчук пирр этди!» деган уйини буларди. Болалар хаммаси унг куллари панжаларини ёзиб ерга капиштириб туришади. Бош- ловчи хам кулини куйиб, суз бошлаши билан уча- диган нарса булса куллар кутарилади, учмайдиган нарса булса кул кутарилмайди.

- Чумчук; пирр этди!

Барча кул кутаради. Ва яна ерга куяди.

- Ёстик пирр этди! - бу гап шундай тез ай- тиладики, айрим шошкалок болалар кули ердан кутарилади.

- Товук пирр этди! - ана, яна бир киши кул кутарди. Ким кул кутарган булса, бу гал юткизади. Чунки товук учади, бироқ «пирр этиб» учмайди. У «парр» этиб учади...

Бу аклни, закони роса пешлайдиган уйин.

Алишер Навоийнинг бу уйиндан хабари булган, шекилли. Чунки тустовукнинг учиш товушини у тугри ифодалаган. Зотан жуссаси кичик кушча «пир» этиб учади, жуссаси катта куш «парр» этиб учади.

Етгач анинг боши уза ногацон,

Фир *эта учеа эди ул нотагон.*

(«Хамса», 1960, 93-бет)

Йук, Порсо Шамсиев домла бу уйинни уйнамаган эканлар. Дуррож «пирр» этиб учмайди.

Энди Навоий йигирма жилдлигидан 7-жилдни варақлаймиз. 210-бетда шу байт бор:

Етгач анинг боши уза ногах;он,

Фир *эта учеа эди ул нотагон.*

Навбатдаги нашрга тайёрловчи олим Иброхим Хаккулов дам тустовукни «фир»(пир)иллатиб учир- ган. Ахир матн устознинг 1960 йилги нусхасидан кучирилгач, бопща нима хам булиши мумкин?

Агар бу олим мохнат к,илиб араб ёзувидаги илмий- танкидий матндан кучирса эди:

*Етгач анинг боши уза нога^он,
Фар эта учса эди ул нотавон.*

Тарзида тустовукни Навоиёна «фар» (пар)илла- тиб учира олган буларди.

«Каззобуна ло уммати» оятми?

Алишер Навоий «Мукаммал асарлар туплами»нинг йигирма жилдда туркийлар оламида биринчи маро- таба истиклол тантана килган Узбекистонда нашр этилгани узбек эли учун фахр ва олимларимиз - Узбекистан Фанлар академияси тил ва адабиёт институт ва Хамид Сулаймонов номидаги кулёзмалар института навоийшуносларининг жасоратлари наму- наси булди.

Бу нашр зиёлиларнинг адабий дахо Алишер Навоий ижоди хакидаги тасавурларини жуда бойитиб ва кенгайтириб юборди. Чунки бу йигирма жилдликда бундан чорак аср илгари оммалаштирилган Алишер Навоий «Асарлари» ун беш жилдлигига нисба- тан жуда куп янгиликлар урин олган эди: олдинги нашрлардаги ихчам асарлар бунда мукаммаллашти- рилганидан ташкари, «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наво- дир ул-нихоя» сингари асарлар биринчи марта эълон килинди. Гарчанд бу нашр беш-олти хусусиятига кура академик мукаммалликка жавоб беролмаса-да, хар калай сезиларли маданий ходиса булди.

Туликсизликнинг энг биринчи исботи «Мукаммал асарлар туплами»дан Алишер Навоийнинг Машхад даври илк иясоди хужжати булган «Илк девон» бу

асарлар нашрига жалб этилмади. Иккинчи исботи, «Махбуб ул-кулуб»дан вафосиз аёллар хақидаги бутун бир неча саҳифа юлиб ташланиб, асарнинг чултоқ нашри юзага чиқди ва хоказо...

Биз йигирма жилдик нашрнинг яна бир хусусиятини пайқаб қолдик. Навоийшунослар: «Билса - ҳазил, билмаса - чин» қдбилида иш тутиб, ҳатто «Ҳамса»нинг айрим дostonларини Порсо Шамсиев 1960 йилда нашрга тайёрлаб чоп эттирган нусхаларидан шундоққина қучирибдилар. Бирок; П.Шамсиев тайёрлаган **илмий-танқидий матндан тайёр ланди**, деб ёзишни лозим топибдилар. Бундай ҳодиса илмда қучирмақашлик деб аталади.

Буни биз шунда сездикки, «Ҳамса»нинг 1960 йилги нашридаги «Ҳайрат ул-аброр» дostonида юзлаб жиддий ҳатолар утиб кетган экан. Биз уша нуксонлар тузатишга бўлса керак, деб уйлаб, Алишер Навоий «Муқаммал асарлар туплами» мутолаа-сига киришдик, 7-жилднинг варақласак, уша ҳатоли-қларнинг барчаси 1960 йилги нашрдан бу нашрга муқаммал утқазилгани гувоҳи бўлдик.

Қуйида шуларнинг бири ҳақида мулоҳаза юрита-миз. «Ҳамса» (1960)нинг 92-саҳифасида ростқуйлик фойдаси ва ёлгончилик фалокати ҳақида ажойиб ҳикматомуз байт бор:

Сидқ ила ургонда сало уммати,

Ояти: <<Қазобуна ло уммати>>.

Матндаги «ояти» сузи менга иштибоҳли ту-юлди. Шунинг учун Алишер Навоий «Муқаммал асарлар туплами»нинг 7-жилдини қулга олдим. Қитобни очганим захоти шундай ёзувга дуч қелдим: «П. Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов».

7-жилднинг 208-саҳифасидан уша байтнинг қучири-рамиз:

*Сидқ ила ургонда сало уммати,
Ояти: «Каззобуна ло уммати».*

Ие, бу байт уша 1960 йилги нашрнинг узгинаси- ку? Нахотки, шундай улур олимларимиз «Каззобуна ло уммати» хадисини Куръон ояти деб уйласалар? Ва бунни халкка хам шундай тавсия кдлсалар?

Иштибохни баргараф этиш учун биз П.Шамсиев 1970 йилда тузиб нашр эттирган «Хайрат ул- аброр»нинг араб ёзувидаги илмий матнини вараклаб, уша байтни 124-бетдан топдик ва кучирдик:

*Сидқ ила ургонда сало уммати,
Ойтти: «Каззобуна ло уммати».*

Бу соблом байтнинг мазмунини мен шундай мулохаза килдим: Умнатлар ростгуйлик хакида мулохаза юрита бошлаганларида Мухаммад алайхис- салом: «Ёлнончилар умматим эмаслар» деб айтди- лар.

Каранг-а, П.Шамсиев домла ун йилдан сунг уз нуксопларини сезиб тузатган эканлар. Биз шогирд- лари эса нашрнинг 7-жилдига ишониб, эллик йилдан сунг «Порсо Шамсиев бу хадисни билмаган эканлар» деб гунохи азимни буйнимизга олдик.

Ўзбек олимлари - навоийшуносларимиз орасида «Ундай укиса хам булаверади, бундай укиса хам булаверади» дейдиганлар оз эмас. Бу илмга хилоф тушунчадир.

Кечагина мен Навоий асарлари сахифаланишида оламини бузадиган «сел» тонщинини «сел» билан ифодаласам, бир машхур навоийшунос «сайл» деб ислох килибди. «Сайл» деганда узбеклар оммавий байрамнигина тушунишади-ку, ахир.

Иштибохли байт мушохадасида бир олим менга: «Домла, менимча «ояти» деб укиса хам булади-ку? Ахир «оят»нинг биз билган «Куръон»нинг бир гапи

маъносидан ташдари «хикмат, дар кандай бир гап, жумла» маънолари ҳам бор-ку? деб колди. Мен бунга шундай изох, бердим: «Ояти»ни сакласак, уч- туртта иуксонга йул куямиз: биринчидан, вазн бу- зилади. Мен И.Хаккуловни аруздан бебахра олим дея олмайман.

Иккинчидан, гап нихоясига етмай, фикр хавода муаллак к,олади. Кушма гап тугалланмай ко л ад и;

Учинчидан, мисра укувчи фикрини «К,уръон»га олиб кетади;

Туртинчидан, абжадхон бола, яъни араб ёзуви- дан илк маълумот олган болакай ҳам биладик, изо- фа араб ёзувида ифодаланмайди, назарда тутилади, холос. Агар илмий матнда «оят» сузининг охирида «и» ёзилмаганида эди, мен бахшасдим. Холбу- ки, араб ёзувида аник; килиб «Ойтти» деб битил- ган. Бундай оддий, ибтидоий билим олим Иброхим Хаккуловда йук, дейиш булмарур гап, албатта.

Булар шуни курсатадики, 7-жилд илмий матндан эмас, балки 1960 йилги «Хамса» нашридан кучириб берилган.

Бу фикрнинг исботи учуй «Хамса» дан айнан кучирилган юзлаб байтларни келтириш мумкинки, уларнинг хар бири уз ноширини кучирмачиликда айблайди.

«Иштарақ» нима дегани?

Порсо Шамсиев домла «Хамса»ни академик нашрини тайёрлаган 1950 йилларда «Хайрат ул- аброр»даги бир байтни куйидагича укиганлар ва кучирганлар:

*Туз қуринур мех,р чу тургон суда,
Эгри булур иштарақ ургон суда.*

(«Хамса», 1960, 92-бет)

Дархакикат, араб ёзувидаги бу сузни Порсо домла укиганларидек укиса ҳам булади, бироқ «иштарақ»да

хеч кандай маъно йўқ- Чунки бундай суз бўлиши мумкин эмас. Инсофли матншунос П.Шамсиев бу сўзга нисбатан кейинчалик шубхаланиб, «Фарханги забони тожики» лугат китобидан бу сузнинг тугри укилиши - «уштурак» (^талок) эканлиги, Кў4Ма маънода сувнийг тўлқинланиши маъносида ^лланилишини билганлар.

Сўнг бу ҳақ,икдтни «Хайрат ул-аброр»нинг 1970 йил тузган илмий матнларида ва 1972 йилги «Навой асарлари лурати»да атайлаб мисолини ҳам келти- ribs, илм ахлига билдириб кўйганлар : «уштурак» - тўлқинланмок, мавж. Уштурак урмок - тўлқинланмок.

Туз куру ну р нур чу тургон суда,

*Эри булур **уштурак** ургон суда.*

(«Хайрат ул-аброр») (Луяат, 629-бет)

Демак, «Хайрат ул-аброр »ни нашрга тайёрлаган олимлар ана шу ҳақиқатни дoston илмий матн ва «Навой асарлари лугати»дан караб, аслиятни Тўғри ифодалашлари лозим эди. Биз ана шундай ишонч билан Алишер Навой «Мукамал асар- лар тўлами»нинг еттинчи жилди - «Хайрат ул- аброр »нинг 1991 йилги нашрини варакладик, аф- суски байтда 1960 йилги нашрдаги хатолик айнан такрорланган эди:

Туз куринур мех,р чу тургон суда,

*Эри булур **иштарак** ургон суда.*

(7-жилд, 207-бет)

Илмий матн ҳақиқати каерда колди? 7-жилдда бу нашр илмий матн асосида бажарилгани кайд этилган эди-ку?

Шох, жанг пайгида цаерда булади?

У рта асрлар жанг маъракаларини бир лахза куз олдимизга келтирайлик. Лашкар кисмлари: илрор (хужумчи киём), маймана (унг канот), майсара (чап канот) ва калб (ёки калбгоҳ-марказ).

Шох шу кисмда туриб жангни бошкаради; зару- рат булса: шу киём билан узи жангга киради.

Ана шу - «калбгоҳ» сузи катнашган байтни Пор- со Шамсиев домла «Хамса» (1960)га куйидагича кучирганлар:

*Не ажаб улса кунгул урнига шох;
Чунки эрур шох, ери калбгоҳ,,
(«Хамса», 131-бет)*

Ким билсин: мусаххих хатоси туфайлими, мухаррир эътиборсизлиги оқибатидами - «калбгоҳ»“ калбгоҳ холида босилган. Гаи шундаки, араб тилида итни «калб» дейишади. «Калбгоҳ» итхона демақдир.

Куришиб туриптики, улуг устоз жиддий хатога йул Куйганлар: жанг жараёнида под шох «калбгоҳ» да итхонада турипти...

Домла бу жиддий хатони кейинчалик сезиб колганлар ва ун йилдан сунг «Хайрат ул-аброр» илмий матнини яратганларида бу нуксонни бар- тараф этганлар. Илмий матндаги юкоридаги байт Куйидагичадир:

*Не ажаб улса кунгул урнига шох;
Чунки эрур шох, ери калбгоҳ;.*

(180-бет)

Энди Алишер Навоий «Мукамал асарлари тупла- ми»нинг 7-жилдидаги ана шу байт холатида бир на- зар ташлайлик.

Навоийшунос олим Иброхим Хаккул юкоридаги байтни шундай кучирган.

*Не ажаб улса кунгул урнит шох;
Чунки эрур шох, ери калбгоя*

(7-жилд, 307-бет)

Куришиб туриптики, «Хайрат ул-аброр»ни нашр- га тайёрлаётган олим илмий матнга карамасдан, «Хамса»нинг 1960 йилги нашридан кучириб куяколган. Натижада шох; жанг майдонидан олишиб, итхона (калбгох)га ташланган...

Сулаймон малакми?

Мен Алишер Навоийнинг кайси бир китобини кулимга олмайин шоирнинг Аллохга илтижоси ёдим- га келади.

*Деганимни улусца маргуб эт,
Ёзганимни кунгулга мах,буб эт!*

Ёшлигимда, эски ёзувни урганишга иштиёк;им кучли булган пайтларда академик А.Н. Кононов нашрга тайёрлаган Алишер Навоий «Махбуб ул- кулуб» асарини араб ёзувидаги илмий чоБиштирма матнини иштиёк билан укиб чиккан эдим. Ва рус ки- шисининг Алишер Навоий ижодига бунчалик кучли мухаббати борлигидан хайратларга тушган эдим. Бу ажойиб анъанани кейинчалик навоийшунос Суйима Раи йена давом эттириб «Мажолис ун-нафоис»нинг илмии танкидии матнини ушандаи мукаммал ва араб ёзувидаги ундан хам чиройли нусхасини нашр эт- тирдилар.

Ушандан бери «Махбуб ул-кулуб» Кирилл ёзу- вида гох аслича, гох табдилда кайта-кайта натттр этилди ва уларнинг барчасида Суйима Раниеванинг олимона дахллари сезилиб турди.

Мана, ниҳоят, Алишер Навоий «Мукаммал асар- лар туиламн»нинг 14-жилдида «Махбуб ул-кулуб»

асарини курдим-да, худди Кононов домла нашрлари- даги каби мукамалликда укиб, роса маза киладиган булднм, деган ширин хаёлда бу жилдни кулга олиб, мутолаа кила бошладим. Одатда бундай асарлар нашри и л мий -танкиди й матнлар асосида амалга оши- риларди.

Мен бу жилддан «Академик А.Н. Кононов нашр- га тайёрлаган «Махбуб ул-кулуб» чориштирма мат- нидан нашрга тайёрловчи Суйима Раниева» деган ёзувни тополмадим. Факат «Матнни изохлар билан нашрга тайёрловчи Суйима Раниева» деган ёзувга кузим тушди, холос. Изохларни варақладим, академик Кононов эсга олинмаган, хайрон колдим. И л мий инсоф икки нарсани такозо этади: авва- ло, А.Н. Кононов хизматларини кайд этиш; агар чоБиштирма матн Суйима Раниевага ёкмаган ёки нуксонли булса, у ни хам зикр этиш л озим эди.

Чунки бу оммавий нашр эмас, академик-илмий нашр- да, ахир!

Кизик одатим бор. Мен укиётганимда нашрга тай- ёрловчи товушлари кулогим остида жаранглайди-ю, мутолаада Суйима опамиз укиётгандай булаверади:

Шох Султон Хусайн хакида суз бормокда:

*Улус подшо^ию дарवेशваш,
Ата шо^лицдин келиб **фаир хаш.***

(13-бет)

Хаёлан Суйима опамга айтаман: «Сиз кофияни сорлом саклашга жон куйдириб: «дарवेशваш»га хаш»ни жуфтлаштирибсиз. Бирок китобхон «хаш»ни тушунмайдик-ку? Хат кофияга дуч келганда «хаш»ни «хуш» килишингиз лозим эди-ку?»

*Жақондорларга синецр интибох.,
Валий ах,ли фаир оллида хоки рох*

Яна ноширга пичирлайман: «Суйима опа, ик- кинчи мисрадаги «Валий»ни каердан топдингиз? Бу мисрада Навоий фикри тугри акс этмаган-ку?

«Валий дарвишлар олдида йул тупробидир» де- япсиз. Менимча, у суз «вале» (ва лекин, биров,) маъносидаги суз эмасмиди? Байтни бу холда тасав- вур этайлик-а:

[Х,усайн Боцаро] Жах, ондорларга сителр интибох,,

Вале ах,ли фацр олдида хоки рох,,

Иккинчи мисрада: «Лекин дарвишлар олдида у узини тупрокдай тутарди» деган мазмун ифодалан- ган эди...».

Мен бундай мисолларни келтиравериб нашрга тай- ёрловчи билан сухбатимни давом эттирсам, яна бир ки- тоб пайдо булади. Шунинг учун ушбу жилд хакидаги фикрларимни бир неча мухим нуктага ййиб, уз мулохазаларимни изхор этсам, яхшироқ булса керак:

Мен Алишер Навоий «Мукамал асарлар тупла- ми» 14-жилдини мукамал укиб чиқиш азобига узимни Навоийга хурматим хакки гирифтор этдим: «Махбуб ул- кулуб», «Муншаот» ва «Вакфия»ни ти- шимни тишимга куйиб укиб чивдим.

Хайхот! Шурулар даврида ҳам Навоий асарла- ри нашри бу даражада хароб холатга келтирилган эмасди. 14- жилд нашр савияси хакидаги фикр ва андишаларим:

Биринчидан, «Мах,буб ул-кулуб»дан вафо- сиз аёллар хдцидаги икки бет матннинг тушириб колдирилгани китобни ярок;сиз холга келтирган. Ноширга айтгим келдики: «Суйима опа! Хаётдаги Хамма аёллар ҳам Сиздай захматкаш, маърифатли ва покдомон эмас-да! Хамма дориламон замонлар- да ҳам дахо шоиримиз газаблари сочилган аёллар булган экан-да. Нега энди Сиз Навоий китобининг икки варорини йиртиб ташладингиз?! Мен Сизни ту-

шунишга ҳаракат қиламап: Сизу биз Навоий қалбига қиришга урйнган олимлармиз. Ва баъзан: «Навоий бунақа гапларни ёзмайди!» деган дил исёнларимиз ҳам бўлса ажабмас. Аммо бизу сиз - Навоий қотиб- ларимиз. Унииг асарининг саҳифаси тугул бирор сузини тушириб қолдиришга ҳақли эмасмиз...

Иккиичидаи, бу нашрдан навоийшунос Суйима Раниева билими имлосини мен қурмадим. Нарӣ бор- са бу асарларни шарвднунослик институти фõрс ёки араб бўлимини кеча битириб қиккан талаба нашрга тайёрлаган, деса ишонардим. Чунки бу асарлардаги юзлаб матн ҳатолари даҳо Навоий ижодий юзини шундоқкина шувут қил гаи:

Бир саҳифада берилган қуйидаги йук сузларни уқийлик: интиком (240), қушеш (240), қофа (240), оҳак (240), афтон (240), ҳавоник (240). Булар қанақа сузлар? Мана булар-чи? Расуллоҳ (23), Ин- сон Рухуллоҳ (24), қовгар (30), қилқи (30), манқуб (31), мутаққий (32), итмақчи (37), фавоқих (38), шақоват (47), чопқуй (48), қунгли (50), замор (61), қоғал (61), ашқор, гуҳор (61), муворакат (63), қутб (71), қавқаб (93)...

Агар ноширимиз нарса билан атоқли отни фарқ этилмайдиған булғанларида эти, мен қуйидаги гапда нега Мухаммад алайҳиссаломнинг ёвуз душманлари Абу Жаҳл (матнда Бу Жаҳл)ни танитай қолғанларига ҳайрон булмасдим: «Хдзрати Мухаммади арабий саллаллоҳи алайҳи васаллам илми айнул ҳаётининг муқобаласида бу жаҳл зулмати қилва ва зуҳур қилди» (14-қилд, 237-бет).

Мен ноширга даққи беришга ҳаққим йук. Бирок таъқидлаб, эслатиб қуймоқчиманқи, биз нашрга тайёрлаган матн ҳатолари учун муҳарриру мусаҳҳих эмас, узимиз, биз - олимлар жақобгармиз. Нега бундай булди? - деб сурашдан нари этилмаймиз.

«Навойй асарлари лугати» (Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброхимовлар тузган) столимиз устида туради ва унда «ли» сузи изохида «ли мааллох» би- рикмаси бор (336). Бу суз бирикмасининг 14-жилд- даги ифодасига карайлик:

*Лий маъа Алло^ҳнинг сарфарози,
К,оба цавсайн маврами рози.*

(235-бет)

Шунинг учуй мен бу нашрни кечаги талаба нашрга тайёрлаган, деган мулохазага бордим. На- воийшунос олим «дунё» билан «дин»нинг фаркига бориши лозим эди. Нашрда шу нарса айирмасига борилмаган ва «дунё»(бойлик) сузи урнига «дини» сузи ёзилган:

«Илм урганмак дин таквияти учундир, йуцси дини жамъияти учун» (89-бет).

Навойй аслиятида бу гаи тубандагича сорлом эди: «Илм урганмак дин таквияти учундир, йукки дунё жамъияти учун».

Учинчидан, Алишер Навойй маънавий дунёсига карама-карши фикрлар шоир номидан айтилган.

Биринчиси, Навойй фикрлари тескари талкин этилган. Шоир гадони «бахаё» деса, ношир уни «бахаё»(хаёли) деб Навойй фикрини мантикдан махрум этади:

«Тиланчи ва гадо купраги беБайрат ва **бахаё**» (14-жилд, 39-бет).

Иккинчиси, Алишер Навойй уз ижодида юзлаб маротаба Мухаммад алайхиссалом хадисларига му- рожаат этганида, у азиз зотнинг улуБ фикрларини хамиша байрок килган, олқишлаган. Афсуски, ушбу жилддаги бир байтда Навойй Пайтамбаримиз хадис- ларини келтириб, ундаги бош фикрни рад этган: яъни, расулимиз «К,отил - улдирилсин» десалар, Навойй улдирмаслик керак, дейди.

Шах, ултурмас авлодур ул элни бот - Ки, дебдур набий «ицтилсо ал-муъзият».

(14-жилд, 16-бет)

Аслида эса байт мана бундай бошланган эди: *Шах, ултурмак авлодур...*

Балки А.Н. Кононовтайёрлаган «Мах,бубул-кулуб»~нинг киёсий матнидан фойдаланилганида Навоий ижоди бошига бу кургуликлар тушмасмиди?

Хул л ас, кайси бир сахифани укимайлик, ё бирор суз матндан тушиб колган булади: «Дурсиз садаф била улуб курурон(?) не эътибор» (80-бет).

Аслиятдан шу матни кучирамиз: «Дурсиз садаф била улуб куругон кашафБа не эътибор?».

Ё бир сузнинг бир кисми йук, кемтик булади. Натижада шоир фикрининг тескариси ташвик эти- лади:

*Тетри ишин цилмоц эрур фарзи айн,
Ким, курубон айламоц шуру шайн.*

(114-бет)

Навоий айламаслик (айламамок) хакида ёзса, но- шир тескарисини талкин этган.

Ё бир сузга кераксиз харфлар орттирилиб мазмун- га путур етади: «Киши молидан неким бахра олди анингдекдур, хар неким асради узганинг» (90-бет).

Аслият: «Киши молидан неким бахра олди - анингдур, хар неким асради - узганинг».

Ё бир суздаги керакли харф йуколиб, фикрни бузадиган харф унинг урнига келади:

*Йул иккидур, журм бирдур, тавба бир,
Ул йук, ар богланди, очугдур бу йул.*

(91-бет)

Аслиятда иккинчи мисра:

У л йул ар богланди, очугдур бу йул.

Ёки:

*Бурини кузи билан цилган семиз,
Кийик жамъу хайлигадур ра^мсиз.*

(89-бет)

Аслиятда биринчи мисра бундай эди:

Бурини к,узи била цилган семиз.

Ё бир суз бошқд суз холида укилиб, фикр мав-
хумлашиб колади. Чунончи, аслиятдаги «гудоз»
(киздириш, ёндириш) матнда «гузор» (утмок)ка ай- ланиб,
шоир айтмокчи булган фикр учиб кетган:

*Кишики топеа фано кураси утига гузор,
Агарчи зотида юз навъ цалби гашиц бор.*

(75-бет)

**«Вакфия» матнининг (14-жилд) 242—243 сах;и-
фаларида ун бешта матний хато бор. Шу куш саздафанимг
узиёц бу жилд яроцсизлигининг х,уж- жатидир.**

К,уйидаги Навоий тилидан келтирилаётган байт
мазмунига ахамият берсак, малак деуу парилар сул- тони
эмиш. Хатто, мутлако янги гаи: Сулаймон фаришта экан.

*Бу деуу пари узра султон малак,
Не султонки, алх,ац, Сулаймон малак.*

(14-жилд, 243-бет)

Хуллас, Алишер Навоий «Мукамал асарлар
туплами»нинг 14-жилдига кайси томондан карамай- лик,
«яроксиз нашр» дегаи фикр хаёлимизда кеза- веради,
холос.

Мумтоз адабиётимизнинг энг мух,ташам цаери

Хар бир буюк ходисадан сунг унииг акс-садоси булади.
Катга Фаргона канали куриб битказилгани- да бир неча
кун умумхалк байрами булган. Фарход

ГЭСи курил и ши якуни хам бир неча республикалар халқд байрамига айланган. Узбекистонда маънавий сохада аиа шундай бир буюк ходиса юз берди-ю, эл жим, адабиётшунослар хам тантана килиш урнига сукут сакдамоқдалар.

Бу кдндай ходиса эди узи? Менимча, узбек адабиётиинг мумтоз дахоси Алишер Навоий «Мукам- мал асарлар туплами»нинг йигирма жилдда бунёд булиши - мумтоз адабиётимизнинг эиг мухташам ва буюк кдсрининг Ватанимизда тикланиши эди.

Амир Низомиддин Алишер Навоий асарлари- нинг бу кадар мукамал ва бу кддар йирик нус- халарда омалашуви Узбекистонда хал к байрами тарикасида нишонланишга арзийдиган ходиса эди. Самарканддаги Имом Исмоил ал-Бухорий мажму- асининг куриб битказилиши ва Алишер Навоий асарларининг йигирма жилддиги нашри бир-бирига ухшайдиган улугвор обидаларнинг тикланишидаги муштаракликдир.

Алишер Навоий асарларининг ун беш жилддиги Хар кандай нук,сонларидан катъий назар шуролар даврида олам юзини курд и. Бу хам катта юту к, эди. Бирок, мухташам иморатнинг бир булагии упирилган булса - бу катта айб. Шу маънода ун беш жилдлик нашр милтикдан укка тутилган к,асрни эслатарди, десам ухшатиш уринсиз чикмас. Аммо, Навоий мух- лисларига уша нашр катта байрам булган эди.

Хозиргиси-чи? Йигирма жилдлик китобларни тайёрлашда Узбекистан Фанлар академияси филологик илмий-тадкикот институтлари мутахассисла- рининг асосий кисми кдтнашган, унлаб такризчию масъул мухаррир кулидан утган ва энг кувончлиси академиянинг «ФАН» нашриёти деган олий тамгали матбаасида босилган. Бу китоблар нега акс-садо тоимаяпти? Турри, акс-садо булгандай хам булди. Зухриддин Исомиддиновнинг «Навоий асарларининг бенаво нашри» («Хуррият» газетаси) ана шу ходи-

сага илк муносабат эди. У киши босиклик билан, хар томонлама - жохон андазаларидан келиб чиккан холда: мумтоз ва дахо шоиримиз асарларининг нашр-матбаачилик сифати, матншунослик савияси хакида мулохаза юритишга уринган, асосан факат окилона ва одилона фикр юритган.

Хуш, бошкалар-чи? Навойшуносларнинг Узбекстондаги лашкарига нима гаи булди? Нега мум тишлаб утирибмиз? Ахир улур иш бажарилди. Мухташам бино курилди. Келинг, буни бир эплаб байрам килайлик. Ютукларимиз билан кувонайлик, нуксонларимизни бир-биримиздан упкаламай, хижо-латпазликка берилмай мухокама килиб олайлик.

Утган асрнинг 50-йилларида Самаркандга ки-риб борган хорижлик киши тарихий обидалардан хайратланарди ва кисман нураб ётган биноларни куриб жуда ачинарди. Мен хозир йигирма жилдлик каршисида ана шу у^{хшатишни} келтиришни лозим топдим...

Алишер Навой узбек миллатининг фахри экан-лиги сиртдан Караганда маълум ва аник: унинг номида вилоят, шахар бор, кутубхона, санъат саройи бор. Куплаб мактаб ва олийгохлар Алишер Навой номида. Улуглаш шунчалик-да, дермиз... Бу - хак гап. Бу чинакам улуглаш, бирок ташки улуг-лашдир.

Биз Навой едини, унинг маънавий оламини узбек миллати юрагига жо килиш учун кайгурмонимиз ке-рак. Йигирма жилдлик ана шу сохадаги жиддий ва дадил кадам булганлиги рост! Бизнинг кела-жакда руёбга чикиши мумкин булган орзуларимиз-га шу, яъни Алишер Навой «Мукамал асарлар туплами»нинг йигирма жилдлиги йирик тамал тоши булади, деб айта оламиз.

Ана шу буюк кошона сахнида ултириб, келгуси-даги миллат калбига Навой хайкалини урнатишни, шоир асарларини кунглимизга жо килиш режаларини тузиб олайлик. Ва уз-узимизга саволлар берайлик:

- Хозир Узбекистонда Алишер Навоийни олим- лар укийдиларми?

- ...шоир ва ёзувчилар укийдиларми?

- кенг китобхонлар укийдиларми?

- урта ва олий мактаб, урта бугин таълимгохлари укувчи-талабалари укийдиларми?

Ана шу суроклардан хул оса ч и кариб, сунг жавоб бермок, лозим.

Куркаманки, миллатимиз мумтоз адабиётни эс- дан чикаришга улгурмадимикаи... Нафакат Навоий ижодини...

Турри, мактаб дарслик ва мажмуаларида мумтоз адабиёт намуналари анчагина бор. Бирок, кайси укувчи уни тушунади? К,айси укутувчи тушуниб укутади? Методикаси макбулми? Бир бетдаги матн- даи элликта сузни тушунмайдиган укувчига мумтоз адабиёт ёт ходиса эмасмикаи... деган хавотирларим рост чикмасин, ишкилиб...

Албатта, бу орзую ташвишлар кейин уйланадиган «нарсалар»...

Хозир биз Навоий асарлари нашрини байрам килайлик. Шоир асарларини бундай бутун бир ум- мон тарзидаги яхлитликда томоша килиб утиришнинг узи хам кишига катта кувонч ва рурур багишлайди!

Зеро, бунда кейинги эллик йилда илм гули хисобланган фан докторларимиз ва илм захматкашларидан хисобланган фан номзодларимизнинг жуда катта ижодий гурухи мехнатлари натижаси турипти. Бу- лар фан докторлари ва академиклар: Азиз Кдюмов, Хамид Сулаймонов, Абдукодир Хайитметов, Алибек Рустамов, Порсо Шамсиев, Содир Эркинов, Иброхим Хаккулов, Фозила Сулаймонова, Мавжуда Хамидова, Эргаш Умаров, фан номзодлари Ёкубжон Исхоков, Суйима Раниева, Шарафиддин Эшонхужаев, Шара- фиддин Шарипов, Сайфиддин Рафиддинов, Марям Рахматуллаева, Тошпулат Ахмедов, Тамилла Рафур-

жонова, Дилбар Рахматова, Кдиржон Эргашеи, Алимулло Хабибуллаев, Маргуба Мирзаахмедова сингари унлаб адабиётшунослардирлар. Албатта, бу захмат ва меҳнатлари туфайли яратилган шу китоблар яшар экан, уларнинг шарафлари байроБИ хилии- раб тураверади. Навоий асарлари захматкашларига хамиша элимизнинг шон-шарафи ёБилсин.

Шулар ва ташкилотчилар ҳамда «Фан» нашриёти раҳбарияти: филология фанлари номзодлари Нари- мон Хотамов ва Умрзоқ, Зокиров ҳамда муҳарриру мусаххилари хизматларини ҳам албатта, кайта- кайта инобатга олмоқ керак.

Йигирмата китобни кагор қдлиб тизилишга- ча олиб келиш - уз-узидан буладиган иш эмас. Айникса, хозирги бозор иктисодиёти деган қонуният ҳукмронлиги даврида.

Йигирма жилдлик шундай юксак Хаварнакки, бундай бинони туркий халқлар адабиёти уз тари- хида хали- хозиргача қурмаган. Навоий қамонида Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мав- лоно Хондамир ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур бир ажойиб ҳақиқатни бир фикрда ифодалаганлар: Алишер Навоийгача ҳеч қим туркий шеърятда бу даражада яхши ва бу миқёсда қуп асарлар яратма- ган. Икки тилда айтилган бу ажойиб нуқта-фикрий қашфиёт хозиргача ҳам уз қучини сақлаб қолмоқда, десак муболага булмас.

Айникса, буюқ ҳамсанавислар сафидаги улугвор зот Абдурахмон Жомийнинг Навоий «Хамса»сига берган мислсиз баҳоси Алишер Навоийнинг Низо- мий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомийлар сафидаги мухташам урнини мангуликка белгилаб берди.

Улуглик мезони девонлар саногии билангина бел- гиланмаслиги - ту три. Чунки, биргина девони билан Хофиз Шерозий барча лирик шоирларнинг жаҳоний гултожи соҳибидир. Қуп девон тузишда Амир Хус-

рав Дехлавий номдор булса-да, хозир улар дан намуналаргина колган. Саъдий Шерозий уч девон сохнбн, Абдурахмон Жомий хам уч девон муал- лифи... Алишер Навоий эса, туркий халклар ада- биётидагина эмас, форсий адабиётда хам мислсиз намуна курсатди: ижодий мероси турт туркий ва бир форсий, яъни беш девонда жамланди. Аслида эса, унинг тузилган девонлари микдорини бирма- бир санасак, хайратларда коламиз: 1465 йилда Султон Али Машхадий тузган илк девон, етмишинчи йил- ларда шоирнинг узи тузган «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун- нихоя», 1980-йиллар охирида тузилган «Хазойин ул- маоний» (таркиби: «Еаройиб ус-сиБар», «Наводир уш- шабоб», «Бадоеъ-ул васат» ва «Фа- воид ул-кибар») девонлари туркуми ва туксонинчи йилларда тузилган «Девони Фоний» - жами саккиз девон тартиб берилган.

У рта асрлар фалсафий аклининг адабий гултож- ларидан булган Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут- тайр» достони Навоий ижодида туркий тилда кад кутарди. Мактаб дарслиги сифатида хизмат килган бу китобни ёдлаб олганидек, Навоий иккинчи бир дарслик - Саъдий «Гулистон»ига ахлокий-таълимий нуктаи назардан жуда эш булиб тушадиган хаёт дарслиги - «Махбуб ул-кулуб»ни яратди.

Ахмад Худойдод Тарозийнинг «Фунун ул- балога»сидан бехабар холда туркий тилда аруз илми рисоласини ёзди. 459 шоирнинг хаёти ва ижодидан хабар берувчи улкан тазкира яратдики, бу бевосита «Лубоб ул- албоб», «Тазкират уш-шуаро»ларнинг энг яхши анъаналарининг тажидий давоми эди.

Алишер Навоий даврида шеъриятнинг пахлавой жанри касида деган тушунча уз кучини йукотмаган эди. Шунинг учун у хам туркий, хам форсийда касидачиликнинг шундай намуналарини яратдики, устоз ва замондошлари Навоий дахосига баб-баравар тан бердилар. Унинг «Кдсидаи хилолия», «Фусули

арбаа», «Тухфат ул-афкор» касидалари туркий ва форсий адабиёт касидачилигининг курки булиб колди.

Навоий калбан Аллохга умр ва жон фидо килган суфий эди. Бунинг исботи, унинг устозига суфийлар, кутблар ва у лун авлиёлар хакида китоб ёзиш таклифи булдики, Абдурахмон Жомий «Нафахот ул-унс»ни яратди. Азиз-авлиёлар зикридан иборат булган бу асар Навоийга шу даражада ёқдики, узи хам 800 га яқин азизлар хакида «Насойим ул-мухаббат» тазкирасини ёзди...

Маълумки, суфий назарида оламда Халлок- Аллохдан бошка ҳеч иарса йук. Халк (яратилганлар) эса, Аллох кудратиининг махсули ва уша УЛУЕ К,УЁШнинг зарраларидир. Демак, Навоий назарида халкка ва Халлокка хизмат қилишда маълум маънода баробарлик бор. У умрбод Аллох ёди билан яшаб, унинг розилиги йулида барча эзгуликларни ва тоат-ибодатни бажарди; моддий бойликларининг туксон саккиз фоизини элга-халкка сочди: юздан ортик бинои хайрлар - Мадраса, масжид, касалхона, куприк, каналлар бунёд этди; хар йили 2000 кишига бошоёқ қийим улашди. Аллох розилиги йулида Навоёна идрок миллатимизга насиб этсин, Илохо...

Алишер Навоий «Мукамал асарлар туплами» йигирма жилдининг қайси бирини варакламайлик, мумтоз адабиётимиз жаннатига киргандай буламиз. Қднийди, узбек миллати Навоийдан бахраманд булолса... Навоийдан хабардорлик бахти халкимизга Навоийдан билимдонлик бахти даражасига етсайди, деб орзу қиламан...

Шу уринда Узбекистонда навоийшунослик тушунчасининг тарқалишига хам тухталгим келади. Яъни, хозиргача Узбекистонда Навоий хакидаги илм - тавсиф ва баён илми яратилди. Энди Навоийни чуқур - назарий тушуниш илмига кадам қуйиш замонни етиб келди, деб уйлайман. Турри, XX асрда Алишер Навоий асарларини нашр этишда фанимиз

мумтозлари - навоийшунослар акалли матнни ту при кучира олишда тузуккина ютукка эриша олмадилар. Чунки, хар бир китобдаги минглаб хатолар олимла- римиз савиясини «манаман!» деб салбий томондан - чопон йиртирига ухшаб узини курсатарди. Демак- ки, шоир асарлари зохирий маъносини хам идрок килишга тула эриша олмабмиз. Энди шу ишни килиш керакдир. Агар биз йигирма жилдликдаги матн хатоларига ислохлар тузсак, менимча, икки жилдча матнни кучириб, кдйтадан буниси хато, бу- ниси туБри деб курсатишга мажбур булардик.

Жахоннинг маданий халклари фани андазаси- га карайдиган булсак, нашрдаги бир китобда унта жиддий хато кетса ё ислохнома ёзилади ё ман эти- лади. Бизда эса, кейинги эллик йиллик нашр таж- рибасидан келиб чикадиган булсак, матншунослик даъвоси булган олимларимиз нашрларида хам хар бир китобда 500 дан мингтагача матн хатоси содир эти лиши одатий хол булиб колди. Дунёдаги бирор хал к чаласаводликка нисбатан биздай баррикенглик килармикан? Биз хаммамиз «Навоий ворисимиз!» деб мактанишни ёк,тирамиз. Алишер Навоий чала- савод котибларга нисбатан (олимларга нисбатан де- маётганимизга ахамият беринг!) кдндай муносабатда эди? Бир нухани кучириб бир неча нуксонга йул куйган котиб хакидаги Навоий китъасини куз олди- мизга келтирайлик:

**Еалат битир котиб бобида калам сурмагу корасииинг
ралатин юзига келтурмак**

Фалон котиб ар хатни мундоц ёзар,

Бу мансабдин ани цупормоц керак.

Юзин номасидек цора айлабон

К,аламдек бошин дат ёрмоц керак.

Кррадин цорага берибон улоц,

К,аламравдин ани чицормоц керак.

Агар Навоий тирик булганида, йигирма жилдлиги- ни мутолаа килиб, хар бир жилди минглаб нухадан

эканини билса ва хар бир жилдца 500 дан то мингта- гача хато кетганини сезса, нашрга тайёрловчи олимга нисбатан канака чора-тадбир курган булар эди...

Демак, Абдулла Ориповнинг мулохазаси хам биз- га нисбатан холва булиб колмайдими? Кдхрамон шо- иримиз ёзган эди: «Мен навоийшунос деган терминга каршиман. Чунки, бу шундай катта бахри мухитки, унинг денгизлари бор. Шунинг учун, «Лайли ва Мажнун»шунос, ё «Фарход ва Ширин»шунос булиш мумкин. «Чор девон» бир умр урганилса кам».

Хозирги, Навоий асарлари нашри, насрий баён- лари ва Навоий ижоди хакида ёзилган макола ва ки- тоблардан шундай хулосага келдимки, Узбекистонда Навоий асарлари зохирий маъно-мазмунини идрок этиш санокли одамлар бахти экан, холос. Холбуки, **Навоийни Миллат дахоси, Халк дахоси, Халк; ак;ли-и дроки, виждони даражасига кутариш зиёли- лар ва давлатнинг бурчидир.**

Хозирги дин тарихи ва диний-исломий асарлар тахлилий нашрларини кузатар эканман, Навоий асарлари нашри ва уларнинг илмий тахлили хам чи- накам юксак даражага етишига кузим етади. Факат, бунинг учун бу сохадаги Давлат дастурини ишлаб чикиш такососи бор. Зеро, Алишер Навоий ижоди- ни урганишнинг унлаб погоналари борки, буни кенг мулохаза майдонига олиб чикиш зарур:

биринчидан, Навоийнинг миллий-маданий идеал ва фахр даражасини аниклаб, урнини белгилаш;

иккинчидан, богчадан бошлаб, борча боласи ту- шунадиган тилда шоиримиз асарларини болажонлар калбига етказиш;

учинчидан, урта умумтаълим мактабларида Алишер Навоий ижодини янада чукур урганиш учун машхур навоийшунослар ва мактаб уқитувчилари хамда ёзувчилар хамкорлигида уқувчибон Навоий асарларини яратиш;

туртинчидан, академик лицейлар, коллеж ва гимназиялар талабаларига укиш имконини берувчи Навоий асарларини тайёрлаш;

бешиичидаи, олий филологик университетлар талабаларининг Навоийни хар томонлама урганишлари шароитини яратиш. Бунинг учуй Навоий асарлари мукамал лугатини тузиш; Навоий матишунослиги ва поэтикаси тадқиқотларига талаба, магистр, аспи-рантлар, профессор-укитувчиларни жалб этиш;

олтинчидан, академия илмий-тадқиқот институт-лари мутахассислари иштирокида Навоий ижодини куп томонлама илмий тадқиқ этишни таъминлаш; «Навоий комуси» нашрини тезлаштириш ва уни за-мон талаби даражасида бажариш;

еттинчидан, Навоий ижодидан умумхалк бах,ра-мандлиги муаммосини х;ал қилиш. Бунинг учун шоир асарларини хозирги узбек тилидаги насрий баёнлари савиясини юксалтирган холда нашр этиш;

саккизинчидан, Навоий дostonларини жаирини сак-лаган холда хозирги тилда ифодалаш, яъни табдилини бажариш;

тулкизинчидан, Навоий газалларини хам жанри-ни саклаган холда табдиллаштириш;

унинчидан, Навоий шеърятининг колган жанр-ларини хам гоҳ таржима, гоҳ табдилда хозирги адабий тилда ифодалаш зарур.

Х,озиргидек, Навоий ижоди билан танишиш мак-таб дарслик ва мажмуалари доирасида колар экан, бу ахволга хар бир зиёли каттик кайгурмоги жоиз. Аллох бизга Алишер Навоийдек шахе ва адабий дахони берган экан, узбек халки узини унинг во-риси хисоблар экан, меросдан бахрамандлик бахти хар бир **узбекман деган киши** учун насиб этишини таъминлаш давлат ва зиёлиларимизнинг энг олийжа-ноб бурчлари булиб колаверади.

НАВОИЙ КИТОБИ УЗРА МУК ТУШИВ...

Навоий дахрси	3
«Илк девон»дан «Хазойин ул-маоний»гача	13
«Хамса»нинг панд-насихат достоин	22
Буюк мехнатнома	30
Мажнунлик - ижтимоий фожа	36
Жозибали ва фожиали саргузаштлар достони (ёки огохликка чорлов)	40
Искандар хикматномаси	45
Фаридиддин Аттор ва Алишер Равоий	51
Буюк ижоднинг жон томирлари	60
«Бадоеъ ул-бидоя» девони хакида	65
Алишер Навоий кунгил куйган санам	72
Разал сурури	76
«Лисон уг-тайр» беш юз ёшда!	81
Дах,о абадияти	86
Суз жах,онгири	94
Жавохирлар шодаси	101
Алишер Навоийнинг буюк ихтироси	105
Миллат кони ва жони, унинг тили ва адабиётидадир	109
Нуктадонлик санъати	114
«Эмас осон бу майдон ичра турмок...»	121
Эртак мукаддимаси - фард нуктаси	125
Шеър - фикр математикаси	128
«Фархдц ва Ширин» достонининг тожикча жаранги	131

БОБУРШУНОСЛИК

Ютуцлар ва долзарб масалалар	140
Шох, адиб ва шоир - Захириддин Мухаммад Бобур	148
Хазон сайри ва разал сурури	205
Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур	215
Бир мудхиш тарихий фожа сирини	219
БаБишлов Базал	223
Андижонлик Бариб... шох Бобур	227
Мумтоз сохир санъаткор	235

МУМТОЗ С^З МАСЪУЛИЯТИ

МатншунослитимизинБ долзарб масалалари	242
Олимона идрок ва шоирона илхом та^озоси	283
Текстологик тахрир масаласи	292
Матн хакикати	298

Матншунослик - заковат ва идрок илми	307
Матн тафовутлари ва аслият хақиқати	317
Абгор байтлар	330
Суз Балат, имло Балат, лубат Балат, маъно Балат	344
Бегона байт	353
Бир сузнинг кудрати	367
«Ах л и жунун зумраси Ба кирди илоҳ,ий»	371
Матншуносликдан амалий мушоҳадалар	377

Адабий-бадиий нашр ВАХОБ РАХМОН

МУМТОЗ СУЗ СЕХ.РИ

(Мақ,олалар туплами)

Мухаррир	<i>Р. Субҳ,он</i>
Рассом	<i>У. Сулаймонов</i>
Бадиий муҳаррир	<i>Х-Кутлуцов</i>
Техник муҳаррир	<i>Л.Хижова</i>
Мусаххих	<i>Ш.Шоабдурацимова</i>
Кичик муҳаррир	<i>Д.Холматова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>Ф.Ботирова</i>

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009. Босишга 2015 йил 28 сентябрда рухсат этилди. Бичими 84x108⁷/₃₂. Офсет корози. «Virtec Peterburg; гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табоги 23,10. Нашр табови 19,26. Нусхаси 2000. Буюртма №15-682.

Ўзбекистан Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кучаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10. e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz www.iptd-uzbekistan.uz



Baxoó
PAX, MOH

¡W ymmo?
Б93 CEхrii *

OZBEKISTON



ISBN 978-9943-28-390-9



9 789943 283909